

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Н.ХЎЖАЕВ, Д.ТОЖИБОЕВА, Б.МАМАРАХИМОВ, Н.ШОМУРОТОВА**

## **КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими  
ўқув методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш  
томонидан “Касбий таълим(Иқтисодиёт)” таълим йўналиши талабалари  
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**ТОШКЕНТ – 2007**

## **Касбий таълим методикаси**

### **Ўқув қўлланма**

**Н.Хўжаев, Д.Тожибоева, Б.Мамарахимов, Н.Шомуротова.**  
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Тошкент, 2007.**

Мазкур қўлланма касбий таълим методикаси фанини ўқитишида қўлланиладиган услублар, мисоллар, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан ёритилган. Маъруза матни тайёрлаш намунаси ва семинар дарси ўтишнинг услубий кўрсатмалари берилган. Қўлланмада касбий таълим методикаси фанидан дарс ўтишни ташкил этиш ва ўқитишида хозирги замон интерфаол услубларидан кенг фойдаланишга ёрдам беради. Худди шунингдек, қўлланмада касбий таълимни ўқитишида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўлланма касбий таълим йўналишидаги талабалар ва иқтисодий фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларга мўлжалланган.

В учебной пособие освещены методы, примеры, современной педагогической и информационной технологии, применяемые в обучении методики профессионального обучения. Даны образцы оформления лекции и методики проведения, семинарных занятий. Данная учебное пособие способствует к организации занятий по предмету методики профессионального обучения и помогает к применению современных интерактивных методов. А также, в учебной пособии особое внимание удалено к организации самостоятельных работ студентов.

Учебное пособие предназначена студентам обучающиеся предмет методики профессионального обучения и преподавателям обучающих экономику.

In educational the manual methods, examples, the modern pedagogical and information technologies used in training of a subject of a technique of vocational training are covered. Samples of registration of lecture and a technique of carrying out, семинарных employment{occupations} are given. Given manuals promotes to the organization employment{occupation} in a subject of a technique of vocational training and helps to application of modern interactive methods. And also, in the grant{manual} the special attention is removed to the organization of independent works of students.

The grant{manual} it is intended to students techniques of vocational training training a subject and to teachers training economy.

	<b>МУНДАРИЖА</b>	
	<b>КИРИШ</b>	9
<b>1 боб.</b>	<b>Касбий таълим методикаси (услубиёти) курсининг предмети, вазифалари ва илмий асослари</b>	12
1.1.	Касбий таълим методикаси курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.	12
1.2.	Услубиёт (методика)нинг вазифаси	13
1.3.	Дидактика, унинг тамойиллари ва ўқув жараёнини ташкил этиш	13
<b>2 боб.</b>	<b>Дарс ўтишда қўлланиладиган услублар</b>	23
2.1.	Дарсларни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб бориш услуби	23
2.2.	Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш услуби	28
2.3.	Касбий фанларни ўрганишда тадқиқот услуби	43
2.4.	Дарс ўтишда «Ақлий штурм» услугуни қўллаш	52
2.5.	Дарс ўтишда масала, машқ ва тестлардан фойдаланиш	54
2.6.	Иқтисодий фанларни ўрганишда эссе ёзишнинг роли	62
<b>3 боб.</b>	<b>Касбий фанларни ўрганишда қўлланиладиган услублар</b>	66
3.1.	Ўқув жараёнида турли педагогик услубларни қўллашнинг зарурияти	66
3.2.	Дарс ўтишда қўлланиладиган асосий услублар	69
<b>4 боб.</b>	<b>Маъруза ва унга қўйиладиган асосий талаблар</b>	73
4.1.	Маъруза хақида тушунча	73
4.2.	Маърузанинг функциялари ва унга қўйиладиган талаблар	74
4.3.	Маърузада реал фактлар маълумотларнинг ўрни	75
<b>5 боб.</b>	<b>Семинар машғулотларига тайёргарлик қўриш ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрни</b>	78
5.1.	Семинар дарси ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрни	78
5.2.	Семинар дарсига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш (семинар дарси ўтишга доир услубий қўрсатмалар)	82
<b>6 боб.</b>	<b>Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш</b>	89
6.1.	Ўқув жараёнида назоратнинг ўрни ва роли, назорат шакллари	89
6.2.	Талабалар билимини синаш ва баҳолаш	91
<b>7 боб.</b>	<b>Фанни ўрганишда қўргазмали қурол ва техник воситалардан фойдаланиш</b>	97
7.1.	Қўргазмали қуроллар ва уларни танлаш	97
7.2.	Техник воситалар ва улардан ўқув жараёнида фойдалиш.	99
7.3.	Проектор билан ишлаш	100
<b>8 боб.</b>	<b>Таълим тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги</b>	102
8.1.	Ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги	102
8.2.	Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш асоси эканлиги	104
8.3.	Таълим жараёнида виртуал стендларни қўллаш	107
<b>9 боб.</b>	<b>Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва</b>	110

<b>таълим узлуксизлиги</b>	
9.1. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва таълим узлуксизлиги	110
9.2. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими	114
9.3. Таълим тизимини бошқариш	116
<b>10 боб. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари.</b>	
<b>Рейтинг тизими</b>	<b>118</b>
10.1. Таълим жараёнини технологиялаштириш	118
10.2. Рейтинг тизими	120
10.3. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари	123
10.4. Чет эл олимларининг педагогик технологиялар тўғрисидаги фоялари	128
<b>11 боб. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш</b>	<b>132</b>
11.1. Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишини ташкил қилиш	132
11.2. Курс иши ва илмий доклад - мустақил ишининг асосий шакли	135
<b>12 боб. Илмий педагогик тадқиқот методлари. Педагогик жараён ва мутаҳассислик</b>	<b>140</b>
12.1. Тарбия жараёнида миллий онгнинг шаклланиши	140
12.2. Тарбия жараёнининг ўзига хос томонлари	141
12.3. Илмий педагогик тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўганишдаги ўрни	142
12.4. Илмий тадқиқот усувлари	143
<b>13 боб. Педагогик маҳорат асослари.</b>	<b>146</b>
13.1. Педагогик маҳорат ҳакида тушунча	146
13.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар	149
13.3. Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш	156
13.4. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологиянинг моҳияти	158
13.5. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи	161
<b>14 боб. Касбий таълимда янги педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари</b>	<b>166</b>
14.1. Таълим тизимида янгиликлар	166
14.2. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза	167
14.3. Таълимда технологик ёндашиш вариантлари	173
14.4. Педагогик технологияларнинг туркумланиши	175
14.5. Таълим технологияларнинг босқичлари ва унинг методикаси	180
<b>15 боб. “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш методикаси</b>	<b>185</b>
15.1. “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш	185
15.2. “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини ўқитишда мақсадли дифференциал технологияларни қўллаш Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	187
	190

<b>СОДЕРЖАНИЕ</b>	
<b>ВВЕДЕНИЕ</b>	<b>9</b>
<b>1 глава Предмет, задачи, научные основы курса «Методика преподавания экономических дисциплин»</b>	<b>12</b>
1.1. Предмет, цель, задачи курса «Методика преподавания экономических дисциплин»	12
1.2. Задача методики	13
1.3. Дидактика, её принципы, организация процесса обучения	13
<b>2 глава Методы, применяемые в процессе занятия.</b>	<b>23</b>
2.1. Метод проведения занятия на основе точно направленных вопросов	23
2.2. Метод проведения занятия путем деления на пары или малые группы	28
2.3. Исследовательский метод в изучение профессиональных дисциплин	43
2.4. Применение на занятии метода «Мозговой штурм»	52
2.5. Использование задач, упражнений, тестов	54
2.6. Роль написания эссе в изучении экономических дисциплин	62
<b>3 глава Методы, применяемые при изучении профессиональных дисциплин.</b>	<b>66</b>
3.1. В процессе преподавания необходимость применения разнo педагогические методы	66
3.2. Основные методы, применяемые при проведении занятий	69
<b>4 глава Лекция и основные требования, предъявляемые к ней.</b>	<b>73</b>
4.1. Понятие о лекции	73
4.2. Функции лекции, требования, предъявляемые к лекции	74
4.3. Роль реальных фактов и сведений в лекции	75
<b>5 глава Подготовка к семинарским занятиям и их роль в учебном процессе.</b>	<b>78</b>
5.1. Семинарское занятие и его роль в учебном процессе	78
5.2. Подготовка и проведение семинарского занятия	82
<b>6 глава Контроль и оценка знаний студентов</b>	<b>89</b>
6.1. Место и роль контроля в учебном процессе, формы контроля	89
6.2. Проверка и оценка знаний студентов	91
<b>7 глава Использование наглядного оборудования и технических средств в изучении курса</b>	<b>97</b>
7.1. Выбор наглядного оборудования	97
7.2. Технические средства и их использование в учебном процессе	99
7.3. Работа с проектором	100
<b>8 глава Эффективность использования информационных технологий в структуре обучения</b>	<b>102</b>
8.1. Эффективность использования информационных технологий и технических средств	102
8.2. Программированное обучение компьютерных технологий	104

8.3.	Использование виртуальных стендов в процессе обучения	107
<b>9 глава</b>	<b>Национальная модель подготовки кадров и непрерывность образования</b>	<b>110</b>
9.1.	Национальная модель подготовки кадров и непрерывность образования	110
9.2.	Непрерывность структуры образования в Узбекистане	114
9.3.	Управление системой образования	116
<b>10 глава</b>	<b>Степень усвоения студентов в процессе обучения. Система рейтинга</b>	<b>118</b>
10.1.	Технологизация процесса обучения	118
10.2.	Система рейтинга	120
10.3.	Степень усвоения студентов в процессе обучения	123
10.4.	Учения зарубежных ученых о педагогической технологии	128
<b>11 глава</b>	<b>Организация самостоятельной работы студентов</b>	<b>132</b>
11.1.	Организация самостоятельной работы студентов в процессе обучения	132
11.2.	Курсовая работа, научный доклад – основная форма самостоятельной работы	135
<b>12 глава</b>	<b>Научно-исследовательские педагогические методы. Педагогический процесс и специальность</b>	<b>140</b>
12.1.	Формирование национального сознания в процессе воспитания	140
12.2.	Особенности процесса воспитания	141
12.3.	Роль научно-исследовательских педагогических методов при изучении научных источников	142
12.4.	Научно-исследовательские методы	143
<b>13 глава</b>	<b>Особенности новых педагогических технологий в профессиональном образовании</b>	<b>146</b>
13.1.	Новые достижения процесса обучения	146
13.2.	Педагогическая технология: анализ, синтез, размышления	149
13.3.	Варианты технологического подхода в обучении	156
13.4.	Классификация педагогических технологий	158
13.5.	Этапы образовательной технологии и ее методика	161
<b>14 глава</b>	<b>Основы педагогического мастерства</b>	<b>166</b>
14.1.	Понятие о педагогическом мастерстве	166
14.2.	Требования, предъявляемые к личности учителя в произведениях Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова	167
14.3.	Совершенствование технологии процесса обучения	173
14.4.	Сущность педагогической технологии на новом этапе развития образования	175
14.5.	История развития концепции педагогической технологии	180
<b>15 глава</b>	<b>Методика применения новой педагогической технологии при изучении темы: «Бизнес и предпринимательство»</b>	<b>185</b>
15.1.	Использование новой педагогической технологии при изучении темы: «Бизнес и предпринимательство»	185
15.2.	Применение целевой дифференциальной технологии при изучении темы: «Бизнес и предпринимательство»	187

<b>CONTENTS</b>		
<b>INTRODUCTION</b>		9
<b>1 chapter</b>	<b>A subject, tasks, scientific bases of a rate " Technique professional education "</b>	<b>12</b>
1.1.	Subject, purpose, task of a rate " Technique professional education"	12
1.2.	Task of a technique	13
1.3.	Didactic principles, organization of process of training	13
<b>2 chapters</b>	<b>Methods used during employment (occupation).</b>	<b>23</b>
2.1.	Method of realization of employment (occupation) on a basis of the precisely directed questions	23
2.2.	Method of realization of employment (occupation) by division into pairs or small groups	28
2.3.	Research method in study of professional disciplines	43
2.4.	Application on employment (occupation) of a method "Brain storm"	52
2.5.	Use of tasks, exercises, tests	54
2.6.	Role of a spelling of an essay in study of economic disciplines.	62
<b>3 chapters.</b>	<b>Methods used at study of professional disciplines</b>	<b>66</b>
3.1.	During teaching necessity of application different pedagogical methods	66
3.2.	Basic methods used at realization of employment (occupations)	69
<b>4 chapters</b>	<b>Lecture and basic requirements showed to her</b>	<b>73</b>
4.1.	Concept about lecture	73
4.2.	Function of lecture, requirements showed to lecture	74
4.3.	Role of the real facts and items of information in lecture	75
<b>5 chapters</b>	<b>Preparation for seminar employment(occupations) and their role in educational process</b>	<b>78</b>
5.1.	Seminar employment (occupation) and his (its) role in educational process	78
5.2.	Preparation and realization of seminar employment (occupation)	82
<b>6 chapters</b>	<b>The control and estimation of knowledge of the students</b>	<b>89</b>
6.1.	Place and role of the control in educational process, form of the control	89
6.2.	Check and estimation of knowledge of the students	91
<b>7 chapters</b>	<b>Use of the evident equipment and means in study of a rate</b>	<b>97</b>
7.1.	Choice of the evident equipment	97
7.2.	Means and their use in educational process	99
7.3.	Job with a projector	100
<b>8 chapters</b>	<b>Efficiency of use of information technologies in structure of training.</b>	<b>102</b>
8.1.	Efficiency of use of information technologies and means	102
8.2.	Programme training of computer technologies	104
8.3.	Use of virtual stands during training	107

<b>9 chapters</b>	<b>National model of training of personnel and continuity of education</b>	<b>110</b>
9.1.	National model of training of personnel and continuity of education	110
9.2.	Continuity of structure of education in Uzbekistan	114
9.3.	Management of system of education	116
<b>10 chapters</b>	<b>A degree of mastering of the students during training. System of a rating.</b>	<b>118</b>
10.1.	The technology of process of training	118
10.2.	System of a rating	120
10.3.	Degree of mastering of the students during training	123
10.4.	Doctrine foreign scientific about pedagogical technology	128
<b>11 chapters</b>	<b>Organization of independent job of the students.</b>	<b>132</b>
11.1.	Organization of independent job of the students during training	132
11.2.	Course job, scientific report - basic form of independent job	135
<b>12 chapters</b>	<b>Research pedagogical methods. Pedagogical process and speciality.</b>	<b>140</b>
12.1.	Formation of national consciousness during education	140
12.2.	Feature of process of education	141
12.3.	Role of research pedagogical methods at study of scientific sources	142
12.4.	Research methods	143
<b>13 chapters</b>	<b>Features of new pedagogical technologies in vocational training.</b>	<b>146</b>
13.1.	New achievement of process of training	146
13.2.	Pedagogical technology: the analysis, synthesis, reflection	149
13.3.	Variants of the technological approach in training	156
13.4.	Classification of pedagogical technologies	158
13.5.	Stages of educational technology and its (her) technique	161
<b>14 chapters</b>	<b>Bases of pedagogical skill.</b>	<b>166</b>
14.1.	Concept about pedagogical skill	166
14.2.	Requirements showed to the person of the teacher in products of the President of Republic of Uzbekistan I.A.Karimov	167
14.3.	Perfection of technology of process of training	173
14.4.	Essence of pedagogical technology at a new stage of development of education	175
14.5.	History of development of the concept of pedagogical technology	180
<b>15 chapters</b>	<b>A technique of application of new pedagogical technology at study of a theme: "Business and manufactures"</b>	<b>185</b>
15.1.	Use of new pedagogical technology at study of a theme: "Business and manufactures"	185
15.2.	Application of target differential technology at study of a theme: "Business and manufactures"	187

## К И Р И Ш

Бугунги кунда мамлакатимиз ўзини оқлай олмаган «режалаштириш» иқтисодиётидан аста-секинлик билан, қадам-бақадам бозор иқтисодиётига ўтиб бормоқда. Бу йўлнинг тўғри эканлигини дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти мисолида кўриб турибмиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларини жорий қилиш, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, модернизациялаштириш ва ҳокозолардир. Бу муаммоларни тўла-тўқис ҳал қилиш талаба-ёшларнинг, яъни ҳозирда мактабларимизда таълим олаётган ўқувчиларнинг зиммасига тушади. Улар бу ишларни уddасидан чиқа олишлари учун тинмай изланиши, ўқишлари ва ўрганишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси учун юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бунинг учун умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, гимназия, лицей ва коллежларнинг талабалари иқтисодий билим асосларидан боҳбар бўлишлари, иқтисодий назария, маркетинг, менежмент тадбиркорлик тушунчалари билан таниш бўлишлари зарур. Ўзбекистон ёш, ривожланаётган давлатлар ичida биринчилардан бўлиб, таълим тизимини ислоҳ қилишга киришди. Республикаизда кадрлар тайёрлаш бўйича 1997 йилда «Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси босқичма-босқич бозор иқтисодиётига асосланган очиқ фуқаролик жамият ва хукукий демократик давлат барпо этиш йўлидан сабитқадамлик билан бормоқда. Ўзбекистон тараққиёт ва ислоҳотларнинг, хусусан таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг ўзига хос жаҳон ҳамжамияти томонидан такрорланмас деб тан олинган йўлини танлади.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан республикаизда иқтисодий фанларни ўрганишга алоҳида дикқат каратила бошланди. Мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида иқтисодий билимлар ўргатила бошланди. Шу билан бирга иқтисодий фанлардан дарс берадиган мутахассислар, иқтисодчи-педагоглар тайёрлашга киришилди. Шу мақсадда таълим тизимининг барча жабҳаларида иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси курси бўйича таълим бериш асосий вазифа бўлиб қолди.

Иқтисодчи-педагоглар тайёрлашда касбий таълим методикаси фани ва уни ўқитиш услубини ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Чунки, касбий фанларни чуқур билмай туриб, бошқа иқтисодий фанларнинг ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам иқтисодчи-педагогларнинг ўзлари бу фанни яхши билибгина қолмай, келажакда анна шу фанни талабаларга ўргатиш малакасига ҳам эга бўлишлари керак.

Касбий таълим методикаси фанини ўрганиш бир жиҳатдан осон кўринса-да, иккинчи томондан анча мураккаб бўлиб, кучли иродада ва сабр тоқатли бўлишни тақозо қиласди. Таникли иқтисодчи олим Р.Л.Хайлбронер таъкидлаганидек, бу фанни ўрганиш учун туждек бардошли, авлиёдек сабр тоқатли бўлиш керак.

Маълумотлар, далиллар ўзгаришининг қандай натижага олиб келиши, улар асосида тўғри хулоса чиқаришни ўрганиш касбий фанларнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Иқтисодий фанларни ва “Иқтисодий фанларни ўқитиш услубиёти (методикаси)” курсини ўрганиш талабалар, ўқитувчиларга иқтисодий ҳодисалар, жараёнларнинг иқтисодий мазмунини таҳлил қилиш, ҳамда умумлаштирувчи хулоса чиқаришни қай тарзда амалга ошириш йўл-йўриқларини ўргатади.

Маълумки, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадини келажакда амалга оширадиганлар ёшлар, яъни ҳозирги талабалардир. Шунинг учун ҳам жамиятнинг келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан қай даражада камол топишларига боғлик.

Жамият тараққиёти даражаси, ахборотни ҳаддан зиёд кўплиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар умуман олганда ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатдики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолай оладиган, айни шу вазият учун тўғри қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб, дарс ўтиш етарли эмас.

Ҳозирги пайтда тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўниикмасини ҳосил қилиш объективизаруратга айланди.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўз навбатида ишчи кучи малакаси, маҳоратини юқори бўлишини, ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилевчан бўлишни талаб этади. Бунинг учун талабаларни мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш лозим. Шунинг учун жаҳон педагогикасида диққат талабаларда ана шу хислатлар, кўниикмаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив методларини қўллаш ижобий натижага беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзида амалга оширишга, айниқса талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Бугунги Олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири – Олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган Фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилинмаганидир.

Ўқув юртларимизни битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермаслиги кўзга ташланмоқда. Таълим соҳасида халқаро меъёрлар ва андозалар асосида давлат стандартларини ишлаб чиқмаганлигимиз, шунга қараб, ўқув юртларини замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаб керакли моддий база туғдириб бермаганимиз, авваламбор, ўқув дастурлари эскича қолиб кетаётгани бугун тайёрланаётган мутахассислар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам Олий ўқув юртлари ислоҳотларини амалга ошираётганда мана шу ҳолатлардан чиқаётганбаъзи бир нуқсонларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Биринчидан, Олий ўқув юртларини битираётганлар қандай талабларга жавоб беришини аинқлаб олишимиз лозим.

Иккинчидан, билимга чанқоқ, билим олишни ўзининг Олий мақсади қилиб қўйган истеъдодли болаларни топиш, танлаш, қабул қилишда объектив, адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиши учун барча замонавий имкониятларни яратиб беришимиз керак.

Учинчидан, Олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши лозимлигини белгилаб олишимиз керак.

Шу жумладан, ҳозир тайёрланаётган 90-100 тага яқин мутахассисликдан қайси бири керагу, қайси бири керак эмаслигини ва Янги замон талаб қилаётган Янги мутахассисликларни аниқлаб олишимиз лозим.

Зарур мутахассисликлар бўйича давлат буюртмасини белгилаб олишимиз зарур бугунги кунда 21 мингдан ортиқ талабани давлат буюртмаси асосида (бўйича) Олий ўқув юртларига қабул қилиш белгиланган. Шу борада жиддий ўйлаб, қайси соҳаларга қанча давлат гранти берилади, қайси Олий ўқув юртида, қайси мутахассисликлар тайёрланади-шуни аниқлаб олиш ва шунга яраша давлат маблағини ажратиш зарур. Шу билан бирга, контракт асосида, яъни ўзининг хисобидан билим ва мутахассислик олмоқчи бўлганларнинг ҳам режаларини аниқлаб олишимиз зарур.

Тўртинчидан, замон талабларига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртлиримизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

Ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг таъминоти ва иш ҳақи ҳам шу жумладан.

Бешинчидан, ўқув дастур ва программаларини замонавий талабларга мослаштириб, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган холда тузатиб олишимиз лозим ва жорий этишимиз лозим.

Бугунги Олий ўқув юртларининг дипломи билан ҳаётга кираётганларнинг ишни ташкил қилиш, маъмурий соҳаларда, маркетинг ва менежмент, педагогика, бошқару, ижтимоий психология ва социология каби фанларда заиф томонлари алоҳида эътибор талаб қиласди.

Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги Олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлаларни чақиришни йўлга қўйишимиз керак. Энг муҳим масалалардан бири шуки, домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шарт-шароит туғдиришимиз керак. Шуларга амал қилиб Узбекистон Республакасида «Устоз» фонди ташкил этилган. Бу фонд таълим соҳасида – ривожланганхорижий мамлакатлар билан тажриба алмашиниш, нуфузли Олий ўқув юртлари (университетлар) билан илмий алоқалар, малака ошириш ва стажировкалар ўтишни ташкил қилишда муҳим рол ўйнайди.

## **1 боб. КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ (УСЛУБИЁТИ) КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ.**

Режа:

1. Касбий таълим услуби курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Услубиёт (методика)нинг вазифаси.
3. Дидактика, унинг тамойиллари ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

### **1.Касбий таълим услуби курсининг предмети, мақсади ва вазифалари**

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда ёшларга таълим ва тарбия беришга алоҳида дикқат эътибор қаратилмоқда. Ёшлар бизнинг келажагимиз меваси қандай бўлиши эса ҳозирги кундаги парваришимизга боғлиқ. Таълим-тарбия жамият тараққиётининг асосидир. Чунки, инсон жамиятдаги барча муносабатлар, алоқаларнинг марказида туради.

Фан-техника ва ахборотдаги революция инсон, унинг илмий-маърифий потенциалини ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айлантириди. Келажакда эришишимиз лозим бўлган буюк мақсадларга етишиш учун энг аввало юқори малакали, замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашимиз керак.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва 1997 йилдан кучга кирган кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича бутун таълим тизими ислоҳ қилинар экан, асосий дикқат анна шундай кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Ҳозирги даврда ўқув жараёнини ташкил этиш ўқитувчидан фақат чуқур билимгина эмас, балки педагогик маҳоратга эга бўлишлари, дарс беришнинг турли услубларини билиш ҳамда ўз устида тинмай ишлашлари (изланишлари)ни талаб қиласди. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти асосини иктисодий фаолият ташкил этар экан, у албатта ҳар бир одамдан касбий фикрлашга ўрганишни тақозо этади. Айниқса, бозор иктисодиётiga ўтиш билан бу талаб янада кучаяди. Шунинг учун ҳам фарзандларимизда ёшлидан бошлаб иктисодий фикрлашни ўрганишлари учун, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб иктисодий билим асосларини ўрганишга киришилди.

Олий ўқув юртининг талабалари, айниқса иктисодий йўналишдаги ўқув юртининг талабалари эса касбий фикрлашни ўрганибина қолмай, балки кенг доирадаги иктисодий муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, иктисодий ривожланиш тенденцияларга баҳо бериш, бу ўзгаришлар келажакда қандай натижага олиб келишини кўз ўнгига келтира билишни ўрганиши зарур.

Бунинг учун эса касбий таълим услубиёти фанини чуқур ўрганиш зарур. Шунинг учун ҳам талабалар касбий таълим методикаси фанидан билим беришда тўғри методик услугуб танлаш муҳим аҳамиятга эга. Дарс ўтишда тўғри услугуб танланмаса, назарий жиҳатдан ўқитувчининг билими қанча юқори бўлишидан қатъий назар кутилган натижани бермайди. Ўқитувчининг билими педагогик моҳирлик билан қўшилгандагина ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мумкин. Бунинг учун аввал ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли услубларини ва уларни қўллашни билиши керак. Касбий таълим методикаси

(услубиёти) айнан ана шу мақсадга қаратилған. У касбий фанларни ўрганишда қўлланиладиган метод (услуб)лар ва уни дарс жараёнида қўллаш йўлларини ўргатади. Метод (юонча metodos - тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот) – деганда воқеликни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари тушунилади. Одатда методика (услубиёт) деганда илмий билиш фаолиятининг шакллари ва усуллари мажмуи тушунилади. Шундай қилиб методика ўкув жараёнини ташкил қилиш шакллари, услублари, қонунлари-қоидалари ўрганади.

Дарс бериш методикаси (услубиёти)нинг предмети бу дарс бериш (ўқитиш) жараёнини ўзидир.

## **2. Услубиёт (методика)нинг вазифаси.**

Услубиёт (методика) педагогиканинг таркибий қисми (педагогика юонча paidagogikos) бўлиб, инсонни шакллантиришда муайян мақсад сари қаратилған систематик фаолият тўғрисидаги, ҳамда таълим – тарбия беришнинг мазмuni, шакли ва методлари (услублари) ҳақидаги таълимотdir.

Методологик билим, биринчидан, муайян фаолият турларининг мазмунни ва изчиллигини ўз ичига олган одат ва нормалар шаклида, иккинчидан, амалда бажарилған фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Методика қисқача қилиб айтганда маълум бир фанни ўқитиш услублари ҳақида тўғрисидаги таълимот. Касбий фанларни ўқитиш методикаси (услубиёти) эса шу фанни ўрганади.

Бошқача айтганда, услубиёт (методика) – бу дарс ўқитишида ўқитувчига қўйиладиган талаларни реализация илишни амалга оширадиган турли услубларнинг мажмуидир.

Касбий таълим методикаси (услубиёти) курсининг вазифалари:

- талабаларга касбий таълим методикасини чукур ўргатиш, уларни таҳлил қилиш;
- иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш ва хulosалар чиқариш;
- фанни ўрганишда қўлланиладиган услублар ва уларни тўғри танлай билишни ўрганиш;
- бу услублардан ўз фаолиятида моҳирлик билан фойдаланишни ўрганиш кабилардан иборат.

## **3. Дидактика, унинг тамойиллари ва ўкув жараёнини ташкил этиш.**

Касбий таълим методикаси фанини, умуман олганда барча фанларни ўрганишда дидактик тамойиллар мухим ўрин тутади.

Дидактика (юонча – didaktikos – ўқитадиган, ўргатадиган) – педагогиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид соҳаси. Дидактика талабаларнинг билим олиш ва шу билиш мазмунига, уни ўзлаштириш ва кўнкималар хосил қилиш жараёнини ташкил қилишга оид ҳамма масалаларни ўрганади.

Дидактика термини, дастлаб XVII асрда чех педагоги Я.А. Каменский томонидан ишлатилган. У «Буюк дидиктика» асарлари (1657 йил) дидактиканинг асосий масалаларини ишлаб чиққан. XIX аср ўрталаридан педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида кўп мамлакатларда ўрганила бошланади. Ўзбекистонда дастлаб жадид мактабларида дидактиканинг принципларини (тамойилларини) ишлаб чиқишига ҳаракат қилинган.

Ҳозирги кунда дидактика соҳаси аввалги эришилган ютуқларни сақлаб қолганни ҳолда янгиликлар билан бойитилиб, Янги босқичга қўтарилимоқда. Бунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро нотижорат фондлари ва ташкилотлари катта ёрдам бермоқда. Жумладан, очик Жамият институти Кўмак жамғармасининг Ўзбек Ваколатхонаси (Сорос фонди) IREX, ТАСИС ва хакозолар.

Мамлакатимизда дидактика тарбиядан алоҳида ҳолда қаралмайди. У ёшларни тарбиялашдаги умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Ёшларга таълим бериш жараёни жамият тараққиёти, фан-техника тараққиёти, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, мақсадининг ўзгариши, дидактика принциплари, услублари ва ташкилий шакллари ҳам ўзгаришга, ривожланишига сабаб бўлади.

Дидактика принциплари ўз навбатида ўқитиш, таълим бериш услубларини ва ташкилий шаклларини ҳам белгилаб беради.


Таълим бериш (дидактика)нинг асосий принциплари қуйидагилар:

- илмийлик ва объективлик;
- назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
- мутахассислар тайёрлашда изчиллик ва системалик (тизимлилик);
- ўқув жараёнида талабаларнинг онглилиги, фаоллиги ва мустақил фикрлай билиши;
- индивидуал илмий изланишларни талабалар груҳи, жамоаси, ўқув жараёни билан бирга қўшиб олиб бориш;
- талабалар олган билим ва кўникмаларни пухталилиги;
- берилаётган билимнинг талабаоплиги;
- ўқув жараёнининг барча шаклларида таълим ва тарбиянинг бирлиги;

Дарс беришнинг шакллари, услублари турли туман. Дарснинг қандай шаклда олиб борилиши бу мақсад эмас. Мақсад ўтилаётган дарс ҳар бир талабанинг онгига етиб борсин. Бу ерда ҳал қилувчи ролни дидактик саккиз бурчак ва ўқув жараёнининг мазмуни ўйнайди.

Схемадан кўриниб турибдики, ўқув жараёнининг қандай ўтилиши қўйилган мақсад ва уни амалга оширилишининг бирлигидан иборат. Агарда ўқитувчи дарс берувчи сифатида ҳар сафар қандай қилиб, қайси усул билан дарис ўтса қўйилган мақсадга эришаман деб, ўз олдига савол қўйиб ўйласа, дарс ўтишнинг айнан мавзуга мос келадиган услубини танлаши мумкин.

Дидактик саккиз бурчак.



Дарс ўтишнинг қандай услубини танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

1. Ўқитиладиган гурӯҳнинг дарсга тайёргарлик даражаси.

2. Ўрганиладиган предмет

3. Дарсда ўтиладиган мавзу.

4. Ўтиладиган мавзунинг мазмuni.

5. Дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган техник воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Дарсни қандай ўтишда аниқ бир қарорга келишда, асосий мўлжал олишда дарсни нимага қартилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар:

- мақсадга эришиш мўлжалга олинадиган бўлса дарс жараёнида қандай мақсадга эришиш керак, аниқ белгилаш лозим;

- дарсда қатнашадиганлар мўлжалга олинса, талабалар (ўқувчилар) гурӯҳи кимлардан иборатлигига эътибор қаратилади;

- ўтиладиган мавзу, унга ажратилган вақт мўлжалга олинса, қандай ўқув материалини талабалар онгига етказиш зарур ва унга қанча вақт ажратилганлигига дикқат қартилади;

- ўқув воситалари мўлжалга олинса, қўлимизда қандай ўқув воситалари бор ва улардан қай даражада фойдаланишимиз мумкинлигини ҳисобга оламиз;

- Талабалар (ўқувчилар)нинг дарсга фаол ёки пассив қатнашуви мўлжалга олинса, қандай дарс ўтиш услубларини қўллан кераклигини танлаймиз;

-дарсни ташкил этиш мўлжалга олинса, қандай ташкилий шартшароитлар мавжудлигини ҳисобга оламиз;

-ўзлаштиришни назорат қилиш мўлжалга олинса, қандай тартибда талабалар билими назорат қилинади ва баҳоланадио Диққат анна шуларга қаратилади.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва уни бошқариш энг аввало дарсда қўйилаётган мақсадга боғлик. Дарсда факат бирон иқтисодий категория (тушунча)ни ёки тенденцияни ўрганиш мақсад қилиб қўйилаяптими, ёки уни тушуниш, татбиқ қилишни талаба ўрганиши кераклиги ёки таҳлил қилишни Иқтисодий воқеаларни синтез қилишни ёки турли вариантларни таққослаб, уларнинг ижобий, салбий томонларини ўрганиб, баҳо беришни билиш керакми?

Буни тушунарли бўлиши учун қуйидаги макроиқтисодиётга тегишли икки саволни таққослаб қуйидаги саволларга аҳамият беринг:

1. Марказий банк пул таклифини тартибга солиш учун қуйидаги тадбирларнинг қайси биридан кўпроқ фойдаланилади?

- а) ҳисоб ставкасини ўзгартиради;
- б) банк маржаси бўйича талабни ўзгартиради;
- в) очик бозорда қиммат баҳо қофозлар олди-соттиси;
- г) резерв (захира) микдорини ўзгартиради.

2. Агар иқтисодиёт ресурсларни тўла бандлиги таъминланмаган ҳолатда бўлса, Олий мажлис ва Марказий банк ишлаб чиқариш имкониятларини рағбатлантириш учун кўллаган қайси тадбир мақсадга мувофиқ бўлади?

- а) очик бозорда қиммат баҳо қофозлар сотиб олиш эвазига фоиз ставкасини кўтариш;
- б) давлат харажатларини камайтириш учун қаттиқ пул сиёсатидан фойдаланиш;
- в) истеъмолга солиқни пасайтириш, даромадга солиқни кўтариш, давлат трансферт тўловини камайтириш;
- г) очик бозорда операциялар эвазига фоиз ставкасини тушириш, истеъмолга солиқни кўтариш;
- д) капитални ўсишига солиқни кўпайтириш ва пул таклифини камайтириш.

Кўриниб турибдики, иккинчи савол мураккаб, чунки биринчи савол факат олган билими, ахборотни ёдга туширишни талаб қиласи. Иккинчи саволга жавоб бериш учун эса, факат аввалги ўрганганди билими, ахборотни ёдга тушириш камлик қиласи, бунда жавоб бериш учун турли вариантларни солишиши керак. Демак, бу ерда иккинчи саволда фикрлаш даражаси аввалги саволдагига қараганда бошқача, юқорироқ даражада бўлишини талаб қиласи.

Билим олиш даражасини тасвирлаш учун АҚШ педагоги Бенжамин Блум томонидан 1956 йил эълон қилинган «Таксономия целей обучения» часть

1. «Когнитивная сфера» таълим мақсадларини қатъий белгиланган мезонларини ишлаб чиққан. Ундан ўтиладиган дарсни мақсадини ривожлантиришда, аудиторияда бажариш ёки назорат иши учун саволлар, тест тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Унинг фикрича билим олиш (когнитив)<sup>1</sup> даражаси маълум иерархия тарзида жойлашиб, ҳар бир босқич аввалгисига қараганда мураккаб, ҳамда ҳар бир босқич ўзидан аввалги босқичларни ҳам ўз ичига олади. Яъни ҳар бир янги поғонага кўтаришлар экан, албатта аввалги босқични ҳам такрорлаш лозим бўлади. Улар қуидагилар:

1 Олинган билимни ёдда сақлаш. Бу эсда олиш қобилияти ёки дарсда ўтилган, ўқиганларни керак бўлганда эслаб, ёдга тушириш қобилияти. Бунда ўтилган тушунча, тенденция, мезонлар, умумлаштирилган хуносаларни эслаб ёдга солиш кўзда тутилади. У дарснинг дастлабки мақсади.

2. Тушуниш. Бу талабаларни дарсда эшитганлари, ўқиганлари, кўрганларни маъносини тушуниши. Қонунлар, тенденциялар, тушунчалар ғоялар маъносини тушуниб уларни ўзгариши нимага олиб келишини кўз ўнгига келтира олиш қобилияти. Лекин тушуниш учун аввал олинган билимни ёдда сақлаш керак.

3. Олинган билимни қўллаш. Фоя, принцип, концепцияларни янги вазиятларда қўллаш иқтидори. Унда энг аввало билганларини ёдга тушириб уни янги вазиятда таққослаш керак.

	Баҳолаш	6
Синтез		5
Таҳлил қилиш		4
Кўллаш		3
Тушуниш		2
Олинган билимни ёдда сақлаш		1

4. Таҳлил қилиш. Воқеа ходисаларни бўлакларга бўлиш, улар ўртасида мантикий алоқаларни аниқлашни талаб этади. Таҳлил қилиш (анализ) иқтисодий воқелик, жараёнларни у ёки бу шаклда индукция услубини кўллашга таянади. Таҳлил қилиш учун эса олган билимни ёдга тушириш, муаммога тушуниш, уни қўллай билиш керак.

5. Синтез қилиш. Билим олиш ва фикрлашнинг бу босқичида алоҳида таркибий қисмлар ва турли манбалардан олинган ахборотни бир бутун ягона тъизимг келтириш қобилияти. Бунинг учун ёдга тушириш, масалага тушуниш, уни қўллай билиш, таҳлил қила билиш керак.

6. Баҳолаш. Бу билишнинг юқори босқичи бўлиб, талабанинг қўйилган масалага ўз фикри, нуқтаи назарини билдириш қобилиятини ифодалайди. Бунда у ёки бу масала, муаммони ечишнинг турли йўллари шаклланади. Унинг қайси бири тўғри, самарали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги баҳоланади. Одатда баҳолаш мезонларидан фойдаланилади. Бу мезон

<sup>1</sup> Lot cognito -билим маъносида

ўқитувчи томонидан қўйилиши ёки талабаларнинг ўзи белгилаши мумкин. Баҳо бериш учун аввало олган билимни ёдга тушириш, масалани тушуниш, Янги вазиятда билганларини қўллай билиш, таҳлил қилиш, синтез қилишни билиш керак. Талабага берилаётган топшириқ, анна шу билишнинг олти босқичидан қайси босқичига тўғри келишини аниқлашда қўлланиладиган асосий сўзлар қўйидагилар ҳисобланади:

1. Аниқланг, тасвиrlанг, санаб чиқинг, ёдга туширинг, кўрсатинг.
2. Таққосланг, фарқини кўрсатинг, тушунтиринг, гапириб беринг, мисоллар билан изоҳланг, ўзгартириб ифода қилинг.
3. Қўлланг, тузинг, намойиш қилинг, фикрни давом эттиринг, чукурлаштиринг, лойихасини тузинг, ишлаб чиқинг, ечинг.
4. Таҳлил қилинг, категорияларга, бўлакларга бўлинг, тасвиrlанг, фарқини кўrсатинг.
5. Ишлаб чиқинг, тузинг (яратинг), тенденцияни қонуниятини аниқланг, умумлаштиринг, тавсия қилинг, таърифлаб беринг.
6. Тингланг, ечинг, баҳоланг, муҳокама қилинг.

Билишнинг босқичларига кўра талабанинг фикрлаш доираси, қобилиятини ҳисобга олиб топшириқ, вазифа бериш керак. Ўқитишнинг турли услубларини қўллашдан, асосий мақсад талабалар билимини юқори босқичларга олиб чиқиши. Кейинги бобларда ана шу мақсадга эришиш йўлларини ўрганамиз.

Олий ўқув юртларида талабаларга таълим бериш тажрибасида реал хаётда синаб кўрилган, ҳамда ўзини ҳар томонлама оқлаган маъруза, семинар, маслаҳат, амалиёт дарслари, лаборатория ишлари, ўқув ва ишлаб чиқариш практикаси, курс иши ва битириув малакавий иши, аудиториядан ташқари мустақил ишлар, жорий, оралиқ, якуний баҳолаш, давлат аттестация комиссияси имтиҳони, конкурслар, олимпиадалар ва бошқа шаклларидан фойдаланилади. Синаб ўтилган ўқув тарбия шаклларидан фойдаланилади.

Синаб ўтилган ўқув тарбия шаклларининг ҳеч бири универсал эмас. Бири иккинчисини ўрнини боса олмайди. Уларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор, ўзига хос аҳамиятга эга. Шу билан бирга улар бир – бирига боғлик, бири иккинчисини мантиқий кетма – кетлигини тақозо этади.

Таълим тарбия беришнинг бир шакли албатта, иккинчисига таъсир кўrсатади, масалан маъруза ўқишинан қандай услубни қўллаш семинар ўтказиш савиясига катта таъсир кўrсатади ва ҳоказо. Яна шунга хам эътибор бериш керакки, дарс ўтишнинг шакл ва услублари улар ўртасидаги нисбат ўзгариб туради.

Юқори курсларда семинар дарсларни ва мустақил ишларнинг роли ортади. Дарс бериш мазмуни шу фанда мужассамлашган объектив реаллик билан аниқланади.

Методика (услубиёт) фаннинг ўқув жараёнидаги ҳаракатнинг ривожланиш шаклидир. Фан билан шу фаннинг ўқитиш ўртасидаги фарқ шундан иборатки, фан бевосита объектив реаллик ва унинг ривожланиш қонунларини ифодаласа, шу фан ўқув предмети сифатида ана шундай жараённи бевосита ифодалайди. Умуман олганда ўқиши, илм бериш объектив

дунёни билишни акс эттириб, фан эришган ютуқлар даражасига тенглашиб боради. Чунки фан доимо ривожланиб янги кашфиётлар билимлар билан бойиб боради. Ўз навбатида, талабаларга билим бериш жарёнида сингдириб борилади. Иқтисодий ҳаётнинг янги қирралари муаммолари йўлларини чуқурлаштириб боради. Янги услублар қўлланилади, янги ўкув курслари киритилади. Касбий таълим методикаси фанидан дарс беришни маънавий, назарий жиҳатдан юқори босқичга кўп жиҳатдан кўтариш таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган ўкув шакллари, услубларини қўллаш талабаларни иқтисодчи олимларнинг ишларини ўрганишлари даражаси билан боғлади. Талабалар Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида юз берадиган воқеликни, жамият тараққиёти ва жаҳон миқёсидаги жараёнлар бирлиги нуқтаи назаридан қарашни ўрганишлари доираси билан боғлик.

Бозор иқтисодиётига ўтишимиз касбий фанларнинг роли ниҳоятда ошишига олиб келади. У ўз навбатида бу фанни ўқишига уни замон талабига ҳамоҳанг бўлиши зарурлиги вазифасини қўяди. Ҳар бир ўқитувчи олдига ўз ишига ижодий ёндашиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, изланиш вазифасини қўяди. Ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндашуви энг аввало, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликларни илғай билиш, фандаги эришилган ютуқларни дарсликда берилишини кутмай туриб ўз фаолиятида қўллашида ифодаланади. Бунинг учун эса ахборот билан таъминланиши даркор. Айниқса, ҳозирги ахборотнинг роли бекиёс ўсган даврда керакли маълумотларсиз иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш мумкин эмас.

Ахборот тўплашнинг йўли кўп. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- библиография тизими;
- ўқитувчи ва талабалар томонидан тўпланган маълумотларни системага солиш;
- ўқитувчилар кучи билан янги адабиётларга таҳирлар ва шарҳлар ёзиш;
- илмий мунозаралар ташкил қилиш ва илмий докладларни мухокама қилиш, интернет ахборотидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

Лекин шуни ёдда тутиш керак:

1. Аллақачонлар кўпчилик бир фикрга келган масалалар, иборалар бўйича қайтадан мунозара бошламаслик.

2. Меъёрдан чиқмаслик, ҳамма мавзуда, албатта мунозарали саволни ўртага ташлаш шарт эмас.

3. У ёки бу муаммо, тушунча ҳақида бошқаларни фикрини келтиргач, албатта ўз муносабатини изҳор қилиш зарур.

4. Мунозарали саволларни энг аввало кафедра йиғилишида мухокама қилиб бир фикрга келиш, сўнгра мураккаб ҳодиса, жараёнларини асоссиз равиша соддалаштиришга ҳам уринмаслик керак. Ҳар бир масалага бир томонлама ёндашиш ҳам нотўғри хулоса чиқаришга олиб келиши мумкинлигини ҳам ёдан чиқармаслик керак.

Дарс ўтишда ўқитувчи талабаларни қайси гурухини мўлжалга олиши керак: билимдонларними, билими ўртачалариними ёки билим доираси

пастлариними? Бу саволга жавоб бериш учун ҳар қандай дарсда икки томонни: мазмуни ва шаклини ҳисобга олиши керак. Мазмунан ҳар қандай маъруза назарий жиҳатдан юқори даражада, шаклан эса ҳаммага тушунарли бўлиши керак.

Маърузанинг ҳаммабоплиги аввало унинг шаклига, услугига қандай аудиторияда ўқилишига боғлиқ. Одатда талабалардан ўқитувчи зерикарли маъруза ўқийди, тушуниб бўлмайдиган фикрларни эшлиши мумкин. Тажрибали педагоглар унинг сабабини, маъруза қанақадир юқори, алоҳида илмий даражада дегани эмас, балки, дидактиканинг принциплари бузилиши, изчил мантиқийлик йўқлиги, гапларни мураккаб тузилиши, яхши мисоллар танланмаганлиги олдинги маъруза билан боғлаш йўқлигига деб кўрсатишиди.

Дарс беришнинг объектив ва субъектив томонлари мавжуд. Унинг **объектив** томонига фаннинг предмети, шу дарснинг хусусиятлари, мавзунинг мазмуни кирса, **субъектив** томони шу фанни ўқитувчи томонидан ўзлаштиришидир. Ундан ташқари методик жиҳатдан тайёргарлик натижаси индивидуал методик принципи, услублар ва уни ўқув тарбия жараёнида қўллаш кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва дарс бериш услубини танлаганда, ўқув жараёнида олий ўқув юртида мутахассис тайёрлаш билан бирга ёшларнинг дунёқараши етук, аҳлоқий пок, ўз юртининг ватанпарвари бўлишини ҳамда байналминаллик руҳини сингдириш зарурлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ўқитувчининг шахси унинг психологик сифатлари, назарий ва методик жиҳатдан тайёргарлик даражаси, дарс бериш методига катта таъсир кўрсатади. Бу услубнинг ўзини дарсда қўллаш турли ўқитувчиларда турлича натижа беради. Дарс бериш услубарининг самарадорлиги ҳақида фикр юритилар экан, ўқитувчининг шахсий сифатларидан илмий услубий тайёргарлиги даражасини ажратиб бўлмайди. Дарс беришнинг жараён сифатида объектив ва субъектив томонларнинг бирлиги кўрилади.

Дарс беришнинг объектив томонига ўқитувчига боғлиқ бўлмаган ўрганилаётган фаннинг мазмуни, дарс ўтиш принциплари киради. Дарс беришнинг субъектив томонларига эса:

А) ўқитувчининг шу фанни ва унинг мазмунини эгаллагани, билими даражаси.

Б) ўқитувчининг услубий тайёргарлиги, методиканинг қонун-коидаларини қўллай билиш даражаси.

В) ҳар бир ўқитувчининг таълим–тарбия жараёнида у ёки бу услубни қўллашдаги индивидуал хусусиятлари.

Дарс беришда педагог субъектив омил сифатида намоён бўлади. Кўп жиҳатдан талабаларни ўзлаштириши ўқитувчининг дарс ўтишда танланган услубларига боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг индивидуал хусусиятлари билан такорланмасдир. Бу албатта дарс беришда катта роль ўйнайди.

Ҳар бир ўқитувчи ўз қобилиятини дарс беришда намоён қиласар экан, у маъруза ва бошқа нутқ сўзларида ўзига хослик баҳш этади. Айрим пайтларда субъектив томон ўқув жараёнига путур етказиши ҳам мумкин. Маълум бир мавзуни ёритишда ўқитувчи ўзи яхши билган ёки ўзининг илмий изланишлари

билан боғлиқ бўлган, лекин шу мавзуга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмагансаволга кўп вақт ажратиб, қолган саволларни кўриб чиқиш учун вақт етмай қолиши мумкин. Бу мавзуни баён қилишдаги дидактиканинг изчиллий принципларини бузилишига олиб келади. Шунинг учун дарс ўтганда муҳим вазифа бу субъектив жиҳатлар албатта, объектив жиҳатларга бўйсуниши, айнан шу фаннинг мазмунини очиб беришга хизмат қилиши керак. Бунда албатта тўпланган методик тажриба кўл келади.

Ҳар бир ўқитувчи ўзида қўйидаги психологик сифатларни ҳосил қилишга ва ривожланишига ҳаракат қилиши керак.

1. Аудиторияда ўзини эркин тутиш, ўзининг дарс бериш имкониятига ишониши керак.

2. Ўқитувчи гапириб туриб, ўйлашни билиши керак. Айнан ўқитувчилик касбининг, меҳнатининг ўзига ҳослиги ҳам шундадир. Дарс бериш жараёнида фикрлаш, ўйлаш ва гапириш жараёни қўшилиб кетади.

3. Ўқитувчининг фикрлаши ва шу вақтнинг ўзида уни баён қилиши аудиторияда юз беради. Шунинг учун ўқитувчи унга тикилиб турган кўзлардан қўрқмаслиги керак. Шу билан бирга ўқитувчи аудиториядаги талабалар билан ўзаро боғлиқликни йўқотмаслик хислатларини ҳам ўзида тарбиялаши керак.

4. Ўқитувчи аудиторияда ўтирган талабаларнинг реакциясини, уни ўзгаришини тўғри аниқлаши учун катта кузатувчанлик қобилиятига эга бўлиши керак. Аудиторияни психологик ҳолатини тез илғаши керак (тинчлик, шовқин ва ҳ.к.).

Ўқитувчи бир психологик ҳолатдан бошқа ҳолатга осон ўта олиши керак. Ўқитувчининг имони комиллиги, илмий далилларни асослаб беришдаги ишончи, уни фикрининг талабаларга таъсири бир неча маротаба оширади. Ўзига ишониш эса предметни чуқур билиш, ҳар томонлама билимга эга бўлиш, ўз фикрини илмий асослаб бериш қобилиятига эга бўлишдан келиб чиқади.

Ўқитувчи ўз мисолида талабаларга меҳнатга муносабатини, жамиятга, атрофдаги ўртоқларига жамоага қандай муносабатда бўлишини кўрсатиши, ўрнак бўлиши керак. Талабаларга таъсир кўрсатиш учун албатта улар ўртасида хурматга эга бўлиши керак. Ўқитувчи воизлик (ораторлик) – маъруза ўқиши қобилиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчидаги артистлик, ўз фикрига маҳлиё қила олиш, ўзини тута олиш қобилияти бўлса, у ҳақиқий талант соҳибидир. Ҳақиқий талантлар эса камёб бўлади.

Буюк файласуфлардан Аристотель ҳар бир сўзни қандай айтишни аввал соатлаб ойнага қараб машқ қилган экан. Ўқитувчининг барча фаолиятида самимийлик, ўзига ишонч муҳим аҳамиятга эга. Дарс ўтишдан бошқа ўқув – тарбия фаолиятида қўлланиладиган методлар ўқитувчи билан талаба ўртасида ишчанлик муҳитини яратишда ўз ифодасини топади. Бунда талабанинг фикри ўқитувчи билан бирга кечиши, озгина орқада қолиши ёки озгина олдинга ўтиб кетиши мумкин.

Ўқитувчи аудиторияни кўриши, ҳис қилиши, у билан бирга ишлаши керак. Талаба ҳам ўз навбатида билиши керак: ўқитувчи уни кўриб, нима

қилаётганини билиб турибди. Албатта тартиб–интизомсиз талабалар бор. Лекин маълумки, талантли ўқитувчилар аудиторияда тартиб сақлай оладилар. Умуман олганда, ўқитувчи дарсни зерикарли бўлмаслигига ҳаракат қилиши ўз маърузасига талаба кўзи билан қараши лозим. Ана шунда ўзининг камчиликлари дарс ўтишда кўллаётган услуби тўғри ёки тўғри эмаслигини тез илғаб олади. Ўз ишига ижодий ёндошиш, ундан ташқари талабалар ҳаётини яхши билиши, талабаларни қизиктирадиган масалаларни ечишга ёрдам беради.

Методикани эгаллаш ўқитувчи учун чукур қизиқарли, тушунарли тарзда билим бериш асосидир. Олий ўкув юртида ўқитишининг асосий шакллари икки гурухга: аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ўтказишга бўлинади.

Аудиторияда ўқитишига барча аудиторияда бажариладиган машғулотлар кирса, қолганлари аудиториядан ташқари ўқитишига киради. Аудиторияда ўқитишига маъруза, семинар дарслари, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарслари, жорий, оралиқ, якуний баҳолаш, давлат аттестация комиссиясининг якуний баҳолашлари кирса, аудиториядан ташқари ўқишига ўкув ишлаб чиқариш амалиёти, курс иши, битирув малакавий иши, аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишлар киради.

Ўкув машғулотларининг барча турлари талабаларни аввал кўриб ўтганимиздек, билишнинг энг юқори босқичи баҳолаш даражасигача кўтарилишини таъминлашдир.

### **Асосий таянч тушунчалар:**

Услубиёт (методика), услуб (метод), дидактика, билишнинг (когнитив) даражаси, дидактика принциплари (тамойиллари), дарс ўтиш принциплари (тамойиллари).

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Касбий таълим услуби курсининг мақсади, предмети, вазифалари нимадан иборат?
2. Дидактиканинг асосий принциплари (тамойиллари) нималар? Дидактик саккиз бурчак нимани ифодалайди? Нима сабабдан саккиз, олти ёки етти эмас?
3. Назарий жиҳатдан билим олишнинг қадам-бақадам модели ўз ичиға нималарни олади? Иккита савол ва унга жавоблар асосида ана шу моделни ифодалашни кўрсатадиган тест тузинг ва уни изоҳланг.
4. Дарс жараёнида ўқитувчининг роли ва олий мактаб ўқитувчилариға қўйиладиган талабларни гапириб беринг. Сизнингча ўқитувчига яна қандай талаблар қўйилиши мумкин?
5. Ўқишининг асосий шакллари ва уларнинг фарқини кўрсатинг

## **2-МАВЗУ. ДАРС ЎТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСЛУБЛАР.**

**Режа:**

- 1. Дарсларни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб бориш услуги**
- 2. Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш услуги**
- 3. Касбий фанларни ўрганишда тадқиқот услуги**
- 4. Дарс ўтишда «Ақлий штурм» услугини қўллаш**
- 5. Дарс ўтишда масала, машқ ва тестлардан фойдаланиш**
- 6. Иқтисодий фанларни ўрганишда эссе ёзишнинг роли**

### **1. Дарсларни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб бориш услуги**

Дарс ўтишда энг кўп қўлланиладиган услублардан бири талабалар диққати фикрини қўйилган мақсадни амалга оширишга қаратилган саволлар асосида олиб бориш услубидир.

Семинар дарсларида, айниқса касбий таълим методикаси фанида семинар режаси бўйича атрофлича сухбат ёки бошқача айтганда, аниқ мақсадга йўналтирилган савол-жавоб асосида дарс ўтиш кенг ёйилган.

Таҳлилий фикрлаш савол қўйишдан, муаммони аниқлашдан бошланади. Шунинг учун дарсда савол қўйиш орқали талабаларни ўз фикрини асослаш кўникмасини ҳосил қилиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Айнан саволлар орқали инсон ноаниқликни бартараф қилишга уринади.


Ўқув режаси бўйича атрофлича сухбат – бу шундай педагогик услубки, унинг ёрдамида талабалар ўқув жараёнига саволлар ёрдамида жалб этилади. Саволлар орқали талабаларда фикр–мулоҳаза юритиши, ўз фикрини изоҳлашга иштиёқ уйғотилади. Талабалар бир томондан саволларга жавоб беришади, иккинчи томондан эса, ўзлари савол бериш имкониятига эга бўладилар. Ноаниқ вазиятни ойдинлаштириш имконияти каттадир.

Таълим бериш ва ўқитиши, ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўқитувчи бошчилигида қўйилган саволларга жавоб бериш жараёнидаги сухбат тарзида кечади. Савол беришни билиш фикрлай билишни кўрсатади. Шунинг учун дарсда фақатгина ўқитувчи эмас, балки талабалар ҳам бир-бирларига савол билан мурожаат қилишлари, айниқса, кичик гуруҳларга бўлинниб дарс ўтганда катта аҳамиятга эга. Чунки агар талаба савол беришни ўрганмаса, ўзини кўп нарсани билмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ваҳоланки, ҳар қандай билиш фаолиятининг асоси саволдан бошланади. Биз савол тузиб, унда ўз фикримизни ифодалашимиз орқали бошқаларни ҳам ўйлашга, ўрганишга ундеймиз. Бизни ўраб турган дунёни билиш, тушунишга савол беришни билган билмаганга қараганда тезроқ эришади, йўл топади. Шароитга қараб иш тутишни, қарор қабул қилишни ўрганади.

Ўқитувчининг саволи талабаларни фанни ўрганишда бошқариш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Айнан саволлар, уларнинг моҳияти ва вазиятга кўра қўллаш, талабаларни таҳлилий фикрлаш қобилияtlарини ривожлантириши мумкин.

Бундай услубда дарс ўтганда талабаларнинг сони 25-30 ошмагани маъқул. Дарс ўтишда аудиторияда стол-стулларни жойлаштириш ҳам муҳим рол ўйнайди. Талабалар нисбатан “бўйини чўзиб” ёки “қайрилиб” ўтиришларидан кўра талабалар иложи борича бир-бирини кўриб турадиган тарзда ўтирганлари маъқул. Энг идеал варианти «П» шаклида, ҳамма вақт ҳам бундай шаклда дарс ўтказиб бўлмайди, аудиторияда бунга имконият йўқ. Кўп илгор педагогларнинг фикрича столларни «арча» шаклида жойлаштирган маъқул. Ҳар бир талаба ўқитувчига нисбатан ярим оборотда жойлаш кичик гурухларга бўлинниб, дарс ўтиш учун ҳам қулай савол-жавоб, давра сухбати тарзида дарс ўтганда столларни доира шаклида жойлаштириш мумкин.

Талабаларни жойлаштириш:



Ҳамма вақт ҳам аудитория талабга жавоб берадиган даражада бўлмаслиги мумкин. У ҳолда имкониятга кўра талабаларни жойланисини дарс ўтишда кўлланиладиган методга кўра таъминлашга ҳаракат қилинади.

Ўқитувчи талабаларга шундай импульс бериши керак ва унинг раҳбарлигига ўқув материали бутун гуруҳ томонида биргаликда ўрганилиши, ишлаб чиқилиши керак. Ўқитувчи талабаларга шундай импульс бериши керакки, унинг раҳбарлигига ўқув материали бутун гуруҳ томонида биргаликда муҳокама қилиниши, ўрганилиши керак.

Дарсни муваффақиятли бўлишида ўқитувчи томонидан аудиторияда ижобий атмосфера яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир талаба саволга жавоб бериш, сухбат жараёнида тўлақонли сухбатдош тариқасида қатнашаётганига ишонч ҳосил қилиши керак. Ўзининг фикрида шубҳа қилган саволларни бемалол айти олиши, ҳамда дарсда қўйилган мақсадга эришиш учун фаол қатнашиши керак.

Ўқитувчи эса саволлар ёрдамида бутун гурухга бир таъсир қилишга, қўйилган саволларга, муаммоларга бўлмагандан қониқарли жавоб олишга ҳаракат қилиши керак. Ўқув режаси бўйича хилма-хил саволлар талабалар атрофлича сухбат ўтказиш ўқитувчидан чуқур, маҳсус билим, турли соҳалардан хабардорлик, охирги янгиликлар, ўзгаришлардан хабардор бўлишни талаб қиласди. Чунки ўқитувчи талабанинг ҳар қандай саволига жавоб ҳозир бўлиши керак. Ўқитувчи дарс жараёнида талаба ҳамкорликка тайёр туриши зарур, тайёр турибгина қолмай, ҳамкорлик қилиши керак-ки, дарс беришдан қўйилган мақсадга изчиллик билан эришишга олиб келсин. Мақсад эса қўйидагилар:

1. Белгиланган вақт (орасида) давомида ўкув материаларини ўрганиш ва хотирада сақлаш.

2. Босқичма-босқич мантиқий фикр юритишга ўрганиш.

3. Ўқищдаги оралиқ мақсадларга эришиш (масалан, ўртоғининг фикрини таҳлил қилиб, танқидий ўрганиш). Аниқ йўналтирилган саволлар асосида сұхбат асосан турли саволлар ва ўқитувчининг кўрсатмалари асосида олиб борилади. Сұхбатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан саволларни тўғри қўйишга боғлиқ. Аввалги мавзуда кўриб ўтилган саволлар алоҳида ёки саволлар тизими шаклида қўйилиши мумкин. Оддий ёки мураккаб саволлар бўлиши мумкин.

Саволлар қўйилиши, мазмуни, мақсади ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Уларни шартли равишда қуидаги турларга бўлиш мумкин:

**1. Ахборот характеридаги саволлар.** Бу саволлар қўйилган муаммо бўйича далиллар, сабаблар, саналарни аниқлашга қаратилган. Бу гурухга киритилган саволларни ўзи икки хил: очиқ саволлар ва ёпиқ саволлар бўлиши мумкин. Очиқ саволлар — турли сўроқ гаплар орқали ифодаланиб, турлитуман жавоб берилиши кўзда тутилади. **Масалан:** Сиз даромадларга белгиланган прогрессив солиқ ставкаларига қандай қарайсиз? Ёпиқ саволларбу саволларга жавоб “ҳа”, “йўқ”, “эҳтимол тўғри” тарзида олиниши мумкин бўлган саволлар бўлиб, одатда улар феълга “ми” қўшимчаси қўшилиб ҳосил этилади. Мисол учун: Талаб эгри чизигини силжишига моданинг ўзгариши таъсир қиласидими? ёки ялпи ички маҳсулот хисоблаганда трансферт тўловларини қўшамизми?

**2. Алтернатив саволлар** - бундай саволларга икки вариантда жавоб бўлиб, улардан бирини танлаш керак. У ёки бу жавобни танлаганда энг асосийси улардан бири нисбатан ишончлироқ бўлиши керак,

**3. Мустаҳкамловчи саволлар.** Бундай саволлар у ёки бу ҳолат, вазиятни аниқлаш мақсадида, **Масалан:** а) талаба билдирилган фикрларни ёки тушунарли баён қилиндими, аниқланади.

б) Айтилган фикрларга ҳамма тушундими? Ёки мен айтганлар тушунарлами? тарзида қўйилиши мумкин.

**4. Фараз қилиши, таҳлил қилишига ундашга қаратилган саволлар:**

Бундай саволлар иккиланиш, ҳаяжонланишни бартараф қилишга ёрдам беради. Одатда бу саволлар “айтайлик”, “фараз қилайлик”, “кўз ўнгимизга келтирайлик” деган сўзлар билан бошланади.

**5. Контакт ўрнатиш учун қўйилаётган саволлар.** Бу саволлар аудитория билан контакт ўрнатишга, кескинликни юмшатишга хизмат қиласиди.

**6. Йўлловчи, эсга солувчи ёрдамчи саволлар.** Саволларнинг мазмуни воқеа, ҳодисанинг бажарилиши рўй бериши эҳтимоли юқори даражадалигини таъкидлаган ҳолда ўз савол оҳанги билан тўғри жавоб беришга ундаладиган саволлар бўлиб, талабага тўғри жавоб беришга ёрдамлашади.

**7. Сўзсиз саволлар.** Бундай тарзда савол ўқитувчининг қараси, мимикаси, имо-ишораси билан берилади. У аудиториядан: талабаларда дикқат, жиддийлик туғдиради. Бунда ўқитувчи эҳтиёт бўлиши керак. Агар унинг юзида, имо-ишорасида хайриҳоҳлик ифодаланмаса, талабада ўзини беъмани

гаплар гапирганини ҳис қилиб, ишончини йўқотиб, талмовсираб қолиши мумкин.

Саволлар билан бир қаторда импульс ва ҳоҳиш, истак туғдирувчи сўзлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Импульслар бу – талабаларнинг билдираётган фикр гапиришига туртки берувчи ёки қисқа мулоҳаза маслаҳат: бериш, масалан, ҳа, давом этинг, тўғри, шундай қилиб, тўғрироғи аниқроғи кабилар. Кўпинча импульс савол кенг фикрлаш имконини бериб, нисбатан мустақил кўзланган натижага эришишга олиб келади. Савол эса умуман олганда фикр доирасини анчагина чеклайди.

Қисқа мулоҳаза, дўстона оҳангда ёки илтимос шаклида ифодаланади, улар кўрсатма тариқасида “асослаб беринг”, “хулоса чиқаринг”, “якун ясанг”, “характерланг” ва ҳоказо тарзида ифодаланади.

Ўқитувчи доимо ўз олдига қандай савол бериш керак ёки қандай қилиб тўғри савол берсам бўлади деган масалани қўяди. Савол беришда ўқитувчи учун қуйидаги маслаҳатларни бериш мумкин:

1. *Саволни барча талабаларга бериши керак.* Аввало савол бутун аудитория олдига қўйилиши керак. Ҳамма талабалар кўрсин. Сўнгра маълум даражада паузадан сўнг аниқ талаба жавоб беришга чиқиши мумкин.

2. *Аудиторияга хос саволлар бериши керак.* Савол талабаларнинг билим даражаси, дарсга тайёргарлиги кабиларни ҳисобга олган ҳолда берилиши керак. Шу билан бирга гуруҳдаги талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Аввало нисбатан бўш талабаларга унча мураккаб бўлмаган саволлар бериш, сўнгра билими кучли талабаларга мураккаб саволлар бериб бориш керак. Натижада оддийдан мураккаб томон борилади. Дастреб ўзи иштиёрий жавоб бермоқчи бўлганларга дикқат қаратиш керак, сўнгра босик, ўзи иштиёки билан жавоб бермайдиган талабаларни жавоб беришга жалб қилиш, ҳаддан ташқари фаол талабаларни бирмунча тийиб туриш керак. Ҳаддан ташқари дарров жавоб беришларига уринмаслик, балки бир неча жавоб беришни ҳоҳловчиларни аниқлаб, қачонки бир неча талаба жавоб бериши мумкинлигини ҳис қилгач бошлиш лозим. Мухим ва мураккаб саволларда кўпроқ пауза саклаб, талабаларни тайёргарлик даражасини кўздан кечириш зарур.

3. *Аниқ мақсадга қаратилган ҳолда савол бериши керак.* Ўз-ўзидан маълум нарсалар ҳақида савол бериш зерикарли. Талабаларни фикр юритишини зарур йўналигига солиб, унчалик керак бўлмаган масалаларга эътибор бериш, атрофда айланиш, четга чиқишидан қочиш керак. Ҳаддан ташқари узун саволлар дарсни мақсадидан четга чиқиб кетишга олиб келса, ҳаддан ташқари қисқа савол эса, “фикр юритиш” учун кам “жой” қолдиради. Тушундингизми? деган савол кўпинча жавобсиз қолади. Шунинг учун яххиси типик назорат шаклидаги савол берган маъқул. Битта сўроқ гапга қўйилган бир неча саволлар талабаларни адаштиради. Шунинг учун саволни оддий, тушунарли қилиб тузиш керак

4. *Саволларни хотиржам тарзда кўриши керак.* Хотиржамлик билан берилган савол тушунишни осонлаштиради. Саволдан кейин фикр юритиш, жавобни таърифини тузиш учун маълум муддат қолдириш керак. Доимо савол

билан жавоб бериш ўртасидаги муддат савол берувчига жавоб берувчига нисбатан узок давом этишига ўхшаб кўринади. Шунинг учун шошиш ярамайди. Аудиториядаги кўнгилли атмосфера унга талабаларни дарсга фаол қатнашишларини кучайтиради ва дарсни муваффақиятли ўтишини таъминлайди. Вақти-вақти билан ўқитувчи ўзининг савол қўйиш техникаси, мазмунини текшириб туриши керак.

Гуруҳни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтганда аввал саволга жавобни ўртоғи билан ёки кичик гуруҳда ўйлаш ва муҳокама қилиш учун вақт бериш керак. Сўнгра аудиторияда муҳокама қилиш бошланади. Ўқитувчи бунда билдирилган фикрни созлаш ёки мустаҳкамлаш учун қўшимча саволлар беради. Нима сабабдан? Сиз шу фикрга қўшиласизми? Мисол келтиринг? Ўртоғингиз билдирилган фикр тўғрими? Сиз ўзингизнинг хulosангизни айтинг-чи? ёки шундай тарздаги саволлар билан кичик гурух, бир-бирларига мурожаат қилишга йўналтиради.

Ўз фикрини баён қилаётган талабага: Айтингчи, сиз гурухингиз қўйилган саволга ана шундай жавоб беришга нима сабабдан қарор қилдингиз? деб мурожаат қилиб, саволга жавоб эшитгач, аудиторияга бошқалар ҳам шу фикрдами, уни нотўғри ҳисобловчилар, марҳамат ўз фикрингизни билдиринг, деб бош талабалар фикрини аниқлаш мумкин. Агарда тўғри жавоб ягона бўлмаса, ўқитувчи қани ўйлаб кўрингларчи, яна қандай муқобил жавоблар бўлиши мумкин? деган савол қўйиш мумкин.

Мўлжалланган саволлар асосида атрофлича сухбат асосида дарс ўтишнинг бошқа барча услубларга ўхшаб ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Улар **қўйидагилар**:

#### **Услубнинг афзалликлари:**

1. Дарсда қўйилган мақсадни амалга оширишни бевосита назорат қилиш имкони катталиги;
2. Талабаларнинг дарсда қатнашишларини турли саволлар билан фаоллаштириш;
3. Ҳар бир талабага савол билан мурожаат қилиш орқали дарсда фаол қатнашишни таъминлаш кўрсаткичини ошириш;
4. Биргаликда ишлаш, саволни муҳокама қилиш жараёнида гурухни бошқаришни практикада қўллаш.

#### **Услубнинг камчиликлари:**

1. Талабаларнинг сони чеклангани, 25-30 тадан ошмаслиги;
2. Ўқитувчи дарсга мувофиқ равишда фаолият юритиш дастурига эга бўлиши керак;
3. Саволлар муҳокамаси кўп вақт талаб қиласи;
4. Гуруҳдаги талабалар дарсга яхши тайёрланиб келмай дарс ўтиш қийин. Янгиликларни, ўзгаришларни билишни талаб қиласи.

### **ЎҚИТУВЧИ УЧУН ИЗОХЛАР.**

#### **Жавобларни қандай баҳолаш керак?**

1. **Агар бир жавобга мувофиқ равишда баҳо берииш керак.** Жавоб берган ҳам, бошқа талабалар ҳам жавобнинг тўғри нотўғрилигини билиши

керак. Түғри жавобни айрим пайтда қайтариш зарур бўлади, айрим пайтда сўзма-сўз қайтариш ортиқча.

**Жавобни эътироф этиши.** Жавобни тўғрилигини эътироф этар экан, доимо бир хилда “тўғри”, “жуда яхши” деган сўзларни такрорламасликка ҳаракат қилиш керак. Агар берилган саволга талаба жавоб бера олмаса, **йўқ** - Агар берилган саволга жавоббера олмаса, у ҳолда бошқа савол бериб кўриш керак. Ўқитувчи бундай пайтда сабр-тоқатли бўлиши керак. Агарда кейинги саволга ҳам жавоб бўлмайдиган бўлса, бошқа талабага мурожат қилиш керак. **Жавоб етарли эмас.** Талаба жавоб беришни бошласа, лекин тўғри жавоб етарли бўлмаса, жавобни тўғри қисмини ҳисобга олган ҳолда йўлловчи эсга солувчи саволлар бериш керак. **Берилган жавоб нотўғри.** Нотўғри берилган жавобни ойдинлаштириш, уни бошқачароқ тарзда қўйиш ёки аудиторияга ҳамма шунаقا фикрдами? Келинглар бир ўйлаб кўрайлик дея мурожаат қилиши мумкин.

**Жавоб мўжсал бўлиши мумкин.** Қўйилган саволга ноаниқ жавоб бўлса, ўқитувчи дарровда “савол бошқа эди” ёки “мен бошқа нарсани назарда тутган эдим” демай, кейинги саволни бергани маъкул.

**Ноаниқ тушуниб бўлмайдиган жавоб.** Унда ўқитувчи талабага яна қайта ўз фикрини қайтаришни сўраши керак. Ҳамма жавобни тушунмадим яна такрорланг, деб мурожаат қилиш керак.

**Тўғри жавобни алоҳида ажратиб кўрсатиши.** Агар сухбат чоғида бир неча фикр билдирилган, турлича жавоблар берилган бўлса, тўғри жавобни албатта ажратиб кўрсатиш, иложи борича дафтарга ёзиб қўйиш ёки тарқатиладиган материалда бўлиши керак.

## 2. Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш услуби.

Касбий фанларни ўқитишида муваффақиятли равищда қўлланилаётган услуглардан бири гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдир. Бу услуг шундай тузилганки, унда асосий масъулият талabalар зиммасига юкланди. Бу услугда таълим бериш талабанинг фаоллигини оширишга қаратилган.

Бу услуг талabalарга биргалиқда ишлашга ўрганиш нақадар муҳим эканлигини тушунишга ёрдам беради. Чунки талabalарни бир-бирига ижобий таъсири бутун гуруҳни билим олиши жараёнини оптималлаштиришга таъсир кўрсатади.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишида турли варианtlарни қўллаш мумкин бўлган дарс бериш услуби ҳисобланади. Лекин аниқ ёндошувдан қатъий назар бу услуг асосида Дарс самарали бўлиши учун қатор қоидаларга амал қилиш керак.

1. Дарс материалини ўзлаштириш жараёнида талabalар команда бўлиб ишлаши керак.

2. Ҳар бир гуруҳда албатта аълочилар бўлиши, кичик гуруҳ таркиби аралаш бўлгани (қизлар, йигитлар) маъкул.

3. Бутун гурух ва алоҳида талабани тақдирлаш тизимини кўзда тутган бўлиши керак.

Бу метод билан дарс ўтиш олимларнинг кўрсатишича анъанавий дарс ўтиш услубларига қараганда анча самарали экан. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этишнинг ўзи етарли эмас экан. Кутилган натижага эришиш учун яна икки компонент: гуруҳни рағбатлантириш ва шахсан масъулиятни ҳис қилиш механизми ва уни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак экан. Агарда гуруҳ миқёсида рағбатлантириш етарли бўлмаса, гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришига унча аҳамият бермай кўядилар.

Гуруҳ аъзоларини индивидуал тарзда синаш, ҳар бир талабани шахсий масъулиятни ҳис қилишга, бир-бирларига билгандарини ўргатиш ёки бир-бирлари билан мунозара қилиш асосида билимларини мустаҳкамлашга олиб келади. Ҳар бир талабага гуруҳда ишлаш жараёнида нимага эришганини кўрсатади. Агар айрим талабаларга индивидуал рағбатлантириш кам кўринса, улар команданинг бошқа аъзолари хисобига балл тўплашга ҳаракат қиласидар.

Кичик гуруҳларга бўлинниб дарс ўтиш услубининг бир неча вариантлари мавжуд. Улардан бири командаларнинг ўқув материалини ўзлаштириш натижасини яхшилашга қаратилган. Бунда ўқитувчи бирон-бир материал ёки ўтилган дарсни қисқача тушунтириб талабаларга топшириқ беради. Топшириқ масала, машқ, саволга жавоб ва бошқа шакллардаги назорат иши бўлиши мумкин. Сўнгра топшириқ командалар ичida муҳокама қилинади. Кейин ўрганилган мавзу бўйича ҳар бир команда аъзоси индивидуал тарзда назорат иши ёзади. Ҳар бир талаба олган баллни кўйиб, умумий команда балли чиқарилади. У аввалги шахсий ва команда тўплаган балл билан таққосланади. Командаларнинг олган ўринлари аниқланади. Тўпланган баллга кўра рағбатлантирилади.

Иккинчи моделда назорат иши эмас, балки мустақил (конкурс) ўтказилади. Бунда команда аъзолари бошқа команда аъзолари билан мусобақалашиб очколар тўплашади.

Учинчи модел, мозаика модели деб ҳам аталади. Бу модел кўпроқ катта гурух, айтайлик, 25-30 тадан талаба бор гуруҳларда қўллангани маъкул.

Гуруҳдаги талабалар сонига қараб ўқитувчи ҳар бир командага 5 ёки 6 тадан талабани жалб қилиб, ҳар бир команда, команда таркибидаги талаба сонига қараб, 5 ёки 6 қисмдан иборат материални ўрганиш учун топшириқ беради. Ҳар бир команدادан бир киши битта қисмни ёки саволни ўрганишга масъул қилиб белгиланади.

Турли командалардан шу қисм ёки саволни олган талабалар бирга йиғилиб, шу савол-ўқув топширигини муҳокама қиласидар. Бу гуруҳларни одатда эксперт гуруҳлари деб аталади. Агарда асосий гуруҳларни алфавитдаги ҳарфлар билан белгиласак, талабаларни рақамлар билан белгилаймиз.

Айтайлик, гурух 30 та талабадан иборат. Ўқитувчи уларни 6 тадан 5 та гурухга: А,Б,В,Г,Д бўлади. Биринчи гурух А, ундаги талабалар А1, А2, А3, А4, А5, А6, иккинчи гурух Б, ундаги талабалар Б1, Б2, Б3, Б4, Б5, Б6 ва ҳоказо

тарзида бўлинади. Ҳар бир талаба ўзининг номери бўйича асосий командасидан, яъни ҳарф бўйича ўкув материалининг маълум қисмини ёки саволни ўрганиш бўйича топшириқ олади.

Сўнгра мутахассислар гуруҳида (ракамлар бўйича) барча 1 ёки 2 ва ҳоказо рақамлар асосида янги гуруҳ ташкил бўлади. Яъни мутахассислар командаси А1, Б1, В1, Г1, Д1, иккинчи команда А2, Б2, В2, Г2, Д2 ва ҳоказо тарзида янги команда ҳосил бўлади. Ҳар бир асосий командадан бир хил рақамдаги, лекин ҳарфи ҳар хил команда аъзолари тўпланиб, ўзларига берилган бўлак, савол, топшириқни муҳокама қиласидар. Сўнгра ҳар ким эксперталар гуруҳидан ўзининг асосий гурухига қайтади.

Гурухнинг ҳар бир қатнашчиси экспертлар гурухида ўзи ўрганган масалани гапириб беради. Гурухнинг ҳар бир қатнашчиси диққат билан ўртоқларини фикрини эшлишига ҳаракат қиласиди. Чунки берилган топшириқни бажаришнинг ягона йўли ўртоқларининг фикрини диққат билан тинглаб, таҳлил қилиб, сўнгра гапириб бериши керак. Ундан ташқари ҳар бир талабада ўз топшириғини мувафассал бажариш учун стимул мавжуд. Сабаби у берилган бўлак, савол, топшириқни ўртоқлари қай даражада ўзлаштиришларига масъул.

Кичик гурухларга бўлиб дарс ўтишдаги яна бир тўртинчи модел бошқа моделлардан бирмунча фарқланади. Бу моделда кичик ҳар бир талаба берилган топшириқни аввал алоҳида ўқиб, ўз фикрини семинар дафтариға ёзади. Сўнгра гуруҳ биргаликда ҳаммани фикрини ўрганиб чиқади. Кичик гурух номидан жавоб тайёрланади, дарсда барча гурухларни жавоблари эшлилади ва гурухни эришган натижаси баҳоланади.

Кичик гурухларда талabalар ўртасида фикр алмашув, муаммо таҳлил қилиш имконияти кенг. Ҳар бир талабанинг фикри ўртоқлари томонидан таҳлил қилинади. Бунда ҳар бир талаба албатта, ўз фикрини асослашга, ҳимоя қилишига ҳаракат қиласиди. Мунозара жараёнида ҳар бир талаба ўз хатосини тушунади ёки ҳақлигини синаб кўради, ҳамкорликда муаммони ечиш ўрганади.

Гурухни жуфтлик ёки кичик гурухларга бўлиб ишлаш мақсадга мувофиқ, қачонки:

- Ахборот билан алмашув;
- Фоя ва фикрларни йигиш ва ўртоқлшиш;
- Қийин ечиладиган муаммо ва вариантларни таҳлил қилиш
- Мураккаб масалани ечиш ва холоса чиқариш зарур бўлса.

Гурухда ишлаш индивидуал ишлашга қараганда яхш натижа беради. Сабаби:

- Гурухда ахборот диапазони кенг, чунки ҳар бир талаб озми-кўпми маълум ахборотга эга;
- Ҳамкорлик натижасида гурухдаги талabalарнин; таъсири туфайли пассив талabalарнинг ҳам фаоллиги ортиш; мумкин.
- Кўпгина таклиф, фикрлар ўзаро танқид натижасида пучаклари пучакка, сараклари саракка ажратилади.

Гурух билан ишлаш ўқитишининг ижтимоий методи жиҳатдан талабаларнинг билимдон бўлишига қаратилган. Уни моҳирлик билан қўллаш мақсадга етишга олиб келади. Услубни қўллаш натижасида талабалар томонидан:

- Биргаликда ишлаш шакллари ўрганилади.
- Нутқ сўзлаш ва ўз фикрини асослаб беришга, ҳимояланишга ўрганади.
- Мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечишга иштиёқ шаклланади,
- Ўрганишга, ишлашга бўлган кўникма ҳосил бўлади.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтилганда дарсда ўқитувчи ягона ахборот берувчи, тақриз қилувчи, баҳоловчи шахс сифатида марказда турмайди. У мавзуни ўргатувчидан дарсни тайёрловчи ва ташкил этувчига айланади.

Кичик гуруҳларда берилган топшириқ бўйича мавзуни датенсив ўрганишга тўғри келади. Кўшимча адабиётлар билан таъминлаш, уларни чукур ўзлаштиришга ҳаракат қилиш натижасида олинган билимнинг узоқ муддат ёдда қолишига эришилади.

Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга боғлиқ. Дарс ўтказишидан аввал ўқитувчи дарсни қандай бўлишини кўз ўнгига келтириб чиқиши керак. Бу услуб билан дарс ўтишнинг муваффақияти бериладиган топшириқнинг қандай кўйилиши, аниқлигига ҳам боғлиқ. Кичик гуруҳларда ишлаш фақат кўйилган топшириқни эмас, балки унинг натижасини мухокама қилишни ҳам ўз ичига олади. Бунда доскадан, техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Ҳар қандай кичик гуруҳда ишлашнинг энг диққат қаратадиган жиҳати кичик гурух, охир-оқибат умуман бутун гуруҳнинг ишини унумли бўлишини таъминлаш. Бунинг учун ўқитувчи аввалдан ҳамма **дарс жараёнини режалаштириши** керак.

- Тайёргарлик кўриш;
- Мақсад қўйиш;
- Материал танлаш;
- Ҳар бир кичик гуруҳга топшириқни тушунтириш;
- Зарур материаллар билан таъминлаш;
- Ўқитувчи қўйилаётган топшириқни, масалани ўзи ечиши зарурлиги.

## 2-фаза. Ахборот билан таъминлаш.

• Кичик гуруҳлар қандай топшириқ оладилар, уни бажаришга қанча вақт ажратилади. Қандай қоидаларга риоя қилиш керак кабилар эълон қилинади.

- Кичик гуруҳлар ўз топшириқларини оладилар.
- Кичик гуруҳларга ишлаш учун берилади.
- Кичик гуруҳлар ўз жойларини эгаллайди.

## Топшириқ устида ишлаш.

• Кичик гурух топшириқни олгач, гурух вазифаларни бўлишиб олиши мумкин.

- Кичик гурух ўзининг топширигини бажаради.

- Кичик гурух ўз иши натижасини бутун гурух олдида гапириб беришга, қылган ишини күрсатишга тайёрланади.

**Якуни:**

- Кичик гурухлар қўйилган масалани биргаликда муҳокама қилиш учун йифилади;

- Ҳар бир кичик гурухдан битта талаба (докладчи) гурухнинг эришган натижасини;

- Қисқача доклад қилиб беради;

- Кичик гурухлар иш натижаси муҳокама қилинади;

- Кичик гурух ўз иши натижасини бошқа кичик гурухлар натижаси билан таққослайди;

- Кичик гурухлар томонидан билдирилган фикрлар бўйича умумий холосага келинади;

- Ҳамма талабаларга умумий натижа эълон қилинади.

**Ўқитувчининг роли.**

Жуфтлик ёки кичик гурухларга бўлиб ўқитиш услубида дарс олиб бориш бошқа анъанавий услублар: савол-жавоб, экспресс савол-жавоб, баён қилиш, сұхбат, маъруза ўқиш ва бошқалар қуидагиларни назарда тутади:

1. Ўқитувчи қарор қабул қиласди;
2. Дарсни ташкил қиласди ва бошлайди;
3. Назорат қиласди ва зарур бўлганда аралашади;
4. Тахлил қиласди ва баҳолайди.

Ўқитувчи ўтиладиган мавзунинг мазмунига, аудиторияда дарсни қандай ўтиш имконияти мавжудлигига кўра жуфтликда катта ёки кичик гурухларга бўлиш ҳақида қарор қабул қиласди. Гурухларга топшириқ беради, топшириқ эса дарсга ўқитувчи томонидан тайёрланган бўлиб, у ўтилган мавзуни муҳокама қилиш ёки асосий тушунчалар бўйича бўлиши керак.

Кичик гурухлар ишининг муваффақияти кўп жихатдан дарсни тўғри ташкил қилиш, топшириқ ва унинг таркибини аниқлаш, дарс ўтказишини режалаштириш ва ўтказишига боғлиқ. Дарсни режалаштираётганда қуидагиларни мўлжал қилиб олиш мумкин.

1. Ўзаро ижодий боғлиқлик, бевосита бир-бирига ўзаро таъсир этиши. Гурухда ижобий тарзда ўзаро ижодий боғланиш юз беради, қачонки:

- Кичик гурух олдига умумий мақсад қўйилади (масалан, гурухда бирон-бир материални ўзлаштириш, саволга жавоб бериш топширилган талабалар ана шу материал гурухнинг ҳар бир аъзосини тушуниб етишига эътибор қилиши керак).

- Гурухнинг барча аъзолари рафбатлантирилади (масалан, гурухни ҳар бир аъзоси, қачонки гурух аъзолари топшириқни бажарив, маълум белгиланган натижага эришгандагина балл олади)

- Гурух аъзолари ўзларида бор материал ва ахборотни ўзаро алмаштиришлари, ўртоқлашишлари керак (масалан, гурухнинг бир қисми бир материални, иккинчи қисми бошқа материални ўрганади ва сўнгра олган ахборотлари билан фикр алмашадилар ва ҳоказо).

• Гурух аъзолари ўзаро ҳамкорликда ўйлайдилар ва маълум ролни ўйнайдилар (масалан, бири ёзиб турди, бири бутун гурух номидан сўзга чикади, бошқалари мунозарада қатнашади). Шундай тарздаги ижодий ўзаро боғланиш ижобий бевосита ўзаро ҳамкорлик жараёнида аъзолари ўртасида оғзаки таҳлил ва мулоқотда бўлган (ахборотни билмаслиги мумкин) талабалар бир-биридан ўрганади.

2. Шахсий маъсулиятни хис қилиш. Ўзаро ижодий ҳамкорликнинг ўзи кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтишнинг муҳим натижаси ҳисобланади. Лекин ҳар бир гурух аъзосининг янги билимни ўзлаштиришини таъминлаш учун берилган материал ёки саволни ўрганишда ҳар бирининг жавобгарлигини англашига эришиш зарур. Ҳар бир талабанинг шахсий жавобгарликни хис қилиши қай даражада эканлигини назорат иши ёки таваккалига танланган аъзоларидан бири жавобига аниқлаш мумкин.

3. Талабалар ўртасида мулоқот, кичик гуруҳда ишлай билиш маҳорати. Гуруҳда самарали ишлаш учун талабалар ўртасида бир-бирига таъсири кўрсатиш малакасини ҳар жиҳатдан ривожлантиришга аҳамият бериш зарур. Бунга масалан, мулоқот қилиш, ишонч билдириш, лидерлик (садорлик) қилиш, қарор қабул қилиш вазиятни бартараф қилиш кабиларни гурух бўлиб ишлаш.

4. Ахборотларни биргаликда ишлашни амалга оширадилар ва материални таҳлил қилиб ўз фикрларини ўртоқлашадилар. Жуфтлик ёки кичик услубининг асосий жиҳатлари қарор қабул қилиш ва конфликтли кўрсатиш мумкин.

- Ижодий ҳамкорлик кўрсатиш; бевосита бир-бирига таъсири кўрсатиш; масъулият хис қилиш;
- Талабалар ўртасида мулоқот, кичик гуруҳларда биргаликда ишлай билиш маҳорати;
- ахборотларни гурух бўлиб биргаликда ишлаш;
- муаммони, мавзуни, саволларни талабаларнинг мустақиллиги;
- мустақил олинган натижа яхши ўзлаштирилади ва узоқ вақт ёдда қолади;
- мавзу бўйича талабалар интенсив ивдлашади. Ҳамкорликда ишлаш имконияти мавжудлиги;
  - ўқитувчи ягона ахборотчи, муҳаррир, имтиҳон қилувчи сифатида асосий ўринда турмайди;
  - талабаларда ўз билимини ўртоқларига нисбатан баҳолаш ва билмаганларини ўрганишга интилиш кучаяди;
  - талабаларда муаммони, вазиятни турли ёндошиб таҳлил қилиш қобилияти ўсади;
  - талабаларнинг ҳатти-ҳаракатини аниқ мақсадга қаратилиши ортади;
  - талабалар ўртасида ҳамкорлик, ижобий муносабатлар шаклланади.

Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг ўзига хос камчиликлари мавжуд. Бу услубни танқид қилувчилар қуйидагиларга аҳамият беришади. Биринчи муаммо, билимни рағбатлантириш билан боғлиқ.

Нисбатан билими күчсиз талабалар материални бошқаларга ўхшаб ўзлаштирганлари сабабли бутун кичик гурух паст балл тўплаши мумкин. Билими кучли талабалар юқори баҳо ола олмасликлари мумкин.

Иккинчидан, ўқитувчининг дарс ўтишдаги роли минимал, мураккаб масалаларни муҳокама қилишида.

Учинчидан, бу услуг шуни назарда тутадики, талабалар бир-бирига ўргатади. Лекин улардан ҳеч бири предметни ўқитувчикдек билмайди. Янги тушунча, янги ўкув материали берилганда мазмунини чукур ва яхши тушунадиган ўқитувчи бўлиши.

Тўртинчидан, жуда кўп ўқитувчилар кичик гурухга бўлиб ўтишни оддий гурух бўйича ишлаш тарзида кўришади, назарий жиҳатдан ўқув материалини ўзлаштириш учун эмас. Натижада бу услубнинг имконияти тўла ишга қолади.

Бешинчидан, кичик гурухга бўлиб дарс ўтиш жараёнида муаммо туғдириши мумкин. Сабаби, кўйилган кичик гурухда муҳокама қилиш учун қўшимча аудиториядан фойдаланилади. Битта аудиторияда бўлса шовқин-сурон бўлиб бир-бирларига халақит беришлари мумкин. Шунинг учун энг яхши йўли кичик гурухларда берилган топшириқни дарсдан ташқари пайтда муҳокама қилиб, семинар дарсида ҳар бир гурух маъruzачиларини тинглаш мумкин.

Аудиторияда кичик гурухларга бўлинниб, биргалиқда машқ ечиш мумкин. Бунда топшириқ диққат билан тайёрлаб талабалар берилган топшириқни маъносига тушунишдими йўқми текшириш, уни бажаришга аниқ вақт белгилаш, гурух талабалар ўртасида мулоқотни ташкил этиш керак.

Камчиликлари:

- Дарс ўтишни бошқа шаклларига қараганда кўп вақт талаб қиласди;
- Ҳамма талабалар ҳам дарсга фаол қатнашмаслик имконият мавжудлиги;
- Ҳамма қатнашчиларда гурух томонидан чиқарилган хулосаларнинг мустаҳкам ёдда қолишни таъминлаш қийинлиги;
- Шундай услуг билан дарс ўтишда мавзунинг қийинлиги.

**Касбий фанларни ўрганишда моделлаштирувчи (амалий) ўйинларни қўллаш.** Касбий фанларни ўрганишда моделлаш услуги муҳим ўрин тутади. Айнан моделлаштиришда иқтисодий тушунчаларни ўрганишни кўриш, эшлишиш балки ўзлари ҳам қатнашиб ўрганадилар. Натижада энг пассив талабаларни ҳам дарсда фаоллиги таъминланади. Иккинчидан, талабалар у ёки бу тушунча жараённи ўрганишда ўзлари қатнашганлари туфайли қирраларида узоқ сақланиб фаол билим заҳирасини ташкил этади. Дарс ўтишда кейинги пайларда бу методдан нисбатан кенг фойдаланилиб борилмоқда. Моделлаштирувчи ўйинлар талабаларга иқтисодий тушунчалар реал ҳаётдаги иқтисодий воқеа-ҳодисаларни ифодалаш, уларнинг маҳиятини тушунишга ёрдам беради.

1) Моделлаштириш методи асосига қурилган дарс ориентация (мўлжал)дан бошланади. Ўқитувчи талабаларни амалий ўйин, унинг мақсади ва ўйин жараёнида фойдаланиладиган тушунчалар билан таништиради.

2) Моделлаштирувчи ўйиннинг қандай ўтказилишини билимдонлик

билин ёзилган матнда кўрсатилади, Ўйин ўтказиш учун қандай тайёргарлик кўриш кераклиги, ўқитувчи учун тавсиялар, талабалар учун кўрсатмалар берилади. Талабалар кимнинг ролида ўйнашади, ўйиннинг қоидалари, уни ўтказиши қадам-бақадам кўрсатмаси берилади. Жуда кўп ўйинларда талабалар ҳаётдаги персонажларнинг ролини ўйнашади. Масалан, сотувчи, харидор, ишлаб чиқарувчи, хизматчи ва ҳоказо.

Ўйин ўтказиш шартларида, ҳар бир рол бажарувчи қандай мақсадга эришиши лозимлиги ва унга қандай эришиш мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, харидор белгиланган вақт ичиди иложи борича арzon, кўпроқ товар сотиб олиши, сотувчи эса, аксинча, кўпроқ қимматга сотиши, ишлаб чиқарувчи кўпроқ кам харажат билан маҳсулот ишлаб чиқариши ва ҳоказо.

3) Моделлаштирувчи ўйин ўтказилаётганда дарснинг мақсадини яхши тушунмаслик оқибатида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни тўғрилаш, ҳамда қарама-қарши мулоқот ўрнатиш имконияти қолдиришни кўзда тутилиши керак.

4) Моделлаштирувчи ўйин асосида дарс ўтишда талабаларнинг билим олиши ўйиннинг муҳокамаси жараёнида юз беради. Муҳокама қилиш жараёнида ўқитувчи томонидан берилган саволлар талабаларга ўйин давомида бажарилган ишлар, воқеаларни умумлаштиришга, дарснинг асосий мазмунини таҳдил қилишга ёрдам бериши керак. Талабалар тўқнашган қийинчиликлар, ўзи учун очган янгиликларни аниқлаш, ўйинни реал ҳаёт воқеалари билан таққослаш, ўтилаётган дарснинг мазмуни билан боғлаш асосида кўрсатилган асосий иқтисодий тушунчаларнинг мағзини чақиши, англаб этиш ҳамда хулоса чиқаришга ёрдам бериши керак.

5) Моделлаштирувчи ўйин, бошқа ўйинлардан фарқ қилишини тушунтириш керак. Масалан ким биринчи бўлиб масалани ечади ёки кроссворд тузади ва ҳоказо. Булар асосан қандайдир мусобақани ифодалайди. Моделлаштирувчи ўйинларга албатта реал социал ёки иқтисодий жараённи соддалаштирилган ифодаси сифатида, унда қатнашиш имконини берадиган ўқиш тажрибаси сифатида қараш мумкин. Моделлаштирувчи ўйинлар талабаларга шу жараённинг ўзини ёки шу жараёнда инсонларни ҳатти-ҳаракатини, ўзларини қандай тутишлари яъни, танлов муаммосини қандай ҳал қилишларини намоён қилиши туфайли иқтисодий воқеа, ҳодиса, жараёнларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Чунки шу жараённида улар қатнашадилар, ўзларида синаб кўрадилар.

Бу услуб асосида дарс ўтишни ўқитувчи режалаштирар экан нималар қилиш кераклигини аниқлаб олиши зарур. Моделлаштирувчи ўйин принципи асосида тузилган дарснинг асосий босқичлари.

## **1. Мўлжалга олиш.**

• Моделлаштирувчи ўйинда намойиш этилади, ўрганиладиган тушунчаларни айтиш, эсга солиш, қайтариш;

• Моделлаштирувчи ўйиннинг мақсадини тушутириш.

## **2. Ўйинни ўтказишига тайёрланиш.**

- Ролларни аниқлаш, ҳар бир ролни муваффақиятли бажариш учун зарур ашёларни тайёрлаш;

- Ўйинни ўтказиш қонун-қоидасини белгилаш;
- Ўйин ўтказишнинг аниқ тартибини белгилаш, қандай ўтказиш хақида аниқ кўрсатма бериш;

-Зарур бўлганда қисқача синов раундини ўтказиш.

### **3. Ўйинни ўтказиш.**

- Моделлаштирувчи ўйинни ўтказиш;

- Ўзаро мулокотни, алоқани таъминлаш;

- Нотўғри тушуниш туфайли йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш;

- Ўйинни давом эттириш.

### **4. Мухокама қилиш.**

- Ўйинда юз берган ҳодисалар жараёнига якун ясаш;

- Юз берган қийинчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўлларини мухокама қилиш;

- Жараённи таҳлил қилиш;

- Ўйинни реал ҳаёт билан таққослаш;

- Ўтилаётган асосий иқтисодий тушунчалар

### **Моделлаштирувчи ўйин усулининг афзалликлари.**

- Талабаларни дарсга фаол қатнашуви ва иқтисодий категориялар мазмунини чукурроқ ўзлаштириш;

- Мустақил ҳаракат қилиш, қарор қабул қилишга имкон яратади;

- Ўзаро алоқа, мулокот ўз вактида таъминланади. Тушунчалар (категория) ни амалиётда қўллаш учун шароит яратилади;

- Дарс ўтишнинг турли-туман услубларини биргаликда қўллаш имкони яратилади;

- Талабаларни дарсга иштиёқини орттиради. Дарсдаги вазиятни кўп жиҳатдан талабалар назорат қиласди;

- Ўқитувчининг асосий роли дарсни ташкил этиш;

- Талабанинг ички ҳиссиёти, масаланинг моҳитига қарашини ўзгартириши мумкин.

### **Камчиликлари.**

- Реалликни ҳаддан ташқари соддалаштиридага олиб келиши ва натижада олинган билимни ҳаётда қўллашни нисбатан қийин, кам фойдали қилиши мумкин;

- Вактдан самарасиз фойдаланиш мумкин;

- Талабаларни доимо зарур даражада туриш қийин.

Моделлаштирувчи амалий ўйин - бу ўрганишнинг комплекс варианти хи^бланади. Чунки ўйин мобайнида турли усуслардан фойдаланилади. Ўйиннинг муваффақияти бевосита унинг нақадар билимдонлик билан танланиши, талабаларни ўз ролларини бажариши, ўйиннинг маъносини тушунтиришга боғлик.

Иқтисодиётни ўрганиш учун моделлаштирувчи ўйинлардан фойдаланиш самаралими? деган савол туғилиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, моделлаштирувчи ўйинлар ўқитишининг анъанавий

услубларига қараганда самаралироқ экан. Чунки ўқув материалини ўзлаштириш бевосита тажрибада синаб күриш орқали амалга ошади.

Бу методнинг асосий афзаллиги шундаки, талабанинг масалани моҳиятига қаравини, аввалги тутган нуқтаи-назарини ўзгартириш имконига эга. Бу услубни тарафдорлари уларнинг талабалари моделлаштирувчи ўйиндан сўнг ўз қарашларини тамомила ўзгартиришганини жуда кўп таъкидлашади.

Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, анъанавий методга қараганда моделлаштирувчи ўйин методи асосида дарс ўтилганда ўрганилаётган предметга талабаларнинг ижобий муносабат ортади.

Моделлаштирувчи ўйин мотивация нуқтай назаридан фойдали. Талабалар кўпинча бундай ўйиндан қаноат ҳосил қилиб, янги ўрганганларини ўртоқлашадилар. Бундай дарсда 100%гача талабалар дарсга фаол қатнашадилар.

Яхши ўйлаб тайёрланган моделлаштирилган ўйин талабаларни тажриба асосида муҳим муаммолар бўйича бир қарорга келишига ёрдам беради.

Талабалар бир қарорга келишни эксперимент қилишлари ва унинг оқибатини (минимал хатар билан) кузатишлари мумкин.

Моделлаштирувчи ўйин ёрдамида талабаларни реал воқеликлари билан таништириш анъанавий методларга қараганда устунликка эга. Маъruzалар реал ҳаётдан анча узоқ туюлади. Моделлаштирувчи ўйинда аксинча, қўйилган саволларга жавоб топиш ва реал муаммоларни ечиш учун талабаларнинг шахсан ўзлари қатнашадилар. Моделлаштирувчи ўйинлар талабаларни реал ҳаётни назарий модели билан таништиради. Масалан, бозорда қандай мувозанат нархи ўрнатилади, танлов қандай амалга ошади ва ҳоказо.

Моделлаштирилган ўйин методи ўқитувчига дарс беришнинг усулларини ўзгартиришга катта имконият беради.

Лекин ҳар қандай метод каби бу услубда ҳам қатор камчиликлар бор. Аудиторияда моделлаштирувчи ўйин ўтказиш учун реал жараёнларни соддалаштиришга тўғри келади. Лекин ҳаддан ташқари соддалаштириш иқтисодий билимларни нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин. Моделлаштирувчи ўйин танланганда буни доимо ёдда тутиш керак. У бир томондан етарли даражада содда, иккинчи томондан етарли даражада реал ҳаётга яқин бўлиши, реал жараёнларни ифодалаши, буни ҳисобига қимматли тажриба ўргатувчи бўлиши керак. Моделлаштирувчи ўйин ўқитувчидан анъанавий дарсларга тайёрланишга қараганда синчковлик билан пухта тайёргарлик кўришни талаб қиласди. Дарсликка таянган ҳолда дарс ўтиш ўқитувчидан нисбатан кам вақт, камроқ энергия, диққат талаб қиласди. Аммо, ҳамма дарсни моделлаштирувчи ўйин ўтказиш билан олиб бориб бўлмайди. Кўпинча моделлаштириш билим олишнинг кульминацияси бўлиб, фаннинг баъзи бир асосий уларни ўрганиш бошқаларига йўл очиб берадиган категориялар қонунларини ўрганишда қўлланилади.

Моделлаштирувчи ўйиндан фойдаланишдаги муҳим чекланиш — бу конкрет ўқитувчининг характеристи, стилига боғлик. Ўқитувчилар анъанавий услублар асосида дарс ўтишга ўрганиб қолишган, шунинг учун уларга шу

услублар самаралироқ туюлади. Моделлаштириш талабаларни фаоллигини оширади. Бу яхши, лекин шуни ёддан чиқармаслик керакки, ҳаддан ташқари талабалар ўйин билан қизиқиб кетишлари оқибатида баъзи бир номақбул ҳолатлар юз бериши мумкин. Талабаларни рол шу даражада жалб қилиши мумкинки, ютиб чиқмаса қаттиқ кўнгли қолиши мумкин. Уларда алдаш ёки қоидани бузиш ҳисобига мақсадга етишга ҳаракат қилиш вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи вақти-вақти билан талабаларга моделлаштирувчи ўйин энг аввало билим олиш, тажрибага эга бўлиш учун эканини эслатиб туриши керак.

Бу услубни кўллаш билан боғлик яна бир муаммо – вақт. Моделлаштирувчи ўйин ўтказиш кўп вақт талаб қиласи. Шунинг учун кўп ўқитувчилар вақтни қизғаниб, бу услубдан жуда кам фойдаланишади. Агар ўқитувчи ўтилган материални мустаҳкамлаш, талабанинг билимини пухта бўлишини кўзласа вақтнинг бир мунча ортиқча сарфланиши ўзини оқлайди.

Энди дарсда бу услубдан талаб ва таклиф категорияси ва қонунини ўрганишда қандай фойдаланишни кўриб чиқайлик.

### **«Озиқ-овқат бозори» моделлаштирувчи амалий ўйини.**

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим иқтисодий институти бозорнинг ўзи. Бозор ресурсларни шундай тақсимлайдики, бунда қайси мндивидуал харидор уни энг юқори баҳолаган, яъни энг зарур деб ҳисоблаган бўлса сотиб олади. Бозорда бир қанча харидор турли-туман товар ва хизматларни сотиб олишга тайёр. Бу амалий машғулотда аниқ бир бозорда баҳо қандай шаклланишини кўриб чиқамиз. Сўнгра нима сабабдан вақт ўтиши билан баҳолар ўзгаради? Қандай қилиб турли бозорлар бир-бирига мувофиқлашади ва биргаликда бозор тизимини ташкил қиласи ўрганамиз. Бозорларнинг ялпи тизими жамият доимо тўқнаш келадиган асосий иқтисодий саволлар: қандай товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш зарур, уларни қандай ишлаб чиқариш керак? Улар кимлар учун ишлаб чиқарилади? Иқтисодий тизим, ишлаб чиқарувчилар ўзгаришларга тезда мослаша оладими? Ҳаммасига жавобни бозор беради! Бозор иқтисодиётида бозорнинг қанчалик мухимлигига қарамай, кўпчилик унинг қандай ишлашини тушунмайди. Дарсда ўрганиладиган категориялар: Таклиф, талаб, баҳо, мувозанат баҳоси, бозор

### **Дарснинг мақсади.**

Қандай тарзда таклиф ва талаб асосида баҳо шаклланади, навбатида товар баҳоси талаб ва таклиф миқдорига қандай таъсир қиласи.

Улар ўртасидаги функционал боғланишини ўрганиш. Дарсни талабаларга мукаммал рақобат шароитидаги бозорда эркин олди-сотди юз бериши, лекин ҳамма товарлар учун ҳам бундай бозор хос эмаслигини уқтириб ўтишдан бошлаймиз.

Талабалар амалий ўйинда иштирок этиб, баҳонинг қандай шаклланишини ўзлари иштирок этганлари ҳолда чукур тушуниб оладилар. Ўйин ўтказиш учун 32та харидор ва сотувчи карточкаси тайёрланади. Карточкалар яхшиси икки рангда бўлгани маъқул.

Харидорлар карточкаси	Сотувчилар карточкаси
-----------------------	-----------------------

харид нархи, сўм	карточка сони	сотиш нархи, сўм	карточка сони
105	2	105	<b>4</b>
115	2	115	6
125	2	125	6
135	2	135	4
145	4	145	4
155	4	155	2
165	4	165	2
175	4	175	2
185	4	185	2
195	4		

### **Тарқатиладиган материал! Харидорларнинг карточкаси**

Сиз иложи борича арzonроқ 10 кг картошка сотиб олишингиз керак. Агар 1 кг картошканинг нархи 115 сўмдан ортса ёки умумий суммаси 1150 сўмдан ортиб кетса зарап кўрасиз. Сиз иложи борича арzonроқ 10 кг картошка талаб ва таклифнинг умумий миқдорини аниқлаш учун талаб ва таклиф шкаласини аниқлашимиз керак.

Талаб - бу маълум бир вақт мобайнида харидорлар сотиб олиши мумкин бўлган нархлар бўйича товарлар миқдорини ифодаловчи шкала.

Таклиф - бу маълум бир вақт мобайнида ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариши ва маълум бир нархларда сотиши мумкин бўлган товарлар миқдорини ифодаловчи шкала.

Шу тарифимиз асосида таклиф, сўнгра талаб шкаласини ҳисоблаб чиқамиз. Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, кўпинча шкалани ҳисоблаётганда талабалар хатоликка йўл қўйиб, маълум бир нархда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдорини айнан шу нарх шу миқдор бўйича олишади. Ваҳоланки, аввалги миқдорни ҳам қўшиш керак. Чунки 115 сўмдан 20 кг картошка сотиб олиши мумкин бўлган харидор табиий 105 сўмдан ҳам сотиб олишга тайёр. Таклифда ҳам худди шундай.

Шуни ҳисобга олиб таклиф ва талаб шкаласини ҳисоблаймиз. Таклиф шкаласи. Куйидаги жадвалнинг биринчи устунида сотиш нархи, иккинчи устунда шу нархда ишлаб чиқарувчиларнинг сотадиган картошкалари миқдори, учинчи устун таклиф шкаласи. Унда шу нархда сотилиши мумкин бўлган умумий таклиф кўрсатилади. Унинг миқдори шу нархда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдорига teng. Табиий ҳар қандай сотувчи 20 кг. картошкани 105 сўмдан сотишга тайёр сотувчи жон деб 115 сўмдан ва ундан юқори нархда сотади.

Контракт номери	Сотувчининг (олувчининг) исми	Нарх		10 кг картошка суммаси		Ютук	Зарар
		Карточка	Битим буйича	Карточка буйича	Битим буйича		

2 3	Нодирага 1-раунд жами	115	125	1150	1250	100	
1.							
2.							
3.							
2-раунд жами							
Битимларнинг ҳаммаси							

Битимларни ҳисобга олиш варагини тўлдириш учун ҳар бир талаба аввало ўқитувчидан ёки ҳисобчи ролини бажараётган талабадан нарх ёзилган карточка олади. Карточкини олиб, харидор бўлса харид қиласи, сотувчи бўлса сотади. Олди ва сотди бўйича бир битимга келишгач, сотувчи талаба харидор талабанинг, харидор талаба эса сотувчи талабанинг исмини, ўз карточкасидаги ва битим бўйича бозорда келишилган нархни ведомостга ёзиб, карточкини қайтариб топширади ва янги карточка олади.

Масалан, Саодат 10 кг. картошкани Нодирага 125 сўмдан сотди. Унинг карточкасида 115 сўмдан камга сотсангиз зарар кўрасиз деб ёзилган. Демак у ўз карточкасини ўзи учун яхши нархда сотибди. Унинг ютуғи 100 сўм. Буларни контрактларни регистрация қилиш варагига ёзиб қўяди. Нодиранинг карточкасида эса харид нархи 145 сўмдан ошиб кетса зарар кўрасиз деб ёзилган. Демак бу битим Нодира учун ҳам фойдали бўлиби. У 10 кг. картошкани арzon олиши эвазига пулини 200 сўм кам сарфлабди. Бу унинг ютуғи. Нодира ҳам бу битимни ўзининг контрактларни регистрация қилиш варагига ёзиб қўяди (сотувчи олган харидорни исмини, олувчи эса сотганнинг исмини ёзади).

Карточкини қайтариб топшираётганда албатта неча сўмдан битим тузилганини айтиб, сўнгра янги карточка олиш керак. Бу битимни албатта ўқитувчи ёки ҳисобчи ролини бажараётган талаба ҳисобдан ўтказиши регистрация қилиши керак. Бунда ўқитувчи сотувчиларни, ҳисобчи харидорлар битимини ҳисобдан ўтказиши мумкин.

Раунд тугагач талаба ўзининг умумий натижасини ҳисоблаб ўйин тугагач эса тузган барча битим (олган, сотган) ларини ҳисоб-китобини қилиб, олган ютуғини ёки зарарини ҳисоблаб, ўқитувчи талабалар орасидан энг кўп ютуқ (фойда ёки зарар) кўрган талабани аниқлаб, улардан бунинг сабабини гапириб беришни таклиф қиласи. Фолиб аниқланиб, у рағбатлантирувчи совға ёки шу мавзу бўйича қўшимча баҳо берилиши мумкин.

Намойиш қилинадиган материал. Гурухнинг ҳисоб ведомости.

1 кг картошка баҳоси кг/сўм	1-раунд (синовчи)	2-раунд (битим сони миқдори)	3-раунд (битим сони миқдори)	Раунднинг натижаси (битим СОВ;
105				
115				
125				
135				

145				
155				
165				
175				
185				
195				

**Намойиш қилинувчи материал картошкага бўлган талаб ва таклиф  
Дарс ўтказиши.**

Моделлаштирувчи ўйинни ўтказиши учун гурух талабаларини 2 га бўлинади. Гурухнинг ярми сотувчи ролини, ярми харидор ролини бажаради. Харидорларни қўлига аввалдан тайёрланган карточкани бериб, ўйин қоидаси тушунтирилади. Талабалардан бирини ёрдамчи сифатида карточкаларни тарқатиш ва иккинчисини олди-сотдини назорат қилувчи, ҳисобга оловчи қилиб белгилаш:

Карточкалар: харидорники алоҳида, сотувчиники алоҳида сақланиши керак ва ҳар бир раундда аралаштирилиши лозим. Ҳар бир талаба карточкани олгач, битим тузиш учун шерик қидиради. Битим тузәтганда карточкада белгиланган нархга аҳамият бериш керак.

1. Аудиторияда маълум бир жойни бозор қилиш керак.
2. Талабаларга тушунтириш керак: ким сотувчи бўлган бўлса охиригача сотувчи, ким харидор бўлса охиригача харидор бўлади.

3. Талабаларга контрактларни регистрация қилиш вараги тарқатилади. Сўнгра ҳар бир талаба битим тузгач, албатта ўзининг ведомостини тўлдириши кераклиги тушунтирилади. У ким билан битим тузган бўлса исмини ёзиши карточкадаги нархни ҳамда тузган битим бўйича нархни ёзиб қўйиши керак. Бу биринчидан, олган ютуғи ёки зарарини ҳисоблаш имконини беради. Иккинчидан, ғолибни аниқлагандаги ёрдам беради. Талаба ўз натижасини тўғри ҳисобладими ёки йўқми, аниқлаш эҳтиёжи туғилиши мумкин. Талабаларни огоҳлантириши керак, улар битим тузәтганда ҳисоблаш осон бўлиши учун охири 5 ёки 0 билан тугайдиган рақам билан нархга келишганлари маъқул.

4. Талабаларнинг индивидуал ҳисоб варакларини тўғри тўлдиришаётганига ишонч ҳосил қилиш учун синов раундидан кейин, бир икки талабадан қандай тўлдирганини суриштириш керак. Синов раундидаги шартнома умумий ҳисоб-китобга киритилмайди.

5. Бозорда олди-сотди 5 минутдан (ёки 10 минутдан) уч раундда ўтказилиши, биринчи раунд синов раунди бўлиши, иккинчи ва учинчи раунд ҳақиқий ҳисобга олинишини эълон қилиниши керак. Ўқитувчи ҳар бир раундда 1 минут вакт қолганда вакт тугаётганини айтиб, талабаларни огоҳлантириши керак.

6. Намойиш қилинувчи ва тарқатилувчи материалдан фойдаланиб, битимларни ҳисоб китоб қилиш керак.

7. Ҳар бир раунддан сўнг, ҳар битта талаба ўз натижасини ҳисоблаб чикиши учун вакт ажратиш керак.

Талабаларни иложи борича күпроқ битим тузишни рағбатлантириш керак. Улар ўз карточкаларини битим тузгандай кейингина топширишлари мумкин. Шунинг учун улар заар кўрсалар ҳам битим тузишлари керак. Балки, келгусидаги битим ютуқ (фойда) келтиради. Заар кўрар эканман деб, битим тузмаса вақтни бой беради. Ҳар бир талаба ўз фойдасини қўпайтириш ёки зарарини камайтиришга ҳаракат қилиши керак.

Бозордаги мувозанат нархини қандай аниқлаш мумкин? Бунинг учун талаб ва таклиф шкаласи маълумотлари асосида белгиланган нуқталарни бирлаштириш натижасида ҳосил қилинган талаб ва таклиф эгри чизиқлари ёрдамида жавоб берамиз. Улар сотувчи ёки харидорнинг ҳатти-ҳаракатини изоҳлайди. Ана шу эгри чизиқларнинг кесишган нуқтаси (фокал нуқта) мувозанат нуқтаси ҳисобланади. Ана шу нуқтага мос нарх, мувозанат нархи дейилади. Талабалар ўзлари чизган график билан ўқитувчи чизган графикни солишишилари мумкин. Графикни муҳокама қилиш жараёнида ўқитувчи талабаларга «Пировард бозор нархини ким ўрнатади, сотувчими ёки харидор?» деб мурожаат қилиши мумкин. (Албатта, бозордаги нархни сотувчи ва харидор биргаликда ўрнатади).

Қандай қилиб сотувчи ва харидор ўртасидаги рақобат нархга таъсир кўрсатади?

1. Белгиланган вақт тугагач, ўйинни тўхтатиш ҳамда талабаларни картошка бозоридаги умумий битимлар билан танишириш керак. Ҳар бир қатнашувчи ўзидан бошқаларни битимлари қандай тузилгани билан танишиши керак.

2. Кейинги, иккинчи раундда талаба сотиш ёки сотиб олиш мақсадида ўз нархини баланд овозда эълон қилишига рухсат бериши лозим. Бу ҳам ахборот оқимини тезлаштиради.

Ўйин тугагач, уни муҳокама қилиш бошланади. Ўйиннинг муҳокамасида аввало энг кўп фойда ёки заар кўрган талабалар аниқланиб, улар нима сабабдан шундай натижага эришганларини изоҳлаб берадилар.

Битимларни ҳисобга олиш варағи орқали картошка бозорида нархлар мувозанат нархи томон ўзгариб борганини кўрсатиш керак. Бунинг учун талабаларга: Ҳар бир раундда картошка нархи қандай бўлган, энг кўп неча сўмдан сотилган? Нархлардаги фарқ қайси раундда энг кўп? Нима сабабдан охирги раундда нархлар нисбатан бир-бирига яқин? деб мурожаат қилиш мумкин? Биринчи ва иккинчи саволга олингаг маълумотлар асосида жавоб берсак, учинчи саволга бозордаги рақобат кураши, харидор ва сотувчиларнинг кўпроқ ахборотга эга бўлиши сабабларини кўрсатиш мумкин.

Ҳар икки сотувчи ва харидорлар гурухидан бирон-бир аниқ харидор ёки сотувчи мустақил равишда нархни назорат қилиш имконига эга эмас. Бунга рақобат йўл қўймайди. Харидорлар харидорлар билан сотувчилар сотувчилар билан рақобат қиласди.

Бунга талабалар диққатини қаратиш керак.

Үқитувчи маълумотлар асосида энг кўп олди-сотди қилинган нархлардан катта фарқ қиласидан баҳоларда сотган ёки сотиб олганлар. Ана шу диапазон айтайлик, 135-150 сўм атрофида сотиш ёки сотиб олиши мумкинлиги, шу туфайли ўз фойдасини максималлаштириш ёки зарарни минималлаштириш шансини бой берганини тушунтириши керак.

Чизилган график асосида сотувчи ёки харидор ютуғини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофик; бўлади.

### **Кўшимча машқ.**

Номукаммал рақобат шароитида бозор қандай амал қиласиди?, нарх қандай шаклланади? синаб кўриш учун шу ўйиннинг ўзини рақобат мавзусини ўтганда кўриш мумкин. Бунда сотувчилар чекланган (3-4 та) бўлади. Биринчи раундда сотувчиларга алоҳида-алоҳида карточка бериб, бир-бирлари билан келишишларига йўл қўймай бозорга чиқарилади. Иккинчи раундда эса бир неча минут уларни келишиб олишларига имкон бериб, бозор бошланади (Карточкалар ўша аввалгилар). Ана шу раунд тугагач, уларнинг олган фойдаси қандай ўзгаргани муҳокама қилинади:

1) эркин бозорга нисбатан, сотувчилар кам, лекин бир-бирлари билан келиша олмайдиган шароитда;

2) сотувчилар ўзаро келишишлари мумкин бўлган шароитда. Ўйин талабалар сони 20 тадан кам бўлмаган гурухларда нисбатан яхши ўтади.

### **3. Касбий фанларни ўрганишда тадқиқот услуби.**

Ўз самарадорлиги ҳамда талабаларнинг фанни ўрганишдаги эришган даражалари, олган билимларининг пухталиги қай даражадалигини ҳам аниқлаш имконини берадиган услуг бу тадқиқот услубидир.

Бу услубда талабалар юз бераётган воқеликни кузатиб, фактларга диққатни қаратиш, улардан хулоса чиқаришни ўрганишади.

Тадқиқот методини иқтисодиётни ўрганишда тадбиқ қилиш талабаларнинг пухта билим олишларига катта ёрдам беради. Сабаби, иқтисодиёт доимо кишиларнинг олдига танлов муаммосини қўяди, чунки ресурслар чекланган, уларни бир мақсаддагина ишлатиш мумкин. Бир мақсадда ишлатилган ресурсни иккинчи мақсадда ишлатиб бўлмайди. Масалан, ерга уй қурилса, энди у ерга экиб ёки йўл қуриб бўлмайди. Бунинг учун уйни бузиш керак. Демак ерни турли мақсадларда ишлатиш мумкин. Лекин биз уларнинг орасидан бирини танлашимиз керак. Бунинг учун альтернатив варианtlар таққосланади.

Дарс беришнинг бу методи олдига икки мақсад қўйилади:

1. Мавзунинг мазмунини ўзлаштириш ва илмий методлардан фойдаланишни ўрганиш;

2. Ахборотлар, далиллар, маълумотлар асосида тадқиқот ўтказиш жараёнига қатнашиш орқали, талабаларни ахборот тўплаш, тўпланган ахборот устида ишлаш, хулоса чиқариш ва баҳолашга ўргатиш.

Тадқиқот услуби асосида дарс ўтиш индуктив ва дедуктив мантиққа таяниши мумкин.

Тадқиқотнинг дедуктив методга асосланиши иқтисодиётда қатор тайёр қоида, қонунлар мавжудлиги, улардан қўйилган муаммоларни ечишда фойдаланса бўлишига таянади. Бу қонун, қоидалар талабаларга зарур ахборотни кераксиз маълумотлардан ажратишга ёрдам беради. Тадқиқот жараёнида изланишини тўғри йўлдан боришига қўмаклашади. Индуктив методни қўллаш ёрдамида талабалар маълумот, ахборотга асосланиб, иқтисодий ходиса ва жараёнлар ҳақида янги гипотезани илгари суриши ёки илгари билдирилган гипотезаларни текшириб кўриш мумкин. Бунда бир муқобил қиймат иккинчиси билан солиширилади. Шунинг учун кишиларнинг ҳатти-ҳаракати қандай бўлишини ва маълумотларни синчковлик билан ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Айнан ана шу тадқиқот услуби орқали бунга эришиш мумкин.

Тадқиқот услуби бошқа методлардан катта фарқ қиласи. У талабаларнинг фикр юритиши юқори даражада бўлиши, бор интеллектуал қобилиятларини ишга солишини талаб қиласи. Бу нарса таниқли америкалик мутахассис *Бенжамин Блум* тавсия қилган билишнинг қадам-бақадам беш босқичининг энг юқори босқичига тўғри келади. У баҳолаш бўлиб, баҳолашнинг уддасидан чиқиши учун олган билимини ёдга тушириш, қўйилган масалани тушуна билиш, таҳлил қилиш, синтез қилишни билиши, турли варианtlарни таққослаши, охир-оқибат хулоса чиқара оладиган даражада билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу услубни ҳамма гурухларда қўллаш қийинчилик туғдиради. Лекин талабаларнинг тайёргарлигини, фаоллигини ҳамда билим даражасини ошириш асосида барча гурухларда қўллаш мумкин бўлади. Бунинг учун талабаларни ахборот тўплаш, мустақил равища адабиётларни ўқиб, жадвал ва графиклардан фойдаланишини ўрганишларини кузатиш, аниқлаш ва бу кўникмаларни ҳосил қилишлари учун ёрдам бериш керак.

Дарсни тадқиқот методи асосида ташкил этишнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1. Дарсда талабаларни ҳақиқатан қизиқтирадиган савол ёки масала қўйилади.
2. Ўқитувчи талабаларга бирон-бир гипотеза таклиф қилиши ёки талабаларнинг ўзлари муҳокама қилаётган масаланинг ечимини мумкин бўлган варианtlарини таклиф қилишлари, тушунтиришлари мумкин.
3. Талабалар маълумотлар йиғишида, ахборотлар тўплашади, мустақил равища адабиётларни ўқиб, жадвал, график, видеофильм ва бошқаларни ўрганиб, ҳар бири шахсан ўзи тадқиқот ўтказади ёки дарсда тадқиқот ўтказишида қатнашади.
4. Олинган маълумотлар асосида қўйилган масала бўйича хулоса чиқарилади.

5. Аввалги айтилган гипотеза тўғрими ёки йўқлиги аниқланади. Нотўғри бўлса чиқарилган хулоса бўйича янги таъриф берилади.

Тадқиқот услубига дарс ўтишнинг методи сифатида турлича ёндашиш мумкин. Кўпчилик бу услугуб талабаларга маълумотларни ўрганиш, синчковлик билан таҳлил қилиш, кишиларни ҳатти-харакати қандай бўлиши мумкинлигини ўрганиш, хulosha чиқариш, саволларга жавоб тошишга ёрдам беради. Шунинг учун айниқса, касбий фанларни ўрганишда қўллаш ниҳоятда зарур деган фикрни билдиришади.

Иқтисодий масалалар, муаммоларни тадқиқ қилишда дедуктив тахминлар кенг қўлланилади. Улар масалани, муаммони ечишда одамларнинг саъй-харакати қандай бўлиши мумкин, улар нимани танлашлари мумкин, бунинг сабаби нимада эканлигини тушунишга ёрдам беради. Бу тахминлар одамларнинг касбий фикрлаш тарзини қандай кечиши мумкинлиги, у нималарга боғлиқлигини англай билишимизга боғлик. Ана шу тахминлардан тадқиқот ўтказишда фойдаланамиз. Улар асосидагина хulosha чиқаришимиз мумкин.

Намойиш қилинадиган ва тарқатиладиган материал

Одамларнинг касбий фикрлаш тарзи.

**1. Одамлар танлайди.** Ҳамма ким бўлиши, нима иш қилиши, қаерда яшашидан қатъий назар чекланганлик муаммосига дуч келади. Шунинг учун танлаш ва қарор қабул қилишга мажбур.

**2. Одамларнинг танлови харажастлар билан боғлик.** Одамлар бекордан бекорга у ёки бу нарсани танламайди. Улар ҳар хил муқобил вариантлар орасидан энг юқори наф келтирадиган ёки энг кам харажат талаб қиласидиган вариантларини танлашади.

**3. Одамлар разбатлантириши (стимуллар)га қандай тарзда реакция қилишиларини, қандай муносабат да бўлишиларини олдиндан айтиши мумкин.** Стимуллар турли-туман, жумладан пул шаклида ёки жисмоний қониқиш тарзида ҳам бўлиши мумкин.

**4. Одамлар иқтисодий тизимлар яратадилар.** У ўз навбатида индивидуал танлов стимулларига таъсир кўрсатади. Ҳар доим бирон бир киши у ёки бу муқобил вариантни чекловчи танловни афзал кўрар экан, ёки қўшимча муқобил вариантни ҳосил қиласидиган ёки унчалик зарур бўлмаган нарсани қадрланадиган, зарур нарсага алмаштирадилар. Натижада айирбошлиш ҳар икки томон учун қўшимча қадр-қиммат яратди. Шундай тарзда бутун иқтисодиётда ҳам айирбошлиш ҳар икки томон учун манфаатли.

**5. Одамлар ихтиёрий айирбошлишда қатнашганларида доимо ютишиади.** Ҳар сафар икки ва ундан ортиқ киши айирбошлишни амалга оширади экан, ҳар бир киши ўзи учун камроқ қадрланадиган ёки унчалик зарур бўлмаган нарсани қадрланадиган, зарур нарсага алмаштирадилар. Натижада айирбошлиш ҳар икки томон учун қўшимча қадр-қиммат яратди. Шундай тарзда бутун иқтисодиётда ҳам айирбошлиш ҳар икки томон учун манфаатли.

Одамларнинг танлови келажакда намоён бўладиган маълум бир оқибатга олиб келади. Танлаш натижасида кўзланган мақсадга этиш мумкин. Лекин келажакда у қандай оқибатга олиб келади, буни баҳолаш қийин. Шунинг учун жуда кўп қарорлар таваккал бўлиб, маълум даражада хатар мужассамлашган.

Талабалар бирон масалани, муаммони ўрганаар эканлар, инсонларнинг ана шу касбий фикрлаш тарзини ёддан чиқармасликлари лозим.

Тадқиқот услуги талабаларни бевосита ўрганилаётган мухокама қилинаётган масалага бевосита қатнашиш, изланишга амалий ёндашиш имкониятини беради. Бу тарзда дарс ўтганда дарс беришнинг бошқа услублардан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, бу услуга дарс беришнинг бошқа 5 услубларидан: 1) қасбий фикрлашнинг юқори босқичига асосланганлиги; 2) талабаларнинг бор интеллектуал қобиляйтларини ишда, илмий изланишда талабаларни бевосита иштирок этишлари; 3) маълумотлар, далиллар асосида ҳисоб-китоб қилиб, хулоса чиқариш ва баҳолашга ўргатиши билан фарқ қиласди.

Тадқиқот услубини қўллаб, дарс ўтишни мулк муносабатлари мисолида кўриб чиқайлик. «Мулк муносабатлари» мавзууси бўйича дарс ўтиш жараёнида тадқиқот услубини қўллаш осонроқ бўлиши учун моделлаштирувчи ўйиндан фойдаланишимиз мумкин. **Мақсад:**

1. Мулкчилик, мулк муносабатларини, мулкка иқтисодий ва ҳукуқий категория сифатида тушунтириб бериш;

2. Мулк ҳукуқини ресурсларни тақсимланишида қандай рол ўйнашини таҳлил қилиш.

### **Ўйин ўтказиш учун материаллар:**

\* аудиторияда тахминан 2x2 метр бўш жой;

\* 60 дона скрепка, қофоз ёки бошқа материал бўлиши мумкин;

\* рангли скоч;

\* мулк ҳукуқи дастаси ва ундан келиб чиқиб мулк ҳукуқининг аниқ сифатлари кўрсатилган тарқатма материал.

### **1-тарқатиладиган материал Мулк ҳукуқи дастаси.**

Мулк ҳукуқи ўз ичига қўйидагиларни олади:

- Эгалик қилиш, яъни бойликни назорат қилиш ҳукуқи.

- Фойдаланиш ҳукуқи.

- Бошқариш, яъни бойликдан ким, қандай фойдаланишини таъминлаш масаласини ҳал этиш, ечиш ҳукуқи.

- Даромад олиш ҳукуқи, яъни бойликдан фойдаланишдан келган натижаларга эга бўлиш ҳукуқи.

- Тасаррӯф қилиш, яъни бойликни бегоналаштириш, бошқача айтганда сотиб юбориш, истеъмол қилиш, ўзлаштириш ёки йўқотиб юбориш ҳукуқи.

- Хавфсизлик, яъни бойликни экспроприация (тортиб олиш) ташқи мухитдан, четдан етказиладиган зиёнлардан қочиш ҳукуқи.

- Бойлигини мерос қолдириш ҳукуқи.

- Бойлик соҳиби бўлишнинг муддатсизлиги ҳукуқи.

Ташқи мухитга зарар келтирадиган усусларни таъқиқлаш.

1. Қарзини тўлаш жавобгарлиги, яъни бойликдан қарзни тўлаш учун фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш ҳукуқи.

2. Бузилган ҳукуқни тиклашни таъминловчи тартиб ва институтларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш ҳукуқи.

Ана шу ҳукукларни бир бутун ҳолда олиб қарасак, уларни умумий равишда қўйидаги сифатлари: универсаллиги, мулкни фақат унинг эгасига

тегишли бўлиши, қўлма-қўл ўтиши, ҳуқуқий таъминланганлиги билан бирон бир қарор қабул қилишга таъсир кўрсатади.

## 2-тарқатиладиган материал

Мулк ҳукуқининг аниқ белгиланган сифатлари:

Универсаллаш, ҳамма товарлар, хизматлар ва ресурслар мулк хисобланади. Улардан фойдаланиш, имтиёз ва чеклашларнинг барчаси белгиланган.

Мулкка эгалик қилиш ва фойдаланишдаги харажатлар ва олинган фойда, натижа мулк эгасига тегишли бўлади. Улардан бошқаларнинг фойдаланиши, сотиш ёки ижарага бериш орқали амалга ошиши мумкин.

Мулкчилик ҳукуки бир мулк эгасидан бошқасига ўтиши мумкин. Бунда мулкни мерос қолдириш, сотиш, ҳадя қилиш, қарзни тўлаш кабилар орқали мулк қўлдан-қўлга ўтиши мумкин.

Мулкчиликнинг барча ҳукуқлари қонуний йўл билан ҳимоя қилинган. Бошқа кишилар томонидан санкциясиз бирорнинг мулкини эгаллаб олиш, ёки назорат қилиш ман қилинган.

Бу тарқатиладиган материаллардан талабалар тадқиқот ўтказиш жараёнида фойдаланадилар.

Шундай қилиб тадқиқотни амалий ўйин ўтказиш билан бошлаймиз.

### Ўйин тафсилоти.

Ихтиёрий равишда ўйинда иштирок қилиш учун 10 талабани доска олдига чиқишини сўраб ўқитувчи талабаларга мурожаат қиласи. Уларга айлана шаклида ёнма-ён туришлари кераклиги айтилади. Айлананинг диаметри 2 метрдан кам бўлмаслиги керак. Ана шу айланага ўқитувчи скрепка, қофоз ёки бошқа нарсани (биз скрепкани танладик) сочиб ташлайди. Доскага ўйинда қатнашаётган талабаларнинг исми ёзилади. Ўйин 1 минутдан 2 раунд бўлишини тушунтирасиз.

1. Ўқитувчи скрепкаларни сочиб ташлаб, талабаларга биринчи раундда ердан олган скрепка учун 0,1 балл, иккинчи раундда эса 0,2 балл беришни алоҳида таъкидланади. Иккинчи раундда биринчи раунддан қолган скрепкалар терилади. Скрепкаларни айнан ҳар бир раундда алоҳида топширилади. Ўйиннинг шартлари ҳаммага тушунарлимни ёки йўқлигини яна бир сўрайсиз. Аввалига талабалар ўзаро келишишга ҳаракат қилиши мумкин. Иккинчи раундда терамиз деб. Лекин барibir бирон талаба скрепкани теришни бошлайди. Унда қолганлар ҳам ёппасига теришга тушадилар, натижада биринчи раунддаёқ скрепкалар теруб бўлинади. Ёрдамчи талаба доскага ҳар бир талабани терган скрепкаси миқдорини ёзиб қўяди.

2. Навбатдаги раундда скоч билан полни 10 та квадрат бўлакка бўлинади. Ҳар бир талаба ўз квадрати ёнида турсин. Талабаларга ҳар ким фақат ўз квадратидаги скрепкани териши мумкин. Бошқаларнини олиш мумкин эмас деб тушунтирасиз. Ўқитувчи скрепкани ҳамма квадратларга тушадиган қилиб сочади. Агар скрепкалар лентани устига тушган бўлса уни квадратларга олиб ташланади. Шарт худди биринчидагидек. Ўйин

икки раундда бўлади. Биринчи раундда ҳар бир скрепка учун 0,1 балл, иккинчисида 0,2 балл берилади.

3. Бунда биринчи раундда полдан бир дона ҳам скрепкани кўтарилимаслиги аниқ. Сабаби, иккинчи раундда талабалар аввалгига, бир-биридан қизғаниб, шошиб терганига ўхшамаган ҳолда шошмай ердан скрепкаларни теришади. Раунд тугагач талабалар терган скрепкалар миқдори ва баллар. Доссага ёзилади.

Талабалар	1 - ўйин			2- ўйин		
	дона	дона	балл	дона	дона	балл
Одилжон	1	0	0.1	0	10	2.0
Одимжон	8	0	0.8	0	9	1.8
Эркинжон	9	0	0,9	0	10	2.0
Мухиддин	8	0	0.8	0	7	1.4
Толибжон	5	0	0.5	0	4	0.8
Салохиддин	4	0	0.4	0	6	1.2
Абдухалим	3	0	0.3	0	4	0.8
Абдухамид	6	0	0,6	0	6	1.2
Абдухолик	6	0	0,6	0	2	0.4
Шамсиддин	7	0	0,7	0	2	0,4

Ўқитувчи талабаларни ўйинда қатнашгани учун миннатдорчиллик билдириб, ҳаммаларини ўтиришга таклиф этади. Сўнгра ўқитувчи талабаларга савол билан мурожаат этади. Жамиятни мақсади ўз чекланган ресурсларидан самарали фойдаланиш. Ўйинимиз бўйича энг кўп фойда олиш учун скрепкаларни **қачон теришни** бошлаш керак (яъни ресурсларни самарали жойлаштириш учун)?

**Иккинчи раундда.** Сабаби, иккинчи раундда улар учун (уларнинг қадри) жамият икки баробар юқори тўлашга тайёр.

Савол: Нима сабабдан ҳамма талабалар биринчи ўйинда, биринчи раунддаёқ ҳамма скрепкаларни териб бўлишди? Ваҳоланки иккинчи раундда икки баробар қиммат тўланарди? Нима фарқи бор?

Талабалар турлича фикр билдириши мумкин.

Биринчи раундда скрепкалар умумий, ҳеч кимга тегишли эмас, ким биринчи бўлиб кўпроқ теришга улгурса, шунча кўп балл йиғади (пул олади). Олдинрок ҳаракат қиласа кўпроқ йиғиши мумкин. Бошқаларни қанча скрепка теришини ҳеч ким назорат қилмайди. Иккинчи раундгача нима қолади, ноаниқ. Ҳар бир талаба ўз манфаатидан келиб чиқиб, иккинчи раундни кутишдан воз кечишади. Чунки бу кутиш туфайли, иккинчи раундда қанча скрепка териш мумкин, умуман қанчаси қолади, ёки қолмайди ноаниқ. Шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаганди бир талаба теришни бошлайди. Бир талаба скрепка теришни бошлагач, қолганлар ҳам шоша-пиша скрепка теришга киришиб кетади.

Иккинчи ўйинда эса талабалар вақтни назорат қилиш имконига эга. Шунинг учун ҳамма иккинчи раундни кутди. Чунки энди улар фактат ўз квадратларига тўғри келган скрепкаларнигина теришлари мумкин, яъни скрепкаларга мулк ҳуқуқи белгиланган.

Савол: Мулк ҳуқуқини белгиланиши талабалар ҳатти-харакатига қандай таъсир қилди?

Иккинчи ўйиннинг 2 раундидаги талабалар кутишлари эвазига фойда кўришди. Мулкдан самарали фойдаланилди.

Ўйинда юз берган муносабатларга икки жиҳатдан ёндашиш мумкин:

1. Талабаларнинг, яъни жамиятнинг мулкка (скрепкага) муносабати;
2. Жамият аъзоларининг (талабаларнинг) мулк (скрепка) юзасидан ўзаро муносабатлари.

Скрепка (мулк) полдан териб олингач, уни терган ҳоҳлаганини қилиши мумкин. Бизни ўйинимизда скрепкани сотаяпти. Шунинг учун биринчи бригада скрепкаларни ҳамма учун бир хил олиш имконияти бўлганда, бири-бирига қарамай шоша-пиша теришга тушишди. Иккинчисида эса аксинча. Демак бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Ресурслар ҳамма учун тенг умумий бўлса, улардан фойдаланиш юзасидан ҳеч қандай чеклаш бўлмаса, улардан: 1) самарасиз фойдаланилди; 2) уларни тезда тугатиб, йўқ қилинишигача олиб келиш мумкин; 3) уларни ўзлаштириб, ўзиники қилиб олиш жараёнида турли конфликтлар юзага келиши мумкин.

Савол: Кишилик жамияти тараққиёти натижасида бундай объектив зарурият келиб чиқди ва бу муаммо қандай тарзда ҳал этилди?

Албатта, бунда ҳам турли-туман жавоблар бўлади. ўқитувчи унинг қайси бири ҳақиқатга яқинлигига қараб баҳо бериши керак.

Дастлабки инсонга ҳамма табиатдаги неъматлар бирдай қарашли бўлган пайтда, бор неъматларни истеъмол қилиши оқибатида очликка маҳкум бўлишдан дехқончиликни ўрганиш, яни ишлаб чиқаришни бошлиш билан йўл топган бўлса, табиатда ресурсларни чекланганлиги, уларни пала-партиш, самарасиз ишлатишдан мулкчилик муносабатлари келиб чиқиши, мувофиқ равишда мулк ҳуқуқларини белгилаш билан топди. Хусусий мулкчилик ресурслардан энг самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Шундай килиб, аввалдан илгари сурган гипотезамиз, биринчи шароитга тўғри келмас экан, лекин иккинчи шароит учун мос тушар экан.

Ўйинни мухокама қилиш жараёнида тадқиқотни янада чуқурлаштириш учун қўшимча: Манфаат ўзи нима, уни мулк билан қандай боғлиқлиги бор? Нима сабабдан манфаат бир томондан объектив, иккинчи томондан субъектив, бир томондан умумий, иккинчи томондан хусусий? деган саволлар билан мурожаат қилиш мумкин. Бунда талабаларни дикқатини эҳтиёжларнинг объективлиги, яъни инсоннинг яшashi учун эҳтиёжларини қондириш зарурлиги, иккинчи томондан у ҳар бир инсоннинг субъектив эҳтиёжи тарзида намоён бўлиши, эҳтиёжларни қондириш учун неъматлар унга тегишли бўлиши, яъни ўзлаштирилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларга дикқат қаратиш керак.

Инсон ўз манфаатини ўйловчи эгоист эканлиги, шунинг ҳам хусусий манфаат умумий манфаат билан мос тушавермаслиги, натижада умум манфаатига зид бўлса ҳам ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келишини кўрамиз.

Реал ҳаётдан қандай мисоллар келтириш мумкин? Ҳозирда ҳеч кимники бўлмаган неъматлар борми? Мисол қилиб, китлар, илонлар, турли ҳайвонлар, сув, ҳаво кабиларни, натижада қандай муаммолар вужудга келаётганига қатор мисоллар келтириш мумкин.

Дарсда яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, талабаларда ўзларининг хуқуqlари (ўйиндан аввал ўқитувчи томонидан эълон қилинган шартлар бўйича) ўқитувчи томонидан таъминланишини кўзда тутган ҳолда қатнашишган. Мулк хуқуқини таъминлашнинг шароитлари, ким томонидан, қандай тарзда амалга оширилиши ҳақида биргалиқда тадқиқотни яна давом эттириш мумкин.

Талабаларга: Агарда мулк хуқуқини амалга оширилишини давлат томонидан назорат қилинмаса нима бўлади? Мулк хуқуқи истеъмол қилинсанчи? деган саволлар билан мурожаат қилиш мумкин.

Дарс ўтишнинг тадқиқот услубида қўйилган масалани ҳал қилиш учун талабалар ўзлари қатнашишлари туфайли пухта билим олишларига имконият яратилади. Улар илмий изланишга ўрганишади. Талабалар қўйилган масалани муҳокамаси жараёнида ўз фикрларини мустақил равишда ўртоқлашишга, бошқаларни билдирган фикрларини мушоҳада қилишга ўрганишади.

Маълумотларни, далилларни таҳлил қилиш жараёнида талабалар қизиқонлик қилмай объектив тарзда масалани ечишга ўрганадилар. Рақамларга кўр-кўrona ёндошмасликни, улар замирида иқтисодий ҳодиса, қонунлар яширинганини кўришга ўрганадилар. Билишнинг нисбий эканлиги, далиллар ўзгариши ва янги маълумотлар олиниши хulosани ҳам ўзгаришга олиб келишини тушунишга ёрдам беради.

Талабалар турли ахборотлар ва мантиқий мушоҳада орқали ўз тахминлари, ўртоқлари билдирган фикрларни тўғри ёки нотўғри эканлигини муҳокама қилишади. Машғулотлар асосидаги тенденциялар, қонуниятлар амал қилишини аниқлашга ҳаракат қилишади. Илгари сурилган гипотеза билан чиқарилган хulosани таққослаб ягона қарорга келишади.

Қўйилган масалани тадқиқот методи асосида муҳокама қилиш, юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялайди. Талаба масалани чуқур ўрганиш учун зарур адабиётлар, ахборотлар билан узлуксиз ишлаш зарурлигини тушунади. Буни тадқиқот услубида юқори даражада фикр юритиш зарурлиги ҳам талаб қиласи. Шунинг учун ҳам бу услуг талабаларни пухта билим олишларини таъминлайди. Улар ўрганаётган предметларнинг мазмунини тушунибгина қолмай, ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишни ҳам ўрганадилар.

Кўпчилик педагоглар тадқиқот услубини талабаларни билим олишлари қамрови жиҳатидан бошқа методлардан қолишимаслиги, айрим жиҳатлари билан эса афзаллигини таъкидлашади.

Дарсни ўтказишида ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича тайёргарлик кўришни ахборот, маълумот, далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин ёки ўқитувчининг ўзи зарур далил, маълумотлар асосида талабалар олдига муаммо, қўйиб, уни биргаликда ечиш мумкин. Бунда амалий ўйин, турли иқтисодий моделларни ифодаловчи график, жадваллардан ва бошқа услублардан фойдаланиб ҳам тадқиқот ўтказиш тадқиқотни қизиқарли тарзда ўтилишига олиб келади, ҳамда барча талабаларни фаол қатнашишига эришилади.

Бу усулда бутун гурӯҳ биргаликда иқтисодиётни, қолаверса дунёни яхширок тушунишга интилевчи изланувчиларга айланишади. Лекин бу услугни қўллаш осон эмас. Биринчидан, бу услугда дарс ўтиш кўп вақт талаб қиласи. Қўйилган бир муаммони тадқиқ қилиш учун ҳамма диққат қаратилиб, мавзудаги бошқа масалалар кейинга сурилиши ёки қолиб кетиши мумкин.

Иккинчидан, тадқиқот услуби асосида дарс ўтиш гурӯҳ талабаларининг барчасини қобилияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлишини ва фикрлашнинг «когнитив» даражаси дари бўлишини талаб қиласи. Бунга айниқса 1-курсда қийин.

Учинчидан, тадқиқот услуби ўқитувчидан чукур билим, тажриба, талант талаб қиласи. Чунки тадқиқот ўтказиш учун ўқитувчининг ўзи ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, тадқиқот жараёнида юз берадиган ҳар қандай кутилмаган нарса, талабалар томонидан қўйилган савол, масала ёки муаммога ҳозиржавоб бўлиши, улардан айнан тадқиқот ўтказилаётган масалани ечишида фойдаланиш маҳоратига эга бўлиши керак.

#### **Тадқиқот услубининг афзалликлари:**

- Талабани объектив ва мустақил фикр юритувчи мутахассис сифатида шаклланишига ёрдам беради.
- Маълумотлар, далилларга диққат билан ҳисоблашиб ёндошишига ўргатади.
- Ҳар қандай билим нисбий эканлигини тушунишга ёрдам беради.
- Мантиқий фикрлашга ўргатади.
- Юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялади.
- Юқори даражада фикр юритишга ундейди.
- Фақат мавзунинг мазмунини ўзлаштириш эмас, балки мантиқий фикрлашга ўргатади, муаммоларни ечиш учун кўникма ҳосил қиласи.

Таълим беришнинг методи сифатида тадқиқотнинг камчиликлари: Кўп вақт талаб қиласи; ўқитувчининг ўзи ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлишни талаб қиласи; бу муаммоларни ечиш ва стратегик режалаштириш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак; ўқитувчи фақат “билим бериб”гина қолмай, талабаларни моҳирлик билан мантиқий асосланган хulosага келишига ёрдам бериши кераклиги.

Ўқитувчи дарсда қўйилиши мумкин бўлган муаммоларни стратегик режалаштириш ва уларни ечиш йўлларини ўйлаб қўйиши керак. Булар эса

ҳамма ўқитувчиларни, айниңса ёш, тажрибаси ҳам ўқитувчиларни қўлидан келавермайди.

#### **4. Дарс ўтишда «Ақлий штурм» услубини қўллаш.**

«Ақлий штурм» услуби, номининг ўзи айтиб турибди-ки. Қўйилган савол, муаммо, масалани бутун гурӯҳ билан биргаликда фаол мухокама қилинади. Бу усуlda маълум муаммо бўйича ҳар бир талабани ўз фикр-мулоҳазалари тингланади. Улар асосида маълум бир ечим танланади. Услуб бўйича дарс ўтишни мантиқий изчилиқда қўйидаги схема орқали қўрсатиш мумкин:

- Муаммо, мухокама қилинадиган масалалар ёки мунозорали савол қўйиш;
- Мухокомага талабаларни жалб этиш;
- Вилдирилган фикр, ғояларни тўплаш;
- Гоя, фикрларни саралаш, гурӯҳларга ажратиш;
- Уларни таҳлил қилиш;
- Энг мақбул, самарали ечимни танлаш.

Савол мухокамасини икки хил ўтказиш мумкин. Ҳар иккиси ҳам икки ёки уч босқичдан иборат бўлади.

Биринчи усул. Дарснинг биринчи босқичида гурӯҳ иккига ажратилади. Ҳар икки гурӯҳдан талабалар навбатма-навбат қўйилган муаммо ёки савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини қисқача баён қиласди. Бунда иложи борича ҳар бир талаба иккинчисини такрорламаслик ва масалага ўз нуқтаи-назаридан ёндашишга ҳаракат қилиши керак.

Иккинчи босқичда ҳар бир гурӯҳ талабалари иккинчи гурӯҳ билдирилган фикрига ўз муносабатларини билдиришади, оппонентлик қилишади. Иккинчи гурӯҳ уларни йигади ва барча фикрларни тўплашади.

Ҳар иккала гурӯҳдан алоҳида бир талаба ўз гурӯхи вакилини, талаба эса қарши гурӯҳ вакилини билдирилган фикрини ёзиб боргани маъқул. Бунда билдирилган фикрлар, қилинган таклифлар аниқ, бўлишига аҳамият бериш керак.

Учинчи босқичда мунозара бошланади. Билдирилган фикрлар сараланади ва улар ичидан энг мақбул, самарали ечим танланади. Икки гурӯхнинг натижаси танланган, тўғри деб топилган жавоблар асосида таққосланади ва балл берилади.

Дарс ўтишда қўйидаги қоидаларга амал қилиш керак: Муаммо, мухокама қилинадиган масала ёки мунозарали савол аниқ, ҳаммага тушунарли бўлиши зарур. Талаба қандай мақсадга эришиши лозимлигини англаб етиши керак. Иложи бўлса уни доскага ёки ватман қофозга ёзиб қўйиш керак.

2. Ўқитувчи талабаларга «Ақлий штурм» асосида дарс ўтказишнинг тартибини яхшилаб тушунтириб бериши керак: а) ҳар бир талабага ўз фикри, ғоясини аниқ қисқа ифодалashi зарурлиги, бунинг учун 30 секунд вақт берилиши;

- б) ўртоғи билдирилган фикр, ғоя, тавсия, таклифларни такрорламаслик;

в) биринчи босқичда мунозарага киришмаслик, факат қўйилган муаммога нисбатан ўз фикрини айтиш;

г) билдирилган фикр биринчи босқичда аудиторияда асослаб берилмайди, танқид қилинмайди.

Сабаби, биринчидан, иложи борича кўпроқ фикр, ғоя, таклиф, тавсияларни кўпроқ тўплаш. Иккинчидан, ҳеч кимни хижолат қилмай ҳаммани ўз фикрини билдиришини таъминлаш. Учинчидан, тежаш.

Иккинчи босқичда билдирилган фикрлар, ғоялар, таклифлар сараланиб, гурухларга ажратилиб муҳокама қилинади. Таҳлил асосида улар ичидан энг мақбул самарали ечим танланади.

Иккинчи усул. Биринчи босқичда қўйилган муаммо, масала бўйича ҳар бир талаба ўз фикрини билдиради. У қисқа, тушунарли бўлиши керак. Бунда ўқитувчи ҳар бир талабага ўз фикрини билдириши, қандай ғоя, тавсияси бўлса айтишни таклиф қиласди.

Талабалар билдирилган фикрни ўқитувчининг ўзи қисқача ёзиб бориши ёки алоҳида битта талаба ёзиб бориши мумкин.

Иккинчи босқичда билдирилган фикр ва ғоялар сараланади. Биргаликда муҳокама қилинади. Ечим танланиб, қарор қабул қилинади. Талабаларнинг иштироки ва билдирилган фикрининг оригиналлиги, тўғрилиги ва бошқа жиҳатларига кўра балл берилади.

Масалан. «Аграр муносабатлар ва агробизнес» мавзусини ўтаётганда аграр секторнинг муаммолари муҳокамасини шу усул бўйича ўтиш мумкин. Бу муаммолар бизни республикамиз учун энг долзарб муаммолардир. Чунки ЯИМни 30 фоиздан ортиги, валюта тушумининг 55 фоиздан ортиги аграр секторга тўғри келади. Аҳолининг 40 фоиздан ортиги қишлоқ хўжалигига банд бўлиб, 60 фоизи қишлокларда яшайди.

Дарсни бошлар эканмиз, доскага катта қилиб, «Аграр секторнинг узок муддатли муаммоларини қандай ечиш мумкин?» деб ёзиб қўямиз.

**Аграр секторнинг узок муддатли муаммоларини қандай ечиш мумкин?**

Бу муаммоли саволни муҳокама қилиш учун аввало талабалар диққатини аграр сектордаги узок муддатли муаммоларнинг қисқа муддатли муаммолардан фарқини ажратишга қартишимиз зарур.

**Қисқа муддатли муаммолар:**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг ноэластиклиги.
2. Қишлоқ хўжалигига табиий ва бошқа омилларнинг таъсирида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб туриши.

3. Турли омилларнинг таъсирида талабнинг тебраниши туфайли келиб чиқади.

Натижада аграр секторнинг асосий муаммоси бу тармоқда баҳо ва даромадларнинг бекарорлигини келтириб чиқаради.

**Аграр секторнинг узок муддатли муаммолари:**

1. Фан-техника тараққиёти билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таклифи кўпаяди. Банд бўлганлар соня қисқаради.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб нисбатан секин ўсади.

3. Аграр секторда банд бўлганлар даромади бошқа тармоқларда банд бўлганлар даромадидан кам.

4. Баҳо паритети саноат фойдасига ўрнатилади.

Буларнинг ҳаммаси аграр секторни қисқарувчи тармоқ сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бу масала бўйича табиий, жуда кўп фикрлар, тавсиялар, таклифлар билдирилади. Айтайлик, уларни қуидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

А)Аграр секторда хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш.

Б)Аграр секторда банд бўлганларни бошқа секторларга қўчириш.

В)Давлат томонидан аграр секторни қўллаб-кувватлаш.

Қарор қабул қилишда улар ичидан, энг аввало, қайси бирини асосий ўринга қўйиш керак, аниқлаймиз. Сўнгра ҳар бир гуруҳдаги энг мақбули қайси эканлигини ажратамиз. Талабалар фаолияти муаммоли саволнинг муҳокамасида қатнашишларига кўра баҳоланади.

## **5. Дарс ўтишда масала, машқ ва тестлардан фойдаланиш.**

Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, иқтисодий мушоҳада юритиш ва шу асосда хулоса чиқаришни ўрганишни талаб қиласи. Иқтисодчи кадрлар эса воқеликларни, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш билан бирга, улардан хулоса чиқариш билан чегараланмай, иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш, ишлаб чидариш самарадорлигини ошириш, танловнинг энг оптимал вариантларини амалга ошириш, бунинг учун чора–тадбирлар ишлаб чиқиши, билганларини жорий қилиш лаёқатига эга бўлишни талаб қиласи.

Бу ўз навбатида касбий фанларни чуқур ўрганиш, имкон қадар реал воқеликка яқин тажрибалар ўтказиш, назарий қонун-коидаларни синаб кўришни зарур қилиб қўяди. Бу жиҳатдан Касбий фанларни ўрганишда моделлаштирувчи амалий ўйинлар асосида дарс ўтиш услуби шубҳасиз катта устунликларга эга. Касбий фанларни ўрганишда қўлланиладиган услублар орасида масала, машқ ва тестлардан фойдаланиш ўзига хос алоҳида ўрин тутади.

Касбий фанларни ўрганишда масала, машқ тестлардан фойдаланиш реферат, савол–жавоб ва талабаларга билим беришнинг бошқа услубларига қараганда устунликларга эга.

Масалалардан фойдаланиш практик йўналишга эга бўлгани учун мавзуни ўрганиш ва талабалар билимини назорат қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Айниқса масалалап орқали иқтисодий фаолиятнинг айrim масалаларини аниқ таҳлил қилишда бошқа усулларга қараганда талабаларнинг билимини назорат қилишда кенг имкониятга эга.

Масала мавзуси учун ҳар қандай вазиятни танлаш мумкин. Масалалар талабалар билимини бутун дастур бўйича назорат қилиш, шу билан бирга энг асосий ёки тушуниш қийин категориялар ёки мавзуларни тушунишга қаратилган бўлиши мумкин.

Талабалар томонидан дарсда ёки уй топшириғи сифатида масалалар мунтазам ечиб турилиши ҳамда унинг талабалар ўртасида муҳокама қилиш,

уларнинг олган билимини, бир томондан, узлуксиз назорат қилиш, иккинчи томонидан, тушунмаган категорияларни тушуниб олиш имкониятини беради.

Шу билан бирга масала тузишда дуч келадиган анъанавий қийинчиликлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш керак.

**Биринчидан**, масаланинг шартларини турлича изоҳлашга олиб – келишга йўл қўйилмаган қилиб аниқ қўйилишига эришиш осон эмас. Айниқса мумкин бўлган вариантлари бир неча хил бўлиб, уларнинг ичидан нисбатан у ёки бу мезонга қўра энг оптимал вариантларни топиш шарти қўйилган масалаларда эҳтиёт бўлиш керак. Сабаби масалаларнинг шартини аниқ қўйилмаслиги натижасида талабалар масала тузувчи кўзда тутмаган масалалар ечими, вариантларини таклиф қилиши ҳамда масала шартига умуман олганда мос келиши мумкин экан. У холда ўқитувчи қийин ахволда қолади. Масалани аниқ жавобини тўғри деб топиб, талабаларни рағбатлантириш ёки шартни ноаниқлигидан фойдаланиб кўзда тутилмаган, лекин тўғри ечиш йўлини топган талабага энг юқори балл қўйиш лозим. Ундан ташқари бир жавобнинг ўзини бир неча усул билан ечиш мумкин. Масалани қайси йўл билан ечган энг юқори балл олади. Ўқитувчи буни ҳам олдиндан аниқлаб қўйиши керак.

**Иккинчидан**, Касбий таълимда, умуман иқтисодий фанлардан ечиладиган жуда кўп масалалар математик ҳисоб–китоблар қилишни талаб қиласди. Айрим пайтларда ўқитувчи масала тузар экан, бу масала талабани математикадан эмас балки, касбий таълим услубиётидан билимини синаш кераклигини ёдида чиқармаслиги лозим. Шунинг учун яхши иқтисодий масала у ёки бу иқтисодий тушунчаларнинг мазмунини чукур ўрганиб ундаши, масалани ечиш учун зарур даражада тушунча бўлишини зарурлигини тақозо қилиши керак.

Математик ҳисоб–китоблар эса ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиши зарур. Маълумотлар шуни кўрсатадики, масалаларни тузиш учун ўқитувчи фаол тажриба, малака, моҳирликка эга бўлиши лозим.

Қўйилган шартга биноан мураккаблигига қўра масалаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Маълум бир категория, тушунчани асосий мазмунини билишга қаратилган масалалар.
2. Маълум бир тушунча асосида ҳисоб–китоб қилиш, ундан хулоса чиқаришга қаратилган масалалар.
3. Масалани ечиш учун мазкур категория ҳақида умумий тушунча бўлишини талаб қиласди масалалар.

Қандай масалани ечиши ўқитувчи ўтилаётган мавзу, гуруҳдаги талабаларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб танлайди.

Маълум бир категория, тушунчани асосий мазмунини ўрганишга қаратилган **қўйидаги масалани** кўриб чиқайлик.

1. Қўйидаги жадвалда товар ишлаб чиқариш учун капитал ва меҳнат харажатларини ҳамда маҳсулот миқдорини ўзгариши берилган.

Берилган маълумотлар асосида:

А) Мехнат харажатларини (ишловчилар сони) ўзгариши билан меъёрий маҳсулот ҳажми қандай ўзгарган ҳисобланган. Нечанчи ишчини ишга ёллагандан сўнг меъёрий маҳсулот камайишни бошлайди?

Б) Ҳар бир қўшимча ишчини ёллагандан сўнг, ўртача маҳсулот (AP) ҳажмини ҳисобланг. Қачон ўртача маҳсулот максимал даражага етади?

В) Яшлаб чиқаришда банд бўлганларнинг сонига кўра, умумий маҳсулот (TP), ўртача (AP) ва меъёрий (MP) маҳсулотнинг ўзгариши графигини чизинг.

Г) Меъёрий умумдорлик (даромад)ни пасайиб бориши қонуни амал қилишини тушунтиринг. Унинг фазаларнинг кўрсатинг.

Капитал харажатлар	Мехнат харажатлар	Меъёрий маҳсулот	Умумий маҳсулот	Ўртача маҳсулот
K	B		TP	
10	0		0	
10	1		20	
10	2		54	
10	3		100	
10	4		151	
10	5		197	
10	6		230	
10	7		251	
10	8		234	

Масалани ечиш:


K	B		TP	AP
10	0	-	0	0
10	1	20	20	20
10	2	34	54	27
10	3	46	100	33
10	4	51	151	38
10	5	46	197	39
10	6	33	230	38
10	7	21	251	36
10	8	-17	234	29

А) Меъёрий маҳсулот  $MP_x = TP_{II} - TP_{I-x}$   $MP_2 = 54 - 34 = 20$   $MP_3 = 100 - 54 = 46$ , худди шундай тарзда қўшимча ишчиларни ортиб бориши билан меъёрий харажат микдорини ҳисоблаймиз. Жадвалда MP устунда кўриниб турибдики, бешинчи ишчидан бошлаб меъёрий маҳсулот пасайишни бошлаган. Тўртинчи ишчида 51, бешинчида 46 (жадвалга қаранг).

Б) Ўртача маҳсулотни ҳар бир ишчи қўшилганидан кейия топамиз. Масалан, иккинчи ишчи қўшилганда,  $AP_x = TP/2 = 54/2 = 27$ . Учинчи ишчи

күшилгандын 100/3<sub>x</sub>33 ҳоказо. Максимал ўртача маҳсулот даражасига бешинчи ишчи ишга қабул қилинганда эришилади. Умумий маҳсулотимиз хажми энг максимал 251 га еттинчи ишчини қабул қилинганда эришилади, 251/7<sub>x</sub>35,9 (жадвалға қаранг).

Б) Мөйөрий МР, ўртача АР, умумий ТР маҳсулот қуидаги графикда күрсатилган.



Умумий маҳсулот динамикаси умумдорликни пасайиб бориши қонунига бўйсинади.

Биринчи фаза - МР ўсиб борувчи мөйөрий унумдорлик. Бу фазада мөйөрий унумдорлик МР (20, 34, 46, 51) ўсиб боради. Натижада ТР жадал ўсади.

Иккинчи унумдорликни пасайиши фаза—меъёрий намоён бўла

бошлайди ( 51, 46). ТР нинг ўсиш суръати секинлашади. Меъёрий маҳсулот МР пасаяди, лекин ҳали мусбат микдорга эга.

Учинчи фаза - меъёрий унумдорлик манфий натижа, яъни зарар келтиришини бошлайди.

Шундай келиб, ТР эгри чизиги, ўзининг максимал даражасига етгач, пасайишни бошлайди.

Меъёрий маҳсулот эса зарар келтиришни бошлиайди.

- Иккинчи гурухга хос қуйидаги масалани ечайлик.

Күйидагилар берилган:

Товарга бўлган талаб функцияси  $P_{ax} = 700 - P$ ;

Таклиф функцияси  $0_5 x$  2P - 200;

Р - товар нархи сўм, О - товар микдори, минг дона.

## Күйидагиларни ҳисобланг:

1. Берилганлар асосида товарнинг мувозанат баҳоси ва микдорини аниқланг.

2. А), Б) ва В) пунктлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган вазиятларда:

А) давлат органлари томонидан товарга 200 сўм миқдорида баҳо (қайд қилинганди) белгилаб қўйилди. Таклиф миқдорини, сотилган товар ва тақчиллик миқдорини аниқланг.

В) ишлаб чиқарувчиларга ҳар бир сотилган товар учун 150 сүм миқдорида дотация белгиланди. Товарнинг мувозонат нархи ва миқдорини аникланг.

Г) ҳар бир товарга 150 сүм мивдорида эгри солиқ (күшилган қиймат солиги) белгиланди. Янги мувозанат нархини хисобланг.

Ечиш:

1. Мувозанатга эришиш учун: талаб ва таклиф тенг бўлиши керак. У холда 700-Р<sub>x</sub>2Р-200. Ундан, ЗР<sub>x</sub> 900; Р<sub>x</sub> 300;

2. Мувозанат нархини талаб ёки таклиф тенгламасига қўйиб, товарнинг мувозанат микдорини топамиз.  $<2_{ax} 700-300$ ;  $\mathbb{E}_{ax} 400$  ёки  $< \mathbb{E}_x 300 * 2-200_{x} 400$ ;

**Жавоб:** мувозанат нархи **300 сўм**, мувозанат микдори **400 минг дона**.

## Масаланинг иккинчи шарти:

А) давлат томонидан белгиланган нарх (200 сўм)ни тенгламага қўямиз.

Талаб миқдори  $E_x 700-200$ ;  $<E_x 500$  минг дона. Таклиф миқдорини ҳам шундай тарзда формулага қўйиб топамиз.  $O_{5x} 2P-200$ ; шунинг ўзи сотилган товар ҳажмини кўрсатади.  $<2_{5x} 2x 200-200$ ;  $<2_{5x} 200$  минг дона.

Тақчиллик миқдорини талаб ҳажмидан таклиф миқдорини айриб топамиз. У қўйидагича бўлади.  $500 - 200 = 300$  минг дона;

**Жавоб:** таклиф миқдори 200 минг дона; товар тақчиллиги 300 минг дона;

Б) дотация белгиланганини ҳисобга олганимизда, таклиф формуласи  $(2_{Jx} 2(P+150)-200$ ; кўринишини олади. У ҳолда дотация киритилгач, мувозанат баҳоси  $2(P+150)-200 \times 700-P$  сўм бўлади;  $3P_x 700-100$ ;  $P_x 200$  сўм. Талаб миқдори эса,  $C^x 700-200 \times 500$  минг дона. Таклиф ҳажми  $<E_{3x} 2(200+150)-200$ ; ( $E_{3x} 700 - 200$ ;  $<E_x 500$  минг дона.)


**Жавоб: мувозанат баҳоси 200 сўм; миқдори 500 минг дона.**

В) эгри солик киритилгач, таклиф формуласи қўйидаги кўринишга эга бўлади:  $C^x 2(P-150)-200$ ;

Маълумки, мувозанат нархнинг маълум даражасида талаб билан таклиф тенглигини ифодалайди. У ҳолда  $2(P-150)-200=700-P$ ;  $2P-300=200 \times 700-P$ ;  $3P_x 700+500$ ;  $3P_x 1200$ ;  $P_x 400$  сўм; мувозанат миқдори эса,  $C^x 700-400=300$  минг дона. **мувозанат нархи 400 сўм, миқдори 300 минг дона.**


Ўрганилаётган категория ҳақида умумий тушунча бор, лекин 31 мазмунига тушуниб етишга ёрдам берадиган қўйидаги масалани қўриб чиқайлик.

Айтилик, Эркинжон корхонада цех бошлиги лавозимида ишлаб, йилига 600 минг сўм маош оларди. Банкда 1200 минг сўм пули бўлиб, йилига 14% даромад келтиради. У хусусий бизнес билан шуғулланишга қарор қилди ва барча жамгарган пулинини сарфлаб, кичик корхона очди. Биринчи йилнинг «рида бухгалтерия ҳисоби кўрсатдики, ҳамма қилинган харажатларни олинган даромаддан айриб ташлагач 660 минг сўм қолибди. Бир ҳисобчи, бухгалтерия ҳисоб-китобига кўра сарфлаган 1200 минг сўмлик инвестициянгизга нисбатан ташкил этади. Бу яхши деди. Иккинчи, касбий таълим методикасини чукур ўрганган бухгалтер, албатта, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш таваккалчилик хатари билан боғлиқ. Фойда олмай зарар кўришингиз ҳам мумкин эди. Лекин бизнесда «омад»ингиз бор экан. Айта олмайман. Чунки сизни реал иқтисодий фойдангиз – 108 минг сўм. Бу эса инвестициянгизга нисбатан -9% ташкил этади, Бухгалтерлардан қайси бири ҳақ?



Албатта иккинчиси, сабаби Эркинжон хусусий бизнес билан қарор қилиб, олиши мумкин бўлган 600 минг сўмлик маошдан воз кечди. Ундан ташқари 168 минг сўм, олиши;

9. **Нотўғри.** Таклиф эгри чизигини ўнгга силжиши ҳар нарх даражасида аввалгига қараганда кўпроқ, товар қилинаётганини кўрсатади. Уни графикда тасвирласак, қўйидаги кўринишда бўлади.



**Иккинчи гурухга** киравчы қуидаги машқни күриб чиқайлык.

Қуидаги келтирилган вазияттарни таҳлил қилиб айтингчи, амалға оширилған фаолият туфайли «мұлк ҳуқуқи» дастасининг қайси бир элементи реализация қилинади?

а) Фермер ер участкасини ижарага олди, унда буғдой етиштириб, давлатта сотди.

б) Эркинжон «Нексия» автомобилини сотиб олди ва унда дала ховлисига қатнаб турибди.

в) Корхона ўзининг цехи биносини бошқа фирмама берди.

г) Тадбиркор Одилжон бошқа тадбиркордан унча бўлмаган иккита хонани сотиб олди. Битта хонани бузиб иккинчисини кенгайтириб, таъмирлади.

д) Хўжалик суди тадбиркор Рахимовдан ишлатиб тур ускунасини қарзини тўламагани учун, қарз эвазига олиб қарор қилди.

е) Фуқаро Ақбарова ўзи яшаб турган уйини ўғилларига қилди.

ж) Давлат корхонаси бирорнинг боғидан автомобиль йўли ўтказди. Бунда унинг эгасига қирқилган дараҳтлар учун компенсация тўланмади.

з) Автомобилнинг эгаси ундан фойдаланмай қўйиб қўйган. Ўртоқлари ундан автомобилидан фойдаланишга рухсат сўрашса бермади.

и) Уйидаги мулкини ўғирлаб кетишгани учун фуқаро милицияга мурожаат қилди.

к) Суд корхонани тозаланмаган оқавасини анҳорга ташлагани учун жарима солди.

л) Фуқаро мулк қилиб олган ер участкасига ишлов берди.

Келажакда уни сотмоқчи эмас.

**Жавоб:**

а) Вақтинча эгалик, назорат қилиш, фойдаланиш, бошқариш тасарруф қилиш ва даромад олиш ҳуқуқи.

б) Эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш, тасарруф қилиш ҳуқуқи.

в) Фойдаланиш ҳуқуқи.

г) Эгалик қилиш, тасарруф қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи

д) Қарзини тўлаш жавобгарлиги, мулқдан қарзни тўлаш учун фойдаланиш ҳуқуқи.

е) Тасарруф қилиш, мерос қолдириш ҳуқуқи.

ж) Мулк ҳуқуқи бузилди.

з) Эгалик қилиш, тасарруф қилиш ҳуқуқи.

и) Мулк ҳуқуқи бузилди.

к) Ташқи мухитга, бирорга заарар келтирадиган тарзда фойдаланиш усувларини тақиқлаш ҳуқуқи.

л) Эгалик қилиш тасарруф қилиш фойдаланиш ҳуқуқи

2. Иқтисодчиларнинг тадқиқоти кейинги ойларда инвестицион харажатларни қисқарганини кўрсатди.

Талаб эгри чизиги **чапга** В га кўчади

3. Давлат харажатлари кўпайди, лекин солиқлар ўзгармади. АБ талаб ортади

II. Иқтисодиётда тушкунлик юз бераётган пайтда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини қабул қилиб, харажатларини кўпайтирди. Ундан ташқари темир автомагистрал, кўприк қуриш ва бошқа ижтимоий тест ўтказилгач, унинг жавобларини гуруҳда муҳокама алоҳида аҳамиятга эга.

Тестлар педагогларнинг таъкидлашича, талабаларга беришда катта имкониятларга эга. Тестларни фақат харакатда қўллаш шарт эмас. Мавзу бўйича дарс ўтишда қўлланилган пре-тестлар талабалар дикқатини ана шу тестдаги асосий хатоларга, асосий категорияларга қаратиш имконини беради, Пре-тестда талаба ўзига таниш бўлмаган ғоя, тушунча, гоҳида алоҳида сўз билан тўқнаш келиб, уларни мустақил ўрганишга ҳаракат қиласди. Улар талабани мустақил ишлашга йўлланма беради, мини тестлар муҳокама қилинаётган мавзуни, оралиқ тестлар дарсни ўзлаштириш жараёни қандай кечеётганини назорат қилиш имконини беради. Мини тестлар, оралиқ тестларнинг натижасини муҳокама қилиш жараёнида фандаги асосий тушунчаларни самарали такрорлаш ва хотирада сақлаш имкони вужудга келади.

Тест тузиш кўп вақт ва меҳнат талаб қиласди. Тест тузиш синчковлик сабр-тоқатни талаб қиласди. Шу билан бирга меҳнатни осонлаштирадиган компьютер дастурлари ТЕЗТЕК, КЕШТЕК мавжуд. Биринчи дастур кўпроқ тест тузишини осонлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчиси тест ўтказиш ва натижаларини тезда хисоб-китоб қилиш, статистик маълумотлар олишга қаратилган. Бизда ҳозирча «Касбий таълим методикаси» фани бўйича ўзбек тилида тест тузиш ва ўтказишида бундай имконият йўқ.

Тест саволлари тузганда ўқитувчи қўйидагиларга аҳамият бериши лозим:

1.Кўзланган мақсадга кўра саволни аниқ қўйиш керак.

2.Тестда фақат битта жавоб тўғри бўлиши керак.

3.Жавоблар бир-бирига ўхшаш бўлиши ва ҳақиқатга яқин бўлиши керак.

4.Тестда иложи борича инкор этувчи феъл ва бошқалардан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш керак (Масалан, юқоридаги кўрсатмалардан нима имкон бермайди? каби).

5.Бир неча компонентлар (айтайлиқ, А ва С) ни мужассаммлаштирган жавобларни ишлатганда, уларнинг тушунарли бўлишига эътибор бериш керак.

6.Тўғри жавоб доимо бир жойда (доимо А ёки доимо Б) бўлиши керак эмас.

7.Саволлар ва жавоблар грамматик жиҳатдан ўзаро мос, мувофиқ бўлиши керак.

Объектив тестлар. Тестларни объектив дейилишига сабаб, унга тўғри жавоб бор, уни баҳолашни субъектив жиҳатдан истисно қиласди.

Ундаги саволлар кўпинча далиллар, аниқ ахборотни ёдга туширишга қаратилган. Оъектив тест саволлари Блум таксономиясининг иккинчи босқичидаги фикрлаш доирасига тўғри келади. Улар фикрлашни юқори даражада баҳолашга имкон бермайди, лекин уларни фикрлашнинг юқори

босқичяга түғри келадиган қилиб тузиш мүмкін. Улар тадбиқ қилиш, таҳлил даражасында мос келадиган мұраккаблықда бўлиши мүмкін, лекин бундай савол тузиш қийин.

Объектив тестларнинг афзал томонлари ва камчиликлари. объектив тестларнинг афзаллиги уларни кўп саволларни қамраб олади. Шу туфайли барча мавзулар бўйича талабалар текшириш имконини беради. Билим олиш, тушуниш ун самарали услугуб, жуда қўл келади.

Оъектив тестларни асосий камчиликларидан бири бўлган саволларни тор доирада қамраб олишидир. лабалардан эса кенг тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади.

Тестларни ўқиши ва талабалар билимини баҳолашнинг усули сифатида қўллашнинг муҳим томони ҳамда мұраккаблиги шундаки, айнан нима сабабдан шу жавоб түғри, бошқаси эмаслигини асослаб беришдир. Бунда жавобларни объектив, тушунарли, мантиқан түғри изоҳланишига аҳамият бериш керак. Бунда айниқса тест ўтказилгач, жавобларни гурухда мұхокама қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Буни қуйидаги тест мисолларида кўриб чиқайлик.

1. Ресурслар чеклангалиги муоммосини ечиш мүмкін:

А) агар одамлар ресурсларни асраб авайлаб, иқтисод қилиб ишлатишса;  
Б) агар ҳамма ихтиёрий равищда ўз эҳтиёжларини чекласа;

В) келажакда фан ва техника ривожланиши туфайли товарлар ишлаб чиқаришни етарли даражада кўпайтириш учун янги имкониятлар очилса;

Г) түғри жавоб йўқ;

Жавоб мұхокамаси:

Бу тестда түғри жавоб йўқ. Ресурсларни нисбатан чекланганлиги, инсонларнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун доимо етишмайди. Ресурслар чекланганлиги муаммоси хар қандай социал иқтисодий тизимга хос бўлиб уни ечиб бўлмайди. Сабаби у ёки бу ресурсни етишмаслиги, ёки тугаб қолишида эмас. Балки **ресурсларнинг доимо эҳтиёжларга нисбатан чекланганлигидадир**. Шунинг учун бу муаммони ресурсларни иқтисод қилиш билан ёки ихтиёрий равищда истеъмолни чеклаш билан ечиб бўлмайди. Демак А) ва Б) жавоблар нотўғри. Б) жавоб ресурслар чекланганлиги муаммоси билан фан техника ривожланиши асосида имкониятларни кенгайтириш, яъни ресурслар топиш ёки аввал фойдаланиб бўлмаган имкониятлардан фойдаланиб, товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мүмкинлигига қаратилган.

Жавоб ҳозирги эҳтиёжларни келажакда қондириш нуқтаи назаридан берилган. Ҳозир қондириш қийин ёки қондирилмаган эҳтиёжлар келажакда фан-техника қўлланилган пре-тестлар талабалар диққатини ана шу тестдагъ асосий хатоларга, асосий категорияларга қаратиш имконини беради. Пре-тестда талаба ўзига таниш бўлмаган ғоя, тушунча, гоҳида алоҳида сўз билан тўқнаш келиб, уларни мустақил ўрганишга ҳаракат қиласади. Улар талабани мустақил ишлашга йўлланма беради, мини тестлар мұхокама қилинаётган мавзуни, оралиқ тестлар дарсни ўзлаштириш жараёни қандай кечеётганини назорат қилиш имконини беради. Мини тестлар, оралиқ тестларнинг

натижасини мұхокама қилиш жараёнида фандаги асосий тушунчаларни самарали тақрорлаш ва хотирада сақлаш имкони вужудга келади.

Иккінчи тестни күрайлик.


Бозор иқтисодиёти шароитида компьютерда ишлаш учун дастур тузувчилар (программистлар учун) нинг иш ҳақи даражаси, белгиланади:

- А) дастур тузиши малакасига эга ва мавжуд иш ҳақи даражасига ва шу мутахассислик бўйича ишлашга тайёр хизматчилар миқдори билан;
- Б) дастур тузувчи мутахассисларга талаб асосида;
- В) дастур тузувчи мутахассисларга талаб ва таклиф асосида;
- Г) меҳнат кодекси ва бошқа меҳнат бўйича қабул қилинган қонунлар асосида.

Жавоб мұхокамаси:

Бу тестда тўғри жавоб В.

Хизматчилар (дастур тузувчилар) бозоридаги вазиятни талаб ва таклиф эгри чизиги ёрдамида кўрсатиш мумкин. Вертикал (ордината) ўқига дастур тузувчиларни иш ҳақи, горизонтал ўқига хизмат кўрсатувчилар миқдори (бу ерда ўлчов бирлик одам-соат ёки дастур тузувчилар сони бўлиши мумкин)ни жойлаштирамиз.



Дастурчилар миқдори

Графикдан кўриниб турибдики, дастур тузувчининг иш ҳақи даражаси ( $P$ ) фақат дастур тузувчи талабига ёки таклифига эмас, аксинча талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири остида маълум бир иш ҳақи даражасида белгиланади. Демак А) ва Б) жавоблар нотўғри. Саволда иш ҳақининг ўртача даражаси ҳақида гап кетаяпти. Қабул қилинган қонунлар у ёки бу мутахассислик бўйича иш ҳақи даражасига таъсир қилиши мумкин, лекин иш ҳақи даражасини белгиламайди.

Шундай қилиб Г) жавоб ҳам нотўғри. Дастур тузувчиларнинг ўртача иш ҳақи даражаси талаб ва таклиф мувозанатига боғлиқ экан. Агарда талаб кўп, таклиф оз бўлса иш ҳақи даражаси мувозанати нуқтаси юқорида жойлашади яъни, иш ҳақи юқори. Агарда таклиф кўп, талаб оз бўлса, иш ҳақи мувозанати нуқтаси пастда, яъни иш ҳақи ҳам паст бўлади. Демак, тўғри жавоб, В.

Умуман олганда тест ёрдамида дарс ўтишда уни тўғри жавобини топишни мұхокама қилиш ниҳоятда катта рол ўйнайди.

## 6. Иқтисодий фанларни ўрганишда эссе ёзишнинг роли.

Маълумки, олий ўқув юртини битирган мутахассис берилган топшириқни бажарганлиги, қилинган ишлар ва эришилган натижа, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари бўйича ёзма ҳисобот беришни улдасидан чиқиши керак. Шунингдек, хизмат хати, рапорт, ҳисобот, турли муассаса, ташкилот ўртасидаги ҳар хил ёзишмалар, бошқа фирма ва корхоналар билан шартнома бошқалар кабиларни ёзишни билиши керак.

Бунинг учун эса уларда кўникма ҳосил қилиш керак. Зарур кўникма эса талабаларнинг ёзма иш ёзишлари орқали ҳосил қилинади. Тез-тез ёзма иш ёзиш уларнинг фикрлашини ўзгартиради, уларни курс иши, якуний назорат иши, битириув малакавий иши, турли ёзишмалар, диссертация ёзишга тайёрлайди. Ёзма иш ижодий фикрлашга ўргатади. Ёзма ишнинг муаллифи ўзининг қарашини, фикрини асослашга ўрганади.

Хозирги пайтда дарс ўтишнинг янги услублари орасида фанни ўрганишда эссе ёзиш ҳам ўзига хос ўрин эгаллаб бораяпти.

Бу айниқса якуний назорат иши ёзиш учун тажриба тўплашда қўл келади.

Эссе (франсузча - тажриба, хомаки режа, хомқолип) - муаллифнинг индивидуал позициясини алоҳида ажратиб кўрсатиш билан эркин, кўпинча парадоксал баён қилишга йўналтирилган фалсафий-эстетик, адабий-танқидий, бадиий-публицистик адабиёт. Хозирги пайта иқтисодий қарашларни баён қилишда ҳам кенг фойдаланиладиган бўлди. Айниқса, Нобел мукофоти лауреати В. В. Леонтьевнинг «Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика» китоби нашрдан чиққач, собиқ Иттифоқ мамлакатларида ҳам, айниқса, бозор иқтисодиётiga ўтишни бошлагач, иқтисодий мавзуларда эссе ёзишга дикқат қаратиш бошланди.

Кейинги пайтларда талабаларни иқтисодий фикр юритишга ўргатиш ва билимини баҳолашда кенг қўлланилмоқда.

### **Эссе учун мавзулар ва саволлар.**

Бундай саволлар берилган топшириклар ахборотлар тартибга солиш, таҳлил қилишни билишни талаб қиласи. Мантикий масалалар (муаммолар)ни ечиш улардан фойдаланиб кўникмасини талаб қиласи. Бу касбий фикрлашнинг даражаси. Улар бошқа афзалликларга ҳам эга. Уларни тестга нисбатан тузиш осон. Четдан талабага таъсир тавваккал қилиб жавоб топишга йўл қўймайди. Уни қийинчиликлари бор. Масалан, жавобларни баҳолашнинг ёки «аравани қуруқ олиб қочиши» мумкинлиги. Лекин шунга қарамай эссадан билиш жараёнини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун зарур ахборот олиш мумкин.

Эссе мавзу танлаганда ёки савол тузганда қўйидагиларга аҳамият бериш керак.

1)топшириқни иложи борича аниқ қўйиш керак. Шартни шундай қўйиш керакки, талаба ундан нима талаб қилинаётганлигини тушуниб етсин.

2)Эссадан талабадан оддий ёдга тушириш зарур бўлган ахборот беришни топширмаслик керак. Топшириқ; талабаларни фикр юритишга, таҳлил қилишга ундейдиган саволлар бўлиши зарур.

3)Талабаларга эссе учун тайёрланган савол-топширикларни талабаларни ўзлари танлаб тайёрлагандан кўра ўқитувчининг ўзи танлаб бергани маъқул. Сабаби бунда талабанинг билимини объектив баҳолаш мумкин.

4)Талабалардан узун ва комплекс жавобни талаб қиласиган саволларни яхшиси уйга топшириқ тарзида ёки оралиқ назорат ёки якуний

назоратда бериш мумкин.

5)Агар вақт чекланган бўлса талаба билимини жуда тез дарс давомида аниқлаш зарур бўлганда энг асосий моментларга аҳамият қаратилган саволлар қўйиш мумкин.

### **Эссе учун саволлар намунаси.**

1) 1980 йилдан 1995 йилгача ишловчилар сони ўсди. Уларнинг уй юмушларига сарфлайдиган вақтлари ҳафтасига 100 соатдан 50 соатгача қисқарди. Сотиб олинадиган «хом» озиқ - овқатлар: ёғ, ун, хамиртуруш, гуруч кабиларни сотиб олиш камайди. Тайёр озиқ-овқатларнинг: нон, яrim фабрикатлар (пиширишга тайёр), консерваланган мевалар кабиларни сотиб олиш миқдори қўпайди. Ана У маҳсулотларни сотиб олиш динамикасини муқобил (альтернатив) қиммат нуқтаи назаридан тушунтиринг.

2) Айрим кишилар кундалик эҳтиёж моллари: озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой кабиларнинг нархини паст даражада ушлаб туриш керак, деган фикрни билдиришади. Баҳолар устидан назорат ва рағбатлантириш концепциясида фойдаланиб, биринчи даражали кундалик эҳтиёж молларининг нархини бозор нархидан паст белгиланиши қандай оқибатга олиб келишини тушунтиринг.

3) Японияда асосий озиқ-овқат маҳсулоти, бу – гуруч. Япония ҳукумати ўз ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа мамлакатлардан гуруч импорт қилишни чеклади. 1993 йили об-ҳавонинг ноқулай келиши сабабли Японияда шоли етиштиришга катта талофот етди. Об-ҳавонинг ёмон келиши қандай оқибатга олиб келишини олдиндан тахмин қилинг.

Кейинги йилларда Япон гуручининг а) таклифини; б) нархини ўзгаришини кўрсатинг. Сабабларини изоҳланг.

### **Эссеинг афзалликлари ва камчиликлари.**

Эссе кўпроқ фикрлашнинг, билим мазмунининг юқори (осқичига хос. У талабаларнинг ёзма нутқ қўнималарини ҳосил (илиш нақадар аҳамиятга эга эканлигини кўрсатадиган муҳим усул ҳисобланади. Уни тузиш нисбатан осон, ҳамда талабалар юмонидан таваккал жавоблар танланишига йўл қўймайди. Асосий камчилиги: а) уларни баҳолаш қийинлиги;

б) уларни ўқищ, таҳлил қилиш, баҳолаш узоқ вақт кетиши. Бундан ташқари талабалар қониқарли баҳо олиш учун кўпинча ёзма ишларда олиб қочишига ҳаракат қиласи ёки ноаниқ «туман» жавоб ёзишлари мумкин. Бундан ташқари тестлар кўп саволни қамраса, эсседа бир неча савол қўйилади. Сабаби, уларда жавоб ёзиш кўп вақт талаб қиласи.

Шунинг учун талабалар билимини синаш доираси кенгаяди. Ундан ташқари фикр доираси кенг талаба мувофиқ равишда ёзма нутқда фикрини ёзма баён қилишга нўноклиги сабабли, ўзини бор билимини намойиш қила олмаслиги мумкин.

Ёзма иш ёзишдаги энг катта камчилик талабаларни қўчирмачиликка мойиллигидир. Шунинг учун эссе саволларини иложи борича ҳар бир

талаба учун алоҳида бериш ёки талабаларни ёзма ишлари бир хил бўладиган бўлса, кўчирган талаба ҳам кўчиртирган талаба ҳам баллдан маҳрум бўлишини уқтириш керак. Унинг натижаси мухокама қилинаётганда оригинал фикр талабаларга қўшимча балл қўйиш керак.

### **Асосий таянч тушунча ва атамалар.**

Йўлловчи, эсга солувчи саволлар, Сўзсиз саволлар, Анъанавий услуб,  
Билишнинг фаол заҳираси

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Нима сабабдан дарс ўтишда турлича услубларни қўллаш зарур?
2. Дарсни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб боришининг бошқа услублардан қандай фарқи бор?
3. Дарсни аниқ йўналтирилган савол-жавоб услуги бўйича олиб боришининг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
4. Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг афзалликлари нимада? Камчиликлари-чи?
5. Касбий фанларни ўрганишда моделлаштирувчи ўйинлардан ҳамма мавзуларда фойдаланиш мумкинми?
6. Тадқиқот услубини қайси мавзуларни ўтганда қўллаш мумкин?
7. “Ақлий штурм” услубини бошқа услублардан қандай афзаллиги бор?
8. Масала ва машқларни қандай гуруҳларга бўламиз ва уларни нима фарқи бор?

### **З боб. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН УСЛУБЛАР.**

**РЕЖА:**

**1. Ўқув жараёнида турли педагогик услубларни қўллашнинг зарурияти.**

**2. Дарс ўтишда қўлланиладиган асосий услублар**

**1. Ўқув жараёнида турли педагогик услубларни қўллашнинг зарурияти.**

Назарий жиҳатдан билим олиш ва қарор қабул қилишнинг қадамбақадам моделини ҳар бир босқич ўзидан аввалги босқични ҳам ўз ичига олишини, талабаларни қай даражада фанни ўзлаштиришлари кўп жиҳатдан қўлланиладиган услубларга боғлиқлигини аниқладик.

Бу мавзуда айнан иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фанини ўрганишда қўлланиладиган услубларни, нима сабабдан турли педагогик методик услубларни қўллаш зарурлигини кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли усуллар қўлланилади. Бунинг сабаби биринчидан, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларнинг дикқатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратилади.

Бир хил услубда дарс ўтилиши талабаларни зериктиради ҳамда дарс пайтида дикқатни бошқа нарсаларга қаратилади.

Психологларнинг тадқиқотларига кўра, ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил услубда дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугатишдан олдин 20 минут маърузани дикқат билан эшитар, қолган пайтда хаёли қочар экан.

Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, эшитганлари, янги билимни қабул қилиш қобилиятлари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзунинг талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштирилишига олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олган билимни ўзлаштириш жараёнида бир хил талабаларга бир услуб мавзунинг мазмунини тезроқ англашга ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услуб ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли дарс ўтишда турли услубларни қўллаш деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси услуг қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича ягона фикр йўқ.

Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, таҳлилий фикр юритадиган талабалардан муваффақият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар (садорлар), фан арбоблари етишиб чиқади.

Таҳлилий фикрлаш мустақил фикрлашдир. Ҳар бир кишининг фикр юритиши индивидуал характерга эга бўлиб, бошқаларнидан ажralиб туради. Ахборот эса таҳлилий фикрлашнинг бошланғич нуктасидир.

Илгари дарс ўтишда талабалар гўё бўш идиш, уни турли билимлар билан тўлдириш керак, деган нуқтаи назардан ёндашилган. Асосий дикқат - эътибор олинган билимни ёдда сақлаш, тушунишга қаратилган. Хозирги жамият

тараққиёти даражасида талабаларни давр талабига мувофиқ равища малакали мутахиссис бўлиб етишишлари учун бу камлик қиласи. Талабалар аввалги мавзуда кўрганимиздек, таҳлил қилиш, синтез ва баҳолаш, хулоса чиқариш, қарор қабул қилишни ўрганишлари керак.

Бу мақсадга эса дарс ўтиш жараёнида турли услубларни қўллаш орқалигина эришиш мумкин. Бир талаба кўпроқ эшитганини ёдда қолдирса, иккинчиси кўриши керак, учинчиси эса ўзи қатнашиб, қўли билан ушлаши керак.

Бир хил талабалар рақобатлашишни ёқтиришса, аксинча бошқалари ҳамкорлик қилишни ёқтиришади. Умуман олганда, дунёда иккита бир хил одамни топиб бўлмайди. Ҳар бир инсоннинг индивидуал хусусияти унинг ягона эканлигини ифодалайди. Индивидуал жиҳатлар шахсни, улар умумлашиб бутун маданият бойлигини шакллантиради.

Талабаларга дарс берар эканмиз, уларнинг индивидуал хислатларини янада бойитиб, ўз билимларини ошириш, камолотга эришиш учун ўзлари харакат қилишлари лозимлигини ўргатишимиш, тўғри йўлга йўналтиришимиш керак. Уларнинг ҳар бири ўз олдига ўзи мақсад кўйиб, унга эришиш учун ўзи харакат қилиши керак. Ана шунинг учун ҳам ўқитувчи бор маҳоратини ишга солиб, талабаларни индивидуал хислатларига максимал даражада таъсир этиб, уларни ана шу мақсадни танлаш ва бунинг учун ўз кучларини тўғри йўналтиришларига ёрдам бериши керак.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, таълим-тарбия ниҳоятда қийин иш. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, бу жараёнда турли услубларни қўллаш, уларни ўқитувчилар томонидан дарда қўллашга янада кўпроқ аҳамият бериш муҳим аҳамиятга эга. Ғарб олимлари томонидан чоп этилган услубий адабиётларда билим бериш услубига таъсир этувчи параметрларга қўйидагиларни киритишади:

1. Ҳар бир кишининг шахсий-индивидуал ўзига хос хусусиятлари инсон томонидан ахборот қабул қилишда ҳам ифодаланади. У бошқа омиллар билан бирга унинг шахсий хусусиятларига ҳам чамбарчас боғлиқ. Психологлар одамларни интроверт ва экстроверт гуруҳларга бўлишади.

Экстроверт қабилидаги талабалар ўқитишининг фаол турларини, бошқалар билан ҳамкорликда бажариладиган услубларни ёқтиришади. Масалан, кичик гуруҳларда ишлаш, моделлаштирилган ўйинлар ўтказишида қатнашиш кабилар.

Интроверт типидаги талабаларда эса кўпроқ индивидуал қатнашиш устун бўлган дарс ўтиш услубарини ёқтиришади. Масалан, маъруза эшитиш, китоб ўқиш, адабиётлардан конспект қилиш, назорат иши, реферат, доклад ёзиш кабилар.

2. Одамларда олган ахборотни қайта ишлаш қобилияти ҳам турлича. Талабалар билим олиш, олган ахборотларини ёдда сақлаш, тушуниш ва қўллашда ҳам бир-биридан фарқ қиласидилар.

Баъзи талабалар учун вербал (сўзда ифодаланган) ахборот масалан, маъруза эшитиш ёки радио орқали тинглаш етарли. Бошқалари учун эса визуал (кўриш) ахборот муҳим. Улар кўргазмали қуроллар, жадвал, схема, график,

диаграмма кабилар орқали мавзунинг мазмунига тез тушунишади. Учунчи гурух талабалар учун кинестетик (ўзи қатнашувчи) ахборот фойдали. Улар ўқитишнинг актив услублари, моделлаштирилган ўйинларда рол ўйнаш орқали ахборотни яхши ўзлаштирадилар.

3. Инсонлар ҳаёт кечирар эканлар, албатта бир-бирлари билан мулоқотда бўладилар, бир-бирларига таъсир кўрсатадилар. Натижада қўп нарсаларни талабалар бир-бирларидан ўрганишади. Шунинг учун талабаларни бир-бирларига таъсир кўрсатиш, ҳамкорлик қилишга асосланган. Масалан, баъзилар мустақил, биринчи бўлишига интилиши билан ажралиб туради. Улар алоҳида ўқиши маъқул кўради. Уларга дебат - мунозара олиб бориш, мусобақаларда катнашиш ёқади. Бошқалар ёлғизлиқдан кўра ҳамкорликда ўқишига мойил. Улар учун кооперациялашган ўқитиш услубларини қўллаган маъқул.

Одатда ахборот ниҳоятда турли-туман шаклларда берилади ва қабул қилинади. Кимнингдир турли тарзда ахборот қабул қилиш қўлидан келмаса, унинг учун ахборотнинг маълум бир қисми йўқотилади.

Педагогларнинг муҳим вазифаси, мақсади айнан турли услублар орқали талабаларни билим, ахборот олишни турли шаклларига тезда мослашишига, ўз дунёқарашини кенгайтириш учун ҳаракат қилишга талабаларни қизиқтириш ва уни амалга оширишдир.

Агар ўқитувчи талаба ёқтиромайдиган услубда дарс олиб борса, унинг борган сари ўқишдан қўнгли совиб, шу даражага етиши мумкинки, фанни умуман ўқигиси келмай қолиши мумкин. Аксинча, талабалар ёқтирадиган усул билан дарс берилса, унда фикрлашнинг ўзгарувчанлиги йўқолади. Ўз имкониятларини тўла ишга сола олмайди. Бу дегани келгусида ўз фаолиятида муваффақиятга эришиш имконияти чекланади. Баъзи талабалар аниқ фактлар орқали маълумотларни тезроқ қабул қиласиди. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар кўргазмали расмлар, диаграммалар орқали бошқалари мунозара қилганда, учинчилари ўзи бажаришда қатнашса яхшироқ, пухтароқ ўрганади.

Олимларнинг хисоб-китобига кўра аҳолининг 40%и кўриш орқали тезроқ ўрганса, 30%и эса эшитишни устун қўядиган бўлиб, бирордан эшитганлари орқали тезроқ ўрганар экан, қолган 30% и аралаш, ўзи қатнашса тезроқ ўзлаштирас экан.

Ҳар бир инсонга ўрганишнинг устун даражасидаги услуби ҳарактерли, лекин жуда қўп соҳаларда билишнинг ва тадқиқотнинг турли услублари ва босқичларига тезда ўтиш маҳоратига эга бўлиш талаб қилинади. Масалан, қўп мутахассисларга кузатиш, фактлар йиғиш кўникмаси камлик қиласиди. Улар фактларни умумлаштириш, ахборотларни шарҳлаш, ўзининг фикрини, хуносасини, ўз нуқтаи назарини илгари суришни ҳам билишлари керак. Шунинг учун ўзида визуал, вербал ва кинестетик ахборотни қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилишга ҳаракат қилиши керак. Умуман олганда, таълим-тарбия беришнинг услублари қотиб қолган эмас. Вақт ўтиши билан ўзгариб турибди. Талабаларнинг билим олиши ва олган ахборотларини қайта ишлаши учун турли-туман услубларни ўйлаб топиш ва қўллаш мумкин. Айниқса,

ҳозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга билишнинг турли усулларин қўллаш ва билим беришда мосланувчанлик, рангбаранг педагогик услублар қўллаш талаб этилади.

## **2. Дарс ўтишда қўлланиладиган асосий услублар**

Ўқитувчиларни дарс жараёнида турли услубларни ўқув топшириқларни қўллаб, ўз талабаларида билим олишга интилиш, иштиёқ уйғотишилари нихоятда муҳим аҳамиятга эга.

Кўпчилик педагогларнинг ишончи комилки, талабаларнинг қобилиятини, уларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда турли услубларни қўллаш, албатта ўзлаштириш натижасини кўтаради.

Дарс ўтишда қўлланиладиган услубларни шартли равишида анъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувч интерактив услубларга ажратиш мумкин.

Анъанавий дарс ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушунтиришга қаратилган. Талабаларни ўрганилаётган мавзуни қай даражада ўзлаштиришиларини назорат қилиш жараёнида билдирган фикрларига қараб амалга оширилади.

Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив услублари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш усуллари деб ҳам таърифланади. Бу усуллардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерактив услубларни қўллаш дарс ўтишнинг самарали усули сифатида тан олинниб, кенг қўлланилмоқда.

Дарс ўтиш услублари турлича бўлиб, улардан энг кўп қўлланиладиган асосий методлар қуидагилар:

**Американча мунозара (дебатлар).** Бундай тарзда дарс ўтишда икки талаба белгиланган қатъий тартиб бўйича, мунозарага раислик қилувчининг раҳбарлиги остида берилган савол ёки муаммо бўйича мунозара олиб борадилар. Уларнинг билдирган фикрларини арбитрлар коллегияси баҳолайди. Арбитрлар талабалардан белгиланади.

**Инглизча мунозара (дебатлар).** Мунозаранинг бу шаклида муҳокама қилинаётган муаммо ечимида етказилади.

**Очиқ мунозара.** Қўйилган муаммони белгиланган қоида бўйича муҳокама қилиб, ечимини қабул қилиш ёки қилмасликни пленумга топшириш билан якунланади.

**Сиртқи услуг (масофадан ўқитиш).** Ўқув материалини хатлар, топшириқлар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганиш. Интернетнинг ҳаётга кириб келиши ва борган сари кенг қўлланилиши билан бу услуг асосида дарс бериш ҳам ривожланиб, кенг ёйилмоқда.

**Тўғридан-тўғри баён қилиш услуби.** Бу модел (услуб) янги тушунчалар, навбатма-навбат, аста-секинлик билан мантиқий изчилликбериб борилади. Бу услуг кўпроқ маъруза ўқигандага қўлланилади.

**Гурухларда жуфтлик ёки кичик гурухларга бўлиниб ишлаш.** Бу усулда жуфтлик ёки кичик гурух билан биргаликда аниқ қўйилган у ёки бу масалани маълум белгиланган вақт ичидаги ўзаро фикр алмашиш, мулокот қилиш орқали ечиш кўзда тутилади.

**Интервью** бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (савол-жавоб) ўтказилади.

**Дарсни аниқ йўналтирилган (мўлжалланган) саволлар** асосида олиб бориш. Бу услубда мавзу бўйича аниқ йўналтирилган саволлар билан мавзу мухокама қилинади. Ўқитувчи савол-жавоб, сұхбатни бошқариб туради.

**Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар.** Бу услубда талабаларнинг ўзлари қатнашадилар. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб воқеликка иложи борича яқинлаштирилади. Бу услубни ўзи бажарганда осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. Ўз ҳатти-харакатлари билан зарур малака ва кўникмаларни эгаллашади.

**Реферат** – баҳолаш назаридан нейтрал вазиятда турган ҳолда мавзу бўйича оғзаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёкуи бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрлаш мумкин.

**Доклад ёки қисқача доклад** – мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки бағолаш тарзида баён қилинади.

**Масала ёки машқ ечиш.** Ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушуриб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади.

**Тадқиқот услуби.** Бу услубда бирор бир муаммо ёки гипотеза қўйилиб, гурӯҳ биргаликда тадқиқот ўтказиб, мантиқий хулоса чиқариб, уни илгари сурилган гипотеза билан таққосланади.

**“Ақлий штурм” – услуби,** муайян муаммо қўйилиб, уни ечиш учун талабалар ўртасига ташланади. Унда ҳар бир гурӯҳ ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилиб, хулоса чиқарилади.

**Конкурс (танлов)лар ўтказиши.** Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади.

Дарс ўтишда бошқа бир қатор услублар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гурӯхнинг тайёргарлигига қараб қўллаши мумкин. Уларнинг айримларига кейинги бобларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ўқиши жараёнини ташкил этишда турли қийинчиликлар юз бериши мумкин. Бу қийинчиликлар:

- А) бутун ўқув жараёнини ташкил этишга тегишли;
- Б) ўқув материалининг маълум бир қисмига тегишли бўлиши мумкин.

Камчиликлар эса:

- А) умумий характерга эга бўлган;
- Б) ўқув жараёнида индивидуал тўсиқлар;
- В) гурӯҳ туфайли келиб чиқсан қийинчиликлар;

Г) ўқув жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар туфайли келиб чиқсан тўсиқлардан иборат бўлиши мумкин.

Дарсни ташкил қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар: шовқин, дарс пайтида танаффус, дарсни бошқалар томонидан бузилиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида қўлланилиши керак бўлган техник воситаларни, дарслик, зарур ўқув қуролларининг етишмаслиги кабилар ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Ўқитувчининг ўз фанини пухта билмаслиги, турли янгиликлардан хабардор эмаслиги, ўзининг бирон-бир айби бор ёки бир нима етишмагандай тутиши ҳам дарс ўтишда қийинчиликлар туғдиради.

Талабаларнинг ўзини тута билмаслиги, ўзаро рақобатлашуви, талабаларни бир-бири билан уришиб кетиши ҳам дарс ўтказишда тўсиқ бўлиши мумкин:

- ⇒ Дидактик характердаги камчиликлар;
- ⇒ Ўқитувчининг хукмрон рол ўйнаши;
- ⇒ Ўқитувчининг ўзини тута билмаслиги;
- ⇒ Ўқитувчидаги сабр-тоқатнинг етишмаслиги;
- ⇒ Ўқитувчидаги хушмуомалалик, хушфеълликнинг етишмаслиги;
- ⇒ Ёрдам беришга тайёр туришдаги камчилиги;

Хайрихоҳ эмаслиги, талабаларни кўр-кўрона сўзсиз бўйсунишга мажбур қилиши кабилардан иборат.

Дарс ўтишда юз берадиган турли камчиликлар натижасида талабаларнинг ўқишдан кўнгли совийди.

Бу ндивидуал, руҳий ва интеллектуал қобилияти даражасига нисбатан ўзлаштириш даражасини тушиб кетишида ифодаланади.

Ўқув жараёнидатўсқинликлар юз берганми йўқлигини қуидаги мезонлар бўйича аниқлаш мумкин

- ⇒ Ўзлаштириш кўрсатгичининг пасайиши;
- ⇒ Дарсга қатнашиш даражасининг пасайиши;
- ⇒ Материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтда улгурмаслик.

Демак, дарс жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи иложи борича ана шу камчиликларнинг юз бермаслигининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак.

Дарс ўтишни қадам-бақадам қуидагича уч асосий қисмга бўлиш мумкин:

I. Кириш.

- саломлашиш;;
- ўтган дарсда ўтилган мавзуни қисқача ёдга солиш;
- янги мавзуни ўрганишга талабалар кайфиятини тайёрлаш;
- янги мавзуни талабаларга ҳавола қилиш;
- дарсда ўтиладиган мавзунинг мақсадини баён қилиш;
- дарсда муҳокама қилинадиган саволлар режасини талабаларга баён қилиш.

II. Дарс ўтиш:

- мавзуда кўриладиган асосий масалалар, категорияларни баён қилиш;

- асосий дикқат қаратиш лозим бўлган концепцияларни, масала, муаммоларни тушунтириш, қайтариш билан талабалар билимини мустаҳкамлаш;

- хаётда уларни қўллашдан мисоллар келтириш;
- семинар дарслар, амалий машғулотларда масала, машқ ечиш ва бошқа бир қатор методлар ёрдамида билимни мустаҳкамлаш.

### III. Дарсни яқунлаш:

- дарсда баён қилинган фикрларни умумлаштириш;
- дарсга хотима ясаб, талабаларни келгусидаги бажарилиши керак бўлган ишларга йўналтириш.

**Асосий таянч иборалар:** ўқув жараёни, анъанавий дарс, дарс жараёни, ахборот қабул қилиш, талабаларни фаоллаштирувчи дарс услублари.

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Нима сабабдан дарс ўтишда турли услубларни қўллаш зарур?
2. Билим бериш услугига қандай омиллар таъсир қиласди?
3. Анъанавий дарс бериш услуби билан талабаларнинг фаоллигини оширувчи (интерактив) услублар қайси жиҳатлари билан фарқланади?
4. Дарс ўтишнинг асосий услубларини санаб беринг? Уларнинг қисқача тавсилотини айта оласизми?
5. Ўқиш жараёнини ташкил этишда қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?

## **4 боб. МАЪРУЗА ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР.**

### **РЕЖА:**

- 1. Маъруза ҳақида тушунча.**
- 2. Маърузанинг функциялари ва унга қўйиладиган талаблар.**
- 3. Маърузада реал фактлар маълумотларнинг ўрни.**

#### **1. Маъруза ҳақида тушунча.**

Нима сабабдан бир ўқитувчи билдирган фикрларни тезда илғаб олиш мумкин, бошқаси билан аксинча. Иккинчиси ниманидир нотўғри қилгандир? Унинг сабабларини маърузага тайёрланиш ва уни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

Маъруза (арабча, лекция (лотинча - “lectio”) - ўқиш) – ўқув материаллари, бирор масала, мавзуу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимиға солинган баёнидир.

Ўзбек тилига араб тилидан рўкириб ўзлаштирилганмаъруза сўзи қўлланилади.

Маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, олий ўқув юртида дарс беришнинг асосий шаклларидан биридир. У талабаларнинг дунёқарашини шакллантиришда катта рол ўйнайди.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида юритилади.

Касбий таълим методикаси фанидан ўқиладиган маъруза факатгина иқтисодий ривожланишнинг асосий қонуниятларини очиб беришгина эмас, фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигини, ҳаётда реал муаммоларни ечишдаги аҳамиятини ҳам кўрсатиши керак.

Маъруза илмий характергаэга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онггига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак.

Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шарти аудитория билан контактга киришишдир. Маърузани кўтаринки рух билан ўқиш керак.

Маъруза ўқиш энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Шунинг учун биринчи навбатда маъруза мавзуси бўйича адабиётлар танлаш, ҳамдаулар билан танишиб чиқиш керак.

Олий ўқув юртида ўқитиладиган маърузалар ўз функциясига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

- Кириш маърузаси;
- Якунловчи маъруза;
- Мавзулар бўйича муаммоли маъруза;
- Йўл-йўриқ кўрсатадиган маъруза;
- Обзорли маъруза.

Маърузаларнинг турларидан қатъий назар барчасини функциясига кўра муаммоли маъруза тарзида ўқиш мумкин.

Кириш маърузаси маълум бир мавзуни ёки муаммони ўрганишга бағишиланган маъруза бўлиб, унда ана шу масала, муаммолар ҳақидаги фикрлар, уларнинг ижодий томонлари, камчиликлари, ечилимаган муаммолар кўрсатилади.

Якунловчи маърузамаълум бир мавзу муаммоси ёки фанни ўрганиб чиқиб, унинг якуни бўйича ўтказиладиган маърузалар.

Йўл-йўриқ кўрсатадиган маъруза талабаларга мустақил ишлашни ўргатишга қаратилган маъруза бўлиб, унда кўпроқ методик маслаҳатлар берилади.

Тавсия қилинадиган адабиётлар, уларни мустақил ўқищ, улар устида ишлаш жараёнида диққат қаратишлозим бўлган масалалар кўрсатилади.

Обзорли маъруза у ёки бу муаммо, мавзу ёки маълум бир тизимга солинган саволларни маълум бир мантиқий алоқадорликда баён қилишга қаратилган маъруза бўлиб, кўпинча олий ўкув юртларида одатда якуний назорат ёки имтиҳонлар олдидан ўтказилади.

## **2. Маърузанинг функциялари ва унга қўйиладиган талаблар**

Маъруза талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли бўлиб, уни бошқа ҳеч қандай ўкув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдига қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун унинг функцияларига аҳамият бериш керак.

### **Маърузанинг функциялари:**

1. Профессионал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.
2. Талабаларга тарбиявийтаъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, социал-психологик хислатларини шакллантириш.
3. Билим бериш, ўрганаётган фани бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида тадқиқот ўтказиб, хулоса чиқаришга ўргатиш.

**Маърузага қўйиладиган талаблар.** Иқтисодий фанларни ўрганиш талабаларнинг ижодий фикрларини ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Уларни жамият ривожланишининг иқтисодий қонун, тенденцияларини чукур тушуниши, назарий масалалар билан амалиётни боғлаш маҳоратини хосил қилишлари учун маъруза қуидаги асосий талабларга жавоб бериши керак.

Маъруза маълум бир йўналишга: иқтисодиётнинг асосий қонун, тенденциялари, принциплари, ижтимоий тараққиётнинг муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак.

Ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт кечириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириши лозим.

Илмийлиги жиҳатидан назариянинг асосларини амалиёт билан масаланинг қўйилишининг илмийлиги билан ҳамда иқтисодий назариянинг янги долзарб масалаларига ижодий ёндошиш билан назарий далиллар мантиқийлиги билан узвий бирлиги таъминланиши керак.

Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фанидан маъруза ўқиши ўқитувчи олдига қуидаги вазифаларни қўяди:

— талабаларга иқтисодиёт фанида эришилган назарий бойликни очиб бериш. Дунёдаги машхур иқтисодчилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва иқтисодчи олимларнинг ишларини чукурроқ ўрганишга ёрдам бериш;

— касбий таълим методикаси фанидан олган билимларини бошқа фанларни ўрганишда ижодий қўллашларига ёрдам бериш;

— талабаларга бозор иқтисодиётишароитида мураккаб социал-иқтисодий муаммоларни ечишда тўғри йўл топишга ўзида ишонч хосил қилишни тарбиялаш.

Маърузада асосий мақсадга етиш учун талабаларда иқтисодий фанларни ўрганишга барқарор қизиқиш уйготиш керак. Маърузани шундай тузиш керакки, талабада фанни чуқур ўрганиш учун мустақил равишда адабиётларни топиш, уларнинг устида ишлаш, тушунишга хоҳиш-истак туғилсин. Шунинг учун зарур материал, китоблар, журнал ва бошқа маълумотлар танлаш принципиал аҳамиятга эга.

Шу билан бирга талабаларга дуч келинадиган қийинчиликларни, уларни объектив ва субъектив томонларини ҳам тушунтириш керак.

Маърузанинг социал-иқтисодий йўналиши унинг илмийлиги билан чамбарчас боғлиқ. Маърузачи реал ҳаётнинг объектив таҳлилига, иқтисодий ривожланишнинг объектив қонуниятларига, иқтисодий ҳодисалар ва хўжаликҳаётининг омиллари ўртасида сабаб-оқибатли боғланишни аниqlаш, таҳлил қилишга асосланishi керак.

Тажриба кўрсатадики, талабага декларация, шиорлар эмас, балки ишончли далиллар, чуқур таҳлил кўпроқ таъсир қиласи. Ҳар қандай фан, жумладан иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фани ҳам ишончли далиллар, маълумотлар, назарий ва амалий хулосаларга таянади.

Маърузанинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчиллиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини назарда тутади. Илмий-иқтисодий жараёнлар, иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда тарихийликка амал қилишни талаб қиласи.

Маърузага тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича саволларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашини қўз ўнгига келтириши керак. мавзу бўйича адабиётларни, зарур маълумотларни ана шундагина тўғри танлаши мумкин. Яна шуни ҳам ҳисобга олиши зарурки, агар ўқитувчи зарур далиллар, маълумотларга эга бўлсада, уларни ишонарли, асосланган ҳолда баён қилмаслиги, фандаги долзарб саволларга жавоб беришдан четлаб ўтиши ёки четга чиқиши мумкин. Бу талабаларда маъruzadan қониқмасликка, унинг ишончлилиги ва тарбиявий аҳамиятини тушунтиришга олиб келади.

### **3. Маърузада реал фактлар маълумотларнинг ўрни.**

Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фаи бўйича маърузада фактлар, реал маълумотларнинг ўз ўрни бор. Чунки, улар иқтисодий жараён, муаммоларни моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Лекин шуни унутмаслик керакки, фақат улардан маҳорат билан фойдалангандагина кутилган натижани

беради. Бунинг учун сабаб-оқибатли боғланиш, маълум умумлаштириш, тенденцияларни кўрсата оладиганрақамлар ва далиллардан фойдаланиш керак.

Рақамлар, маълумотлар ўрганилаётган предметнинг мазмунини изчиллик билан ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Албатта, рақамлардан ўз фикрини тасдиқлаш учун фойдаланиш, иллюстрация қилиш мумкин. Лекин, назарий қоидаларнинг, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига тушунишда ҳам муҳим рол ўйнашини ёддан чиқармаслик керак. Ҳар бир педагог рақамлардан юзаки, шунчаки фойдаланишдан қочиш керак. Иқтисодчиларнинг фикрига қўра далиллар, рақамлар бу маълум қайта ишлашни талаб этадиган қурилиш материали холос.

Реал маълумотлар, рақамлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: рақамлар, фактлар ҳозирги замон хўжаликҳаётининг ўзига хос айрим томонларини кўрсатиши, кишиларнинг кўз ўнгига келтиришига ёрдам бериши; маълумотлар, далилларни танлаётганда хилма-хил бўлишига аҳамият бериш, шу билан бирга тасодифий фактлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, улар у ёки бу ҳодисанинг моҳиятини очиб бера олмайди, аксинча талабаларни чалғитиши мумкин. Шунинг учун: маърузага тайёргарлик кўрганда вақт нуқтаи назаридан охирги вақтдаги рақамларни келтириш керак.

Танланган далиллар ишончли, синалган бўлиши, ҳеч кимда иккиланиш уйғотмаслиги керак.

Ҳар қандай маърузада фактларга назарий қоидаларини моҳиятини очишга хизмат қиласиган даражада ўрин берилишига эътибор бериши керак. Агар назария билан фактлар ўртасида оптимал нисбат бузилса, талаба фактларни аралаштиришни бошлайди. Умумлаштириш ва хулосаларга бефарқлик билан қарашни бошлайдилар. Ваҳолангки, маърузада асосий мақсад назарий концепцияларни талабалар онггига етказишидир.

Маърузада негатив фактларни ҳам тўғри шарҳлаш, уларнинг қандай оқибатларга олиб келиши, бартараф қилиш йўллари ҳақида тўхташ керак. Маърузачининг вазифаси негатив фактларни эълон қилиш эмас, балки уларни тахлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатишидир.

Фактлар маърузага жонли мазмун, ҳаёт нафасини баҳш этади, унинг аҳамияти бу жиҳатдан бебаҳодир.

Маърузани назарий ва амалий материалларини талабаларга етказишининг умумий усули сифатида қарасак, уни қай тарзда талабага етказиш муаммоси келиб чиқади. Далиллар ва назарий концепцияни талабаларга етказища асосан икки услубдан фойдаланилади: **индуktiv** ва **дедуктив**.

Индуktiv услуг маърузада хусусийликдан умумийликка, дедуктив услуг эса, умумийликдан хусусийлик томон баён қилишни ифодалайди. Индуktiv услуг далиллар, хусусий, умумий хулоса, назарий хулосалар, аниқ фаолият учун практик (амалий) хулосалар тарзида баён қилинса, дедуктив услуг – назарий хулоса, умумий, хусусий хулоса,

### **Асосий таянч иборалар:**

Маъруза турлари, Кириш маърузаси, Якунловчи маъруза, Мавзулар бўйича муаммоли маъруза, Йўл-йўриқ кўрсатадиган маъруза, Обзорли маъруза.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Маъруза деганда нимани тушунасиз?
2. Маърузага қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
3. Маърузанинг қандай турлари мавжуд?
4. Маърузада реал фактлар нималарни белгилайди?
5. Маърузада қандай услублардан фойдаланилади?
6. Индуктив услубидан фойдаланишнинг самарали томонини кўрсатинг?
7. Дедуктив услубининг фарқли томонларини кўрсатинг?

## **5 боб. СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТУТГАН ЎРНИ. РЕЖА**

- 1. Семинар дарси ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрни**
- 2. Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши**

### **1. Семинар дарси ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрни.**

Семинар дарси талабаларни билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам семинар дарсини қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтишмуҳим аҳамиятга эга.

Маърузада одатда кўпроқ баён қилиш етакчи рол ўйнайди. Талабалар дарсда пассив рол ўйнашади. Дарсда турли услубларни қўллаб уларнинг фаоллигини таъминлаш имконияти кенг. Маъруза дарси асосан монолог тарзида баён қилинса, семинар дарсидарси турли-туман диалог асосида олиб борилади. Одатда семинар дарсида талабаларнинг билими, ўз устида ишлаш даражаси аниқланади, назорат қилинади.

Семинар (лотинча – seminarium – манба, кўчма маънода - мактаб) – ўқув амалий машғулот шакллариданбири. Асосан олий ўқув юртларида, илмий тўгарак, анжуманларда қўлланилади.

Таълимнинг семинар шакли қадимги Юнон ва Рим мактабларида пайдо бўлган. Кейинчалик Фарбий Европа университетларида ривожлантирилган. Бу университетлардасеминар асосан, талабанинг адабиётлар, манба устида ишлаш вазифасини ўтаган. XX аср бошларида семинар дарслари талабаларнинг умумий дунёқарашини кенгайтиришда, уларни муайян фан тарихидаги муҳиммуаммо ва тадқиқотлар билан таништиришда катта рол ўйнай бошлаган.

Семинар асосан уч тури мавжуд:

1. Ўрганилаётган фан ёки курсни чукур ўрганишга ёрдам берадиган семинар дарслари;
2. Айрим муаммо, асосий ёки муҳим мавзуни ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар;
3. Тадқиқот характеридаги семинарлар.

Ўқув жараёнини ташкил этишда семинар дарслари алоҳида ўрин тутади. Семинар талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашни таъминловчи, ижодий қобилияtlарини намоён қилувчи ўқув жараёни шаклидир. Семинар машғулотларининг мақсади талабаларнинг чукур билим олишини таъминлаш, олган билимларини реал ҳаётда қўллашга ўргатишдир.

Бунинг учун талаба олган ахборотларини таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, таққослаш, хулоса чиқаришни билиши керак. Бундай маҳоратга эга бўлишга кўп жиҳатдан семинар дарси ёрдам беради.

Семинар дарсинга олдига қўйилган бош мақсадни амалга ошириш учун дарсни олдига қўйилган қатор вазифаларни амалга ошириш керак. Бу вазифалар семинар дарслари бажарадиган функцияларда ўз ифодасини топади.

Семинар дарси бир қатор функцияларни бажаради:

- Талабаларга профессионал таълиим бериш ва тарбиялаш;
- Мустақил ишлаш малакасини ўстириш;
- Талабаларни мантиқий фикрлашга ўргатиш;
- Нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришигни ўргатиш;
- Мустақил фикр юритиш ва ўз фикрини ўртоқлашишга ўргатиш;
- Ўртоқлари фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш;
- Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Инсон эсда сақлаш хотираси – бу бизнинг биокомпьютер. Одатда олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддатгина ёдимизда сақланади.

Бошқа янги ахборотни қабул қиласар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади. Ахборотлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиласиган ахборотлар миқдори, турлича қабул қилиниши, хотирада сақланибқолиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласади.

Психологларнинг фикрича ахборотнинг хотирада узоқ сақланиб қолиши учун, у гўёки миямизда фильтрдан – бошқача айтганда элакдан ўтиш, сараланиши гўёки хотира қурилмасига ўтказилиши керак экан. Ахборотлар сараланиб, охир-оқибат алоҳида у ёки бу томони билан ажралиб турдиганларигина хотирага ўтар экан. Уни тахминан ана бу шартли тасвир орқали ифодалаш мумкин.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:


- Ниҳоятда қизиқарлилиги, жўшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- Тасаввур, хис-туйғу ва шу каби бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланишдаги ахборотлар;
- Инсон томонидан тушиниб, моҳиятига етилган ахборотлар;
- Фаоллик билан қабул қилинган, ўрганилган, масалан такрорланиб турдиган ахборотлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, олимларнинг илмий тадқиқоти шуни кўрсатадики, оддий инсон одатда ахборотларни қуйидагича ўзлаштиради:

- 20% - эшитганини хотирада сақлаб қолади;
- 30% - кўрганини ўзлаштиради;
- 50% - эшитиш ва кўриш орқали билиб олади;
- 70% - ўзи тушуниб гапиргани, эшитгани ва кўргани натижасида ўзлаштиради;
- 100% - шу ишни бажариши, гапириши, эшитишива кўриши орқали ўзлаштиради.

Лекин билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билим ундан фойдаланилмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан кўтарилади. Халқимиз “Такрорлаш – билимнинг онасидир” деб бежиз айтишмаган.

Олинган билимдан фойдаланиб такрорлаб туриш, ёдда сақлаш ёки ундан фойдаланмаслик, такрорламаслик оқибатида олинган билим актив (фаол) билим захираси ёки пассив (суст) билим захирасига айланади.




Чизма-1

Агарда уни абстракт чизма орқали кўрсатадиган бўлсақ, мана бундай ифодалаш мумкин (чизма-1).

Олинган ахборот фильтрдан ўтгач қисқа муддат ёдда сақланади. Қисқа муддат ёдда қолган билим иккинчи фильтрдан ўтгач, шу билимни ёдда сақлаш, фойланиш, такрорлаш туфайли актив (фаол) билим захирасига айланади.

Агарда бу билимдан фойдаланиб, такрорлаб турилмаса, пассив (суст) билим захирасига айланади ва бора-бора хотирадан кўтарилади. уни қуйидаги 2-графикда кўриш мумкин.

2-график



Билимни такрорлаш туфайли ёддан кўтарилишининг олдини олиш мумкин. Булардан шундай хулоса чиқариш мумкин: талабаларнинг энг аввало, ўқув материалини ўзлаштириши, ёдда қолдиши учун олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигини эмас, балки ўзи гапириши, ўз фаолиятида синааб кўриш орқали етказиш катта аҳамиятга эга экан. бунга эришишнинг йўли семинар дарсларини турли-туман услублар орқали олиб боришидир.

Айнан семинар дарсида талабалар маъруза, китоб, журнал ва ҳоказолар оркали олган ахборотлари, билимларини тушунган ҳолда гапириб бериш, уни моделлаштириш асосида синаб қўриш имкониятига эга бўлади.

Семинар дарсини ўтказишда қўлланадиган услублар турли-туман бўлиб, у ёки бу услубни танлаш, аввало ўрганилаётган фаннинг хусусиятига; иккинчидан эса, ўтилаётган мавзуга, учинчидан, семинар дарсида қўйилган максадга; тўртинчидан, танланган услубни қўллаш имкониятига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фанини ўрганишда нисбатан кенг қўлланиладиган услублардан экспресс савол-жавоб саволлар тизимиға асосланган муҳокама, семинар машғулоти режаси бўйича атрофлича сұхбат, моделлаштирувчи ўйин, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, масал, машқ, тест ечиш ва уларнинг натижасини муҳокама қилиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Семинар мавзуси маъруза мавзуси билан бир хил бўлиши шарт эмас. Айрим пайтларда мавзудаги айрим саволларни маъruzada қўрилса, айримларини семинардамуҳокама қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда шундай тажриба амал қиласдики, маъruzada қўрилган мавзу албатта семинарда ҳам муҳокама қилинади. Лекин, маълум шароитда семинар дарси ва унинг мавзусига бошқача ёндошиш мумкин. Айтайлик, мустақил ўрганиш учун турли адабиётлар, бошқа ахборот манбалари мавжуд бўлса, семинарда мустақил ўрганилган мавзуни муҳокама қилиш мумкин. Айниқса, мавзуни ўрганиш учун вақт етишмаган паётда бундай усул қўл келади.

Семинар дарси муваффакияли ўтказиш учун энг аввало, асосий ва қўшимча адабиётларни синчиковлик билан ўрганиб чиқиш зарур. Адабиётларни ўрганиш дарс жараёнида талабаларнинг дикқатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш, мавзуни қайси усул асосида ўрганишни режалаштириш ва дарсга тайёрланишимконини беради. Айниқса, аудиторияда жонланиш, муҳокама қилиш, мунозарага сабаб бўладиган саволлар қўйилганда юз беради. Натижада мавзуни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам бундай саволларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунинг мазмунини ўзлаштиришни чуқурлаштиришнинг энг оддий йўли – бу саволларни мураккаблаштириш ҳамда алоҳида саволлардан саволлар тизимиға ўтиш орқалиамалга оширилиши мумкин.

Бу эса қўйилган саволларга жавоб бериш, муаммони, саволни муҳокама қилиш жараёнида вужудга келган муаммоли вазиятни ўрганиб, уни ечиш имкониятини беради. Масалан, иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? деган савол қўйилган. Бу ерда талаба касбий фанларнинг бош муаммоси – ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эхтиёжларни қондириш муаммоси – деб жавоб бериши мумкин.

Ана шу саволни бошқача саволлар тизими асосида қўйиш мумкинки, натижада талабалар қўйилган масалани чуқурроқ тушунишига ёрдам беради. Уни айтайлик, қўйидагича савол тизими асосида қўйиш мумкин: Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? Нима сабабдан бу муаммони бош муаммо деб атаймиз? Сизнингча иқтисодиётда яна қандай муаммолар бор? Ана шу

саволлар тизимиға жавоб бериш жараёнида талабалар чуқурроқ ўрганиб олишади: Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси эканлиги, унинг бош муаммо бўлишига сабаб, бу муаммо иқтисодиётдаги барча муаммоларни қамраб олиши эканлигидир. Уларга мисол қилиб, бир неча муаммолар: танлаш муаммоси, ҳарбир уй хўжалиги, фирма, давлатнинг олдига қўйган мақсади ва унга эришиш муаммоси ва ҳоказоларни қўрсатиш мумкинки, уларнинг барчаси ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқдир.

Мавзуни ўрганишни чуқурлаштиришга савол шаклини ўзгартириб, уни мураккаблаштириш орқали эришиш мумкин. Айтайлик, иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима ва уни нимага бош муаммо дейилади? Сабабини қўрсатинг? деган тарзда қўйиш мумкин.

Талабаларнинг мавзуни у ёки бу категорияни қай даражада тушунгандарини синаш ва пухтароқ тушунишлари учун жавобларини талабалар билан биргаликда мухокама қилиш асосида мини тестлар ўтказиш усулини қўллаш мумкин.

Семинар дарсининг талабалар томонидан билим, иқтидор, нутқ сўзлаш, бошқалар фикрича танқидий қарашни талаб этадиган услубларидан мунозара бўлиб, у мураккабдир. Бундай усул билан дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш, маҳоратни талаб этади. Умуман олганда семинар дарси турли услублар асосида олиб борилар экан, у қизиқарли, барча талабаларни фаол қатнишишга, демак дарсга қунт билан тайёрланиб келишига ундаиди.

## **2. Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш (семинар дарси ўтишга доир услубий қўрсатмалар).**

Ўқитувчи семинар дарси ўтишга ҳозирлик кўрар экан, семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказади. Қандай кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллардан фойдаланади? Аввалдан режалаштириб, зарур материалларни тайёрлаб қўйиши керак.

Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни қўйидагиларда кўриш мумкин. Мазкур семинар дарси ўтишга доир услубий қўрсатмалар дарс ўтишга тайёргарлик кўришни режалаштириш ва ўтказишга ёрдам беради.

### **Намунавий семинар машғулоти**

**Мавзу: Ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш.**

#### **Дарснинг мақсади:**

- Ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжлар ва уларнинг таркиби турли жиҳатдан ёндошиш ва нима сабабдан турли гурухларга бўлишни тушуниш;
- Эҳтиёжларнинг шаклланишида ахборотнинг ролинианглаш;
- Ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодиётнинг бош муаммоси эканлигини тушуниб этиш;

— Танлов ва қарор қабул қилиш муаммоси, қарор қабул қилишнинг муқобил варианлари ва мезонларини ишлаб чиқиши ўрганиш;

— Қарор қабул қилиш учун ахборотнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини англаш.

Мавзу бўйича семинар машғулотига тайёрланиш учун зарур адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. “Ўзбекистон”, 1992.

3. Макконелл К., Брю С. “Экономикс”, гл.. М. “Инфра”, 1999.

4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик Т., “мехнат”, 1995, 2-боб.

5. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений (колл. Авт.). Т. “Шарқ”, 1999.

6. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодий назарияси. Ўқув қўлланма, Т., “Молия”, 2002

7. Касбий таълим методикаси фанидан семинар машғулотлари режаси. ТМИ. 2002.

8. Касбий таълим методикаси фанидан бакалаврлар тайёрлаш учун ишчи-уқув дастури. ТМИ. 2002

**Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий таянч тушунчалар ва атамалар:**

Индивидуал эҳтиёж

Гуруҳий эҳтиёжлар

Умумжамиятэҳтиёжи

Ресурслар чекланганлиги

Моддий эҳтиёжлар

Танлов

Маънавий эҳтиёжлар

Муқобил қиймат

Якка ва биргаликда

Имкониятлар эгри чизиги

қондириладиган эҳтиёжлар

Ишлаб чиқариш имконияти

Шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари

Қарор қабул қилиш сеткаси

Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши

**Дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар:**

\*доска, бўр, латта;

\*проектор, слайдлар, фломастер, китоб, газета – журналлар.

**Дарс ўтишда фойдаланиладиган қўргазмали қуроллар** (слайд ёки ватман қоғозга чизилган бўклиши мумкин ёки дарс давомида доскага чизиш мумкин):

— Эҳтиёжлар ва ресурслар таркибининг таснифи берилган схема;

— Имконият эгри чизигини ифодаловчи график.

**Тарқатиладиган материаллар:**

— ишлаб чиқаришимконияти эгри чизиги модели таснифланган график асосида масалалар, дарсда бажариладиган топшириклар;

— қарор қабул қилиш сеткаси.

**Семинар дарсида муҳокама қилинадиган саволлар ва уларга ажратилган таҳминий вақт:**

Ташкилий қисм

5-8 минут

**Мұхокама қилинадиган саволлар:**

- |  |             |
|--|-------------|
| 1. Ижтимоий иқтисодий әхтиёжларнинг мазмуні. Индивидуал гурухий ва умумжамият әхтиёжлари               | 10-15 минут |
| 2. Ўзбекистонда әхтиёжларнинг хусусиятлари.  |             |
| Эхтиёжларнинг таркиби  | 10-15 минут |
| 3. Эхтиёжларнинг чексизлиги. Эхтиёжларнинг юксалиш қонуни.   |             |
| 4. Ресурсларнинг чекланганлиги. Ишлаб чиқариш имконияти. Танлов ва миқдорий қиймат. Қарор қабул қилиш. | 20-25 минут |
| 5. Иқтисодиётнинг бош муаммоси.  | 15-20 минут |
| Дарсни якунлаш.  | 4-5 минут   |

**Дарснинг қисқача тағсилоти.**

1. Ташкилий қисм. Талабалар билан салом-алик қилинади. ўқув аудиторияда зарур жиҳозлар бор-йўқлигини бир кўздан кечиради. Давомат текширилади. Талабаларнинг барчаси дарсга қатнашяптими ёки йўқми? Йўқ бўлса нима сабабдан, аниқланади.

Сўнгра ўқитувчи қисқача семинар дарсида ўтилган мавзуни ёдга тушириб, янги мавзуни бошлайди. Талабаларга қисқача дарснинг мақсади баён қилинади:

Ўтган семинар дарсида биз касбий фанларнинг предмети ва услуби мавзусини яқунладик. Шу мавзуда биз иқтисодий ғояларнинг вужудга келиши, иқтисодий назариянинг фан сифатида шаклланиш жараёни, асосий иқтисодий мактабларни кўриб ўтдик. Касбий фанларнинг предмети, иқтисодий қонунлар, категориялар, иқтисодий ҳодисаларва уларни ўрганишнинг услубларини биргалашиб муҳокама қилдик.

Касбий таълим методикаси барча иқтисодиёт сиёсатининг илмий асосларини ишлаб чиқишдаги тутган ўрни, норматив ва позитив касбий таълимнинг фарқини ўргандик. Ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва унинг муаммоларини аниқлашда касбий фанларнинг аҳамиятини билиб олдик.

Бугун биз янги мавзу: “Ижтимоий – иқтисодий әхтиёжлар ва ишлаб чиқариш” мавзусини муҳокама қиласиз.

Маърузада таъкидлаб ўтдик, “Касбий таълим методикаси” фанини ўрганишни айнан мана шу мавзудан бошлишимиз бежиз эмас, чунки инсоннинг бутун ҳаёти турли-туман әхтиёжларини қондиришга қаратилган.

Бугунги мавзуда бизана шу әхтиёжларнинг таркиби, уларнинг чексизлиги, әхтиёжларни қондириш учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш учун ресурсларнинг чекланганлиги, бундан келиб чиқадиган иқтисодиётнинг бош муаммоси, танлов ва қарор қабул қилишни зарур қилиб қўйиши ва бошқа масалаларни ўрганамиз.

Дарсга семинар машғулоти режаси бўйича тайёрланиб келиш керак эди. Дарсга ҳамма тайёрми? дея сўраб, тайёрланмай келганларни сабабини аниқлайди. Бугунги мавзу муҳокамасини бошлаймиз деб, ўқитувчи кириш сўзини тугатади.

**2. Саволлар муҳокамаси**

Бугунги мавзу муҳокамасини “ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг мазмуни индивидуал, гурхий ва умумжамият эҳтиёжлари” саволидан бошлаймиз, дея ўқитувчи нималарга алоҳида аҳамият беришга дикқат қаратади.

Бу саволни анъанавий: услуг сұхбат савол-жавоб услуги билан муҳокама қилиш мүмкін. Бунда аввало эҳтиёжларлар деганда нимани тушунасиз? деган савол қўяшимиз.

**Ҳаёт кечириш учун объектив заруриятнинг барчаси эҳтиёж тарзида намоён бўлади.**

Социал иқтисодий эҳтиёжлар, деб – инсонларнинг эҳтиёжи, ҳамда уларни кондириш иқтисодий фаолият орқали амалга оширилишини кўрсатилиши зарур.

Эҳтиёжларнинг шаклланишида ахборотларнинг роли, айниқса, ҳозирги пайтда алоҳида эътибор бериш, талабалар томонидан ҳаётий мисоллар келтирилишига аҳамиятберилиши керак.

Эҳтиёжларнинг ниҳоятда турли-туманлиги унга турли жиҳатдан ёндашиб гурухларга бўлинишини тайёрланган схемаорқали кўрсатиш мүмкин.

### Кўргазмали материал 1 (1-схема)



Бу схема оларни тарзида намоён бўлади. Сунгра бошқа хусусиятларига кўра эҳтиёжлар турли гурухларга бўлиниши кўриб чиқилади.

Бунда талабалар ҳаётий мисоллар ёрдамида эҳтиёжларни турли гурухларга бўлинишини тушунтиришларига дикқат қаратишкерак. Шу мақсадда турли йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилиб саволни муҳокама қилишдан қўйилган мақсадга эришилади. Масалан: нима сабабдан эҳтиёжларни социал-иқтисодий эҳтиёжлар деб атаемиз? Индивидуал эҳтиёж деб қандай эҳтиёжга айтамиз, улар қандай эҳтиёжлардан иборат ва ҳоказо.

Ўқитувчи қисқача якун ясайди ва келгуси саволга ўтилади.

Навбатдаги савол: Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари.


Эҳтиёжларнинг таркиби бўлиб, бу саволда аввало эҳтиёжларнинг шаклланишига қандай омиллар таъсир қилиши, ана шу омилларнинг тутган ўрнига кўра Ўзбекистонда эҳтиёжлар қандай хусусиятлари билан ажralиб турди, кўрсатиш керак. Бунда аҳолининг сони, жинси, ёши, табиий географик шароити, тарихий миллий анъаналар ва одатлар, жамиятнинг иқтисодий тараққиёти, маданияти ва бошқа омилларга эътибор қаратилади. Бу савол бўйича “Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари ва уларнинг эҳтиёжлар таркибини шаклланишига таъсири” мавзусида реферат ёки қисқа доклад тайёрлаш мумкин.

Бунда реферат ёки қисқача докладни икки талаба тайёрлагани маъқул: бири иккинчисини тўлдиради. Рефератда кўпроқ Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатиши келажакда эҳтиёжлар қандай ўзгариши мумкинлиги хақида, талаба ўз фикрларини қандай баён қилишига аҳамият бериш керак.

Бунда талabalар республика ёки вилоят, туман миқёсида (имконият қадар) статистик маълумотлардан фойдаланиши зарур. Агар бу фикрлар етарли бўлмаса, ўқитувчи савол беради ёки талabalар савол беришлари мумкин. Фақат бу савол жавоблар узоққа чўзилишининг олдини олган маъқул.

Ўқитувчи қисқа қилиб саволни якунлаб, келгуси муҳокама қилинадиган савол ва унда диққат қаратиш лозим бўлган масалаларга алоҳида урғу беради. Бу савол бутун иқтисодиётнинг муаммосини ўзида мужассамлаштирган муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлган икки фундаментал фактнинг бирини ёки муаммонинг пойдеворини ташкил этган “Эҳтиёжларнинг чексизлиги, Эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни”га бағишлилади.

## Кўргазмали материал 2 (2-схема)



## Кўргазмали ва тарқатиладиган материаллар 1

### Қарор қабул қилишнинг қадам-бақадам модели:

1. Муаммони аниқлаш. Энг аввало муаммо (эришиш лозим бўлган натижажа)ни ажратиш, айни шу вақт, шу вазият учун қайси муаммо энг асосий ҳисобланади, аниқлаш зарур.

2. Муқобил варианtlарни аниқлаб чиқиш (кўйилган натижага эришишнинг турли усулларини аниқлаш). Масалан: аукцион, мусобақа, навбатда туриш, бошлиқнинг қарори, канкурс ва ҳоказолар.

3. Мезонларни белгилаш. (Ҳар бир муқобил варианtlарни баҳолаш мезонларини аниқлайдиган стандартларни белгилаш) Масалан: ҳаммага тенг шанс, наф, энг юқоринарх, мукофот, қадр-қиммат, омад ва ҳоказо.

4. Муқобил варианtlарни баҳолаш (Ҳар бир мезон, ҳар бир муқобил вариант учун қўлланилади).

5. Қарорқабул қилиш (Турли варианtlар мезонлари бўйичча бошқалари билан тақосланади ва улардан энг яхшиси танланади).

## Кўргазмали ва тарқатиладиган материаллар 2

### Қарор қабул қилиш сеткаси

Муқобил варианtlар	Мезонлар			

Қарор қабул қилишнинг қадам-бақадам модели ёрдамида қандай қилиб қарор қабул қилишни ўрганамиз. Ана шу модел асосида қарор қабул қилиш сеткасини чизамиз. Аввал танлов мезонлари ишлаб чиқилиб, сўнгра диққат ана шу мезонларга жавоб берадиган танлов обьекти варианtlарига қаратилади. Масалан: Тадбиркор бозрни ўрганиб, гилам тўқийидиган кичик цех қуришга қарор қилди. Айтайлик цех қуриш учун жой танлаш керак. Аукционда 10 дан ортиқ участкалар қўйилган бўлиб, улар шаҳарнинг турли худудларида

жойлашган. Бунда тадбиркор ана шу ер участкаларини ўзи белгилаган танлов мезонлари асосида таққослайди ва қарор қабул қиласи.

Агарда танлайдиган объект ягона ёки уни олиш учун талабгорларга қараганда таклиф жуда оз бўлса, у ҳолда диққат танлашнинг муқобил вариантиларига қаратилади.

### **Асосий таянч тушунчалар**

Семинар турлари, қисқа муддатли ёдда сақлаш, узоқ муддатли ёдда сақлаш, семинар функциялари, семинар дарси афзалликлари.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Семинар дарси талабаларни билим олишида қандай ўрин тутади?
2. Семинар дарси қандай функцияларни бажаради?
3. Нима сабабдан олинган билимни вақти-вақти билан такрорлаб туриш лозим?
4. Семинар дарси муваффақиятли ўтиши учун, сизнингча нима қилиш керак?
5. Сиз семинар дарси ўтсангиз қандай мақсадларни кўзлаган бўлар эдингиз?

## **6 боб. ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ. РЕЖА:**

- 1. Ўқув жараёнида назоратнинг ўрни ва роли, назорат шакллари**
- 2. Талабалар билимини синаш ва баҳолаш**

### **1. Ўқув жараёнида назоратнинг ўрни ва роли, назорат шакллари.**

Талабалар билимини баҳолашнинг зарурлиги талабалар билимини мунтазам баҳолаб туриш, биринчидан, уларни предметни ўрганишга ундейди. Иккинчидан, баҳолашнинг табақаланиши уларни предметни пухта ўзлаштиришга олиб келади. Талабалар билимини баҳолаш, уларни билим олишга интилишларини мунтазам рафбатлантиради.

Қарама-қарши алоқа туфайли баҳолаш жараёнида талабалар фан бўйича нималарни билиши, қандай саволларни чукурроқ ўрганиши зарурлиги, заиф жиҳатлари аниқланади.

Ўқитувчи талабаларни билимини баҳолаш жараёнида қандай савол, масалаларни ўзлаштиргани ҳақида ахборотга эга бўлади.

Ота-оналар фарзандларининг мувафаққиятлари ҳақида ахборот олишади.

Ўқитувчи ва ўқув юрти маъмурияти талабалар билимини баҳолаш орқали уларни курсдан курсга кўчириш ҳақида қарор қабул қилишади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари:

- барча талабаларни жалб этиш;
- дастур материаларини тўла қамраб олиш;
- талабаларга табақали ёндашиш;
- талабалар билимини адолатли баҳолаш;
- мунтазам тарзда назорат ва баҳолашни амалга оширишга риоя қилиш, уларни ўз устида тинимсиз ишлаш, ўқиш, ўрганишга ундейди.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашга замон талабидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади. Ҳозирги пайтда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, унинг барча тамойилларини назарда тутган ҳолда таълим тизимидағи мамлакатимиз ва чет эл педагоглари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган **рейтинг** ( инг. Rating — индивидуал сон, миқдор кўрсаткичи маъносида ишлатилади) тизими қўлланилмоқда.

Рейтинг, биринчидан, талабаларни билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини характерловчи тизим. Иккинчидан, талабанинг олган билимини ўзлаштириш даражаси, баҳосини ифодалашнинг усули.

Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг муҳим афзаллиги, баҳолашнинг барча анъанавий ва янги усулларини қўллашга имкон яратишидир.

Бу тизимни қўллашдан мақсад бир томондан, рейтинг тизимини қўллаш орқали талабаларни ўқитилаётган фанларни чукур эгаллаш, топшириқларни бажаришга ижодий ёндашиш адабиётлар устида тинимсиз ишлаш, дарсларга фаол қатнашишларини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, профессор – ўқитувчиларни маъруза, амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш, дарс ўтишнинг турли-туман услубларини қўллаш талабалар билимини назорат

қилиш ва баҳолашда масъулиятларини оширишдир. Буларнинг барчаси эса **рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга** эришишга қаратилган.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

— талабаларни билим олиш, ўқиш ўрганиш учун интилишларини фаоллаштириш;

— профессор-ўқитувчиларнинг дарс, билим беришга бўлган масъулиятларини ошириш;

— талабалар билимини назорат қилишнинг узлуксизлигини, баҳолашнингadolатли, ҳаққоний бўлишини таъминлаш;

— замон талабларига мос равища таълим стандарти, ўрганилаётган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуини узлуксиз такомиллаштириш.

Ҳозирги пайтда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида ишлаб чиқилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тўғрисида Намунавий Низом” асосида амалга оширилмоқда.

Намунавий Низомга кўра ўрганилаётган фан бўйича талаба йиғиши мумкин бўлган максимал рейтинг бали, ўқув режасида айнан шу фанга ажратилган соатлар миқдори билан белгиланади.

Талаба билимини баҳолашда, аввал унинг ўзлаштириш кўрсаткичи аникланади. Сўнgra дарс соатлари миқдорига мувофиқ унинг фан бўйича рейтинги ҳисоблаб топилади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр, ўқув йили давомида мунтазам равища олиб борилади.

Талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштиришини, баҳолашнинг қуйидаги турлари орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш ( ЖБ );
- оралиқ баҳолаш ( ОБ );
- якуний баҳолаш ( ЯБ ).

Жорий баҳолашда фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг ўзлаштириши аникланиб, баҳолаб борилади. У одатда семинар дарслари, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари жараёнида амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш семестр, ўқув йили давомида фаннинг бир неча мавзуси, қисми, бўлими бўйича назарий машгулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ўтказилади. Унда муайян савол, муаммо, тест, масала-машқ ва бошқалар ёрдамида талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражаси, қобилияти, маҳорати аникланади ва баҳоланади.

Якуний баҳолашда, фаннинг семестр ёки ўқув йили давомида ўтилган ҳажми доирасида талабанинг фанни ўзлаштириш даражаси баҳоланади. Якуний баҳо турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга семестр ёки ўқув йили учун ажратилган соатнинг 30 фоизи миқдорида белгиланади.

Фан бўйича ЖБ ва ОБ турларида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг баллнинг миқдори, ўқув режасида фанга семестр ёки ўқув

йили учун ажратилган соатнинг 70 фоизи микдорида белгиланади. Таълим муассасалари ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, жорий баҳолаш ва оралиқ баҳолаш турларининг фоизларини белгилаш хуқуқига эга.

Талаба ўрганаётган фани бўйича максимал баллнинг камидаги 55 фоизини тўплаган бўлиши керак. Ундан кам балл тўплаган талабанинг фанни ўзлаштириши қониқарсиз деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар максимал баллнинг: 86—100 фоизини ташкил этса, “аъло”, 71—85 фоизини ташкил этса, “яхши”, 56—70 фоизини ташкил этса, “қониқарли”, 55 фоиздан кам бўлса “қониқарсиз” баҳоланади.

ЖБ, ОБ, ЯБ турларининг ҳар бир босқичида талаба 55 фоиздан ортиқ балл тўплаши шарт.

## **2. Талабалар билимини синаш ва баҳолаш.**

Талабалар билимини синаш ва баҳолашда турли усувлардан фойдаланиш мумкин. Қандай усулни танлаш, табиий ўтилаётган фанга, қўйилган мақсад, ўқитувчининг танлови кабиларга боғлиқ.

Талабалар билимини баҳолашда тест мухим ўрин тутади. Талабалар билимини баҳолаш шу билан бирга, билим олишга кўмаклашишдан ташқари тест бошқа, усувлар: масала ечиш, реферат ёзиш ёки саволга оғзаки ёки ёзма жавоб ёзиш кабилардан қуидаги жиҳатлари билан ажралиб туради.

Тестлар талабалар билимини назорат қилишнинг объектив усули ҳисобланади, сабаби унда ўқитувчи билан талаба ўртасида вужудга келган муносабатлар ҳеч қандай рол ўйнамайди ва талаба билимини баҳолашга таъсир этмайди.

Назорат иши ёки рефератда ўқитувчи талабани айрим хатоларидан кўз юмиб, унинг билимини юқори баҳолаши ёки аксинча, ўзининг субъектив талабларини қўйган ҳолда паст баҳолаши мумкин. Тестлар бундай хатоликдан холи.

Тестларни фақат якуний назоратда қўллаш шарт эмас. Уларни мавзуни бошлашдан аввал ҳам, жорий назорат, оралиқ назоратда ҳам қўллаш мумкин.

Мавзу бўйича дарс ўтишдан аввал қўлланилган пре-тестлар талабалар диққатини шу тестдаги асосий хатоларга, ўрганилаётган категорияларга қаратиш имконини беради. Пре-тестда унга таниш бўлмаган ғоя, тушунча, гоҳида алоҳида сўз билан тўқнаш келиб уларни мустақил ўрганишга ҳаракат қиласи. Улар талабани мустақил ишлашга унрайди, йўлланма беради.

Оралиқ тестлар дарсни ўзлаштириш жараёни қандай кечаётганини назорат қилиш имконини беради. Оралиқ тестларнинг натижасини мухокама қилиш жараёнида фандаги асосий тушунчаларни самарали такрорлаш ва хотирада сақлаш имкони вужудга келади.

Тестлар талабалар билимини бутун дастур бўйича, шунингдек тор танлаш доирасида ёки алоҳида аҳамиятга эга анъанавий ўзлаштириш қийин тушунча ёки мавзулар бўйича назорат қилиш, баҳолаш имконини беради.

Тестлар талабалар билимини тез текшириш имконини беради. Чунки бутун гурухни билимини текшириш учун жуда кам вақт талаб қиласи. Бу айниқса оралиқ тестлар ўтказиш учун қулай, чунки тест жавобларига кўра

ўқитувчи дастур бўйича ўз ишини, дарс ўтиладиган саволларни кўриб чиқади, келгусида дарс ўтишда қайси саволларга аҳамият беришни мўлжаллайди.

Америкалик мутахассис Бенжамин Блум билим олиш, ўрганишнинг қадам-бақадам моделини ишлаб чиқиб, уни олти босқичга бўлганини кўриб чиқсан эдик. У билиш – тушуниш татбиқ этиш – таҳлил қилиш – синтез (умумий холоса чиқариш) – баҳолашдан иборат эди.

Тестлар мураккаблик даражасига кўра, ана шу босқичларнинг қайси даражасига тўғри келиши билан фарқланади. Бунда тестларни тахминан уч гурухга ажратиш мумкин:

Блум таксаномиясининг биринчи ва иккинчи «билиш ва тушуниш» босқичларига мос келадиган нисбатан унча мураккаб бўлмаган тестлар.

Таксаномиянинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи «тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш» босқичларига тўғри келадиган ўртacha мураккаб тестлар.

Кўпроқ бешинчи ва олтинчи «синтез-умумий холоса чиқариш ва баҳолаш»га тўғри келадиган мураккаб тестлардан иборат.

Ана шу тестларни жавобига кўра, талаба, гурух предметни қандай ўзлаштиргани, билими қай даражада эканлигини аниқлаш мумкин.

Ўқитувчи тестларни мураккаблиги даражасига кўра, жавоблар учун вақтни ҳар бир тест учун 1 минут ёки ундан кўпроқ белгилаши мумкин. Талабалар тестларга жавоб берар эканлар, уларга қуидагиларни уқтириш лозим:

1. Жуда кўп кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпинча биринчи интуитив жавоб тўғри бўлади.

2. Энг яхшиси бошқалар билан маслаҳатлашмай тестни ҳар кимни ўзи ечгани маъқул.

Талабаларнинг билим олиши ва уларни олган билимини баҳолашнинг усули сифатида тестларни қўллашнинг мухим томони шундаки, айнан нима сабабдан шу жавоб тўғри, бошқаси эмаслигини асослаб беришдир. Бунда жавоб объектив, тушунарли, мантиқан тўғри изоҳланишига аҳамият бериш керак.

Тест ўтказиш бўйича тавсиялар.

1. Талабалар тест ёрдамида нималарни текширади, тест ўтказишдан қандай мақсад қўйилганлигини тушунтириш керак.

2. Тест ечиш кўнимасини ҳосил қилиш учун синаб кўриш;

3. Талабаларни тест ечиш учун кайфиятларини ижобий йўналтириш;

4. Тест фақат ўрганилган ва ўрганилаётган мавзулар бўйича ўтказилиши;

5. Тест саволлари асосий концепция қонун ва тамойилларни очиб беришга қаратилган бўлиши;

6. Тест пухта ва тез ўтказилиб туриши;

7. Ўтказилган тестлар тезда текширилиши, баҳоланиши ва натижасини – эълон қилиниши;

8. Гурухда тест жавобларини мухокама қилиниши;

9. Ўқитувчи тузган тестларига лозим бўлса тузатишлар киритиши керак.

Тестлар талабалар билимини синаш ва баҳолашда қатор афзаликкларга эга бўлиш билан биргалиқда, камчиликлари ҳам бор. Тест саволларини тузиш кўп меҳнат, вақт талаб қиласди. Шунинг учун кейинги пайтларда ўқитувчилар кўпроқ тайёр тест саволларидан фойдаланишмоқда. Тестнинг яна бир камчилиги таваккал қилиб жавоб топишнинг мумкинлигидир.

Касбий таълим методикаси фани, маълумки, иқтисодий мантиқий фикрлашга ўргатибгина қолмай, ўз фикрини атрофдагиларга тушунтириш, ўртоқлашиш, нутқ сўзлаш, турли мунозаралар олиб бориш, бошқа кишиларнинг фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ҳам ўргатиши керак. Тестлар эса бундай имкониятга эга эмас.

Талабалар билимини синаш ва назорат қилишда масала, машқлардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Масала—машқлар талабанинг билимини кенг кўламда текшириш, олган назарий билимини реал ҳаётда қўллай билиш имконини очиб беради ва ўрганилаётган саволни моҳиятини талаба тушунгани ёки тушунмаганини аниқлаш имконини беради.

ТТТў билан бирга бу усулнинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор. Биринчидан, талабани ҳисоблаш билан бирга кенг мушоҳада юритишига йўналтирувчи масала-машқлар тузиш осон эмас. Иккинчидан, талабалар ҳисоб-китобга ҳаддан зиёд берилиб кетиб, назарий жиҳатдан таҳлил қилишга кам эътибор қаратишади.

Учинчидан, масала – машқлар тор доирадаги саволларни қамраб олади.

Талабалар билимини синаш ва баҳолашнинг кейинги пайт кенг кўлланилаётган усулларидан бири ёзма иш ёзишdir. Унинг афзалиги шундаки, ёзма иш учун саволлар осон тузилади. Талабаларни ўз фикрларини ижодий равишда баён қилишлари учун катта имконият мавжуд. Ундан ташқари таваккал қилиб, жавоб бериб бўлмайди.

Ёзма ишнинг камчилиги уни ўқиб чиқиш учун кўп вақт талаб қилинади. Баҳолаш қийин. Саволга жавоб ёзганда қуруқ олиб қочиш имконияти бор. Кўп саволларни қамраб олмайди. У эссе тарзида ёки таянч ибора, атамалар асосида ёзма топшириқ тарзида бўлиши мумкин.

Эссе ёки ёзма топшириқ беришада экан, ҳар бир талабанинг ишини обьектив баҳолаш учун баҳолашнинг мезонларини ишлаб чиқиш керак. Бу мезонларда талабаларнинг иши балл бўйича қандай баҳоланиши кўрсатилади.

Ёзма ишни баҳолашда икки хил ёндашиш мавжуд. Биринчиси рейтинг усулидан фойдаланиш. Бу усул биринчи навбатда ишнинг умумий сифати қизиқтириб, айрим томонларига дикқат қаратиш зарурияти йўқ бўлса қўл келади. Одатда бу усул кўпроқ таянч ибораларга асосида ёзиладиган якуний назорат ишида кўлланилади. Ёзма иш сифатига кўра иш 3-5 категорияга бўлинади. Сўнгра улар ишнинг сифатига кўра табақалаштириб баҳоланади. Ўқитувчи ёзма ишни талабаларга қандай мезонга кўра баҳоланишини тушунтириши керак.

Ёзма иш ўқув йилининг охирида якуний баҳолаш учун ўтказилиб, кўп вариантли усулда кўлланилади. Ҳар бир вариантда асосий савол ва таянч тушунчалар бўлиб, уларга алоҳида - алоҳида қилиб жавоб ёзилади.

Кўйилган саволга тўғри ва тўла жавоб ёзилса, саволнинг моҳияти, мазмуни ёритилиб, бошқа иқтисодий ҳодиса, жараёнлар билан боғлаб, ҳаётый мисоллар билан бойитилиб, изчил, мавжуд адабиётларда ёритилишига баҳо беришга интилса, мантиқий яхлитликка эришилса, талабага якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 86 - 100 фоизи даражасида баҳоланади.

Берилган саволга тўғри жавоб ёзилса, кўйилган саволларнинг мазмуни, сабаблари очиб берилса, бошқа иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлиги, боғланишлари кўрсатилса, ҳаётый мисоллар билан асосан тўғри ёритилса, лекин таъриф беришда ва ҳаёт билан боғлашда айрим ноаниқликларга йўл кўйилса, якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 71 - 85 фоизи даражасида баҳоланади.

Кўйилган саволга асосан тўғри жавоб ёзилса, бироқ масаланинг моҳияти, мазмуни, бошқа ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлиги тўла ёритилмаса, ҳаётый мисоллар келтирилмаса ёки қисман келтирилса, бундай иш максимал баллнинг 56 - 70 фоизи даражасида баҳоланади.

Берилган саволга жавоб ёзишмаса, нотўғри ёки юзаки жавоб ёзилса, унинг мазмуни, сабаблари, бошқа иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлигини баён қилишда, ҳаётый мисоллар келтиришда чалкашликларга, хатоликларга йўл кўйилса, иш якуний назоратга ажратилган максимал баллнинг 0 – 55 фоизи даражасида баҳоланади.

Иккинчи ёндашишдаги баҳолаш мезонида, ишнинг сифати аввалдан ишлаб чиқилган баҳолаш стандарти бўйича амалга оширилади. Бу усул рубрикациялаш<sup>2</sup> дейилади. Бунда мезонлар алоҳида рубрикатларга бўлинниб, ҳар бири қанча балл билан баҳоланиши кўрсатилади. Ишни баҳолашда рубрикация даадвалидан фойдаланилади. Бундай ёндашиш кўпроқ эсселарни, ёзма ишларни баҳолашда қўлланилади.

Талабаларни аввалдан уларнинг иши қандай баҳоланиши билан таништириб чиқиши мумкин. Бу уларга ишни ёзишда мўлжал бўлади. Юқори балл олиш учун нима қилиш керак, ишни қандай ёзиш зарурлигини аввалдан чамалаш имконини беради.

#### Рубрикация жадвали

Мезонлар	
Асостот ғоялар мазмуни аниқ баён қилинган. Муаллиф мантиқий изчилликда ўз фикрини усталик билан баён қилган. Ҳаётдан мисоллар келтирилган. Иш тушунарли тил билан ёзилган. Статистик маълумотлардан фойдаланилган. Луғавий захирага бой. Иш грамматик нуқтаи назардан ҳам қоидаларга амал қилинган ҳолда ёзилган. Муаллифнинг билимли эканини кўрсатиб туриди.	5
Асосий ғоя, мазмун асосан очиб берилган. Фикр етарли даражада изчилликда баён қилинган. Фикр юритиш тўғри. Сўзлар, иборалар тўғри танланган ва ифодаланган. Матнда минимал даражада хатоликлар бор.	4

<sup>2</sup> Лот. rubrica – 1) газета, журнал ва шу кабилардаги бўлимнинг сарлавҳаси; 2) бўлим, графа. Рубрикация - рубрикаларга(бўлимларга) тақсимлаш.

Асосий ғоя, саволнинг мазмуни ноаниқ баён қилинган. Тўпланган материал, ахборотни баён қилишда изчиллик йўқ. Сўзлар, иборалар нотўғри танланган. Гаплар нотўғри тузилган, хатолар кўп.	3
Асосий ғоя, мазмун, саволга жавоб йўқ. Фикр узилиб-узилиб, боғланмаган тарзда баён қилинган. Иш ўзининг мавзуси эмас ёки ўқиб бўлмайди.	2

Талабалар билимини баҳолашда анъанавий оғзаки савол-жавоб ҳам ўзига хос ўрин тутади. Бунда талаба билан жонли мулоқот олиб борилади. Талаба ўз фикрини ўртоқлашиш, бошқаларнинг нуқтаи назарини таҳлил қилиш учун катта имкониятга эга. Лекин бу усулда субъектив омил асосий ўринда туради.

### ТОПШИРИҚ ТУРЛАРИ: МАСАЛА, МАШҚЛАР

#### ЭССЕ УЧУН САВОЛ, МАВЗУ. ТАЯНЧ ИБОРАЛАР АСОСИДА САВОЛЛАР

##### АФЗАЛЛИКЛАРИ

Балда баҳолаш осон.

Талабалар билимини реал ҳаётда қўллай билишини, кўникумларини текшириш, аниклаш мумкин

Саволларни тузиш осон. Талабалар ўз фикрини баён қилиш учун кенг имкониятга эга.

Таваккал қилиб жавоб топиб бўлмайди.

##### КАМЧИЛИКЛАРИ

Яхши масала – машқларни ўйлаб топиш, тузиш осон эмас. Талабалар хаддан ташқари ҳисоб-китобга берилиб кетиши мумкин. Тор доирадаги саволлар қамраб олинади.

Жавобларни текшириш учун куп вақт кетади. «Куруқ олиб қочиши» имкони бор. Баҳолаш қийин.

### ТОПШИРИҚ

Бутун дастур бўйича ёки алоҳида мавзуларни қамраб олиши мумкин. Талабалар билимини тезда текшириш мумкин. Талабалар билими объектив баҳоланади. Фикр юритишнинг энг юқори даражасига етишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Асосий диққат билимини амадиётда қўллашга қаратилади. Талабага ижодий мустақиллик беради, олган билимини турли – туман қирраларини намоён қиласди.

Хуллас талабалар билимини синаш ва баҳолашнинг усуллари турлича. Ҳар бири ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга. Бу бир гуруҳ педагоглар талабалар ўз билими ва кўникумларини амалда кўрсатишлари учун талабаларга иложи борича кенг имконият бериш керак. Талабалар билимини, қобилиятини нисбатан аниқ баҳолашда амалиёт билан боғлиқ топшириклар

кatta рол ўйнайди ва мухим ўрин тутади, дейишади. Шундай амалиёт билан боғлиқ топшириқлар: диаграммалар тузиш, иқтисодий қарашларни ифодалайдиган турли мусиқали чиқишлиар, номерлар тайёрлаш, бадиий кўринишлар тайёрлаш, викторина ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Буларни талабалар билимини баҳолашда қўллаш, талабаларга кенг имкониятлар беради. Улар ўз қобилиятларини турли қирраларини очадилар. Чунки бундай номерларни тайёрлаш талабалардан топқирлик, фантазия, юморни илгаш хислатлари ва бошқаларни талаб қиласди. Уларни ҳамма мавзулар учун қўллаб бўлмайди. Уларни тайёрлаш учун ниҳоятда кўп вақт талаб қилинади. Натижада кўзланган мақсадга эришмаслик мумкин. Баҳолаш қийин. Талабалар ўртасида сифат жиҳатдан фарқни илғаш қийин. Лекин талабаларни фанга қизиқишлиарини ошириш мақсадида гоҳида қўллаб турган маъқул. Шу жиҳати билан улар бир-бирини тўлдиради. Демак, ўқитувчи қатор объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда иложи борича уларни барчасини ўз фаолиятида қўллагани маъқул. Бу талабалар билимини турли жиҳатдан синаш ва баҳолаш имконини беради. Талабаларни пухта билим олишга ундейди.

### **Асосий тушунча ва атамалар**

Билимни синаш ва баҳолаш, Баҳолаш турлари, Назорат қилиш тамойиллари, ижодий топшириқ, тест.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва аҳамияти бор?
2. Назорат қилиш ва баҳолашнинг қандай тамойилларини биласиз?
3. Талабалар билимини назорат қилишнинг қандай турларини биласиз?
4. Назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий шаклларини афзалликлари ва камчиликларини кўрсатинг.
5. Сиз талабалар билимини назорат қилиш, синаш ва баҳолашнинг қайси турларини кўпроқ қўллаган бўлар эдингиз? Нима сабабдан? Изоҳланг.

## **7 боб. ФАННИ ЎРГАНИШДА КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛ ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

**РЕЖА:**

1. Кўргазмали қуроллар ва уларни танлаш
2. Техник воситалар ва улардан ўқув жараёнида фойдалиш
3. Проектор билан ишлаш

### **1. Кўргазмали қуроллар ва уларни танлаш.**

Дарсни ташкил этишда кўргазмали қуроллар муҳим ўрин тутади. Дидактиканинг асосий принципларидан бири дарснинг кўргазмалилигини таъминлаш. Айниқса мураккаб назарий фан бўлмиш касбий таълим методикасини ўқитишида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш талабаларга иқтисодий категорияларни, муаммоларни ўрганишда катта ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар ёрдамида талабалар бир вақтнинг ўзида муҳокома қилинаётган саволни, ахборотни ҳам эшлиши, ҳам кўриш орқали қабул қилиши шубҳасиз уларни пухта билим олишларига ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар хилма-хил. Таракқиётнинг ўзи бир томондан, фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккинчи томондан, дарс беришнинг турли -туман янги услублари кўргазмалиликни ошириш, техник воситалардан фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, қизиқарли жараёнга айлатиришга ёрдам беради. «Билим олиш игнада қудук қазиш билан баробар» деган нақл бежиз эмас, чунки у ниҳоятда машаққатли меҳнат. Сабр-тоқатни талаб қиласди. Табиий ёшларда энергия кўп, сабр-тоқат эса етишмайди.

Энг юқори малака, тажрибага эга ўқитувчилар ҳам дарсдан кўзланган мақсадга эришиш, талабаларнинг мавзуни пухта ўзлаштиришлари учун доимо аудиторияга қараб, дарс машгулотини маълум бир тартибда аввалдан қандай тарзда, қайси услубларни қўллаб ўтказишини ўйлаб қўйиши, режалаштириши керак.

Дарсни тузилиши психологик ва педагогик принципларга кўра ташкил этилиши ва дарсда вазиятни ўзгариши, талабаларнинг тайёргарлиги ва бошқа сабабларга кўра мослашиш имкониятини берадиган тарзда бўлиши керак. Дарсни қандай ташкил этишни режалаштириш, йўл кўрсатувчи йўлланма тарзидагина бўлиши мумкин. У ҳамма эшикни очадиган қалит эмас. Сабаби: биринчидан, аудиториялар, талабаларнинг дарсга тайёрланиб келиши, дарсга фаол қатнашиш даражаси бмлан гурухлар фарқ қиласди. Иккинчидан, мавзулар бир- биридан фарқ қилиб, масаланинг мазмунини очиб беришда турли усуллар қўллашни тақоза этади. Учинчидан, талабалар жонли мушоҳада юритувчилар экан, албатта бир дарс иккинчисидан фарқ қиласди. Кутимаган вазият содир бўлиши мумкинки, у ҳам албатта дарс ўтишга таъсир қиласди, дарс таркибини ўзгартиришга олиб келади, Бунда ўқитувчи моҳир дирижёр оркестрни бошқаргандай аудиторияни бошқариши керак. Лекин кўргазмалиликни ҳар қандай шароитда таъминлаш мумкин!

Дарс жараёнида сўз билан ўқитувчи томонидан ёдга тушириш, талабаларнинг ҳаёлида гавдалантириш мумкин бўлган ички, ҳаёлий

кўргазмали қуроллар: адабиёт, санъат асарлари, бадий фильм, бадий асар қаҳрамонлари ҳаётда юз берадиган турли воқеа, вазиятлардан одатда кенг фойдаланилади. Ҳар бир дарсни бошлагандан энг аввало ўқитувчи ўтилган мавзуни талабаларнинг ёдига туширади. Янги мавзуни бошлар экан, талабалар дикқатини унга жалб қилиш, фикрини йўналтириш учун адабиёт, санъат асарлари ёки ҳаётда юз берган воқеани гапириб бериш мумкин. Бу янги мавзуни ўрганишга талабалар руҳи, қайфиятини тайёрлайди. Масалан:

«Товар – пул мунособатлари бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир» мавзусини бошлашдан аввал аудиторияга мурожаат қилиш мумкин: «Сувни ҳамма билади. Усиз ҳаёт йўқ. Сув шунга қарамай бепул ёки жуда арzon. Бриллиантни кўз ўнгизга келтиринг. Усиз яшаш мумкин. Лекин жуда қиммат, нима сабабдан?» Бугунги дарсда ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиласиз. Сўнгра ўқитувчи мавзу, унинг мақсади ҳақида гапириб, дарс режасини беради.

Машғулот жараёнида кўрсатиб изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмали қуроллар: жадвал, схема, плакат, чизма, диаграмма ва бошқалардан фойдаланиш талабаларнинг билимини пухталаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Дарсда доскани ишлатиш кўп вақтни оладиган, бошқа техник воситалардан фойдаланишга имкони йўқ аудиторияларда плакат, чизмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жадвал, схема, график, диаграммалардан фойдаланиш универсал:

- аввалдан слайд плёнкаларга чизиб, техник воситалар ёрдамида кўрсатилиши;
- ватман қофозга чизиб, техник воситалардан фойдаланиш учун шароити йўқ аудиторияда фойдаланиш;
- ксерокопиядан чиқариб, тарқатма материал сифатида фойдаланиш;
- дискетга киритиб, компьютер орқали кўриш, таҳлил қилиш мумкин.

Хуллас, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш даражаси кенг, улардан қандай тарзда, қандай мақсадда фойдаланиш ўқитувчига боғлиқ.

Ўқитувчи кўргазмали қурол танлар экан, албатта, аввало, маъruzами ёки семинар дарсими эканлигини ҳисобга олади. Иккинчидан, қайси мавзу, бу мавзуда талабалар олдига ўқитувчи нима вазифа қўймоқчи, мақсади нима, муҳокама қилинаётган муаммони ечишда кўргазмали қурол қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб танлаши керак.

Масалан, жадвал рақамларидан маъruzada бирон гипотезани, илгари сурилаётган фикрни тасдиқлаш мақсадида фойдаланилса, семинар дарсида масала ёки машқ бажарганда фойдаланиш мумкин. Бунда ҳам кўргазмали қуроллардан фойдаланиш даражаси ўқитувчининг моҳирлиги, фантазиясига боғлиқ.

Кейинги пайтда дарсларда тарқатма материаллардан фойдаланиш тобора кенг кўлланилмоқда. Тарқатиладиган материалнинг муҳим ижобий томони шундаки, у бевосита талабанинг қўлида бўлиб, узоқдан кўрсатиладиган кўргазмали қуролларга хос камчиликлардан холи.

Кўргазмали қуролларнинг афзаллиги шундаки, уни дарс ўтишнинг барча шакллари, услубларида қўллаш мумкин. Айрим мавзуларни эса умуман

намойиш қилинадиган материалларсиз, күргазмали қуролларсиз ўтиб бўлмайди. Буни бошқа бобларда берилган дарс ўтиш услубларида ҳам кўриш мумкин.

## **2. Техник воситалар ва улардан ўқув жараёнида фойдалиш**

Аудиторияда талабаларга орқа ўтирган ҳолда доскага қараб туриб, гапирилган фикрни илғаш қийин. Оддий доска ёки варакланадиган (бир томондан иккинчисига ўтказиб қўйиладиган вараклардан иборат) доска билан биргаликда қўлланиладиган техник воситалардан проектор хисобланади.

**Ишлашнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари.**

## *Афзаликлари:*

«Касбий таълим методикаси» фанини ўрганишда аудитория воситалардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги шароитда досканинг афзаликларига қўйидагиларни киритиш мумкин: хилма-хил техник воситалардан кенг равишда фойдаланиш - доскани ишлатишнинг осонлиги, доимо аудиторияда ишлатилиши. Техник воситалардан фойдаланиш усулига кўра талаба тайёрлиги – маҳсус техник воситалар ва қўшимча техник воситаларга бўлинади. Универсал ўзгартиришлар киритишнинг осонлиги, универсал воситаларга диаскоп, кодоскоп дарсни ўтишга қараб мос ҳолда ишлатиш мумкинлиги; магнитофон, видеомагнитофон, компьютер, телевизор каби қўшимча мисоллар келтириш мумкин, берилган саволларга жавоб бериш мумкин; киришга мисолларни мослаштириш мумкин, маҳсус воситалар, маълум бир масалани мавзуни ёритиш мураккаб нисбатларни кўргазмали ифодалаш мумкин. Қаратилган макет – видеофильм, кассета, диск кабиларни ўз ичига олади. Чизмалар, формуулалар ва бошқаларни ёзиб кўрсатиш, қабул воситасини узатиш, тасвирлаш нуқтаи назаридан тушунишни осонлаштиради; воситаларни тасвирловчи (кодоскоп, диапроцессор, маълумотларни яхши ёдда қолдирадиган кабилар), товушли (магнитофон, радио, аудио кабилар) аудиторияда доскадан конспектга кўчирилган мисол ва расм, чизма, комплекс, видеомагнитофон, компьютер каби воситалар келгуси дарсларга яхши тайёрланишга ёрдам беради.

## *Камчиликлари:*

Оддий доска ўқув жараёнида энг күп қўлланалиган воситадир. Доскага ёзаётганда талабаларга орка ўгириб турилади, чиқим талаб қиласиган «техник» восита ҳисобланади аудитория билан кўз қараш орқали юз берадиган контактни узади.

Досқадан турли мақсадларда фойдаланиш мүмкін – ёзилади, нотаниш сүз, ибораларни ёзиш; - қўп марта ишлатиб бўлмайди, бир марта ёзилган нарса турли чизмалар, диаграмма, схемалар чизиш – ўчирилади, расмлар ёрдамида иллюстрация қилиш, ёзиш – чизиш, мисоллар ечишга маълум бир вақт кетади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ахборотларни асосий формулалар ёзиш ва бошқаларни бизнинг миямиз қабул қиласиган хотирамизга кўзимиз ҳар бир аудиторияда доска (кўриш) орқали қабул қиласиган эканмиз.

Доскадан фойдаланиш учун бўр керак - дарс пайтида кўргазмалилик ёрдамида инсоннинг миясини ҳар иккала ярим шарида ўқитувчи илгари дарс ўтмаган нарсаларга тайёрлаш лозим. Агарда улар ҳам (ўнг ва чап) ишга

туширилар экан. Кўргазмалилик досканинг ўлчамлари билан аудиторияда дарс ўтадиган бўлса тасвир ва ижодий қобилиятга жавоб берадиган ўнг ярим шар билан таққослаш керак. Дарсда доскадан оптималь қандай фойдаланиш билан танишиши мантиқий ва аниқ фикрлашни бошқарадиган чап ярим шарни қилиш лозим. Ўқув материалларни талабалар онгига етказиш ҳамда уни оладиган қилиб ёзилишини таъминлашда техник воситаларнинг ёрдами катта. Бунда кодоскоп, ёзиб бўлгач гапириш керак, проектор ва бошқа техник воситалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Дарс ўтишда кенг қўлланиладиган нисбатан оддий, бир аудиториядан иккинчисига олиб ўтиш осон техник восита проектор ҳисобланади. Бошқа воситалар каби проекторнинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Проекторнинг афзалликлари ва камчиликлари куйидагилардан иборат:

### **3. Проектор билан ишлашнинг афзалликлари ва камчиликлари.**

#### **Афзалликлари:**

Дарс жараёнида доимий тасвирий контакт юз беради; плёнкалар дарс бошланишига қадар тайёр бўлиши мумкин; турли тарзда фойдаланишни ташкил қилиш мумкин, бир неча марта қайтадан фойдаланиш мумкинлиги; керак бўлмаган қисмини ёпиб қўйиш мумкинлиги.

#### **Камчиликлари:**

- талабалар диққатни ўқитувчидан узоқдаги тасвирга бутун қаратишади;
- плёнкадан кўчириб ёзиш вақт талаб килади;
- плёнкага ёзиш, шунингдек, уни дарсга тайёрлаш кўп вақт талаб килади.

Махсус ихтисослаштирилган аудиториялар, чунончи, компьютер, телевизор, видеомагнитофон билан таъминланган аудиторияларда дарс ўтиш борган сари оммалашиб бормоқда.

Тестлар ечиш, масала, машқлар бажаришда компьютерлардан фойдаланиш мумкин. Ундан ташқари қатор мавзуларни қамраб олган улардаги амаллар реал ҳаётга яқинлаштирилган K118E (АҚШ), МЭКОМ (Россия) ва бошқа дастурлар мавжуд. Улардан фойдаланиб компьютерларда ишлаш, талабалар ўртасида конкурсслар ўtkазиш мумкин. Ҳозирча бизда касбий таълим методикаси фанидан дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган ўқув видеофильмлари мавжудлик даражаси деярли йўқ. Лекин уларни талабалар билан биргаликда яратиш мумкин.

Кейинги пайтда масофадан ўқитишнинг борган сари ёйилиб бориши, дарслик, қўлланмаларнинг электрон версияларининг яратилиши, ўқитиш жараёнида компьютерлардан янада кенгроқ фойдаланишга олиб келади.

#### **Асосий таянч тушунчалар ва атамалар**

Кўргазмали қурол, номоддий кўргазмали қурол, моддий кўргазмали қуроллар: доска, схема, Тарқатиладиган материаллар: Проектор, Диаграмма, График.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

- 1.Дарс ўтишда кўргазмали қуроллар қандай ўрин тутади?
- 2.Кўргазмали қуролларни қанлай турларини биласиз?
- 3.Кўргазмали қуролларни танлаганда нималарга аҳамият бериш керак.
- 4.Техник воситалардан ўқув жараёнида фойдаланишнинг қандай афзалиги ва камчиликлари бор?
- 5.Сизнингча, албатта, ҳар бир мавзу бўйича кўргазмали қурол ёки техник воситалардан фойдаланиш шартми?

## **8 боб. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ РЕЖА:**

- 1. Ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги**
- 2. Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш асоси эканлиги**
- 3. Таълим жараёнида виртуал стендларни қўллаш**

### **1. Ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги**

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълимтарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиши.

2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириши.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

*Ахборот технологиялари* –бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиши, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар, улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади. Албатта, бунинг учун мазкур технологияни синчилаб ўрганиш, жараёнлардаги ва улар ўртасидаги ахборот алмашинувини, шунингдек, жараёнлар занжирини (яъни технологияни) бошқаришнинг ахборот таъминотини таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Хозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуидаги учта техника ютуғи ташкил этади:

1. Ахборотнинг машина ўқийдиган түшунчаларда жамлаш мұхитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва х.);

2. Ахборотни ер шарининг исталган нұқтасига вакт ва масофа бўйича мұхим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва х.);

3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиши имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва х.) ошириш.

Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида мұхим ўрин тутиб, қуидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;

- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, техника, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;

- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий динамик янгилаш.

Таълим тизими нұқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуидаги муаммолар мухимдир:

1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди;

2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;

3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.

Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқилаётган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нұқтаи назаридан таълим сифатида мұхим силжишларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири компьютер технологияларини анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнида жорий этила бошлади. У ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича бу технологияларга йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди.

Таълим технологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар кўп хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди.

Компьютер техникаси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Таълим жараёнида ахборот технологияларини амалга оширилиши қуидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;
- таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;
- таълим-тарбия жараёнида янги ўқув- техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

## **2. Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш асоси эканлиги**

Кейинги вақтларда «ўқитишнинг компьютер технологиялари» тушунчаси тарқалиб, бунда компьютерлар базасида амалга оширилган ўқитиш технологиялари тушунилади. Бироқ ахборот технологиялари тушунчаси ўқитишнинг компьютер технологиялари тушунчасидан кенгроқдир, чунки компьютерлар ахборот технологиялари техник воситаларининг таркибий қисмидир.

Бугунги кунда турли оптик хотирловчи қурилмалар (видеодисклар, оптик дисклар) кенг тарқалди. Улардан фойдаланиш матнли график ахборотни бир вақтда биргалиқда ёзиш имконини беради, шу билан бирга уни қайта тиклашда юқори сифатли тасвир пайдо бўлади. Магнит ёзувдан фарқли ўлароқ, оптик дисклардаги ёзув исталган сондаги қайта тиклашларда ҳам ёмонлашмайди. Компьютерлар ишининг дастур-математик таъминоти юқори технологик ишлаб чиқариш тараққиётининг муҳим йўналиши бўлмоқда.

Шунингдек, техник ва дастурли ахборот технологиялари мавжуд бўлиб, уларга қуидагилар киради:

*ЭҲМ тармоқлари.* Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида ЭҲМ ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалган. ЭҲМ локал тармоқлари унча катта бўлмаган фазода амалга оширилади ва ахборот хизмати турли тармоқларининг интегратори бўлади. Улар ташкилотлардаги барча ахборот технологиялари воситаларини бирлаштиради ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади. ЭҲМ глобал тармоқлари эса, ахборотни катта масофаларга узатилишини амалга ошириш имконини беради.

*Йўлдош алоқа тизимлари.* Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошидаги ретренсляторларни ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб, бу тизимлар компьютерлар орасидаги алоқани амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш телевидение дастурини узатиш учун ишлатилмоқда.

*Сунъий интеллект тизимлари.* Сунъий интеллект элементли ЭҲМнинг одатдаги ЭҲМдан фарқи шундаки, одатдаги ЭҲМлар фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект тизимлари эса билимларни ишлаб чиқади. Информатиканинг алоҳида йўналиши сунъий интеллектдир. Одам ақлий фаолиятининг баъзи турларини амалга оширувчи дастурли-техника воситалари ишлаб чиқилмоқда.

*Электрон почта.* «Электрон почта» – бу корреспонденциялар алмашиши учун почтага ўхшаш ахборот узатиш ва ишлаб чиқишнинг электрон

усулларидан фойдаланиш, яъни босма материаллар, жадваллар ва журналларни узатиш ҳамда электрон почта қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, у хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимиdir.

Электрон почта асосида аҳолига электрон газета ва журналлар каби ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилган. Сўнгги йилларда жаҳон бозорида электрон нашрлар борган сари кўп ўрин эгалламоқда. Бу жараён компакт оптик дисклар кенг тарқалиши билан тезлашди.

**Телеконференциялар.** Телеконференциялар замонавий ахборот технологияларнинг амалга оширилишига мисол бўла олади. Телеконференцияларни ўtkазиш учун қўйидаги аппаратуралардан фойдаланилади: терминаллар, телевизион камералар, график дисплейлар, катта намойиш экранлари. Шунингдек, телеконференциялар орқали долзарб масалалар муҳокамасини тезкорлик билан ташкил этиш, муҳокама учун исталган расмли материаллардан фойдаланиш, долзарб масалаларни муҳокама қилишда иштирок этувчи мутахассислар доирасини кенгайтириш, халқаро маълумотлар банкларидағи исталган ахборотдан фойдаланиш каби имкониятлар юзага келади.

Ўқитишининг янги ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг эмас, у энг аввало ўқитувчи (педагог)нинг технологиясиdir. Ўқувчи-талаба замонавий ахборот технологиясини ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишининг техник воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи (педагог) замонавий технологияларни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қиласди, ўқувчи-талabalар билимини назорат қиласди ва таълим мазмунини такомиллаштиришда компьютерлаштиришнинг энг юқори даражаси янги ахборот технологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Ахборот тенологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш омиллари қўйидагилар: бунда компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўналишини ҳам ривожлантириб бориш заруряти туғилади. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий-хукуқий хужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимини ҳамма босқичларида «компьютерлаштиришнинг концепцияси» яратилиши лозим.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиши ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг ҳам тадқиқ қилинмаган янги технологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари – бу таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб уни амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни:

- ўқувчи-талabalardan ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;
- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли микдорда ахборот билан таъминлаш;

- ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантириш.

Компьютерли технология мазмуни бир қанча шакллантирилган моделини қўллашга асосланган бўлиб, бу модел компьютер хотирасига ёзиб қўйилган педагогик дастурли воситалар ва телекоммуникация тармоғининг имкониятлари орқали намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва маҳсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ҳам фойдаланилиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш бўлмоқда. Шу муносабат билан ҳатто «мультимедиа» тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитишида кўпчилик техник воситалардан комплекс фойдаланишни билдиради. Мултимедиани қўллаган ҳолда энг муҳим нарса ўқувчи-талабаларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи (педагог)нинг вазифаси ахборотни беришдан иборат эмас, балки уни топишида ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи (педагог) билимлар соҳасида йўл кўрсатувчи бўлади.

Бу каби ўқитиши воситалари комплексидан фойдаланилган ҳолда ўқувчи-талабага таъсир кўрсатиш биргина ахборот каналлари (кўриш, эшлиш ва х.к.) орқали амалга оширилади. Бу эса таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида уларнинг иккаласидан бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради. Буларнинг ҳаммаси эса ўқитувчи (педагог)ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўзгартиришни талаб қиласи. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ўқитувчи (педагог)ларнинг ахборот маданияти асослари методологик, умумтаълимий, умуммаданий характерда бўлиб, педагогик ходимларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида барча ўқув фанлари комплексини ўрганишда шаклланиши лозим.

Кейинги йилларда Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларини ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, таълим тизими мазмуни, уни ташкил этиш шакллари ҳамда сифатини ошириш борасида катта ижобий ўзгаришлар рўй беради.

Маълумки, ўқитувчи (педагог)ларнинг анъанавий ўқитиши усулида лаборатория ва амалий ишлар ўтказилишига кўп вақт ажратилади. Бу мутахассис тайёрлашнинг жуда муҳим таркибий қисмидир. У нафақат ўқувчи-

талаабанинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, ўқув материалини ўзлаштириш самарасини оширишга, балки муайян соҳада амалий кўникмаларни ҳосил қилишга ҳам кўмак беради. Бироқ, бундай машғулотлар тўлақонли натижа беради, дея олмаймиз. Сабаби – лаборатория стенdlари етарли даражада эмаслигига ҳамда кўпгина лаборатория стенdlари ва ўқув хоналари замонавий мослама ва ускуналар билан жиҳозланмаган, уларнинг аксарияти маънавий эскириб қолган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Технологиялар тез суръатда ривожланаётган ҳозирги вақтда амалий машғулотлар учун лаборатория ва стенdlар ҳар бир ўқув йилида такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун эса қўшимча сарф-харажатлар қилиш керак. Бошқа яна бир муҳим омил шундаки, баъзи лаборатория тадқиқотларидаги иш ёки жараёнларнинг сустлиги сабабли ажратилган вақт ичида таълим олувчилар тақрор таҳдил ёхуд синовлар ўтказишга қийналишади холбуки, маълум бир соҳада етарлича иш кўникмалари ва тажриба ортириш учун амалий машғулотларни кўп маротаба тақрорлаш зарур. Афсуски, анъанавий иш олиб бориш шароитида лаборатория стенdlари камлиги ҳамда мосламаларининг тез-тез бузилиши ва шу билан боғлиқ ашёларга қўшимча сарфлар қилиниши боис ҳар доим ҳам бундай қилинавермайди.

### **3. Таълим жараёнида виртуал стенdlарни қўллаш**

Янги тизим мутахассис кадрларини тайёрлаш учун фикр муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабоп педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Бунинг учун лаборатория стенdlари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ лозим. Машғулотлар ўзига жалб эта олиши, барча руҳий ва дидактик омилларни ҳисобга олиши, жараёнларни жўшқин тарзда намоён этиши, машғулотлар ўтказиш ва ўқитилаётган фанни ўзлаштиришни, умуман бутун ўқитиш самарасини ошириши, эгалланган билимлар хусусида ўзига-ўзи баҳо бериш имконини таъминламоғи зарур. Айнан шу нуқтаи назардан замонавий ахборот технологияларининг тадбиқ этилиши юқорида кўрсатилган вазифаларни мақбул тарзда ҳал қилиш ва анъанавий ўқитиш усулининг бир қатор камчиликларини бартараф этишга кўмак беради.

Бугунги кунга келиб, Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида виртуал стенdlардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Хўш, виртуал стенд деганда нимани тушунамиз? *Виртуал стенд* – ўқув амалий стенди ёки ўқув-малака устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Виртуал стенdlар ҳар бир ўқувчи-талаба учун техникага ўзининг кириш параметрларини «буюришга», ўз билимларини назорат қилишга имкон беради. Лаборатория ишини ўтказиш, уни зарур тартибда тушуниш ва ҳоказолар билан боғлиқ вақтдан йўқотиш эса компьютер самараси ҳисобига камайтирилади.

Бунда, айниқса, замонавий жиҳозлар ва аппаратларни харид қилиш, уларни барча таълим муассасаларида тақсимлаш билан боғлиқ улкан молия заҳираларининг тежаб қолиниши муҳимдир. Замонавий ахборот технологияси

бўлган оддий компакт дискка ўнлаб, баъзан эса, юзлаб лаборатория ишларини жойлаштириш мумкин. Энди эса бир дона шундай виртуал лаборатория стенди неча марта арzonга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, улар билан бирга таълим муассасаларини таъминлаш мумкин. Агар уларда Интернетга уланган компьютер тармоғи бўлса, ундан ҳам яхши бўлади. Бундан шуни кўриш мумкини, виртуал стенdlар кўпроқ қўлланса, шундай сарфларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Интернет тизимининг халқаро ахборот тизими орқали масофали усуллар ёрдамида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва педагогик кадрлар малакасини ошириш имконияти республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрда эълон қилинган маҳсус қарорида кўзда тутилган. Таҳсил олаётганлар ҳам, таълим муассасалари ҳам виртуал стенdlардан фойдаланишдан манфаат кўрадилар.

Уларнинг жорий қилиниши натижасида, анъанавий таълимга қиёслаганда, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим жараёнининг янада юқори сифати таъминланади. Бунга автоматлаштирилган ўқитувчи (педагог) ва тест ўтказувчи, тизимлар, тест топшириқлари ва ўз-ўзини текшириш учун саволларни ўз ичига олган ихтисослашган ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланиш, ўқув жараёнининг услубий негизини тезкор янгилаш ҳисобига эришилади. Биз ўқитишининг ташкилий шакллари, замонавий ахборот технологиялари ҳамда турли таълим масканларининг ўқув имконига эга бўламиз. Бу эса маълум даражада турли муассасалар мутахассислари дипломлари қадри тенг бўлишини таъминлайди.

Демак, таълим жараёнода виртуал стенdlардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширибина қолмай, балки улкан молия заҳираларини тежашга имкон беради ҳамда хавфсиз, экологик тоза мухитни яратади. Виртуал стенdlар жорий этилиши таълим, ишлаб чиқариш, бошқа давлат муассасаларининг умумий ёндашувини талаб қиласи. Виртуал ўқитишик стендларини, айниқса қимматбаҳо жиҳозни харид қилишдан олдин дикқат билан ўрганиб чиқиш зарур. Бу ходимларни маҳаллий шароитда ўқитишига, таълим олувчиларни хориж мамлакатларига гурух-гуруҳ бўлиб жўнашини олдини олишга имкон яратади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши қўйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятларини, янги материални ўзлаштириш суръатини, қизиқишиш ва майлларини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;

- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўзини ўзи такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишиларини шаклланишига интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

- таълим жараёнода фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлиқ ходисаларини комплекс ўрганиш;

- таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш;

- барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш;

- таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

### **Асосий таянч иборалар:**

Ахборот технологияси ва техник воситалар, Ахборотли воситалардан фойдаланиш даражаси компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение, техник муаммолар, дастур муаммолари, тайёргарлик муаммолари, ЭҲМ тармоқлари, йўлдош алоқа тизимлари, сунъий интеллект тизимлари, электрон почта, телеконференциялар.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ахборот технологиялари деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини техника ютуғи нималарни ташкил этади?
3. Ахборот технологияларининг жорий этилишида қандай муаммолар юзага келади?
4. Ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини қандай баҳолайсиз?
5. Техник ва дастурли ахборот технологияларидан фойдаланиш қандай самарадорликка эга?
6. Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш асосида нималар ётади?
7. Таълим жараёнида виртуал стендларни қўллаш қандай натижаларга олибкелади?
8. Виртуал стендлар деганда нималарни тушунасиз?
9. Таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши қандай натижаларга олиб келади?

## **9 боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ВА ТАЪЛИМ УЗЛУКСИЗЛИГИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва таълим узлуксизлиги**
- 2. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими**
- 3. Таълим тизимини бошқариш**

#### **1. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва таълим узлуксизлиги**

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуидагилардан иборатdir:

**шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

**давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

**узлуксиз таълим** – малакали рақбатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини кадрлар тайёрлаш тизими тизилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

**фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

**ишлаб чиқаруш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлатнинг ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳукуклари, таълим, бола ҳукуки соҳасидаги шартномалар ва конференцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини хисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

**Шахс.** Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат инсонни интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳукуqlаридан бири билим олиш, ижодийқобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳукуки рўёбга чиқарилади.

“Таълим тўғрисида”ги Конун умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-хунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни,

узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутади.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-хунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

**Давлат ва жамият.** Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қўйидагиларга, чунончи:

- фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;
- мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими олишга;
- давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;
- давлат таълим муассасаларига маблағ билан таъминлаш;
- таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шартшароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;
- таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлаш;
- соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

**Узлуксиз таълим.** Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой, шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

**Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари**

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қўйидагилардан иборат:

— таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

— таълимнинг демократлашуви — таълим ва тарбия услубларини танлашда ўкув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълим бошқаришнинг давлат — жамият тизимиға ўтилиши;

— таълимнинг инсонпарварлашуви — инсон қобилияларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

— таълимнинг ижтимоийлашуви — таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, мада-ният ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

— таълимнинг миллий йўналтирилганлиги — таълимнинг мил-лий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини саклаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараккӣётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

— таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

— иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равища фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

### **Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари**

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қўйидагиларни назарда тутади:

— таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфу-зини ошириш;

— давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

— таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-хунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

— мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

— маҳсус, касб-хунар таълимнинг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўкув муассасаларини вужудга келтириш;

— илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-хунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

— миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларининг устуворлиги асосида таълимнинг

барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

— таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

— таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, ҳайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

— таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

— таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

— узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

— туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

— таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг хуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

### **Узлуксиз таълим тизими ва турлари**

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчилиги асосида таъминланади ва қуидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўқиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатdir. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I—IX синфлар), ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий (бакалавриат, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

## **2. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими.**

Келажак авлод ҳақида қайгуриш соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга и нтилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Маълумки, халқ таълимининг асосий бўғини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида кўрилганига асосий эътибор бериш лозим. Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини **мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим** тарзида тузиш мақсадга мувофиқдир.

**1. Мактабгача таълим** – уч ёшдан бошланиб, олти – етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қатъий назар бошқа хил таълим ташкилотларида олиб бориладиган таълим туридир.

**2. Бошланғич таълим** – бу талим тизими 1-4 синфларни ўз ичига қамраб олиб, бунда ўқиши олти – етти ёшдан бошланиб, унда болаларга ўқиши ва ёзиш таълими мукамаллаштирилиб берилади.

**3. Умумий таълим** – бунда ўқувчиларга 5-9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилиб, унда ўқувчиларнинг дарс жараёни йилдан-йилга мураккаблаштирилиб берилади.

**4. Ўрта маҳсус билими ва касб-хунар таълими.** Унга ўқиши муддати 2-3 йиллик бўлган академик лицей ва касб хунар коллежлари киради. Бунда ўқувчиларга касб-хунар ўргатилиб, ҳаётга тайёрланади.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асослари чукур ўргатилади ва фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтишишимизга асос солинади.

Таълимнинг бу тизимларидан ташқари яна узлуксиз таълимни ривожлантирувчи таълим турлари ҳам бўлиб, улар қўйидагича:

**Олий мутахассислик таълими.** Одатда ўн етти – ўн саккиз ёшлардан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган даврда давом этади. Таълимнинг бу тури бакалавриат ҳамда магистратураларга бўлинниб кетади.

**Бакалавриат** – олий таълимнинг биринчи кўриниши бўлиб, унда талабалар мутахассисликлар бўйича таълим оладилар. Унда ўқиши камида 4 йил давом этиб, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тумомланади.

**Магистратура** – аниқ мутахассисликлар бўйича олий касбий таълими бўлиб, бакалаврик маълумотидан кейин камида 2 йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади. Узлуксиз таълимнинг давомийлигини хисобга олган ҳолда, уни янада мукамаллаштириш ва комилликликка интилганимиз сари биз ўз

эҳтиёжларимиз ва ички шароитларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида яна бир босқични ҳам жорий этишимиз лозим. Бу босқич икки илмий даражага бўлиниб, улар аспирантура ва докторантуралардан иборатdir.

**Аспирантура** – нихоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади. Аспирантуранинг вазифаси – муайян мутахассислик бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларнишакллантириш хисобланади. Аспирантура академик ва квалификацион имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан якунланади. Бу якунларга кўра танланган мутахассислик бўйича “фан номзоди” илмий даражаси берилади.

**Докторантурa** – фан доктори илмий даражасини олиш учун 3 йил давом этиб, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади. Якунга кўра танланган мутахассислик бўйича “фан доктори” илмий даражаси берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартибсақланиб қолади. Булардан ташқари, янги тизимда қўшимча касбий таълим – қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Бир нарсани олдиндан англаб оширишда энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала – 3 йиллик таълимнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириб ошириш изламади. Янги – ўзимизга хос Миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, таянч умумтаълим босқичини тугатган ўқувчига ўзининг хоҳиш-иродаси ва нтилишига қараб, икки турдаги 3 йиллик ўрта маҳсус ўқув юртларида таълимни мажбурий – ихтиёрий давом эттиришига имконият яратишdir.

Назарда тутилган биринчи турдаги таълим муассасаларини ўрта маҳсус билим юртлари (академик лицейлар) деб аташ мақсадга мувофиқdir. Чунки 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумоти олсалар, ўрта маҳсус билим юртларида улар ўзи танлаган таълим йўналиши бўйича билимини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мқсадга йўналтирилган фанларни мукаммал ўрганишга қаратилган маҳсус билим олиш имкониятига эга бўладилар.

Иккинчи турдаги 3 йиллик ўқув юртларини эса, ўрта маҳсус касб-хунар ўқув юртлари (коллежлар) деб атасак тўғри бўлади. Чунки унда талабаларга ўзлари танлаган касб-хунар йўналишлари бўйича маҳсус билим берилади ва касб-хунар ўргатилади.

Мазкур ўқув юртлари замонавий жихозланганлиги, ўқитувчи-педагоглар савияси, ўқиш жараёнининг ташкил этилиши ва талабаларга камида 2 - 3 хил замонавий касб-хунар бера олиши билан олдинги техникумлардан тубдан фарқ қилиши керак.

Миллий дастурни амалга оширишнинг иккинчи мураккаб томони шундаки, бунда ҳар бир худуднинг ўзига хос жўғрофий этник хусусиятларидан ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг ота-оналари олдида ўқиши, касб-хунар эгаллаши таъминланади ва шу билан бирга. Бу билим юртлари ўша худуднинг маданий-маърифий марказига айланиши лозим.

Учинчи мураккаб томони маҳсус билим юртларида дарс беришга яроқли ўқитувчиларни тайёрлаш масаласидир. Мавжуд мактаблар, билим юртлари ўқитувчилари шу ишга тайёр эмаслиги аниқ равshan кўриниб турибди.

Тўртинчи мураккаб томони ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим мазмунини белгилаш, уларни маҳсус дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масаласи бўлиб хисобланади.

### **3. Таълим тизимини бошқариш**

Ўзбекистон Республикасида таълим тўғрисида қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар таълим тизимини такомиллаштириш учун хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

- Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- Таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий педагогик муассасалар;
- Таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Таълим турларига қуидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими қуидаги турларда амалга оширилади:

- Мактабгача таълим;
- Умумий ўрта таълим;
- Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- Олий таълим;
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- Мактабдан ташқари таълим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуидагилар киради:

- Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- Таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- Таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- Бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг худудида таълим фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- Конун хужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълими тўғрисидаги хужжатларини тан олиш ва бу хужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш.

### **Асосий таянч тушунчалар ва атамалар:**

Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, таълим тизимини бошқариш, Олий мутахассислик таълими, Бакалавриат, Магистратура, Аспирантура, Докторантурасы

### **Тақрорлашучун саволлар:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилингандай?
2. Ушбу дастурнинг асосий мақсади қандай?
3. Таълим узлуксизлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Таълимнинг узлуксизлиги нима учун керак деб ҳисоблайсиз?
5. Бунинг учун Республика мизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?
6. Таълим узлуксизлигининг қандай афзалликлари мавжуд?
7. Таълим тизимини бошқариш ваколати қайси органга берилган?
8. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?

## **10 боб. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ. РЕЙТИНГ ТИЗИМИ РЕЖА:**

1. Таълим жараёнини технологиялаштириш
2. Рейтинг тизими
3. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари
4. Чет эл олимларининг педагогик технологиялар тўғрисидаги ғоялари

### **1. Таълим жараёнини технологиялаштириш**

Педагог ва талабанинг дастурли фаолияти таълим жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишига, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада – кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишига интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда педагог «технолог» сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрнатиши, ўтилаётган ўқув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман таълим жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, ўқитиш давомида юзага келадиган нокулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб таълим жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланиши таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қилишади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади.

Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин:

Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий муносабат, ўқитувчининг ўқувчи-талаба билан жонли мулоқоти, унинг фикрларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида педагог томонидан қўшимча саволлар бериш имкониятлари киради. Педагог томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо талабанинг фаол фикрлаши билан боғланган.

Оғзаки жавоб яхши тайёрланган талабага ўзининг иқтидорини, қўшимча эгаллаган билимларини намойиш этишга икмон беради. Бевосита мулоқот туфайли педагогда савол-жавоб давомида талабанинг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш имкони бўлади. Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда талабалар билимларини баҳолашда маълум даражада педагог шахсиятининг акс этиши намоён бўлади. Ҳар бир педагогда талабаларнинг

ўзлаштириш даражаларини баҳолашда доимо холис ва шахсий муносабат бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади. Юқорида тилга олганимиздек, хорижда олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар кўрсатадики, «қисқа вақт оралиғида бир-биридан мустақил равишда битта ўқувчи-талабани битта билимлар соҳасида битта ўқув мақсадларида текшириш иккита имтиҳон оловчи баҳосининг мос келиши фақат 40-60% ҳолларда мос келган». Бунда битта имтиҳон топширувчи бир имтиҳон оловчида энг юқори баҳони, бошқасида эса энг паст баҳони олган. Шунингдек, турли педагоглар томонидан битта ёзма назорат ишига қўйилган баҳоларнинг анча фарқ қилиши ҳам тасдиқланган.

Шундай қилиб, талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан холисона бўлмайди. Талабанинг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гурухнинг ўртача даражасини мўлжалга олади. Шунинг учун кучсиз гурухларда баҳолар одатда кўтарилиган, кучли гурухларда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув материалини ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, ўқувчи-талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил эксперктларни ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга:

- имтиҳонда ўқувчи-талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун ўқув фанини билиш учун қўйилади;
- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган;
- оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди;
- оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қиласи, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда педагогика фанида билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилиш объективлигини, ишончлилигини етарлича ошириш усуслари ишлаб чиқиляпти. Аммо шуни ҳисобга олганда ҳам билимларни оғзаки ва ёзма текшириш етарлича технологик эмаслигича қолади, уларни компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш қийин. Бу нисбатда билимларни тест усулида назорат қилиш улардан бир неча марта устун туради.

Тест (инглизча–синаш) – бу бирор бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида этalon ишлаб чиқиласи. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади.

Тест назоратлари ва унинг афзалликлари:

- а) етарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказаётган шахсга боғлиқ бўлмаган холис педагогик ўлчов қуроли ҳисобланади;

б) тест ўқув мавзуларининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш барча текшириувчиларга баравар қўлланадиган олдиндан ишлаб чиқилган мезон асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;

в) тест назорати технологиялашувчан, у нисбатан қисқа вақт ичида маълум ўқув мавзулари ўзлаштирилишининг тўла назоратини кам куч ва воситалар сарфлаб ўтказиш имконини беради.

г) тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади. Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзалликларидан биридир.

Тўғри ташкил қилинганда педагогик тест талабалар билимларини холис баҳолаш самарасини беради, чунки бу баҳо уни қўяётган одамга боғлиқ бўлмайди. У барча текшириувчиларга бир хил қўлланадиган қилиб тузилган мезон бўйича тўғри ечилиган тест топшириклари фоизи асосида аникланади. Шунинг учун педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуроли деб аталади. Аммо бундай баҳолаш фақат илмий талабларга риоя қилинган ҳолда тузилган, текшириувчан ва меъёрига етказилган сифатли тест туфайлигина амалга оширилиши мумкин.

Педагогик тестлардан фойдаланилганда таълим тизимининг барча бўғинларида ўқитиш сифатини сўзсиз ошириш мумкин бўлган етарли ижобий имконият мавжуд. Тест ўтказиш ўқитишни олиб бориш ва унинг натижаларига катта таъсир қўрсатиши мумкин. Сифатли тестлар билиш фаоллигини оширишга қодир, улар талабалар фаолиятида юқори мўлжалларни белгилайди, аксинча, ёмон тузилган тестлар таълим жараёнида акс самара бериши мумкин.

## 2. Рейтинг тизими

Билимларни ўзлаштириш назоратининг янги, илфор восьиталарини киритадиган рейтинг тизимидан самарали фойдаланишни ўрганиш ҳам жуда муҳимдир. Талабалар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабани ўқитишнинг бориши ва натижаларини баҳолашга бир хил шаклда ёндошувни ўрнатадиган ўзаро боғлиқ қўрсатмалар, қоидалар мажмуаси тушунилади.

Олий ўқув юртларида рейтинг назорати таркибида қуйидагилар ифодаланади:

- назорат турлари (жорий, оралиқ ва якуний);
- назорат усуслари (оғзаки, ёзма, педагогик тест ўтказиш, маълум амалларни бажариш);
- даврийлик ва ўқитиш даври мобайнида баҳолашларнинг энг кам сони;
- баҳолаш мезони;
- ўқитилаётган фан бўйича якуний баҳога талабанинг айрим баҳоларини бирлаштириш қоидалари;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқа қўрсатмалар;

Олий ўқув юртларида рейтинг тизимини киритишнинг мақсад ва вазифалари, одатда қуйидаги натижаларга эришиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат:

- талабалар томонидан давлат таълим стандартлари талабларининг ўзлаштирилиши;
- билимларни баҳолашнинг холислиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- талабалардаги билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқиша ютуқларга эришишга интилишнинг шаклланиши, таълимга мусобақа ҳиссини киритиш, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш;
- ўқиши жараёндаги ютуқлар бўйича талабалар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини мувофиқлаштириш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш;
- ўқитиши натижаларининг таққосланишини таъминлаш.

Талабалар билимларини баҳолашнинг илғор рейтинг тизими қўйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослигини инобатга олиши;
- ўқув фанининг алоҳида қисмларини эмас, балки ялпи назоратини амалга ошириши;
- талабаларни ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида баҳоларнинг кўп балли мезони қўлланиши;
- педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мураккаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги (ўқув вақтининг сарфланишини талаб этадиган). У педагог томонидан ўқув муассасида олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилади;
- ҳар бир ўқув юртининг услубий идораси маъмурият қўрсатмалари асосида ёки ўзининг қарорига биноан натижалари якуний рейтинг баҳолашга кирадиган, ўқитиши давридаги барча предметлар бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг энг зарур мажбурий сонини ўрнатади;
- олий ўқув юртининг рейтинг тизимлари маълум босқич чегарасида ўқитиши натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши ва бошқалар.

Маълумки, бир хил шароитда тегишли методикалар ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб ўқитганда ўқувчи-талабалар турли даражадаги ўзлаштириш қўрсаткичларига эга бўлишади. Бунинг асосий сабаби улар қобилиятларининг турличалигидадир.

Б.Блум ўтказган тадқиқотларида юқори қобилиятлilar юқори натижаларни, ўртacha даражадагилар ўртacha кўрсаткичларни беришлиги аниқланди. Бунда вақт сарфи ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин: қобилиятлilar ўқув материалини ўзлаштириш учун энг кам вақт, «ўртacha»лар учун улардан кўпроқ вақт, «бўш» лар учун энг кўп вақт зарур бўлар экан. Мавжуд таълим тизимидағи ҳамма болалар учун бир хил teng вақт, teng шароитдаги таълим жараёни биз хоҳлаймизми-йўқми «кучлилар», «ўртачалар» ва «бўшлар» ни вужудга келтираверади. Анъанавий таълимда ушбу номувофиқликдан чиқишининг икки йўли мавжуд; биринчиси – иккинчи йил қолдириб ўзлаштириш даражасига эришиши; иккинчи йўл – гуруҳ талабаларини гомоген гуруҳларга ажратиш йўли билан таълимда юқори самарадорликка эришиш.

Б.Блум анъанавий таълимдан фарқли равища, таълим шароитининг энг оптималь шароитини танлаш, биринчи навбатда ўқиши суръатини ошириш

орқали тўла ўзлаштиришга эришиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Бундай шароитда «кучли» ва «бўйш»лар ўртасидаги ўзлаштириш фарқи кескин камаяди. Тўла ўзлаштириш моделида мавжуд ўқувчи-талабалар гуруҳининг ҳаммаси юқори натижаларга эришиш учун ўқув мақсадларидан келиб чикадиган натижалар тегишлича юқори даражаларда ифодаланиши керак.

Педагогик технологиялар таълимда репродуктив ўзгариш даражасини эгаллашни кафолатлади. Талаба продуктив (маҳсулдор) ва ижодий ўзлаштириш даражаларини эгаллашда анъанавий методикадаги ўқитишнинг муаммоли усул ва методларидан унумли фойдаланади. Замонавий педагогик технологияларни яратишда анъанавий ўқитиш методикасидаги бой тажриба ва илғор педагогик жараёнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Педагог курс (бўлим, боб)ни лойиҳалаштиришга киришар экан, энг аввало, мезонни тўғри аниқлаши, ушбу моделда ишлашнинг асосий ҳолатини ҳисоблашни билиши зарур. Шундан кейин курс мақсадларини тоифалаштириш, мақсадларидан аниқлаштирилган натижалар олинишини кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва уларга мос равишда диагностик тестлар тайёрланиши, ўқитувчи (педагог) ўрганиладиган материални қисмларга бўлиб ўрганилиши лозим бўлган ўқув бирликларини аниқлаши, уларни таҳлил қилиши ва ўрганиш бўйича қайта ишлаб чиқиши лозим. Ўқув бирликлари аниқлангач, уларни ўрганишда қандай натижаларга эришишни бирма-бир аниқлаш, эришилган натижаларни текшириш учун диагностик характердаги тест назоратларини ўтказиши ва бу назорат натижалари баҳоланмаслиги керак. Бунда фақатгина «ўрганганд», «ўрганмаганд» мезонларида баҳоланади ва зарур тузатишлар киритиб борилади.

Навбатдаги босқичда ҳар бир тест жавобларидаги хато ва камчиликларни тузатиш бўйича ўқувчи – талабалар учун янги бўлган ўқув методикасига оид қайта ўрганишни ташкил этади. Ушбу методикани амалга ошириш қўйидаги кетма-кетликда кечади.

1. Кiriш қисми: ўқувчи-талабаларни тўла ўзлаштириш методикасида таълимга тайёрлаш ва уларда рағбатни вужудга келтириш.
2. Тўла ўзлаштиришга йўналтирилган ҳолда ҳар бир ўқув бирлиги бўйича ўқитиш.
3. Ҳар бир ўқувчи – талабада ўқув материалининг тўла ўзлаштирилганлигини баҳолаб бориш.
4. Ҳар бир ўқувчи-талабага қўйилган баҳони изоҳлаш.

Лойиҳалаштирилган ўқув жараёнининг бирлиги икки кичик лойиҳага ажратилади. Биринчи қисмида анъанавий таълимдагидек тушунтириш, қўрсатиш, изоҳлаш, асослаш тушунчаларини шакллантириш, уларни билиш, амалга татбиқ қилиш кабилар аниқ ифодаланган мақсадлар асосида олиб борилади.

Лойиҳанинг иккинчи қисмида ҳар бир ўрганилган ўқув бирлиги бўйича жорий тест синовлари олинади. Тест синовлар диагностик аҳамият касб этиб, тескари алоқа вазифасини ўтайди, уни ўтказишдан мақсад тузатишлар киритиш, тўлдиришларни амалга оширишдан иборат бўлиб, бунинг учун қўшимча ўқув тадбирлари белгиланади.

Тест натижаларига кўра ўқувчи-талабалар икки гурухга ажратилади: тўла ўзлаштиришга эришганлар ва тўла ўзлаштиришга эришмаганлар гурухи.

Ўқув бирликларини тўла ўзлаштирмаган ўқувчи-талабалар ўқитувчи (педагог) раҳбарлигидан ушбу ўқув бирликларини ўрганишни давом эттиради. Улар билан қўшимча тузатиш ишлари ташкил қилинади ва йўл қўйилган камчиликлар аникланади ҳамда камчиликларни тузатиш учун машғулотлар олиб борилади. Бу машғулотлар такрорий бўлгани учун уни баён қилишда янги усуллардан фойдаланиш ва кўргазмали қуроллар ва ўқитишининг техника воситаларини ишлатиш, индивидуал ишлардан фойдаланиш орқали ушбу гурух тўла ўзлаштиришга олиб чиқилади. Тўла ўзлаштиришга эришганлар учун қўшимча топшириқлар берилади, улар навбатдаги ўқув бирлигига ўтказилмайди. Навбатдаги ўқув бирлигини ўрганишга иккала гуруҳ ҳам бирга киради.

Ўз навбатида ўқувчи-талабалар ўқув элементини қайси даражада ўзлаштирилари ёки қандай маҳорат билан бажаришлари керак? Бу саволга психологлар томонидан яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Ҳар қандай фаолият инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характеристига қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул ва маҳсулдор. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, номаҳсул фаолиятида инсон ўзига маълум бўлган ҳаракат қоидаларидан фойдаланади ва бу жараёнда ҳар қандай янги ахборотлар юзага чиқмайди, чунки у фақат олдин ўзлаштирган усулларни қайтадан ишлаб чиқади.

### **3. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари**

Талабалар маҳсулдор фаолиятни бажаришда доимо янгиликка дуч келади ёки янги обьектлар, ҳодиса ва жараёнлар, фаолият методлари вужудга келади. Ҳар икки фаолият тури ҳам мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Номаҳсул фаолият йўриқнома, луғат орқали ёки ҳаракатларни бажариш қоидалари тўғрисида бошқа бир ахборот манбалари асосида кўрсатмасиз бажарилса, маҳсулдор фаолият маълум методик кўрсатмалар остида бажарилиши мумкин.

Профессор Н.Саидахмедов юқорида баён қилинган фикрларни хисобга олган ҳолда ўқувчи-талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш фаолиятини қуидаги 4 даражада асосида кўрсатган:

**I даражаси:** Ташқи кўрсатма таъсиридаги ҳаракат. Бу фаолият **танишув** даражаси деб номланган. Танишув даражасида ўқувчи-талабанинг билим олиш, эслаш қобилияти олдиндан ўзлаштирилган материаллар матни билан қайта танишиш асосида амалга ошишини тавсифлайди. Ўқувчи-талабада ўзига таниш материалларни фақат маълум вазиятларда, яъни бу материаллар олдида турган тақдирда эслаш имкони бўлади. Ўзлаштиришнинг биринчи даражаси обьектлар, ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланади ва уларни ўқувчи-талабанинг билиб олиши номаълум обьектлар қаторида кечади.

**II даражаси:** Хотира асосидаги ҳаракат. Бу фаолиятнинг алгоритм даражаси деб номланади. Алгоритм даражасида ўқувчи-талабанинг қобилияти материалларни ёки унинг алоҳида қисмларини ташқи кўрсатмасиз мустақил равишда қайта тиклай олиши билан тавсифланади. Бу ўқувчи-талабалар ўзлаштириш даражасининг бирмунча юқори поғонаси бўлиб, ўқувчи-талабалар ўз хотирасига таянган ҳолда ўқитувчи (педагог) ўргатган ёки адабиётлардаги мавжуд материалларни маълум алгоритм бўйича тушунтириб бера олади.

**III даражаси:** Ностандарт вазиятлардаги маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг эвристик даражаси деб номланади. Эвристик даражада ўқувчи-талабанинг аниқ масалаларни ечиш қобилияти ўрганилаётган мавзу бўйича материалларни таниш ва нотаниш вазиятларда мустақил қайта тиклаш эвазига янги ахборотларни қўлга киритиш билан характерланади. Билимларни кўчириш маълум масалалар синфи билан чегараланган ва бутун бир ўкув предмети бўйича тарқалмаган бўлади.

**IV даражаси:** фаолиятнинг янги қирраларини тадқик қилувчи маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг ижодий даражаси деб номланади. Ижодий даражада ўқувчи-талабанинг материалларни мустақил ўрганиш ва қайта ишлаш қобилияти мавжуд ахборотларни янги вазиятларда кенг доирадаги масалалар ечимида кўчириш билан тавсифланади. Фаолиятнинг бу даражаси изланувчанлик, ижодкорлик характеристига эга бўлиб, турли вазиятларда ўзлаштирилган кенг доирадаги билимларни қатор объектларда қўллаш билан амалга оширилади.

Умуман олганда, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифати бўйича таълим мақсадларининг ташхисланувчанлиги ўзлаштиришнинг зарурий даражаларини аниқлаштиришни талаб этар экан. Демак, биринчи навбатда, ўқувчи-талабаларнинг бўлажак фаолиятига ва мутахассислик маҳоратига кўйилган талаблар эътиборга олинади.

Ўқитиш жараёнида ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари олдидағи давлат ва ижтимоий буюртмаларни амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари, талабларини хисобга олган ҳолда ўқитиш қонуниятлари ва принциплари аниқланди, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўкув-тарбия ишлари жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг илмий – методик асослари ишлаб чиқилди.

Талабаларни замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш мақсадида қўйидагиларга эътибор қаратилади.

1. Ўкув-тарбия жараёни ва педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялаш, ҳамкорлик педагогикасига асосланиш.

2. Ўкув-тарбия жараёнида дидактик ўйин, муаммоли, модулли таълим, лойиҳалаш ва ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг якка тартибда ва кичик гурухларда мустақил ва ижодий

ишиларини ташкил этиб, уларни ўз ўқув-билиш фаолиятининг субъектига айлантириши.

3. Талабаларнинг мустақил иши ва таҳсилини режали босқичмабосқич, эволюцион тарзда ташкил этиш.

4. Талабаларнинг бўлажак мутахассислик фаолиятига илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиш, уларда кўникмалар шаклланишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага ўзини ўзи ривожлантиришнинг индивидуал иш режасини тавсия этиш.

5. Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, талабаларда мустақил таҳсил олиш ва мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берадиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларини онгли танлаш ва амалиётда кўллаш кўникмаларини эгаллашига эришиш.

6. Талабаларнинг битирув малакавий ишилари мавзуларини ўқутарбия жараёнининг долзарб муаммоларига бағишлиш орқали изчил ва мунтазам равишда ўз савиясини ошириш ва фаол илмий-тадқиқот ишиларини олиб боришига замин тайёрлаш.

Талабаларнинг илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда уларнинг илмий дунёқараши ва илмий назарий тайёргарлигига асос бўладиган ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларини ўқитишида касбий йўналтирилганлик, умумкасбий фанларни ўқитишида ғоявий йўналтирилганликни амалга ошириш, касбий тайёргарликни шакллантирадиган педагогика, замонавий педагогик технологиялар, психология ўқув курслари ўртасида узвийликни таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Маълумки, таълим жараёни ҳам мақсадга мувофиқ равиша бошқариладиган тизим ҳисобланади. Ҳар қандай тизимни мақсадга мувофиқ бошқариш эса ўз навбатида, факат тескари алоқа воситасида амалга оширилади. Таълим жараёнида тескари алоқа сифатида талабаларнинг билим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш қабул қилинган. Мазкур масала таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида ўзининг кўп асрлик тарихига эга бўлиб, бу соҳада етарлича илмий-услубий тадқиқотлар ўтказилган.

Таълим жараёнининг яна бир мухим соҳаси борки, бу соҳа таълим жараёнини бошқаришни янада такомиллаштириш имконини беради. Бу масала ҳар бир янги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг ундан аввал ўзлаштирилган билимлар даражасига боғлиқлигидир. Агар навбатдаги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни ундан олдинги ўзлаштирилган билимлар асосида прогноз этиш масаласи илмий-услубий жиҳатдан ҳал этилса ва амалиётда кўлланса, бу ҳол, биринчидан, ўқитувчилар учун ҳар бир талабанинг навбатдаги билиш фаолиятини бошқаришда катта имкониятлар яратади. Иккинчидан, ҳар бир талаба ўзини ўзи назорат қилиш имконига эга бўлиб, фаоллигини оширади.

Бугунги кунда мутахассис кадрлар тайёрлашда талабаларнинг турли фанлардан, шу жумладан, педагогик ва касбий методикалар бўйича билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш жараёнини назорат қилиш мухим ўрин эгаллайди.

Тұғри ташқил этилған назорат талабаларни олинаётган билимларини янада чукурлаштириш ва энг асосийси, уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради. Талабага, ўқув фаолиятига таъсир этишнинг икки қирраси бор. Биринчиси педагог күллаётган услуга ва усуллар бўлса, иккинчиси педагогнинг фақат шахсий хислатларига боғлиқ бўлган таъсир этиш воситаларидан фойдаланишдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олий таълимнинг узлуксиз такомиллашишида ўқув-тарбия услуга ва усулларини янада ривожлантириш билан бирга талабалар ўқув фаолиятини бошқариш масаласи ҳали очилмаган муаммолар қаторига киради.

Таълим жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Ўтказилган тажрибаларга ва ўқув адабиётларида изохланган илғор услубларга асосланиб назоратнинг мезони ва бажарадиган функцияларини қуидагича белгилаш мумкин:

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижасида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.

2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёкини ўстириш функцияси. Назорат натижасида талабаларда ўз билим, иқтидор ва кўникмаларини янада такомиллаштириш эҳтиёжи уйғонади.

3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хусиятлари шакллантирилади ва энг асосийси ривожлантирилади. Ривожланиш ўқув фаолияти орқали, яъни нутқ орқали амалга оширилади.

4. Назорат жараёнида талабалар ўз билимларини мустаҳкамлайди. Ўқув материали янада чукур ўзлаштирилади, ҳодисалар ўртасида янги боғланишлар ўрнатилади, шу билан ақлий фаолият янада такомиллашади.

5. Назоратнинг тарбиявий функцияси. Назорат жараёнида талабаларнинг психологик ижобий хислатлари шаклланиб бормоғи лозим.

6. Назоратни баҳолаш функцияси. Назорат натижасида сифат ўзгаришларининг меъёри аниқланади.

7. Назорат – кўп қиррали мураккаб жараён. Назорат талабаларда доимо жонли қизиқиш, куюниш, аянч, хурсандчилик хисларини уйғотиб, ақлий фаолиятни фаоллаштиради. Юкорида кўрсатилган функциялар бир-бирига узвий боғланган ҳолда юз беради.

Тұғри ташқил қилинган ўзини ўзи назорат ўқув материалини ўзлаштиришга ижодий ва танқидий ёндошиш имконини беради. Бу айниқса, янги предмет ўрганилаётганида бундан олдинги ўқув предметларида ўзлаштирилган билимларнинг даркорлигига кўринади. Талабалар мустақил ишлаб етишмайдиган талабаларнинг янги мавзуни ўзлаштириши анча мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларида ишлайдиган педагоглар янги предмет ва янги мавзуни бошлашдан олдин талабаларнинг янги дастурни ўзлаштиришга қанчалик тайёрлигини аниқлаш мақсадида дастлабки назоратни амалга оширишлари керак бўлади.

Назорат жорий, оралиқ, якуний каби З та турга эга. Назорат турли тестлар орқали амалга оширилади. Педагог олимлар У.Н.Нишоналиев ва

И.Й.Турсуновларнинг маълумотларига қараганда тестлар орқали қуидаги имкониятлар яратилади:

- талабаларнинг назарий ва амалий билимлари даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- бир вақтнинг ўзида бир грух ёки кўп сонли талабалар билимини назорат қилиш мумкин;
- барча талабаларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб, ҳаммасига бир хил шароит яратилади;
- тест натижаларини ўқитувчи тезлиқда текшириши мумкин;
- турли грух талабалари билимини солиштириб қўлланаётган методнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин;
- таълим жараёнининг камчиликларини аниқлаш мумкин.

Кўпгина олий ўқув юртларининг талабалари фанларни мустақил ўзлаштиришни компьютерлар ёрдамида ташкил қиласди. Компьютерлар ёрдамида ташкил қилишнинг асосий манбаларидан бири замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-назорат дастурлар таъминотини яратишдан иборат. Компьютер замонавий техника воситаси сифатида улар ёрдамида талабаларнинг назарий билим асослари билан қуролланишига ёрдам беради, ўқув материалини фаол ўзлаштиришга, эгаллаган назарий билимларни амалда тадбиқ қила олишга ўргатади ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш даражасини тез ва ҳаққоний аниқлашда қулай восита бўлиб хизмат қиласди.

Кейинги йилларда таълим-тарбия жараёнининг кўпгина элементларини компьютерлаштириш бўйича, яъни ўқув материалини баён қилувчи ўқитиши дастурлари, тасаввур қилиш қийин бўлган жараёнларни намойиш қилувчи дастурлар, талабалар ўзлаштириш даражаларини ҳар хил усулларда назорат қилувчи дастурларни амалиётга тадбиқ қилиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо, таълим-тарбия жаарёнида фойдаланиш учун мўлжалланган дастурлар яратишга ва улардан кенг фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти. Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида талабаларнинг мустақил равища билим олиши ва ўзлаштириш даражаларини аниқлаш компьютер дастури яратилган бўлиб, ундан фойдаланиш натижасида талабалар фанларни мустақил тарзда ўзлаштиришлари билан бирга, ўз билим даражасини аниқлашга ҳам эришади. Даструрдан фойдаланиш содда бўлиб, унда худди Windows операцион тизимида ишлагандек ишлаш имкониятига эга бўламиз. Даструр ишга туширилгач, у билан ишлаш бўйича кўрсатма ойнаси ҳосил бўлади. Кўрсатма билан танишиб бўлгач, талабалар танлаган кўрсатмалари бўйича бир неча ойналар бирин-кетин ҳосил бўлади. Даструр ойналаридан энг асосийларидан бири «Ўқув дастури» бўлими бўлиб, буни танлаш орқали «Мавзуни танлаш» ойнаси ҳосил қилинади. Талаба бу ойнадан кетма-кет факультет, кафедра, фан ва мавзу номларини танлаши, сўнг ойнадаги «Мавзуни ўқиш» бўлими устида «сичқонча» тугмасини босиши зарур. Натижада талабадан исми, шарифи ва грух ракамини киритиш сўралади. Бу маълумотлар киритилгандан сўнг «Давом этамиз» кўрсатмаси танланади ҳамда талабадан «Керакли мавзуни танлаш» ва «Мавзу бўйича тест синови» бўлимларидан бирини танлашни талаб қилувчи навбатдаги ойна

ҳосил бўлади. Талабалар хоҳишига кўра ушбу бўлимлардан бирини танлаши мумкин.

Дастурда талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олишда рейтинг тизими эътиборга олинган бўлиб, агар талаба 55% дан ортиқ ўзлаштириша эришса, бошқа фанни (ёки мавзуни) танлаши ва ўз билим даржасини аниқлаши, акс ҳолда мавзуни қайта ўрганишга ва ўз билим даражасини аниқлашга эришиши мумкин. Талабаларнинг мавзуни мустақил ўзлаштирганлик даражасини таҳлил қилиш учун «Мавзуни танлаш» ойнасидаги «Маълумотлар омбори» бўлими танланади. Натижада «Текширув ойнаси» ҳосил бўлади ва керакли паролни киритиш сўралади. Керакли парол киритилгандан сўнг, «Текширув» ойнасидаги «Янги парол киритиш», «Паролни тасдиқлаш», «Базани тозалаш», «Омборга кириш», «Ҳисоботлар» ва «Чиқиши» каби бўлимлар ишчи ҳолатда бўлади. Ойнанинг «Ҳисоботлар» бўлими орқали дастурдан мустақил шуғулланган талабалар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин. Бу дастурнинг қулийлик томони шундаки, фан бўйича тайёрланаадиган дидактик материаллар (назарий маълумотлар ва тест саволлари) Word дастурида тайёрланган бўлса, уни ўқиши имкониятига эга. Ушбу дастурдан ихтиёрий фанларни мустақил равишда ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фанлар бўйича тайёрланган дидактик материаллар ушбу дастур базасига киритилса ва дастурга боғланса, машғулот сифати янада яхшиланади, талабалар компьютер орқали мустақил тарзда билим олишга эришади.

#### **4. Чет эл олимларининг педагогик технологиялар тўғрисидаги ғоялари**

Хорижда олиб борилаётган тадқиқотларда ўқувчи-талабалар фаолиятини шакллантирадиган репродуктив-эсда қолганларни тиклашга оид ўзлаштиришдан ташқарига олиб чиқишига ҳаракат бўляпти. Америкалик рухшунослар: Р.Ганье ва Л.Бриггслар (1979) аниқ ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган ва шу билан бирга маҳсулдор тафаккур даражаларига эришишга рағбатлантирувчи унсурларни ўз ичига олган қуидаги дарс қурилмасини тузишни таклиф қилишган, дарс ўтишнинг бу усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлаш (тафаккур)нинг маҳсулдор даражасини рағбатлантиришга қаратилган:

- ўқувчи-талабалар дикқат-эътиборини бир жойга жамлаш;
- ўқувчи-талабаларни дарс мақсадларидан хабардор қилиш;
- зарурий билим ва маҳоратларини ёдда сақлаб қолиш қўнималарини эгаллаш зарурлигини уқдириш;
- маълум акс-садо қабилида, яъни қизиқиши уйғотадиган ва уларни ҳаракат қилишга ундейдиган ўқув материалини тақдим қилиш;
- ўқувчи-талабаларнинг ўқув материалидан таъсирланиб қиласиган акс-садо қабилидаги жавобларини юзага келтириш;
- фикрлаш фаолиятига таъсир қилиш, олинган билимлар ва маҳоратнинг мустаҳкам бўлишига эришиш;
- ўқувчи-талабалар фаолиятини рағбатлантириш.

Инглиз олими А.Ромишевский педагогик технология методининг қуидаги вариантини тавсия этади:

1. Ўқувчи-талабаларни керакли билимлардан хабардор қилиш.
2. Эсда қолганларни тиклашга доир маҳоратни шакллантириш.
3. Ўқувчи-талаба бажарадиган иш-ҳаракатни яхлит ҳолда ва қисмлари бўйича намойиш этиш.
4. Малака ҳосил қилишни соддалаштириш (берилган вазифани бўлакларга бўлиб бажартириш).
5. Ўқувчи-талаба мустақил бажараётганидан хабардор бўлиб, уни рағбатлантириб бориш.
6. Махсулдор, изланувчан даврга ўтиш.
7. Турли хил муаммоли вазиятларни ташкил этиш, янги, ўзига хос масалаларни ечиш.
8. Ўқувчи-талабалар ўз фаолиятини таҳлил қилишлари, ўқитувчи (педагог) ҳам ўз навбатида уларнинг вазифани қандай бажарганликларини гурӯхда муҳокама қилишлари.

Америкалик руҳшунос олим Ф.С.Келлер олий ўқув юртлари учун педагогик технологияларнинг индивидуаллаштирилган ўқитиш тизимини таклиф қилди.

Ф.С.Келлер режасининг ўзига хос хусусиятлари қуидагилардан иборат:

- ўқув материалининг мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган, аввалги бўлимга қўйилган талабларни ўзлаштиришни ўз ичига олувчи, кейинги бўлимга ўтишнинг бевосита шарти деб қаралиши;

- ўқувчи-талабаларнинг ҳар қайсисининг ўз ўзлаштириш суръатига мос равища алоҳида-алоҳида ишлашлари;

- ваъз-маърузалардан факат мотив ҳосил қилиш ва ўқувчи-талабаларнинг умумий йўналтириш мақсадларидағина фойдаланиш;

- чоп этилган ўқув ахборотларини баён қилиш учун нашр этилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш;

- ўқув материалининг қандай ўзлаштирилганлигини аниқлашда ёрдамчи-ассистент (аспирант, аълочи талаба)лар кучидан фойдаланиш.

Ҳар бир ўқитилаётган фан (ҳар қайси ўргатилаётган бўлим ёки боб юзаси)дан ўқувчи-талаба маълум йўл-йўриқ олади. Бунда бўлим ёки бобнинг мақсадлари кўрсатилиши, ўқув ишларининг маълум турлари тавсия қилиниши, ўқувчи-талаба ўзини-ўзи текшириши ва назорат саволларининг рўйхати келтирилиши керак. Ўқувчи-талабаларга ўқув фаолиятининг турлари ва ишлаш тартибини эркин танлаш имкони берилади. Ўзлаштирилган боб, бўлим бўйича имтиҳондан аввал ҳар бир ўқувчи-талабани ёрдамчи ассистент ўқитувчи ишлаб чиқсан аниқ талаб ва мезонларга мос ҳолда (материалнинг тўлиқ ёки нотўлиқ ўзлаштирилганлигига қараб «ўтди», «ўтмади» шаклида синовдан ўтказилади) баҳоланади. Кониқарсиз баҳо олишганида ёрдамчи тавсиясига кўра ўқувчи-талабаларга қўшимча материални ўзлаштирилиши юзасидан тавсиялар берилади. Синовдан ўтиш кейинги бўлимни ўрганиш учун ўзига хос руҳсатнома бўлиб хизмат қиласи. Маърузалар сони кўп бўлмайди (бир семестрда 6 та), уларга қатнашиш мажбурий эмас.

Келлернинг режаси АҚШ олий ўкув юртларида кенг тарқалган, у ерда ҳам табиий-илмий ҳамда гуманитар-ижтимоий фанлар ўқитишида қўлланилади. 70-80 йилларнинг ўрталарида ўтказилган педагогик тажрибалар Келлер режаси ўқитилишининг анъанавий турларига қиёслаганда ўқитувчи (педагог) томонидан ўкув юртларига қўйилган ўкув вазифаларини амалга оширишда юқори самарадор эканлигини тасдиқлади.

В.Гузеев Россия Федерациясида асосий таркибий қисмлари умуман олганда қуидагилар ҳисобланувчи интеграл педагогик технологияни ишлаб чиқди, унинг асосий қисмлари, умумлашган ҳолда қуидагилардан иборат:

1. Ўқитишининг ҳар бир ихтисос-мутахассислиги учун ташхисли ва ўйланганларни амалга оширишга мўлжалланган мақсадлар тизимлари кўп даражали тизимлари режалаштирилган ўқитишининг натижалари кўринишида тақдим этилади;

2. Таълим жараёнининг йирик тузилмаси дарслар блоки билан энг кичик бирликлар сифатида бирлаштирилиб, таълим мазмунининг катта бирлигини ташкил этади;

3. Гуруҳлар таркиби ва фаолиятида аниқ қурилган динамика-ривожланиш суръати билан гуруҳли ўргатиш жараёнининг мұваффақиятли мониторинги асосида ҳар бир қадами аввалгиларнинг натижасига боғлиқ равишда лойиҳалаштирилади;

4. Таълим жараёнини бошқариш ва ўқитиши жараёни компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилганлар таълимга технологик ёndoшувнинг шакл ва варианatlari хилма-хиллигидан далолат беради. Россия Федерациясида шу масалага алоқадор «Школьнүе технологии» номли янги педагогик журнал ҳам чиқарилмоқда. Буларнинг барчаси замонавий педагогик технологиянинг имкониятлари, қудрати қанчалар аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Бу соҳадаги хорижий тажриба билан танишув Ўзбекистон педагоглари учун ўқитишига янгича ёndoшиша педагогик технология соҳасида чет эл тажрибаларини ўрганиш, миллий-маданий анъаналаримизни, таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқларни ўзлаштириш ва кейинги ишлаб чиқаришга жорий этишига туртки бўлиб хизмат қиласи.

Ўкув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ортиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўкув-тарбия жараёнининг самарадорлиги юқори даражада бўлишига имкон яратади.

### **Асосий таянч тушунча ва атамалар**

Рейтинг назорати, оғзаки назорат, ёзма назорат, тест, жорий назорат, оралиқ назорат, якуний назорат, ўзлаштириш фаолиятининг даражалари,

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Таълим жараёнини технологиялаштириш деганда нимани тушунасиз?
2. Рейтинг тизими тўғрисида нималарни биласиз?
3. Тест тизимида талабалар билимини баҳолаш қандай самара беради?

4. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражаларига таъриф беринг? Бунинг учун нималарни амалга ошириш маъқул?
5. Таълим жараёнида талабалар билимини назорат қилишнинг мезони қандай?
6. Қайси чет эл олимларининг педагогик технологиялар тўғрисидаги ғояларини биласиз?
7. Улар қандай ғоялар беришган?

## **11 боб. ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. РЕЖА:**

- 1. Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишини ташкил қилиш.**
- 2. Курс иши ва илмий доклад - мустақил ишининг асосий шакли.**

### **1. Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишини ташкил қилиш.**

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот микдорига кўра аввалдан режалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш амалиёти аудиториядан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, маҳсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунё қарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар катта рол ўйнайди. Айниқса ҳозирги ахборот асрида борган сари, бир томондан ахборот микдори, янгиликлар ортиб борса, иккинчи томондан, ахборот олиш манбалари ранг-баранглашиб боради. Уларнинг аҳамияти янада ортиб боради.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув кўзда тутилган бўлиб, уни ҳар бир талаба бажариши шарт бўлса, иккинчи қисми ихтиёрий, яъни талабалар ўз ҳоҳишлари билан бажаришлари мумкин.

Биринчи гурухга адабиётларни конспект қилиш, семинар дарсларига тайёрланиш, курс иши ёзиш ва бошқа шунга ўхшашлар киритилса, иккинчи гурухга эса реферат ёзиш, илмий доклад ёзиш, илмий тўгаракларда қатнашиш кабиларни ўз ичига олади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага диққат қаратиш керак:

А) мустақил иш ўқишининг, ақлий меҳнатининг алоҳида тури.

Б) мустақил иш бажариш катта аҳамиятга эга. Келажакда унинг аҳамияти яна ҳам ортиб боради. Сабаби у талабанинг келажакда малакали мутахассис сифатида шаклланишида мухим рол ўйнайди. Ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади. Айниқса интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Мустақил ишни ташкил этишнинг **энг мухим хусусияти** шундаки, уни талабининг **ўзи мустақил** равишида ташкил қиласи. Шунинг учун талабага уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашга ёрдам бериш лозим.

Мустақил ишни ташкил этишнинг мухим хусусиятларидан яна бири уни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қилиши керак. Булда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил ишини ташкил этишда ўқиши бошқа шаклларига ўхшаб умумий принциплар мавжуд. Мустақил ишни улар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда энг аввало, оддий нарсага аҳамият бериш лозим. Бундай қараганда уни ҳамма билади, лекин кўпчилик уига амал қилмайди. Шунинг учун мустақил

иши ташкил этитни оддий элементар принципларини ўзлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараённи тўлалигича қамраб олади.

Ҳар бир талаба ўзининг мустақил ишини ташкил этишни нимадан бошлиши керак? Қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилади, аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу иши ташкил этилди дегани эмас. Ўз мустақил ишини қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Мувафаққиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил иши бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ўқув жараёнида қатъий изчиллик ва кетма-кетлик мавжуд. Аудиторияда семинар, амалий машғулот лабараторияда олган билимини пухта бўлиши учун доимо уларга тайёрланиши керак. Бугунги маъruzani яхши тушуниш ва ўзлаштириш учун, аввалги мавзу устида ишлаш керак. Масалани назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштиrmай туриб масала ечиш, амалда уни қандай намоён бўлишини тушуниш қийин. Ҳар қандай предметни уни мунтазам равишда ўрганилса ўзлаштириш мумкин. Яхши ўкиш, мустақил ижодкор мутахассис бўлиш учун талаба ҳар куни мунтазам ўз устида ишлаши керак.

Ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил ишларни қандай, қай тартибда бажаришни ҳар қандай меҳнатни, вақтни режалаштиргандай режалаштириш керак.

Ҳар бир талаба индивидуал тарзда умумий вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши керак. Фанлар бўйича ажратилган вақт талабани дарсга тайёрланиши, ўқув режаси бўйича фанни мувафаққиятли ўзлаштиришга етарли бўлишини кўзда тутади. Ундан келиб чиқиб, ҳар бир талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиласилар. Ўзлаштириш бўйича ҳатто бутун факультет муваффақиятини ҳам кўп жиҳатдан талабаларни ўз вақтларини тўғри режалаштириш, уни бажариш билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш **муддати жиҳатидан ҳоҳлаганча** давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил иши режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини хисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат

бўладиган бўлса, мустақил ишлаш З соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда турлича бўлиши мумкин. Бир талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб вақтини қандай ўтганини ҳам унутиб, предметни ўрганишга илҳом билан ижодий ёндашиб киришиб кетади. Учинчиси эса умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

3. Мустақил ишни ташкил қилишнинг **иш тартибини белгилаш** катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қоидаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига яқин семестр давомида қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиши ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиши хиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан: доклад, реферат, назорат иши, семинар дарсига тайёрланиш ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, кутилган натижа бермайди.

Реферат ёки доклад ёзиш керак бўлса, уни орқага сурмай тезда киришиш керак. Бунда ўқитувчи талабага, айниқса, биринчи курс талабаларига реферат нима, доклад нима, уни қандай ёзиш, қандай тарзда адабиёт танлаш кераклини тушунтириш зарур.

Адабиётларни танлашда талабаларга касбий таълим методикаси фанидан дастур ва семинар дарслари режасида кўрсатилган адабиётларни таклиф қилиш мумкин. Ундан ташқари ҳозирги пайтда чоп қилинаётган китобларнинг кўпчилигига фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд. Ара шу рўйхатдан фойдаланиб, зарур адабиётларни кутубхонада, ўкув залида бўлса олиб ўқиши мумкин.

Ундан ташқари республикамизда чоп этилаётган «Бозор, пул, кредит», «Иқтисодий ахборотнома», «Жамият ва бошқарув», «Солик тўловчининг журнали» каби қатор журнал, ҳамда «Мулкдор», «Банк ахборотномаси», «Ҳамкор» ва бошқа газеталарни кўрсатиш мумкин.

Реферат, курс иши, доклад, битирув-малакавий ишни бирданига ёзиб бўлмайди. Матнни тайёрлаш учун, аввало, адабиётларни ўқиб чиқиши, ғоя ўйлаш, режа тузиш, сўнгра уни қогозга туширишни бошлаг керак. Бу кўп босқичли жараён. Талабалар ана шу босқичларни ўтиши натижасида ўз фикри, ғоясини ифодалашни ўрганади. Матн эса уларнинг фикри, хуносасини ифодаловчи воситага айланади.

Матн тайёрлашни қуидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- тайёргарлик кўриш;
- дастлабки чизгилар;

- хомаки вариантни ёзиш;
- камчиликларни түғрилаш ва матнни кўчириш;
- таҳрир қилиш;
- матнни охирги вариантини тайёрлаш.

## **2. Курс иши ва илмий доклад - мустақил ишининг асосий шакли.**

Фанни мустақил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўқув шаклларидан бири курсишидир.

Курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш жараёнида талабалар касбий фанларни янада чукурроқ ўрганишади. Иқтисодий категориялар ва қонунлар моҳиятини тушуниш кураккаб назарий муаммоларни таҳлил этиш, уни амалиётда тадбиқ қилиш ҳақида ўйлашга, фикр юритишга ўндайди.

Курс ишининг фанни мустақил ўрганишдаги муҳим аҳамияти шундаки, талабалар адабиётлар билан ишлашни, иаълумотлар тўплаш, уларни жадвал, диаграммаларда тасвирлаш, хulosса чиқариш, ҳамда ўрганилган масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишга ўрганишади.

Ана шу жараёнди талабалар ўзлари индуктив ва дедуктив услубларни қўллаб, алоҳида ҳодиса ва воқеалар асосида умумий хulosса чиқаришни ўрганадилар.

Курс иши талаба томонидан танланади. Унинг хажми 25-30 бет (стандарт ёзув қогози бўйича) мўлжалланади. Бу мавзуни ҳар томонлама чукур ўрганиб, ўз қобилиятини, фанни ўзлаштиришдаги ҳаракатини, интилишини ифодалаш имконини беради.

Курс ишига юқори талаб қўйилиши сабабли кафедрадан илмий раҳбар тайинланади. У талабаларга курс ишини тайёрлашда зарур маслаҳатларни беради. Бу талаблар куйидагилар:

- курс иши мавзуси фақат дарслик доирасида эмас, балки қўшимча адабиётлар, шу мавзу бўйича журнал, газеталардаги мақолалардан фойдаланиб ёзилади;

- курс ишида илмий изланиш элементлари бўлиши, назарий қоидалар, тажрибалар билан ёритилади;

- иш бўйича режа тузилади, режа таркиби: кириш, асосий қисм (ёритиш керак бўлган масалалар), хulosадан иборат бўлади.

- курс иши расмий қабул қилинган шаклда бўлиши керак, яъни бирон бир муаллифнинг фикри иш мавзусини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш мақсадида келтирилса, жумлалар матндан ўзгартирилмай, қандай бўлса шундай кўчирилади ва қўштириноқ ичига олинади, изоҳ берилади. У саҳифанинг энг тагига рақамланган ҳолда берилиб, манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муаллифнинг номи, асар ёки мақоланинг номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили берилади.

- матн мустақил ёзилади, талаба курс иши ёзишда ўрганаётган адабиётлардан тўғридан-тўғри кўчирмай, аввал ўқиб чиқиб, тушуниб, бошқалари билан таққослаб, сўнгра ўзининг фикрини баён қилмоғи лозим.

Курс ишига қўйилган бош талаб-касбий таълим методикасини чукур ўрганишга эришиш, илмий изланишга ҳавас уйғотиш. Курс ишида талабаларда

мавзуни ўрганишга ижодий ёндошиш, дастлабки илмий изланиш куртакларини ҳосил бўлишида курс иши раҳбари муҳим рол ўйнайди. Курс иши раҳбари асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш, улар ичидан энг муҳимларини ажратиш, режа тузиш ва танланган мавзуни тўла очиб бериш учун нималарга дикқат қаратиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради.

Хомаки нусхасини ёзаётганда талаба тушунмаган савол ёки маслаҳат учун доимо мурожаат қилиши мумкин. Мавзу бўйича айрим адабиётларни тўлиқ ўқиб чиқиши зарур бўлса айримларини мавзу бўйича у ёки бу боби ёки сахифаларни ўқишига, ўрганишга тўғри келади. Китобни ўқиши, ўрганишда унинг мундарижаси, кириш сўзи, хулоса ҳамда аннотацияси ёрдам беради.

Режа тузганда шунга аҳамият бериш керак-ки, курс ишидаги қўйилган саволлар ўрганилаётган мавзунинг мазмунини очиб бериши зарур. Курс ишида ҳаддан ташқари кўп савол қўйиб юбормаслик керак, 3-4 савол етарли. Режа ўз навбатида қайси адабиётлар билан ишлашни аниқлаштиради. Ишнинг кириш қисмида, танланган мавзунинг аҳамияти, касбий таълим методикасида тутган ўрни, кўрилаётган масаланинг долзарблиги, практикадаги аҳамияти кўрсатилади. Ушбу мавзуга бағишлиланган иқтисодий адабиётларда ўрганилганлиги даражаси, мунозарали масалалар кўрсатилса янада яхши, курс ишининг қадр-қимматини оширади.

Киришда қисқача курс ишида танланган мавзу бўйича нима мақсад қўйилганини баён қилиши керак. Айнан нима сабабдан шу мавзуни танлагани ҳақида, ҳамда уни қандай қилиб ёритмоқчи эканлигига қисқача тўхталиб ўтилади. Хулоса қисмида мавзу бўйича чиқарилаётган асосий натижа хулосаларни аниқ ифодалаш керак. Улар қисқа, ишнинг мавзуидан келиб чиқиши керак. Муаллиф томонидан кўрилмаган масалалар бўйича ёки саволнинг курс ишида ёритилмаган жиҳатлари бўйича хулоса ёзилмайди. Чунки у курс ишига сунъий равища қўшилади ва ишнинг қадр-қимматини туширади.

Курс ишида қўтарилиган масалалар бўйича, матндан келиб чиқиб, билдирилган асосий хулосалар ишнинг қадр-қимматини оширади. Талабанинг мавзуни чукур ўзлаштирганидан, яхши билимга эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида курс иши ёзишда талаба томонидан ўрганилган барча адабиётлар, журнал, газетада берилган мақолалар, монография, статистик тўплам ва бошқалар тўла равища муаллифнинг исми шарифи, асар ёки мақола ва бошқаларнинг номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилган бўлиши керак.

Курс иши ёзганда Республикализ Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, меъёрий хужжатлардан, президентимиз асаларидан дикқат билан фойдаланишга аҳамият бериш керак.

Талабадан курс ишида касбий таълим методикасида янгилик яратиш ёки янги илмий қоида яратиш талаб этилмайди. Талаба саволларни ёритиш жараёнида илмий адабиётлардан тушуниб фойдаланишини кўрсатиши, тўғри умумлаштириш, хулосалар чиқара билишини, назарий қоидаларни тажриба, практика эилан боғлай олишини кўрсатиши керак.

Ана шу жараёнда талабанинг ишида илмий изланиш элементлари, курс ишини ёзишда мустақил иқтисодий фикрлай билиши намоён бўлади.

Ишда йўл қўйилган хато билан камчиликларни фарқлаш керак. **Хато** бу - иқтисодий категорияларни ва қонунларни нотўғри тушуниш ёки яхши тушунмаслик сабабли келиб чиқади. **Камчиликлар** талабанинг иқтисодий категория ҳақида тушунчаси бор, лекин тўла эмаслиги, кўпинча муҳим назарий қоидаларни аҳамиятини етарлича тушунмаслиги туфайли келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам талабага ўқитувчининг маслаҳати, йўлланма бериши катта ёрдам беради.

Мустақил бажариладиган ишлардан бири рефератdir. **Реферат** (лотинча *refero* - ахборот беряпман) — бирор илмий асар, ўқилган китоб, мақола кабилар мазмунининг қисқача ёзма Ёки оғзаки баёни, ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақидаги ахборот, тегишли адабиёт ва бошқд манбалар обзорини ўз ичига олган маълум мавзудаги доклад-

Реферат одатда, илмий информация вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу ёритилиши билан биртликда, тегишли илмий назариялар, хулосалар ёритилиши ва танқид қилиниши мумкин. Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўкув юртларида илмий докладлар сифатидаги рефератлар кенг тарқалган. Одатда талабаларнинг семинар машғулотларига тайёрлаб келадиган маҳсус ахборотлари ҳам реферат дейилади.

Ўкув юртларида кенг қўлланиладиган мустақил ишларни яна бир тури докладdir. Докладга: 1) мажлис аҳли учун мўлжалланган муайян мавзудаги ахборот, маъруза; 2) талабаларнинг мустақил иш тури; 3) илмий иш тури сифатида қараш мумкин.

Талабалар докладни мусгақил иш тури сифатида семинар дарсларига тайёрлаб келишлари мумкин. Докладни адабиётларни ўрганиб, танланган мавзуга чукур ёндашиб, ўз кузатишларини ҳам ишлата билган ҳолда тайёрлашлари керак. Доклад тайёрлаш жараёнида талаба адабиётлар билан ишлаш, турли манбалардан олган материалларини умулаштириш, ўз фикрини ёзма равишда ифодалашга ўрганади.

Келгусида мураккаб ишларини ҳам бажаришга, малакали аудиторияда ўз фикрини баён қилишга ўрганади. Талаба касбий таълим методикасини ўрганишга киришар экан, бошидан буни аниқ хис қилиши лозим. Доклад тайёрлашда кўп адабиётларни мустақил ўрганиш, мантиқий фикр юритиш талаб қилинишини ўқитувчи талабага уқтириши керак.

Реферат, доклад ёзиш учун талаба аввало фанни назарий жиҳатдан пухта ўзлаштириши керак. Таnlаб олинган мавзуни ёритиш учун 3-4 савол қўйилади, кириш ва хулоса берилади. Даилиллар, статистик маълумотлар тўпланади. Шу таҳлил қилинаётган масала бўйича мавжуд фикрлар, қарашлар баён қилинади. Талаба уларга ўз нуқтаи назарини билдиради.

Шуни назардан қочирмаслик керакки, касбий таълим методикаси барча мутахассисликлар бўйича ўрганилади. У олий маълумотли, малакали мутахассис тайёрлашда, барчани иқтисодий психологиясини, дунё қарашини, касбий фикрлашини шакллантирадиган предмет сифатида, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам

ёдда тутиш керак. Предметнинг мазмуни ҳам қаттиқ мантиқий изчилликни, сабр-тоқат, тиришқоқликни талаб қиласи.

Умуман олганда реферат, доклад, курс иши каби мустақил ишлар энг аввало, талабага тўпланган, улар ичидан танлаб олинган ахборотларни мағзини чақишига, англаб етишига ёрдам беради. Иккинчидан, энг муҳими ўз фикрини ёзма равишда баён қилишига ўрганади.

Илмий доклад ҳақида тўхтадиган бўлсак, қўп жиҳатдан курс ишига қўйилган талаблар билан бир хил ва шу тартибда ёзилади. Фақат илмий доклад танланган мавзуни курс ишига қараганда ҳам чуқурроқ ўрганиш, далиллар, статистик маълумотлар тўплаш, улар асосида зарур иқтисодий қўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни таҳлил қилиш хуоса чиқариш, ҳамда ўз таклифларини баён қилиш билан ажралиб турди. Бошқача айтганда, когнитив - яъни билишнинг энг юқори даражаси б-босқичи баҳолаш даражасида фикр юритилади.

Мустақил бажариладиган ишлардан яна бири иқтисодий масалаларга бағишлиланган илмий адабиётларни ёки ўқув адабиётларини конспект қилишдир. Конспект қилиш - талабани фанни ўзлаштириши учун катта ёрдам беради. Лекин энг асосийси талабалар конспект қилишни тўғридан-тўғри кўчириш деб тушунмасликлари керак.

Берилган топшириқни бажариш ўқишдан бошланади. Ўқиш бу ҳали ўзлаштириш эмас. Ўқиши, ўқилган матнни англаш керак. Тушуниш, ўзлаштириш учун қўшимча равишда ақлни ишлатиш талаб қилинади.

Ўзлаштириш бу ёдда сақлаш дегани эмас, албатта, у ўзлаштиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, ўқиш бу уқиши эмас. Тушуниш бошқа, тушунганини ўзлаштирилганини ёдда сақлаш эса яна бошқа нарса. Ҳаммаси ҳам ақлни ишлатишни алоҳида ҳолатини талаб қиласи. Ўқишига минимум вақт ва куч сарфлашга ҳаракат қилиб асосий диққатни тушунишга, тушунганини ёзишига, ёдда сақлашга ҳараакат қилиш керак. Сарфланадиган вақт, уни ўқишига қанча ва тушуниш учун ўйлашга қанча сарфланиши мавзуга, унинг мураккаблик режасига боғлиқ.

Талабаларни касбий фанларни ўрганишларида иқтисодий муаммоларга бағишлиланган энг яхши адабиётлар билан таништириш, етакчи олимлар билан учрашувлар ташкил этиш муҳим рол ўйнайди.

Ундан ташқари илмий тўгарак ишини мунтазам ташкил этиш, талабаларнинг ижодий кунлари илмий даврлари, анжуманлари, конкурслари, олимпиада ва кўргазмаларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш шубҳасиз талабалар фаоллигини оширади. Уларни фанни ўрганишга рағбатлантиради.

Талабаларни мустақил ишларни бажариши бўш вақтни режалаштириш билан боғлиқ. Бунда дарсдан кейинги вақтни қандай ўтказишни режалаштириш муҳим рол ўйнайди.

Ақлий меҳнат қилиб чарчашиб, жисмоний меҳнат қилиб чарчаганликка ўхшаб, яққол билинмасада, лекин кишининг мияси толиқади. Унинг психологиясига таъсир қўрсатади. Сурункали руҳан ва ақлан чарчашиб жисмоний чарчашиб қараганда кўпроқ соғлиққа салбий таъсир қўрсатади.

Шунинг учун чарчаганда дам олиш керак. Ҳамма учун дам олиш тартиби бир хил бўлмайди. Бу ўз-ўзидан маълум. Ҳар бир талабанинг ўзи дам олиш ва ишлаш тартибини белгилайди. Лекин шунга қарамай ҳар бир талаба ёдида тутиш керак, аудиторияда 6 соат дарс жадвали бўйича ўқигач, маълум вақт мияси дам олиши керак. Психология бўйича мутахассис Олимларнинг фикрича камида 3 соат бошқа юмушлар билан шуғулланиши, дам олиши, айниқса, очиқ ҳавода сайр қилиши тавсия қилинади. Дарс тайёрлагандан мустақил равишда азабиётлар билан ишлаганда ҳар бир ярим соатда 10-15 минут дам олишни маслаҳат беришади. Энг яхши дам олиш шакллари В бу ҳаракатга асосланган: сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш, уй юмушларини бажаришдир. Ҳатто 10-15 минутлик танаффусда, радио эшитаёган чоғда ҳам тик туриб Ҳаракат қилиш, чуқур нафас олиш, дам олиш пайтида ўрганилаётган предмет ҳақида ўйламаслик керак.

Кўзлаган ишни бажаргандан кейинги дам олиш, бажармай дам олишга қараганда қўнгиллироқ бўлади. Буни ёдан чиқармаслик керак. Чунки бажарилиши зарур бўлган ишни ташвиш юкидан халос бўласиз.

### **Асосий таянч иборалар:**

Мустақил иш, илмий доклад, курс иши, реферат, иш тартиби, бўш вақт, матн тайёрлаш, ўз устида мунтазам ишлаш, мустақил тайёрланиш, конспект қилиш, семинар дарсларига тайёрланиш, курс иши ёзиш, ишлаб чиқариш амалиёти.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Талабалар учун мустақил иш бажаришнинг нима аҳамияти бор?
2. Сизнингча талабалар мустақил ишини қандай ташкил қилгани маъқул?
3. Курс иши ёзишда талабаларга қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?
4. Илмий докладни курс ишидан нима фарқи бор?
5. Талабалар ўз кун тартибларни режалаштирганда нималарга аҳамият беришлари керак?

## **12 боб. ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ВА МУТАХАССИСЛИК РЕЖА:**

- 1. Тарбия жараёнида миллий онгнинг шаклланиши.**
- 2. Тарбия жараёнининг ўзига хос томонлари.**
- 3. Илмий педагогик тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўрганишдаги ўрни.**
- 4. Илмий тадқиқот усуллари.**

### **1. Тарбия жараёнида миллий онгнинг шаклланиши**

2006 йил 6 апрель куни Оқсарайда миллий мафкурага бағишенган йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог олимлар қатнашган эдилар. Энг муҳими биринчи навбатда ўқув юртларида, Олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган талабаларимиз учун ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш бугунги кундаги долзарб масаладир. Педагогика фанининг бугунги кундаги асосий вазифаси талаба ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришdir.

Президентимиз мустақиллигимизнинг ilk паллаларидан бошлабоқ халқимизнинг ойдин манзилларга жадаллик билан етишишида – миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурасининг зарурятини қайта-қайта таъкидлаб келади. Миллий ғоя миллатни, халқни улуғ мақсад йўлида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи қўдрат эканлигини уқтиради.

Юртбошимизнинг эълон қилинган «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли сұхбатида турли заарли, ёд мафкуралар таҳдид солиб турган бугунги кунда мукаммал миллий мафкурани аҳамияти, фарзандларимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш зарурати ҳақида батафсил тўхталиб, миллий истиқлол мафкураси концепциясида қандай мақсадлар ва қандай устивор ғояларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини аник ва лўнда қилиб кўрсатиб берди.

Таъбир жоиз бўлса, сұхбатда мафкурамиз концепциясининг тугал шархи истиқлолимизнинг шижаотли меъмори томонидан чизиб берилган.

Тил билан тафаккурнинг боғлиқлилиги биринчисини иккинчисисиз мавжуд бўлолмаслиги Шарқ фалсафасида ҳам асосий нуқталардан биридир. Демак, ҳар бир халқнинг ўхзига хос тафаккур тарзи ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам «миллий онг», «миллий тафаккур», «миллий туйғу» каби Олий тушунчалар, минг йиллардир истеъмолда бўлиб келмоқда.

Табиийки, миллий тафаккур ривожининг тамал тоши она тилидир. Она тилига муҳаббат, она тилида событлик миллий тафаккур парвозини мунтазам таъмин этадиган муқаддаас туйғулардир. Миллий мафкурамиздаги ўзак жиҳатлардан бўлмиш миллий ўзликни англаш, яъни аждодларимизнинг Ким эканлигини теран идрок этиш, ўз халқининг жаҳон тараққиётидаги ўрнини чуқур англаш ва шу халқка мансубликдан ғуурулана билиши чинакам миллий тафаккурсиз мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «миллий мафкура – бу халқнинг, миллиатнинг ўтда ёнмайдиган ўлмас эътиқодидир». Она тилига мухаббат миллий мафкурамизнинг устунларидан бири сифатида анна шундай эътиқоднинг фарзандидир.

Миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилиши лозим бўлган давлат сиёсати тушунчasi жамият ҳамда шахснинг муҳим ҳаётий ва миллий манфаатларига зарар келтирадигантурли хавф-хватарларни аниқлаш, олини олиш билан бирга уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларни ҳам ўз ичига олади. Талаба ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда илмий-педагогик тадқиқот методлари қўл келади.

## **2. Тарбия жараёнининг ўзига хос томонлари**

Метод-(лотинча- *metodos*-йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот деб таржима қилинади. Илмий тушунча сифатида «метод» сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода – табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва қонуниятларини билиш мақсадида қандайдир вазифани ҳал этиш усулини билдиради.

Педагогика фанининг методологик асоси ва амал қиладиган негизи Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида» ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», И.А.Каримовнинг асарлари, Олий мажлис материаллари ва бой илмий-маънавий мерослардир.

Объектив дунёни билиш, назарияда нимани ўрганиш ва ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика фани ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуслари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий тадқиқот усуслари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишининг реал жараёнларига мос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситаларимажмуи тушунилади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуслари қанчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини англаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Аммо шуни таъкидламоқ зарурки, илмий тадқиқот методлари тизими ҳали ҳозиргача фанда тўла яратилган эмас. Мавжуд ва ишлаб чиқилган қуидаги илмий-тадқиқот усусларига таяниб фикр юритиш мумкин:

1. Педагогик кузатиш усули
2. Суҳбат усули
3. Болалар ижодини ўрганиш усули
4. Сўровнома, тест усули
5. Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш усули
6. Эксперимент, тажриба, синов усули
7. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш усули
8. Математика-кибернетика усули.

Педагогик кузатиш- одатда табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг ҳулқ-атвори ва муомалаларидаги

ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир қўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини Бирон бир мақсадни кўзда тутиб идрок этишни ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш обьекти, вақти педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристика ва хокозолар ҳисобга олинади.

Қайд этиш усулига қараб кузатиш турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён қузатувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ҳаказоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд қилаш усули Бирон-бир ҳодисанинг оқибатлари ҳакида фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбобни қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситалари (кинофотосъемка, видеозапись, телевидение ва ҳаказо)ни қўллаш билан тобора кўп қўлланилмоқда.

Суҳбат методи-сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида – мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан якка ва гурухли тартибда иш олиб борилганда қулланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб, интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилиш назарида тутади. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки касетага ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва практикасида интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гурухлар билан;
- интенсив;
- синаш ва ҳ.қ.

### **3. Илмий педагогик тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўрганишдаги ўрни**

Болалар ижодини ўраганиш – ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларга доир омиллар таҳлил қилинади, хulosалар ясалади.

Педагогик сўраш методи – тадқиқотнинг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳакида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қиласди. Сўраш саволларнинг мантиқий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни («ҳа», «йўқ») ҳам тақазо этиши мумкин.

Тест, сўровномалар – бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билаш аниqlаш, ўқувчиларнинг якка ва гурухли фикрларнификларни, қарашларни, қандай касбларга қизиқишиларни, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хulosалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест саволларидан

кўзланган мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири бўй тест ёрдамида синовдир.

Тест ёрдамида синов ўқувчи ёки мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аинқлаш ёки боҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликларида келтирилган ва баҳолаш жараёнида ЭҲМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги такидланган. Тест саволлари ва масалаларининг жозибадорлигига сабаб, унинг қисқа ва лўндалиги, тўғри жавобни умумий жавоблар ичида борлигива уларнинг ўқувчиларга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши, унинг топишмоқли ўйинга ўхшашлиги ва жавоб топишда хотира, индукция ва топшириклар қўл келади. Тест саволларини чоп этиш ўқувчиларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовини олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига кириш имтихонларида қўллаш қўйидаги қатор натижалар берди.

Имтиҳон оловчи билан имтиҳон топширувчи орасидаги субъектив сабаблар ва психологик тўсиқлар йўқолади. Барчаabitуuriентларга бериладиган имтиҳон шароитлари вақти вариантларнинг мураккаблик даражаси, баҳолаш критериялари деярли бир хил бўлишига эришилади.

Тест натижаларини ЭҲМ ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш амалга оширилди, ўқувчиларнинг қайси фандан ва унинг қайси бўлимидан билимларнинг паст ёки юқорилигини баҳолаш ва унинг қайси бўлимидан билимларининг паст ёки юқорилигини баҳолаш ва унинг республикамиз регионлари, ҳатто айрим мактаб-лицейлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Иқтидорли ёшларни танлаш, олимпиадалар ўтказиш жараёнларини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди.

Олий ўқув юртига кирувчилар учун тест синовии атиги 3 та фандан бўлиб, албатта бу етарли эмас. Улар бир неча фандан ва бир неча босқичдан иборат бўлиши керак. Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига кирувчи ёшларнинг нутқи, тил бўйича саводхонлилигини назорат қилувчи ёшларнинг фақат тестларни механик равишда ёдлаш ва тилга, бошқа бошқа фанларга эътиборсизлилигига барҳам берилиши мумкин.

Тест синовлар методи- бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йифиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён Пировард натижада тадқиқотнатижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

#### **4. Илмий тадқиқот усуслари.**

Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш усули- бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабабларитавсифи,

ўқувчиларнингш фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишининг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари, турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади. Эксперимент –тажриба-синов усули-ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули-халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Масалан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш самарадорлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, ТДИУда аспирантурага университетни муваффақиятли тамомлаган, илмий тадқиқот ишларига қизиқувчан тадқиқотчилар, изланувчан мавзулари аниқ бўлган, номзодлик имтихонларини топширганлар қабул қилинади. Бундан ташқари, бошқа муассасаларда ва Олий ўқув юртларидаш ишлайдиган, кафедра ва деканатлар билан бевосита алоқада бўлган «Халқ сўзи» ъгазетасида чиққан эълон бўйича конкурсда қатнашиш ниятида бўлгандардан ҳам аризалар тушади.

2006 йил 1 январгача ТДИУнинг аспирантурасида 345 киши таҳсил олди, жумладан 260 киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 79 киши. Шунга ўхшаган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Математика ва кибернетика усуллари- ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси вакибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциалва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

Социологик тадқиқот методи-анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба-ёшларнинг касб-хунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талabalар орасидаги дўстлик муносабатларини ТДИУдаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни динга, хусусан тасаввуфга бўлган қизиқишлирини аниқлаш, талabalарни маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёқи, адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, ўқув тақсимоти, профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўқув қўлланмаларининг сифати, компьютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш, университетда қўлланилаётган тестлар талabalар назарида, илмий ва касбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, стипендиялар миқдори, стипендиялар талabalар харажатларини қанчалик қоплайди, ҳақ тўланадиган ишларда талabalар қатнашищдими, ота-оналарининг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талabalарнинг кўп шуғулланадиган жамоат жойи, яшаш жойи, илмий дунёқарашини шаклланишида таъсир этувчи омиллар, мутахассис бўлиб етишишда таъсир этувчи омиллар талabalарнинг онглийк даражаси жараёни, комил инсон бўлишлари учун керакли бўлган маънавий сифатлар, комилликка эришиш

учун тезроқ қутулиш керак бўлган салбий сифатлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим ҳақида»ги қонуннинг моҳияти ва мазмуниҳақидаги талабаларнинг фикрлари, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобига муносабати, ўзлаштирганлик даражаси ҳақидаги саволлар анкетага киритилади. Савол жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хуносалар чиқарилади.

### **Асосий таянч тушунча ва атамалар**

Тарбия жараёни, илмий-педагогик тадқиқот, метод, мутахассислик, педагогик кузатиш, сухбат, тест, сўровномалар, Хужжатларни таҳлил қилиш, эксперимент, статистик маълумотлар, социологик тадқиқотлар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тарбия жараёнида миллий онг қандай шаклланади?
2. Тарбия жараёнининг ўзига хос қандай томонлари мавжуд?
3. Илмий педагогик тадқиқот услубларини илмий манбаларни ўрганишдаги ролини нимада кўрасиз?
4. Мавзунинг қандай илмий-тадқиқот усуллари мавжуд?
5. Илмий педагогик тадқиқот орқали нималарга эришиш мумкин?

## **13 боб. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ.**

**РЕЖА:**

- 1.Педагогик маҳорат ҳакида тушунча.**
- 2.Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.**
- 3.Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш**
- 4.Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологиянинг моҳияти**
- 5.Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи.**

### **1. Педагогик маҳорат ҳакида тушунча.**

Хозирги кунда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма—босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топширигини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мугахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий —сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Шундай экан, ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик — психологик ва услубий билим ва малакаларни эгаланган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечишни, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши керак. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган авлодни тарбиялаш нозик, нихоятда катта диққат—эътиборни талаб қиласидиган, ички зиддиятли жараёндир. Шундай экан, ўқитувчи, ўқувчи ва талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараённи бошқарап экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва технологиясини ва професионал педагогик маҳоратни эгаллай олади. Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи аввал, педагогика фанининг методологик асосларини шахс ривожланишининг конуниятлари ва омилларини, кадрлар тайёрлаш миллий, дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши керак. Таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англамокдалар.

Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошира боришга, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибалариниг ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интилмоқдалар. Аммо шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ўкув юртларида айрим ўқитувчилар ўз педагогик

мақоратларини ошира боришининг аҳамиятини етарли даражада ҳис қилмайдилар, таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини талабларини чукурроқ ўрганишга қизиқмайдилар, ўкув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш, амалиёт билан боғлаништага юзаки қарайдилар, ўқитилаётган ўкув фанларининг илмий ва ғоявий тарбиявий бирлигини доимо эсда тутмайдилар. Бу эса улар қулида таълим олаётган ўқувчи, талабларнинг билим даражаси ва савиясининг етарли эмаслигига, ўкув дастурларини ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлмокда.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаган борар экан, бу ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик мақоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин.

Шундай экан, ўқитувчилик катта санъатdir. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз — ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинаккам мураббий бўлишига ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чукур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий—сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира борувчи, мустақиллик ғояси ва мафкураси билан пухта қуроллантирилган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан — наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у қар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалари билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан синф, аудитория машғулотларида яққол кўринади. Чунки ўкув машғулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўкув юритидаги асосий ишидир. Шу сабабли у илмий, ғоявий ва ом мабоп бўлиши, турмуш билан ўтувчи талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан боғланиши зарур. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи талабалар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр олишув, самимий муносабат, қурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва насиқатгуйликдан иборат бўлган, расмият учун юзаки ўтказиладиган дарс маъруза ва бошқа ўкув машрутлари ўкувчи талабаларни қизиқтирумайди, уларни илмий, ғоявий жиҳатдан етарли озиқлантирумайди. Шундай экан, ўкув машгулотларини шундай ташкил қилиш керакки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши керак.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидағи обрўсига, шахсий

сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир. Давлатимиз рақбари И. Каримов Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида: «Бирони ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон аввало ўзи ҳар томонлама баркамол бўлмоғи шарт». Замон талаблари: профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Педагогик фаолият самарали ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади деб таъкидлайди Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, нутқ қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, муомала қила билиш қобилияти кабилар. Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланмайди. Бу касбий танланган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда бўлаётган воқеликни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун канчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳакида фикр юритар эканмиз, унинг онглигига, миллий ғоя ва мафкурага содиқлигига, билиш ва фикр доирасини кенглигига ўз вазифасига муносабатига эътибор бермоқ керак. Айниқса, педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доираси кенг бўлиш зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки, кишида билим, фикр мукаммал бўлмаса, у камолатга эриша олмайди. Дарҳақиқат, киши у ёки бу масалани, албатта фикр орқали ҳал этади. Шунинг учун педагогик маҳорат соҳиби бўлишга интилган киши, шубҳасиз ўз билимини доимо кенгайтириши, ўқувчи – талабага маънавий—ахлоқий таъсир этувчи ғоя ва фикрларни янгилаб бориши зарур. Бунинг учун кўп ўқиши, ўрганиши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига баҳо беришда уни таълимни қай даражада ташкил қила билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз таълимда дарс ва маъruzalarни мукаммал ташкил қилишни ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтилган мавзулар ёшлар онгига ўзок сақланади, уларнинг иймон, эътиқоди ва мафкураларининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шу сабаб, ўқитувчининг илмий савияси ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати, дастлаб дарс ва маъruzalarда кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва маъruzazining сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда ўқитувчи уюштирган ўқув машғулоти, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг равнаки, эртанги кунга бўлган ишонч, халқимизнинг ақл —заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва қурувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда биринчи навбатда ёшларимиз ўз мураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар. Уларда романтик орзулар уйғонсин, тафаккури ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш — ўрганиш ва меҳнатга ҳавас кучайсин. Улар ўкув машғулотидан сўнг олган баҳолари билан эмас, балки билим ва малака ҳосил қилганликларини, маънавий озиҳ олганликларини ҳис қилсинлар. Таълимнинг мазмундор, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз билан шогирдлар қалбини, руҳини бир — бирига мустаҳкам боғлади, улар ўртасидаги самимий ҳурмат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Бунинг учун ўқитувчи аввало ўз фанини ва уни ўқитиши йўл усусларини мукаммал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи — мураббийга хос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, улар ҳаётига қизиқтириш ва руҳий ҳолатларни билиш ва тушуниш, босиқлик, ҳис — туйғуларини бошқара олишлари, ташқи кўриниши, кийиниши маданиятига эътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаолликлари, айниқса, омма ўртасида илмий — маърифий ва маънавий — маданий ишлар тарғиботчилари бўлишлари лозим.

Шундагина мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи ёшларимиз ўз мураббийларини номини зўр эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Қонунида кўрсатилганидек, ўз фанлари бўйича тегишли маълумот эгаси, юксак ва касбий тайёргарлиги ва юқори аҳлоқий фазилат эгаси бўлишлари керак.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асрларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.**

Бугун ҳар бир фикрловчи инсон XXI асрнинг, янги асрда ўзиг яқинлари, касбдошлари, тенгдошларининг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти қандай бўлишини ўйлаши табиий.

Ўтган асрнинг аҳамияти, қадр — қиммати, тарихийлиги яна шундаки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Мустақил давлат ўзининг асосий қонуни — Конститутцияси билан кафолатланган бир қанча муҳим тарихий хужжатларига эга бўлдики улар орасида Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутади. Ундаги ғоялар, аввало, XXI асрда яшайдиган, ижод қиласиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи инсонларнинг манфаатини ифодалайди. Даструрда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида шу нарса алоҳида белгиланадики, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш таълим—тарбия даструрларининг интелектуаллашувини таъминлайди. Ўтган асрни сарҳисоб қилиб, янги юз йиллик ва минг йилликнинг қандай бўлишини тасаввур этарканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида янги таълим даструрларида назарда тутилаётган замонавий ахборот технологиялари, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишини назарда тутмоқдамиз. Зоро, миллий даструрни руёбга чиқаришга доир ташкилий

ишиларда эътироф этилганидек, «Таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш» малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим мезонлариданdir. Демак, янги аср — информацион технологиялар асри бўлади. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, янги аср халқаро, иқтисодий корпорация — жаҳон миқёсидаги, ақл — заковатнинг бирлашуви асри бўлади.

Хўш, ахборот технологиялари нима-ю, уларнинг инсон идроки, тафаккури ва онига сингдиришда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Бугун биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашини, уларни таълим сифатини ошириш, ахборотлар ва телекоммуникация технологиялар ҳамда масофали таълимни ривожлантиришга таъсири қандай бўлишини тасаввур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда «таълимнинг компьютер технология»лари ибораси «ахборот технология»лари ибораси «ахборот технологиялари» ибораси билан алмаштирилиб юборилади. Бу ўринда асосан анъанавий педагогик технологиялардан фарқли, компьютер тармоқларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти ортиб бориши, халқ хўжалигининг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Бугун биз бир нарсани аниқ тасаввур қилишимиз керак? Мавжуд ҳолат, ахборотлар оқимининг негизлашуви инсон хотирасига ортиқча юқ, шахснинг тафаккури ва фикр юритиши жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмайдими? Онгга етиб келаётган ахборотлар орқали шахснинг мавжуд маданий—маърифий муҳитдаги мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим—тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларини ишлаб чиқишимиз лозим. Шу ўринда биз ахборот технологияларни таълим жараёнига сингдиришнинг афзалликларини эътироф этишни ҳоҳлардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланилиши талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришни баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта — қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор. Бу нарса айрим талабаларда, гуруҳ шароитида ишлаганда кузатиладиган ийманиш каби сифатнинг намоён бўлмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, ҳар бир профессор ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш услуби дидактик услуби мавжуд. Компьютер орқали ёки

масофали алоқа воситаларидан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услугиётларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни ўзатиш технологиялари, билимларни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини қучайтириш мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш керак жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни ҳам маблағни тежайдики, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арzon бўлади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория ҳоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Нихоят, улар ахборот асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстирадиган, улардаги техник воситалардан чўчиш ҳиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг ё бу нарсага сарфланган маблағлари беҳуда кетмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Агар бу ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олсак, улар ҳалқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф —одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истиқболига хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Маълумки, педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп микдорда кириб келади, чунки айни шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунончи бутун ўқитишининг тежамкорлиги ва оқилоналиги ўқитувчи, техника ва технология, таълим иқтисодиёти, ўқитишини компьютерлаштириш ва шунга ўхшашлар ҳақида тез—тез гапирилмоқда.

Адабиётларда «Янги тартиб қоида», «Янгилик», «Инновация» тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд. Янги тартиб қоида моддий маънода ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиласидиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий система учун янги бўлган ғоя фаолият ёки моддий объектни англатади. «Янги тартиб қоида», «Инновацион жараён» атамалари айнан ўхшаш бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошлангандан буён, янгилик киритиш, мавжуд таълим ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш сифатига у билан ёнма — ён келмоқда. Янгилик — бу техник, технологик ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усувлар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари, тарбия усувлари ва бошқаларни киритиш ҳамда кўлланишга хосдир.

Француз олими Э.Брансуик педагогик инновацияларнинг уч турини ажратади:

1. Янгиликлар — тўла янги ва илгари номаълум бўлган таълимий ғоялар ҳамда ишлар бўлиб, унда бутунлай янги ва оригинал ғоялар жуда камдир.

2. Янгиликларни энг кўп микдори мослаштирилган кенгайтирилган ҳамда қайта ишланган ғоялар, ишлар бўлиб, улар маълум муҳит ва вақт ичидаги долзарб бўлади.

3. Педагогик янгиликлар ушбу ҳолатда юзага келади: мақсадлар ўзгарган шароитларда такорий қўйилиши муносабати билан баъзи илгари мавжуд бўлган ишлар қайта янгиланади. Бу уларнинг ва маълум ижобий ғояларнинг муваффақиятли бўлишига кафолат беради.

Таълим ижтимоий тизимининг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасига умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуидаги асосий янгиликлар хосдир.

- молиялаштириш ва бошқариш соҳаларидаги ўзгаришлар;
- таълим тизими тузилишидаги ўзгаришлар;
- таълим технологиясидаги ўзгаришлар.

Шундай қилиб, янги техник воситалар, янги технологиялар таълимда янги тартиб қоидаларга киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир. Бироқ уларни қандай қилиб тадбиқ этиш ва амалда фойдаланишни билиш аслида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик, катта куч ва кўп вақт сарфлаш лозим, яъни таълимда инновацион жараёнларига тадбиқ этилиш билан, ўқитувчининг роли пасаяди эмас, балки ўқув —тарбия жараённинг бурчак босқичларида яна ҳам ортади. Бу эса педагогикадан ўз илмини янгидан, танқидий таҳлил этишини талаб этади. Чунки янги тартиб қоидалардан фойдаландими ёки ахборот манбаи сифатида келиб кетадими, бу нарса айни ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ўқув технологиясининг бевосита тартиб қоидаларга жиддий тайёрланган, йўл—йўриқ олган, мосланган, рухланган бўлиши лозим.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ижодкорлик шахсиятини шакллантиришга интилишида, педагогик одобнинг намоён бўлиши, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, юмор ҳиссини ривожлантириш, қизиқарли, қўйилмаган, саволларни қўйиш ўқув, ўқувчи — талабаларни савол беришга жалб қилиш ўқув ва х.к. орқали амалга оширилиши мумкин.

Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларини ишлаб чиқиш қобилиягини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчи иқтидорли ҳисобланади. Педагогик ижодиёт ўз моҳиятига кўра одамнинг янги билимлари ҳосил қилиш ва такомиллаштириш бўйича ижодий ишининг касбий—маҳсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитища доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижалари янгиликнинг асосий намоён бўлиши шакллари кундалик ўқув — тарбиявий муаммоларни ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усусларини методик ва

назарий ишлаб чиқиши ихтиро этиш, такомиллаштириш якунлари ва улардан самарали фойдаланиш усуллардан иборат бўлади.

Республикамиз мустахкамликка эришиш билан бой тарихий маданий меросимиз кенг кўламда ўрганила бошланди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: Жамиятимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар туфайли дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюқ аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган инсоний маънавий юксак ахлоқий маданият, чиройли миллат анъаналаримиздан фойдаланиш имконияти очилди.

Янги таълим тизими мазмунига ўтмишнинг кимматбаҳо маънавий қадриятларни киритиш ва унугилаёзган ёки тақиқланган баъзи бирларини қайта тиклашдан мақсад, ўтмиш олдида эгилиш эмас, балки унга таяниб, ижодий фойдаланган ҳолда унга таяниб ижодий фойдаланган ҳолда ривожланишнинг янги погонасига чиқиши демакдир.

Бугунги кунда биз янги кўринишдаги қасб-хунар таълим тизимини ишлаб чиқишида Туркистон цивилизациясининг энг кўп гуллаб - яшнаган давридаги, яъни VII – XII асрлардаги меҳнат ва қасб таълим тажрибаларига таянмоғимиз лозим: Ўша давр маданияти ва фанининг асосини таълим ташкил этиб, ривожланишнинг энг юқори чўққиларига эришиб, файласуф ва педагоглар ғоялари аниқ концептуал шакл эгаллаган эди. Ҳозирги замон атамаси билан айтганда, таълим ва тарбия илм – бу узлуксиз равища маънавий, жисмоний ва ақлий салоҳиятини ривожлантириш жараёнидир. Бу давр файласуфлари инсоннинг маънавий, жисмоний ва ақлий хусусиятларини якка мужассамликда, деб белгиланган. Бундай фалсафий педагогик концепция таълим жараёни шахснинг маънавий ахлоқий хусусиятларининг бошланғич тизимининг ҳосил қилувчи омил деб эътироф этилади. Бу концепциялар мазмuni фақатгина файласуфлар ишларида эмас балки хунармандлар рисолаларида ҳам ўз аксини топган.

Рисола-бу хунармандлар ва уларнинг ўқувчилар учун мўлжалланган қўлланма бўлиб, урф-одат, расм-руsum турли удумлар мажмуасидир, рисолалар кичик хажмдаги китобча шаклида бўлиб, уларнинг мазмуни ушбу соҳа хунармандчилиги бўйича машғулотлар ва баъзи бир панду-насихатларни ўзида мужассамлаштирган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, деярли барча рисолалар бир хил қолипда тўзилган бўлиб, одатда китобчанинг бошларида бутун олам эгаси бўлган Оллоҳ пайғамбарлар ва унинг барча чориёрларини кўкларга қўтариб макташ, сўнг ушбу хунармандчиликнинг Оллоҳ неъмати эканлиги кейин хунарманд иши бошланадиган ва ҳар бир ҳатти—ҳаракати ёки лозим бўлган қуръон оятлари ёки ушбу жараёндан олдин айтиш лозим бўлган қуръон оятлари ёки бошқа дуолар, уста хунармандларнинг маънавий—ахлоқий сифатлари ёритилади.

Биз рисолаларни тадқиқ этиш натижасида, улар ўрта аср хунармандлигига ўзига хос педагогик қўлланма сифатида хизмат қилганлигига, рисолаларда замонавий тил билан айтганда хунарманд қасбий фаолиятнинг мазмунини кўрамиз.

Ўзбекистан мустақилликка эришган даврда миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Чунки давлатнинг асосини маънавий ташкил этади: маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон келажагининг пойдеворидир» номли маъруzasida таъкидлаганидек «Бизнинг мамлакатимиизда ўзимизнинг маънавий қадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш, ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда».

Ёшларни мустақил билим олишга ўргатиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида: «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллий қадриятларни, бир сўз билан айтганда, ўзини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳам жамиятда ўзига муносаб, обрули ўрин эгаллаш учун фидойилик билан қўрашиш мумкин», деган эди. Шу ўринда таъкидламоқ лозимки, бугунги кунда ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир. Маънавий интеллектуал шаклларини сифатларини замонавий усулларда аниқлаш тарбиявий жараёнга самарали ўзгартиришлар киритади. Ўқувчи—ёшларнинг, талабаларнинг маънавий—интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларни рағбатлантириш тизими, тарбия мазмуни, усуллари ва ташкилий шаклларини яхшилашга мос кўзатишлар киритиш лозим. Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимирга бойитишга, улар шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига таъсир кўрсатади.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг З вазифаси борлигини алоҳида уқтиради.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартларига қандай бажарилаётганлигини назорат қилинади ва вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлиар пайдо бўлади.

Чет эл тажрибалари ва кўплаб тажрибаларнинг натижаси улароқ рейтинг услуби бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинди.

Рейтинг деганда — баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган кўрсаткич бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда аниқ вазифани такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва микдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг

бирон шаклини қизиқтирувчи, бирон аниқ топширик шаклидаги синов күроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуидаги белгилаш мумкин:

- назорат учун кам вақт сарфланади,
- назорат ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради,
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин.
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган.

Ҳар бир фаннинг талаба ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ўтади. Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабанинг семестр давомидаги, фанлардан тўплаган баллар йиғиндиси эса талабанинг ўзлаштиришни баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равища олиб борилади ва қуидаги назорат турлари орқали баҳоланади:

- жорий назорат;
- оралиқ назорат;
- якуний назорат.

*Жорий назорат* — бу ўрганиладиган мавзуларни ўқувчи-талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равища дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан қандай ўзлаштирганини мунтазам равища дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориши кўзда тутилади.

*Оралқ назорат* — бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлиб ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демакдир. Оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

*Якуний назорат* — бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитиб бу/шнган, ўтилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади. Талабани фан бўйича семестрдаги рейтинг баҳоси жорий оралиқ ва якуний назоратларда тўпланган баллари бўйича аниқланади.

Ўқув педагогик ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари даврида олинган билимлар ҳам рейтинг баллар билан баҳоланади.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда келиб жаҳонга ўз номини танитди. Иқтисодий—сиёсий жиҳатдан юксалди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишда бугун келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди. Мустақил давлат ўзининг муқим тарихий ҳужжатларига эга бўлди, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутади.

Дастурда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан шу нарса алоҳида белгиландики, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш таълим—

тарбия дастурларининг интелектуаллашувини таъминлайди. Демак, янги аср—информацион технологиялар асри бўлади.

### **3. Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш.**


Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маъruzалар, расмий хужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Замонавий педагогик технология» тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Аммо, ҳозирги вақтда «Педагогик технология» тушунчаси ҳали ҳам бир тизимга туширилмаган, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун мазкур иборанинг бир — биридан фарқланадиган кўпгина таърифлари мавжуд. Берилаётган таърифлардан, ҳозирги вақтда кўпгина хорижий давлатларда талқин қилинаётгани ЮНЕСКО таърифидир. У қўйидагичадир:

«Педагогик технология — бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини ўз олдидағи таълим шаклларини самарадорлаштириш вазифасини қўлловчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методир» (ЮНЕСКО).

Бу таърифдаги асосий тушунча «тизимли метод» эканлиги аниқ, қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизимли сифатидаги таркибий қисмларини ифодалайди. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир — бири билан боғлиқликда лойиҳалаш кўпгина анъанавий ўкув жараёнида етишмайдиган нарсадир.

Умуман олганда, педагогик технология — бу ўқитишга ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндашувидир. У педагогиканинг ижтимоий — мухандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгининг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашви ҳисобланади. Ҳозирги кунда олимлар орасида педагогик технологияга қизиқиш кучайганлиги кўзатилмоқда. Аммо ҳозирги вақтда Республика миқёсида янги педагогик технологияларни аниқлашнинг ягона талаб мезонлари белгиланмаган. Аниқланган педагогик технологияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ҳам келтирилмаган ва хоказо. Биз ҳозирги кунда Республикаизда илк бор тадбиқ қилинаётган янги педагогик технология йўналишлари, тушунчаларини умумий кўринишда беришга ҳаракат қилдик. Бизнинг вазифамиз академик лицей, коллеж ўқитувчиларида технологик ёндашув тўғрисида минимал зарур ахборотини беришдан иборат.


Таълим — тарбия жараёнининг самарали бўлишини таъминлаш, янада юқори босқичга кўтариш, бугунги кунда ўқитувчидан таълим жараёнининг боришини қайта—қайта атрофлича чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Таълим жараёнида сунъий равишда ташкил қилиниб, қатор педагогик омилларнинг натижасида қўйилган мақсад амалга ошрилади, яъни (расмга каранг)



Мазкур тизим анъанавий таълим технологиясининг табиий модели бўлиб, у йиллар давомида такрорланиб, ўқитувчи, талаба ҳаракатининг инстинктига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам дарс тузилишидаги ўқув-билув жараёни юқоридаги расмга бўйсндирилган. Ўқитувчи фаолият давомида дидактик принципларга амал қиласи, методлар танлайди ва ҳар бир дарс ягона тугалланган ўқув бирлигига айланиб қолади. Дарсни ташкил қилиш унинг давомийлигини таъминлаш, унинг босқичларига амал қилиш талабаларнинг билимларини ўзлаштиришнинг яккаю — ягона воситаси ҳисобланади.

Анъанавий таълим технологияси сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, баҳолашдангина иборат ва ушбу тартиботни амалга оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати ёрдамга келади ва оқибатда услубий хизматнинг барча воситалари ўқитувчининг касбкор маҳоратини оширишга қаратилиши заруратга айланди. Ўқитувчи методи таълим технологиясига мос тушмайди, яъни таълим олиш технологияси жараёнида ўқувчи асосий обьект бўлса методик хизмат соҳасида эса ўқитувчи асосий обьект ҳисобланади. Дарсда ўқитувчи бош фигура. У ахборот бериш, сифатли ўқитиш билан овора, лекин ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш даражалари ҳар хил, хохиш — истаклари турлича, улар пассив эшитувчи, қулоқ соловучи, бу уларнинг ўқув жараёнидаги маъсулиятини, жавобгарлик хиссини сусайтиради. Демак, улар мустақил фикр юритиш, мулохаза қилиш, хулоса чиқаришдан йироқ. Дарс жараёнида, таълим — тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёни субъекти бўлиши керак, яъни ўқиши- ўрганиш, мutoала қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак. Ўқитувчи эса ўқитишдан ўқишини ўргатишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллашларига кўмаклашиши зарур. У ўқувчини эҳтиёж туғдиришдан муҳит яратишга ва ундан маъсулиятни сезишга йўллаши керак.

Ҳар бир дарс учун таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир—бири билан ўзвий алоқада бўлган уч ёқлама мақсадлар қўйилади. Дарсни ташкил қилиш шакли унинг қатнашчиларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлиб, у мақсаддарга, ўқув материали хусусиятларига таълим методдарида ва ўқув имкониятларига боғлиқ. Бунга эришиш учун ўқитувчи раҳбарлигига педагог билан ўқувчилар биргаликда ҳаракат қиласилади. Худди мана шу жараён дидактикада ўқув жараёни дейилади. Ўқув жараёни уч компонентдан иборат. (Расмга қаранг)



Ўқув жараёнига бундай янгича қарашнинг туб моҳияти шундан иборатки, ўқитишда ички мотивациядан (диққатни тортиш, ички туйғу, истак, заруратни шакллантириш) келиб чирши керак. Ўқув жараёнида асосий

ҳаракатлантирувчи куч ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши зарур.

#### **4. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологиянинг моҳияти**

Ўзбекистон миллий тараққиётининг энг маъсулитли босқичи-ижтимиой, сиёсий ва иктиносиди ҳаётининг кескин бурилиши даврини бошидан кечирмоқда. XX аср тугаб, жамиятимиз ҳар бир фуқароси XXI асли ибтидосида, ортда қолган йилларни сарҳисоб қилиш ва келажак қаётининг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муамосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Юқоридагилар жамият ҳаёти барча жабҳаларининг муваффақиятини белгилаб берувчи, шу билан бирга, уларнинг пойdevори ҳисобланувчи таълим—тарбия соҳасига ҳам тўлалигича тегишлидир.

Республикамиз Президенти таълим —тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуидагича таърифлайди:<sup>3</sup> «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятини баҳш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб —кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доимо тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш омиллари 29 август 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида ўз ифодасини топган. Бу омилларнинг энг муҳимлари қуидагилардан иборат:

1. Республиканинг демократик қўқўкий давлат ваadolатли фўтқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги.

2. Мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, хом-ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ва экспорт салоҳияти кенгайиши.

3. Давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги.

4. Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик ва ўз ватани учун ифтихор туйгусининг шаклланганлиги, бой миллий маданият тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига хурмат.

5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў—эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Кадрлар тайёрлаш милий дастурида, кўп маротаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги ўқтирилган.

Кейинги ўн йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишлиланган адабиётларда «Педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология», «Янги ахборотлар технологияси» каби тушунчалар учраб туради. Аммо, уларга ҳозирги кунгача тўлиқ таъриф берилмаган. Республиказмизнинг педагог

<sup>3</sup> Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараедиёт йўли. Т., «Ўзбекистон » 1992 йил 78 — бет.

олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистонинг ижтимоий — педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим—тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар. Буларнинг барчаси таълим—тарбия соҳасида ислоҳотлар ўтказиши асосий масала қилиб қўйди. Бу масалаларни ечишда “Таълим тўғрисидаги”ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳар тарафлама жавоб беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз олдига қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўйган. Мазкур дастурнинг мақсади:

1) таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш;

2) уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш;

3) ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

1) “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунига мувофиқ, таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат ва надавлат таълим муассасалари ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида ракобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўтув ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириши таъминлаш;

2) таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган янгиланиш, ривожланган демократик хукуқий давлат кўрилиши жараёнларига мослаш;

3) таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади;

4) олдимизда тўрган ҳар қандай вазифани бажаришда мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси кўшадиган ҳисса “портлаш эфектига” олиб келади.

Миллий дастурни амалга оширишнинг қуйидаги З та босқичи мавжуд:

1.Биринчи босқич. (1997—2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиши асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хукукий, кадрлар жиҳатдан, илмий — услубий, молиявий моддий шарт — шароитлар яратиш.

2.Иккинчи босқич. (2001—2005 йиллар) миллий дастурни тулиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини ривожланиши ва реал ижтимоий — иктиносиди шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, мажбурий, умумий, ўрта ва ўрта махсус, касб —хунар таълимига, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўташ тўлиқ амалга оширилади.

3.Учинчи босқич. (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани тахлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий —иктиносиди ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустахкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўтқув —услубий мажбуриятлар, илгор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади. Миллий (элита) олий таълим муассасаларини карор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб—хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини—ўзи бошқариш шакллари мустахкамланади. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ ҳамраб олинади. «Педагогик технология» тушунчаси жуда кенг маънони қамраб олади, унга берилган таърифлар ҳам ранг-баранг. «Технология» тушунчаси фанга 1872 йилда кириб келди. У юононча —“технос”— хунар, санъат ва «логос»—фан сўзларидан ташкил топиб, «хунар фани» маъносини англатади. Бу маънони таълим — тарбия жараёнига татбиқ этиб:

Педагогик технологиянинг ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиши (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деса бўлади.

Педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳаси бўлиб ҳисобланади.

Педагогик технология: таълим технологияси, янги педагогик тажриба, янги педагогик технология, ахборот технологияси, янги тажриба, новатор ўқитувчилар тажрибаси, таълим методлари, тарбия методлари каби тушунчаларни қамраб олади. Педагогик технология таълим жараёнида олдинга қўйилган мақсадга эришишнинг нули, инструментлари бўлиб ҳисобланади.

Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соҳадаги мақсадга эришиш йўли. Педагогик технология ва ўқитиши технологияси ўзаро боғлиқ бўлиши билан бирга фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд.

Педагогик технология таълим — тарбия жараёнининг ҳамма соҳаларини қамраб оловчи яхлит тизим бўлса, ўтқитиши технологияси маълум фанларни ҳозирги дидактик талаблар асосида ўқитишининг яхлит тизимини ташкил қиласи. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартларида ўз ифодасини топган.

1. Янги педагогик технологиянинг методик асослари Давлат таълим стандартлари бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим стандартларида талаба эгаллаш лозим бўлган билим, кўникма, малакалар мезони белгилаб берилган. Ундан паст бўлмаслиги керак.

2. Педагогик технология ва ўқитиши технологияларининг мақсади битта: ижодий тафаккур соҳибини етиштиришдан иборат. Бу мақсад Давлат таълим стандартларининг бош талабидир. Таълим жараёнидаги ҳар бир технология, берилган топшириклар ўқувчини ижодий фикрлашга ва ижодий ривожланишга олиб келсин. Шундай вазият яратиш керакки, ўқувчи —талаба

ўз хохиши билан излансин, тафаккурини ривожлантирсин, интилсин, унда фанни эгаллашга қизиқиши уйғотсын.

3. Ҳар бир машғулотда бериладиган топшириқлар берилган вақтнинг 20—25% ни, ўқувчининг ижодий тафаккур асосида иш олиб бориши 70—80% вақт оралигиде бўлсин. Ўқувчи кўпроқ амалий билимларни эгалласин ва ундан назарий хуносалар чиқара олсин.

4. Ўқитиш технологиясида билим бериш, билим олиш усулини танлаш ва ўрганишга катта аҳамият бериш, билим олиш, баҳс асосида амалга ошишини таъминлаш.

5. Ўқитиш усули технологияси — янги педагогик технологияларнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

6. Таълим жараёнида дарсларни, семинар, ўйин, диспут, КВН ва ҳар хил театрлашган вазиятлар асосида ташкил этиш ёки таълимда дифференциялашни амалга ошириш лозим.

7. Таълим жараёни таянч билимларини амалиётга тадбиқ этиб, ривожлантириб бориши, тизимли асосда бўлиши янги педагогик технология ва ўқитиш технологияларининг узвийлигини таъминловчи-локал (битта йўналиш) ҳолатнинг самара беришига олиб келади.

Ҳозирги илмий—техник тараққиёт асрида таълимни технологиялаштириш олдига бир қанча вазифалар қўяди. Шу жумладан, ҳар бир дарс таълими, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадни амалга оширади.

Ўқув жараёнида: мотивация, билиш фаолияти, бошқариш фаолияти ўзига хос технология вазифалари мавжуд:

1. Мотивация — ўқувчилар диққатини тортиш, ички туйғу истак, заруратни шакллантириш, ўқув жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи куч — ўқувчи ва ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши керак.

2. Билиш фаолиятига эътиборда асосан қўйидагиларга эътибор бериш керак: ўқувчилардаги ташаббускорлик, мустақиллик, билимларни пухта ўзлаштириш зарур малака кўникмалар ҳосил қилиш, тафаккур ривожига эътибор бериш.

Бошқариш фаолиятини вазифалари шундан иборатки, ўқитучи берилаётган билим, кўникма, малакалар тизимлар қай даражада эгаллаб бормокда. Дарсда қўлланилаётган технологияларга, педагогик технология мониторинги (пировард натижада) орқали баҳоланади.

Педагогик инновация — таълимга янгиликларни киритишдир. Бошқаришда педагогик инновацияга риоя қилмоқ зарур.

## **5. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи**

Инсоният тарихида яшаш учун кураш, илмий — техникавий тараққиёт ҳаётнинг келгуси қирраларни белгилаб олишга уринишлар доимо бўлиб турган. Бу ҳоллар ижтимоий — гуманитар билимлар доирасига янги технологияларни жорий этишни тақозо этган. Шу боис педагогик технологияси (ПТ)нинг ҳам ўз ўтмиши ва келажаги бўлиши табиий ҳолдир.

Бир гурух олимлар педтехнология қўллашини об'ъектив жараён деб, янгича сифатий муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион босқичга

кўтариш шартларидан бири деб қарайдилар (В.П.Беспалько, М.В.Кларин, М.Кларик, Т.А.Ильина).

«Педагогик технология» тушунчасининг вужудга келиши, таълимнинг илк ташкилий ва методик шаклларининг вужудга келиши билан боғлиқ. Индивидуал таълим ўқув —тарбия жараёнининг энг қадимий ташкилий шакли бўлиб, у аввал антиқ Грецияда пайдо бўлган экан. Ўқитувчи бир ўқувчи билан ишлаб, таълимни бевосита ташкил этган, бошқарган, назорат этган. Ўқитувчи матнларни ўқиб берган ёки болаларнинг ўзларига ўқитиб сўзлашган. Коида ва таърифларни ёдлаш. жисмоний машқларни бажариш мусиқа асбларида у ёки бу куйни ижро этиш йўллари билан болалар ҳаёт, санъат, нотиқлик, жисмоний маданиятга доир билимларни ўзлаштирган.

Кейинчалик индивидуал таълим ўрнини гурухлар асосида ўқитиш эгаллаган. Ўрта асрларга келиб қоидаларни ёдлаш, бир хил типдаги машқларни бажариш, оғзаки савол — жавоб, юқори поғоналарда эса маъруза, мунозара таълимнинг етакчи усулларига айлана бошлаган. Бу ҳолат аста — секин синф—дарс системасини келтириб чиқариб янги технологиями келиб чиқишига замин ҳозирлаган.

XX асрнинг 30 — йилларда фанга педагогик техника тушунчаси кириб келди. Бу тушунчанинг кириб келишига 1932 йил 25 августда қабул қилинган «Бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқув дастурлари ва иш тартиби хакида»ги ўша давр хукуматининг қарори сабаб бўлди.

30 — йилларгача мактабларда бригада — лаборатория методида дарслар берилди. Шу йилларда мактаб дастурларида назарий билимларга эътибор кучая бошлади. Шу билан бирга, кўргазмалик, амалиётга суюниш, илфор тажрибалар ёки усуллар ўрганилиб шулар асосида таълимни ташкил этишга эътибор қаратилди. Уша вақтда ўқитиш жонли мушоҳададан — абстракт тафаккурга, ундан эса амалиётга деган билиш назариясининг ғоясига асосланган эди. Шу асосда педагогик технология тушунчаси ғояси шаклана борди.

Педагогик технология концепцияси ривожланиш тарихи қуидаги мазмун кашф эта борди.

АҚШда 1971 йилда Коммуникация ва технология Ассоциацияси ташкил этилди. 1961 йилдан «Педагогик технология» журнали, 1971 йилдан аудиовизуалли таълим, аудиовизуалли коммуникация баёни номли журналлар чоп этила бошланди.

Англия 1967 йил педагогик технология миллий кенгаши ташкил топди. 1964 йилдан «Педагогик технология ва дастурли таълим» 1970 йилдан «Педагогик технология» номли журнал чоп этила бошлади.

Япония 1965 йил умум япон Педагогик технология марказий кенгаши ташкил этилади. 1965 йилдан «Педагогик технология, Педагогик технология тадқиқотлари» бўйича журнал чоп этила бошланди.

Венгрия 1973 йил ўқитиш технологияси давлат маркази ташкил этилди. Собиқ СССРда 1965 йили мактаб жиҳозлари ва ўтқитишнинг техника воситалари илмий тадқиқот института ташкил этилди.

40 – йилларга келиб (ХХ аср) 1932 йил 25 август мактаблар тўғрисида фикр юритилган қарор асосида, техника воситаларининг яратилиши таълим жараёнига тадбиқ этилиши бошланди.

Асримизнинг 40—50 йилларида ўқув жараёнига техник воситаларнинг (радио, кино, назорат воситалари) жорий этилиши педагогик технологияларга тенглаштирилди.

Ўқув—тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ишнинг оптималь варианларидан фойдаланишни тақозо этади. Мактабда ўқув—тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш учун аввало мактаб фаолиятининг бутун жабҳаларини қамраб олувчи ўйлаб тузилган мактабнинг йиллик иш режаси зарур.

Педагогик ва ҳозирги ижтимоий тизим буюртмаларини амалга ошириш режалаштиришдан бошланди. Кейин шу режаасосида педагогик жараённинг тузилмаларига эътибор берилади. Бу жараёнда энг муҳим мазмун, уни амалга оширувчи таъминот, воситалар, аниқ тадбирлар, дарслар белгиланиши ва унинг бажарилишини тўғри таъминлаш катта самарадорликка олиб келади. Ишни илмий асосда ташкил этиш таълим тўғрисидаги қонун кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларини тўлиқ рӯёбга чиқаришга хизмат қилиши керак.

Ғарб давлатларида педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнига кириб келиши натижасида жуда катта фан ва техниканинг ривожланиш ҳолатлари содир бўлди. Натижада педагогик технология иши, унинг мазмун-моҳиятина ташкил этиш методлари, рейтинг натижалари билан шуғулланадиган алоҳида марказлар ташкил этилди.

1960 йиллардан кейин мактабларимизга ўқув жиҳозлари, ўқитишнинг техник воситалари кириб кела бошлади. Бу даврга келиб ПТ (педагогик технология) икки йўналишда ривожланди: биринчи йўналиш-ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш орқали бўлса; иккинчи йўналиш- ўқув жараёни технологияси сифатада қаралади. ПТ – амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизим лойихасидир.

Педагогик технология лойиҳалари. Илмий ёндошувлар таҳлили

Республикамида олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига қўтарилиди. Бакалавриат ва магистратура таълими фаолият кўрсата бошлади. Давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

Педагогика фани эркин шахсни шакллантириш қонуниятлари ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмун ва принципларини ўрганади. Педагогика мутлок – технологик фандир. У таълим доирасининг барча қатламларини қамраб олади.

Педагогик технология тизими лойиҳалари қуйидагича йўналишда олиб борилмоқда:

- дидактик бирликларни йириклиштириш;
- ўқитиш натижаларини олдиндан белгилаш, режалаштириш;
- таълим жараёнини психологиялаштириш;
- компьютерлаштириш.

Бу йўналишлар таълим-тарбия мақсадларини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса ёки интеграл ҳолда келтирилса натижада Янги педагогик технология вужудга келган. Бу интеграл технология-юнонча бир бутунлик узлуксизлик маъносини беради.

## **2. Илмий ёндашувлар таҳлили.**

Педагогик технологияларни ишлашда қўйидагиларга эътибор берилади:

- 1) дунёда мавжуд бўлган педагогик технологиялар банкини тузиш, уларнинг илмий концепциялари, ўкув—методик базаларини, алгоритмларини ўрганиш;
- 2) мақсаддан келиб чиқсан ҳолда педагогик технологияни танлаш, мезонларини ишлаб чиқиш;
- 3) педагогик технологияни ўқитиши—тарбиялаш жараёнига тадбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиши.

Педагогик технологияни танлашда қўйидагиларга эътибор берилади:

- 1) конкрет босқич учун мазкур усулнинг мос келиши;
- 2) таълим мазмунига мос келиши;
- 3) ўқитувчиларнинг мазкур усулни қўллаб олишга тайёр эканлиги;
- 4) ўкувчиларнинг психологик имкониятларига мос келиши;
- 5) конкрет синфларда таркиб топган ўкувчилар гурухининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш;
- 6) мамлакат, вилоят, туман, шаҳарнинг мактабга берган социал буюртмасини акс эттирган давлат хужжатларига мос келиши;
- 7) инсон ҳақида фан эришган ютуқларни ҳисобга олиши;
- 8) ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, интуицияси, ижодкорлиги;
- 9) конкрет мактабнинг ривожланиш жараёнидаги фаолиятининг таҳлилига таяниши;
- 10) технология илмий концепциясининг мактаб имконига мослиги;
- 11) технологияда тизим баркарорлиги, бир бутунлиги;
- 12) технологияда диагностик таҳлил мавжудлиги, технологияни бошқариш мумкинлиги;
- 13) янги технологиянинг самарадорлигини мавжуд натижалар билан солишириш имконияти борлиги;
- 14) такрорланувчанлиги, бошқалар ҳам қўллаб бирдай натижа олиши.

Педагогик технологияни амалиётга қўллаш механизми қўйидагиларга асосланиши керак:

1. Таълим беришнинг бир бутун технологиясини лойихалаш;
2. Кўйилган мақсадга эришиш учун педагогик жараённи яратиш;
3. Педагогик жараён даврида диагностик таҳлил ўтказиш ва натижаларни ўз вақтида коррекция қилиб бориш;
4. Педагогик жараён даврида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этиш тизимини ишлаб чиқиш;
5. Педагогик технология лойиҳасини амалга ошира оладиган педагогларни шакллантириш.

### **Асосий таянч иборалар:**

Педагогик маҳорат, педагогик технологиянинг моҳияти, педагогик технология концепцияси, педагогик технология лойиҳалари. илмий ёндошувлар таҳлили

#### **Тақрорлашучун саволлар.**

1. Педагогик маҳорат ҳақида гапириб беринг.
- 2.И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
- 3.Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш йўллари.
- 4.Таълимни ривожлантиришнинг янги боскчida педагогик технологиянинг моҳияти нималардан иборат.
- 5.Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи.

## **14 боб. КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

**РЕЖА:**

- 1. Таълим тизимидағи янгиликлар.**
- 2. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза.**
- 3. Таълимда технологик ёндашиш варианatlари**
- 4. Педагогик технологияларнинг туркумланиши.**
- 5. Таълим технологияларнинг босқичлари ва унинг методикаси.**

### **1. Таълим тизимидағи янгиликлар**

«Тест», «рейтинг», «инновация», «суггестивлик», «муаммоли усул», «дастурланган усул» ва ҳоказо тушунчаларининг мазмунларини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Тест, рейтинг-синов, усул, текшириш, билимни баҳолаш - деган маънони билдиради. «Инновация» атамаси ўрнига унга яқин турдаги атамалар ҳам ишлатилади. Масалан, ислоҳ модернизацияси, такомиллаштириш, замонавийлаштириш ва бошқалар. (тўлиқ маъносини очмайди, лекин тушунчасини ифодалайди).

Инновациянинг турли таърифлари мавжуд: инновация (лотинча *inovatis*)—бу янгилик, янги тартиб қоида, ўзгариш деган маънони англатади. Инновация бирор янги нарсани, янги тартиб қоидани киритишни англатади. Янгилик қўпинча янги методлар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари киритишни ҳамда қўлланишга хосдир.

**Янгилик ва ўзгариш?**

Юнеско хужжатларидан бирида “Янгилик албатта янги бўлиши шарт эмас, бироқ у албатта нимаси биландир яхшироқ ва ўз-ўзидан намоён этилиши мумкин бўлади”—деб кўрсатилган.

Инновацион муаммолари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотларда ўзгаришлар янгилик бўлиши, бироқ ҳар доим бўтуналай янги ғоялар ёки шакллар бўлмаслик мумкинлиги фараз қилинади.

Шундай қилиб, инновация тушунчаси орқали ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган дидактик, методик, ташкилий—техник ўзгаришларни тушунамиз.

Педагогикада инновацион муаммоларни ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. (энг зарур педагогик техникани эгаллаш, таркибий қисмлари). Педагогиканинг ижодий салоҳияти унинг ижодкор шахсни шакллантиришга интилмоқда, педагогик одобнинг намоён бўлиши, эмпатия, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, қизиқарли, муаммоли саволларни бериш ва ҳоказо орқали амалга оширилиши мумкин. Педагогик ижодиётда янгилик тушунчасига, муҳим ўрин ажратилиб, унинг вақт ва фаолият тушунчалари билан ўзвий қуидаги икки варианatlарида намоён бўлади: 1) ўтмиш билан боғланмаганлиги ва ҳозирги вақтда мавжудлиги; 2) янгиликнинг ижтимоий муҳимлиги сифатида амалий ишлаши, лекин ҳали стандартлаштирилиш босқичига ўтмаганлиги.

## **2. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза.**

Кейинги ўн йилларда педагог олимлар ва ўқитувчилар диққатини жалб қилган масалалардан бири педагогик технология (ПТ) ҳисобланади. Бу мавзунинг илмий ишларда, ҳисботларда, маҳсус даврий нашрларда Қизғин ўрганилаётганлиги, баҳс — мунозарага сабабчи бўлаётганлиги ҳам таълим — тарбияда унинг ўрни нақадар муҳимлигини гувоҳлик беради.

Мана неча йилдирки, биз ҳам шу соҳада маълум изланишларни олиб бораяпмиз. Тадқиқотимизнинг мақсади ПТ тушунчаси бўйича мавжуд матерайларни жамлаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Конуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таҳлил қилиш, пировард натижада қатор концептуал технологиянинг эмперик асосини яратишга ҳаракат қилиш, шунингдек, уни илмий билимлар доирасига ўтказишидир.

Аввало нега бугунга келиб ПТга қизиқиш шунчалик кучайди, деган савол туғилади. Айтиш мумкинки, ривожланаётган давлатларда одатда биринчи навбатда ПТга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Бундай ёндашиб ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда «Таълимни ривожлантириш масалалари» бўйича Халқаро Комиссия ташкил топди: Бу комиссия замонавий технология таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучdir деб баҳолади.

Муҳими шундаки, Президентимиз И. Каримов томонидан миллий Дастурини рўёбга чиқариш босқичлари ҳар жиҳатдан илмий асослаб берилди, иккинчи босқичида «ўқув —тарбиявий жараёни илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Хўш педагогик технология нима? Уни амалиётга қандай жорий қилиш мумкин?

Дастлаб «Технология» тушунчасига аниқик киритайлик. Бу сўз фанга 1872 йилда кириб келди ва грекча икки сўздан — «технос» — хунар ва «логос»—фан сўзларидан ташкил топиб «хунар фани» маъносини англатади. Бироҳ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, ёхуд технологик жараён — бу меҳнат қуроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш соҳасидаги меҳнат, жараён тушунилади. Демак, бу таърифни тадқиқотимиз мавзусига кўчириш мумкин, унда: ПТ —бу ўқитувчи томонидан ўқитиши воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёни, деб таърифласак хато бўлмайди.

Қатор йиллардан бери, ПТга ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш деб қараб келинди. Фақат 70 —йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунча янгича талқин этила бошланди. Технология деганда, субъект томонидан обьектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, обьектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма — кетлиқда бажаришни кўзда тутади.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиши воситалари ёрдамида ўқувчи — талабаларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология десак бўлади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий — маърифий алоқалар ўrnата бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қатори жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулғаб олди.

Оҳирги йилларда, Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида бир қанча ишлар қилинди. Шу жумладан, Ўзбекистон олимлари билан МДХ давлатлари ўртасида ҳам педагогик технологиялар лойиҳаларини тузишда анча ишлар қилинди.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Бесъпалконинг фикрича, «ПТ — бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир»<sup>4</sup>.

Россия олимларидан В.М. Монахов: «ПТ — аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимиdir», — деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади. «ПТ — ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижроисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қиласи»<sup>5</sup>, — дейди.

В.М. Кларин фикрича, ПТ — ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичлардан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир<sup>6</sup>.

В. П. Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Н. Саидахмедов ва М. Очиловларнинг фикрича, ПТ — бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиши (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир<sup>7</sup>. И.Я. Ларнернинг

<sup>4</sup> Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика 1989г. с-192.

<sup>5</sup> Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию пед. технологии, Педагогика. 1997 №6 с-26.

<sup>6</sup> Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание 1989, стр-75.

<sup>7</sup> Саидахмедов Н.г Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Т.: 1999 йил 7-8 бет.

фикрига кўра, ПТ — ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган, аниқланадиган мақсадни ифодалайди<sup>8</sup>.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технология қуидагича таъриф беради: ПТ —таълим жараёнига **янгича** ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий — муҳандислик онги ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир<sup>9</sup>.

Бу таърифларни ўзоқ хорижда берилган таърифлар билан солишириб кўриш учун япон олими Т. Сакомото, берган таърифни келтирамиз. «ПТ — дейди Сакомото, — бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуига келтиришдир». Поляк олими Дж. Брунер «ўқитиш технологияси — бу ўқитишни мақбуллигини таъминловчи маълум йўл —йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлигини эътироф этди. Тизимли ёндашиш таъсири остида аста —секинлик билан педагогик технология моҳиятига аниқлик киритила борилди ва рус олимаси Н.Ф. Тализина унинг моҳиятини «белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат» деб тушунтируди.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ўтган йилларда ПТ ўқув жараёнини берилган дастлабки таълим мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб лойиҳалаш дея ифодаланди. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади, ёки бундай ёндашишда ўқувчи шахси инкор этилаяпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В. Бесспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида «ПТ —бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш — лойиҳалашдир» деб таърифлади.

Шу ўринда ҳамкасбимиз Ҳ Абдукаримовнинг «Маърифат»да босилган «Замонавий педагогик технология нима?» (1998 йил 27 май) мақоласини дидактик нуқтаи назардан баҳолашни газетхонлар хукмига ҳавола этайлик — да, ундаги бир —бирига зид ва илмий асосланмаган икки таърифни келтириб ўтамиз. «Миллий дастур» —бу янгича педагогик технологиянинг ўзи», «Педагогик технология — педагогик маҳорат тўғрисида фан» деб тавсифлайди. Бу борадаги таърифларнинг хилма — хиллиги бир томондан бу мавзунинг у ёки бу жиҳати соҳта ечишганлигини кўрсатса, иккинчи томондан ПТни таълим амалиётига жорий этишга бўлган уринишларни ифолайди.

Қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир —бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди ва у турли фаолият доирасида эди. Бугунги кунда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга мамлакатимизда имкониятлар туғилди. Назария ва амалиёт бирлигининг

<sup>8</sup> Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения. Журнал: «Педагогика» 1990г. №3 ст- 139.

<sup>9</sup> ФарбермдН В.Л. Илгор педагогик технологиялар. Т., 1999й 4 —бет

таъминланаётганлиги замонавий ПТнинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очмоқда.

Бизнинг фикримизча, янги ПТга педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида қараш ёки факат таълим амалиётини мақбулаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолият йўналишларини аниқлади. Бу ерда изланишнинг моҳияти — педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида модернизация қилишдан иборат. Сабаби, ҳар қандай ўқув — тарбиявий жараённи ташкил этиш у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради. Демак, ПТ — амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

Унда, педагогик тизим моҳияти нимадан иборат? Педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган воситалар, усуллар ва жараёнлар йифиндиси бўлиб, шахсдаги муайян сифатларини шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади. Бинобарин, ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгариши шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўй. Демак, миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинайпти. Фақат давлат буюртмасигина таълим ва тарбиянинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб беради ёки олий таълим учун ПТнинг мавжудлик шартларини кафолатлади.

Куйида таълим турлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойиҳасини келтирамиз



Олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги инвариатив элементлардан ташкил топишини кўрсатиб берди:

1. талабалар;
2. таълим ва тарбия мақсади;
3. таълим ва тарбиянинг мазмуни;
4. таълим жараёни ёки дидактик жараён;
5. педагог ёки ўқитишнинг техникавий воситалари;
6. таълим ва тарбиянинг ташкилий шакллари.

Расмда келтирилган педагогик тизим ҳар қандай илмий назарияга хос бўлгани каби қуйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни ҳал этиш технологияси. Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси каби аниқ мақсад ва унга

эришиш учун шарт — шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагог — методистлар ҳозирга қадар дидактик масалаларни аниқ ифодалашга ва унга мос келадиган ўқитиш технологияси ишлаб чиқишига эътибор берилган. Шу нуқтаи назардан миллий дастур ижтимоий буюртма сифатида янги педагогик технологияга «янги» сўзининг қўшиб ишлатилиши назариячи олимларимиз ва ўқитувчиларни бир қадар уйлантириб қўйди эндиликда таълим — тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англаб етмоқдалар. Шундай экан педагогик технологияни қандай янгилаш мумкин? Эътиборни юкорида берилган расмга, ПТ тузилишга қаратайлик. Бу тизимга узлуксиз равища ижтимоий буюртма ўз таъсирини кўрсатади ва таълим — тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Мақсад эса ПТ нинг бош бўғини ҳисобланиб, у педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим — тарбиянинг мақсадини янги йўналишга турли, яъни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берадиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш деб белгилади. Демак, таълим — тарбия мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгиланиши табиийдир.

Таълим мазмуни ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларда ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимизга фан соҳалари бўйича таълим мазмунини ишлаб чиқиши каби шарафли маъсулият юклатилди.

Шундай қилиб ПТда дидактик масалаларнинг ўз ечимларини топиши миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг муҳим босқичидир. Агар педагог қўлида билимга чанқоқ талабалар, фан мақсадига мос мазмун — дастур, қўлланма, дарсликлар мавжуд бўлсин, у дидактик жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятини ташкилий шаклларидан самарали фойдаланиб янги педагогик технологияни амалиётга изчил ва кетма кет жорий этиш мумкин. Шу боисдан ўқитувчи маҳоратига кўп нарса боғлиқлиги унинг педагогик тизимда тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталамиз.

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим — тарбия мақсадини аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада маълум вақт ичida унга эришиш учун таъминлайдиган дидактик жараённи тузиш ва жорий этиш тўғрисида холоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи педагогик тизимида белгиланган мақсаддага тўғри келадиган ўқув —тарбиявий жараён мазмунини ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равища ўз педагогик маҳоратини илмий — техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда мустақил равища кенгайтириб бориши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараённи амалга ошириш билан таниш бўлиши керак: бу — жадаллаштириш ва табиатан монанддик талабидир. Жадаллаштириш дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юкори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараённи қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияга бу талабни

аниқлаб берувчи омил — талабларнинг маълум фаолиятини ўзлаштириш тезлиги хисобланади. Иккинчиси ўқув тарбиявий жараённи шундай ташкил этишга асосланганки, бунда мумкин қадар талабаларнинг кенг доирада тажриба эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий малакасини ривожлантира оладиган механизми вужудга келсин! Бу талабни аниқлаб берувчи омиллар: талабаларнинг ўқишига бўлган хохиши, ўқув меҳнатига муносабати.

4. Ўқитувчи дидактик жараённи амалга оширишга ўқитишнинг самарали шаклларидан фойдалана олиши керак. Ўқитишнинг ташкилий шакллари тўғри танланиши педагогик тизим элементларининг маълум қонуният асосида бир — бирлари билан боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва энг мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш таълимда расмиятчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган талабанинг таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар ёрдамида доимо назорат қилиб бориши лозим. Бу тўғрида олинган ахборотлар эса педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқалар имкониятини беради ёки тизимдаги қайси элементнинг мазмунига тузатиш киритиш керак эканлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, педагогикага хос бўлган технологик жараённи амалиётга тадбиқ қилинган педагог маҳоратининг баъзи қирралари тўғрисида тўхталдик. ПТнинг илмий ҳарактерга эга эканлигига эътиборни **қаратган** ҳолда, унинг амалий йўналишга хослигини, уни аниқ **масалаларни** ҳал қилишда қўллаш мумкинлигини эътироф этиш керак.

Демак, назарияни ўқув амалиёти билан боғлаш заруратини ва тадқиқотимиз мавзусининг назарий асосларини ўрганиш замонавий ПТ ни аниқлаб берадиган қатор ҳолатларни белгилашга имкон берди:

1. Замонавийлик таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриба синовда текширилган дидактикага оид янгиликлар, тартиб — қоидаларни жорий этишини мажбурийлигини тақозо этади;

2. Ўқув жараёнини мақбуллаштириш;

3. Илмийлик таълимда янги воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни, ташкилий масалаларининг янги ечимларини қўллашни тақазо этади;

4. Талаба ва ўқитувчининг дастурли фаолияти ўқув жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларини йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга керакли натижаларни қўлга киритишга интилишини талаб этади;

5. Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан, улардан фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТ нинг энг асосий белгиларидан биридир;

6. Ўқув жараёни учун моддий —техника базасининг мақсадга мувофиқлиги ПТ нинг навбатдаги белгисидир;

7. Ўқув — тарбиявий жараён натижаларини сифатли баҳолаш ПТ нинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир.

Шундай қилиб, бу мавзу бўйича ўтказилган назарий тадқиқотимиз таҳлили асосида қуидагича хулоса қилиш мумкин:

Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув — тарбиявий жараённи илмий асосда кўришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

### 3. Таълимда технологик ёндашиш варианtlари

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига кафолатли эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзакилиқда эмас, балки режалаштирилган натижасини олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташҳисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуидагиларни олади.

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқитувчиларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- натижани баҳолаш.

Бундан кўринадики, ўқув жараёни «модулли» кўринишга келиб, турли мазмун билан тўлдирилган, умумий тизимга мос ҳолда ишлаб чиқариладиган блоклар қисмлардан иборат. (расмга қаранг)

Тузатишлар (коррекция)




Тузатишлар (коррекция)

Ўқув жараёни педагогик технология асосида ташкил этишининг режалаштиришда педагогдан юксак малака талаб этади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва консультатив вазифаларни бажаради. Умумий кўринишда педагогик технология таркибиға қуидагилар киради:

- фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;

- ўқув мақсадли шажараси;
- ўқув мақсадларини назорат топшириқлариға айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири маълум йўналишдаги педагогик операциялар тизимини ташкил этади. (расмга қаранг)



Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, ўқувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишидир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўла қамраб олиши керак.

Педагог одатда, ўз олдига ўқувчилар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди.

Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганлигини билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танланган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатда, жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади. Фан бўйича берилган ўқув дастурларида берилган мақсадлар ҳам жуда оз кўринишда бўлади. Бундан чиқиш учун мақсадларни аниқлаштириш борасида маълум бир тизимни тузиш мумкин.

Педагогик технологияда ўқув мақсадларини тузилиши ўзининг маълум хусусиятларига эга. Бу шундан иборатки, таълим мақсадлари ўқувчилар харакатида ифодаланадиган аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар оркали белгиланади.

Таълим мазмуни одатга кўра, асосан тематик йўналишга эга ва унда ўқитишининг аниқ мақсадларини кўриш қийин. Ўқитиш вазифаларини таққосланадиган мақсадларини енгиллаштириш учун, ўзлаштирган ўқувчиларни малакасини ифодаловчи феъллардан фойдаланиш мумкин. билади, тушуниради, чиқаради, ишлатади, намойиш қиласди, ажратилади,

топади ва ҳоказо. Феълларни умумий ёки хусусий кўринишда ҳам ифодалаш мумкин: ўрганиш, аниқлаш, танишиш, тушуниш, белгилаш, ажратиш, тўплаш, тузиш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, мақсадларни аникрок, тайнли қўйишининг асосий йўли — маълум натижа билан якунланадиган ҳаракатларни ифодалайдиган феъллардан фойдаланишdir.

Таққосланадиган таълим мақсадларини (вазифаларини) шакллантириш қуидаги тизим бўйича босқичма — босқич амалга оширилиши керак. Тайнли ўкув машғулотининг умумий мақсади ўқитишининг хусусий мақсади таққосланадиган ўқитиш мақсади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир — бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўкув — тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «қиёфа»сини ифодалайди. Малакавий талаблар педагогнинг умумлаштирилган моделида келиб чиқадиган алоҳида йўналишлар бўйича, қуида дифференционалланган тайёргарлик йўналишларидан бир нечтаси берилмоқда.

#### **4. Педагогик технологияларнинг туркумланиши.**

Хозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўкув — тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар, таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда.

Таълим таркиби янги процессуал маҳоратлар, ахборотлар билан ишлаш қобилиятининг ривожланиши, илмий муаммо ва бозор амалиётининг ижодий ечимининг таълим дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Ахборотнинг анъанавий усуллари — оғзаки ва ёзма нутқ, телефон ва глобал масштабли телекоммуникацияларни ишлатиш билан алмаштирилмоқда. Педагогик жараённинг муҳим таркиби бўлиб, ўқувчи билан ўқитувчининг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга teng бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Педагогик таълим технологияларнинг психологик — педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қўйидагилар билан ифодаланади:

- 1) Ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиш.
- 2) Билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий харакатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш.
- 3) Ўртacha ўқувчига йўналтирилганликдан ўқитишининг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш.
- 4) Ўқувчининг ташки мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши ишлатилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шакллари (қўшимча ва альтернатив)нинг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда ўқитувчи, бошқарувчи кенг қўламли замонавий инновацион технологиялар, ғоялар, мактаблар, йўналишларда маълум бўлган нарсаларни қайта очишга вақтини сарфлаш керак эмас.

Бугунги кунда технологик саводли мутахассис бўлиш учун таълим технологияларнинг ҳаммасини ўрганиш лозим. Педагогик луғатда педагогика тушунчаси мустаҳкам ўрнашган. Лекин уни тушуниш ва ишлатишда турли хил ўқилиши мумкин.

**Технология** — бу бир ишда, маҳорат ва санъат қўлланиладиган усуллар йиғиндисидан иборат.

**Педагогик технология**—таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус йиғилишини аниқловчи психологик —педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидир.

**Педагогик технология**—бу ўқув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир. (Г. Беспалько)

**Педагогик технология**—ўқитишининг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир.

**Технология**— бу санъат, маҳорат ва қобилият, ишлов услубларининг мажмуидир. (Шепель)

**Таълим технологияси** — бу дидактик тизимнинг асосий процессыал қисмидир. (Усмонов)

**Педагогик технология**—бу ўқув жараёнининг лойихалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тавсилотлари билан уйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади. У ўқувчи ва ўқитувчиларга кулай шароитлар яратиши шарт. (Монахов)

**Педагогик технология**—бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига максад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини

ҳисобга олган ҳолда ўқитиши жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услугларидир. (ЮНЕСКО)

**Педагогик технология**—педагогик мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган шахсий, интеллектуал, услугбий воситаларнинг амал қилиш тартибидир (Кларин). Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён бўлиши мумкин:

**1. Илмий аспект** — педагогик технология педагогик фаннинг қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқади ва ўрганади, ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойиҳалаштиради.

**2. Процессуал—тавсифий аспект** — таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мақсад, таркиб, услуг ва воситалар мажмуидир.

**3. Процессуал—амалий аспект**—педагогик (технологик) жараённинг амалга ошиши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларига амал қилиш.

Шундай қилиб, педагогик технология фан сифатида амал қилиб, таълимнинг янада рационал йўлларини тадқиқ этади.

Бу эса таълимда қўлланиладиган усуллар, тамойиллар ва регулятивлар тизими сифатида ҳамда таълимнинг реал жараёни сифатида амалга оширади. «Педагогик технология» тушунчаси таълим тажрибасида 3 даражада қўлланилади:

**1. Умумий педагогик даража:** Умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбия) технология берилган ҳудуддаги таълим масканида таълимнинг маълум даражасидаги тўлиқ умумтаълим жараёнини тавсифлайди. Бунда педагогик технологиянинг педагогик тизимида фарқлар мавжуд: унга таълим мақсадлари, таркиби, воситалари ва услубларининг мажмуи, жараёнда субъект ва обьектларнинг фаолият алгоритми киради.

**2. Қисман педагогик даража:** Қисман предметли педагогик технология «қисман методика» тушунчасини беради, яъни бир фан доирасида тарбия ва таълим, услуг ва воситалар мажмуидир.

**3. Чегараланган даража:** Чегараланган технология — таълим—тарбия жараённинг алоҳида қисмларини ифодалаб, хусусий дидактик ва тарбия масалаларини ечади. (фаолиятнинг алоҳида турларини технологияси, тушунчаларнинг шаклланиши, янги билимларни ўзлаштириш, материални назорат қилиш ва қайтариш технологияси). Шунингдек технологик таркиблар фарқланади; Усуллар технологик занжирга бирикиб яхлит педагогик технология (техник жараён)ни ташкил этади.

**Технологик жадвал**— технологик жараённинг шартли тасвири, унинг алоҳида функционал элементларига бўлиниши ва улар ўртасидаги мантиқий алоқаларнинг белгиланиши.

**Технологик ҳарита**— жараённи босқичма — босқич усулда ифодалаш, бунда мақбул бўлган воситалар кўрсатилади (бу одатда график шаклда ифодаланади).

**Технологик нюанслар**— адабиётда одатда педагогик тизим тушунчаси педагогик технология сифатида кўрсатилади. Лекин педагогик технология

кенгроқ маънодаги тушунча бўлиб, ўзига хос педагогик фаолиятнинг объект ва субъектларини олади.

### **3. Педагогик технология турлари.**

Таълим — тарбия жараёнида кўп вариантилик мавжуд бўлиб, ҳар бир муалиф бу вариантларга янги бир хусусиятлар қўшади. Шунинг учун ҳам технологиялар хилма — хилдир:

I. Кўлланишига кўра технологияларни 3 синфга ажратиш мумкин:

- а) у мумий педагогик технологиялар;
- б) хусусий педагогик технологиялар;
- в) кичик педагогик технологиялар, моделлар;

II. Фалсафий жиҳатдан технологиялар:

- а) материалистик;
- б) идеалистик;
- в) илмий;
- г) диний;
- д) гуманистик;
- е) мажбурий.

III. Психик ривожланиш омили бўйича:

а) биоген, яъни инсоннинг жипсланган ривожланишига таъсир қўрсатувчи технология; бу технология асосан жисмоний тарбия каби фанларда қўлланилади.

б) социоген, яъни шахснинг социологик онгини ривожлантиришга қаратилган технология, булар қаторида жамиятшунослик, хуқуқшунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанларни санаб ўтиш мумкин.

в) психоген, яъни инсоннинг психологик ривожланишига таъсир қўрсатувчи технология; булар жумласига психология, этика, эстетика, маънавият, рухият, диншунослик каби фанларни киритишимиз мумкин.

IV. Илмий тажрибани ўрганиш бўйича:

а) рефлексив, яъни айрим тажрибаларнинг шартли рефлекс тарзида ёки одатий ҳолда бир авлоддан иккинчисига ўтиши;

б) ривожлантирувчи, яъни олдингилар тажрибаларини умумлаштириб, ўз тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда мавжуд технология билан уйғунлаштириш;

в) гештальт, яъни ушбу технология ўқувчининг ҳис туйғуларини ҳамраб олади;

г) бихевиористик, бу технология талабаларнинг ташқи ҳатти — ҳаракатларига асосланган бўлади.

V. Шахс хусусиятларини ривожланишига қараб:

а) ахборот технологиялар (билим, малака, қўнимани шакллантиришга қаратилган технология);

б) операцион технология (фикрлаш малакасини шакллантиришга қаратилган технология);

в) эстетик — ахлоқий технология.

г) бошқарувчилик хусусиятини шакллантирувчи технология;

д) эвристик технология (ижодий ёндашувни шакллантирувчи технология);

е) амалий ҳатти — ҳаракатларни шакллантирувчи технология. Педагогик технологиялар педагогнинг ўқувчига нисбатан муносабатига қараб бир қанча турларга бўлинади:

1) авторитар технология; бунда ўқитувчи асосий субъект сифатида бошқарувчи, текширувчи, талаб қилувчи бўлиб майдонга чиқади, ўқувчи эса тобе сифатида тан олинади.

2) дидактик технология, бунда ўқитувчининг ўрни маълум юқори бўлиб, бу технология марказида таълим жараёни турари ва тарбиядан устунлик қиласди.

3) шахсга йўналтирилган технология, бунда тизимнинг марказида ўқувчи шахси турари, ўқувчининг ривожланишида соғлом психологик хусусиятни ташкил қилиш, имконият ва қобилиятларни ўстириш асосий бўлиб хисобланади. Бу йўналиш ҳам ўз навбатида З гурухга бўлинади:

а) инсоний (шахсий) технология, бу технология ўзининг психотерапевтик хусусияти билан ажралиб турари.

б) ҳамкорлик, бу ўзаро тенглик, демократизмга асосланган технология;

в) эркин тарбия, ўқувчига бунда танлаш, эркинлик, мустақиллик берилади;

г) экзотерик, онгдан ташқари билимларни ўрганишга қаратилган технологиядир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Педагогик луғатда педагогик технология тушунчасигатури хил йўллар Билан ёндошилган, шунинг учун бизнинг тушунчада педагогик технологиялар хар хил муаллифларнинг таърифларини умумлаштирувчи сермазмун йигимдир. Педагогик технологияни қайси томондан таҳлил қилмайлик, унинг асоси таълим самарадорлигини оширишга, яъни кам вақт сарфлаб, кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган. Қўлланадиган педагогик технология натижаси эса, биринчи навбатда, педагогнинг маҳоратига, педагогик классификация турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий-касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқ.

<b>Янги педагогик технологиялар классификацияси (1-жадвал)</b>				
I. Фалсафий жиҳатдан;	II. Психик ривожланиш омили бўйича;	III. Илмий тажрибани ўрганиш бўйича;	IV. Шахснинг хусусиятларини ривожлантиришга кўра;	V. Муносабат технологиялари
Материалистик	Биоген	Рефлексив	Ахборот технологиялари	Авторитар

## **5. Таълим технологияларнинг босқичлари ва унинг методикаси**

Таълим тараққиётининг янги босқичида педагогик технология тушунчасининг кириб келиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида педагогик технология заруриятига доир масалалар баёни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги қонунда таълимнинг янги моделига ўтиш ва унинг ўзига хос бирликлари ҳақида кўплаб гапирилган.

### ***Педагогик технология тарихи, келиб чиқиши назарияси.***

Технология тушунчасининг вужудга келиши. Техник тушунча такомиллашиши, хорижий мамлакатларда педагогик технологияни ташки жараёнида қўшни (Англия, АҚШ, Германия, Франция, Россия) ва такомиллаштириш масалалари.

### ***Педагогик технологиянинг умумий муаммолари.***

Педагогик технологиянинг назарий асослари. Педагогик технологиянинг доимий, тарихий ва назарий асосларини вужудга келиши илмий жараён сифатида. Педагогик технология ўқув предмети ва фан сифатида «Педагогик технология», «Таълим технологияси», «Техника», «Маҳорат», «Ахборот технологияси», «Таълим методлари», «Тарбия методлари» тушунчалари ва уларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, бир бири билан алоқадорлиги «Педагогик техника» ва «Педагогик технология» тушунчаларининг ўзига хослиги. Умумпедагогик тушунчалар тизимида технология муаммосига илмий ёндашиш. Педагогик технологияга ва педагогик фаолият ва ўқитувчи профессиограммаси нуқтаи назаридан қараш педагогик технология ва педагогик маҳорат. Педагогик технологияни таълим жараёнида кўллаш.

### ***Педагогик технологиянинг таркибий мазмуни, касбий ҳолат сифатида пайдо бўлиши.***

Педагогик технологиянинг умумий тавсифи ва унинг таркибий мазмуни. Бирликнинг кўплик билан алоқаси. Таркибий мазмуннинг назарий модели ва унинг амалий образи. «Функция» ва «Операция» каби категорияларнинг технологик мазмуни. Асосий (таянч) технологик элементлар. қўшимча техник элементлар лойиҳаси.

### ***Педагогик технология тамойиллари.***

«Тамойил» тушунчаси педагогик технологияга ва педагогик таъсир этишга нисбатан педагогик технология тамойилларининг манбалари: педагогик таъсир этишнинг мақсади ва моҳияти таълим тамойилидан ва педагогик технология тамойиллари: изчиллик, мақсадлилик, умумийликнинг тугаллиги, кўргазманинг тескари алоқаси кафолатланганлиги ва ҳоказолар. Педагогик таъсир этиш вақтида болага ориентацион алоқада бўлиш, шахсий ўзига мосликни тан олиш. Ўқитувчи шахси ва тарбияланувчи шахсининг бир — бири билан боғлиқлигини намоён бўлиш тамойиллари.

Педагогик технология тамойиллари бир бири билан боғлиқ жиҳатлари, таълим бериш ҳақида педагогик таъсир этишда уларнинг бир — биридан ажратиб бўлмаслиги. Педагогиканинг касбий позицияси ва уни амалга ошириш технологияси. Педагогик техника педагогик технологияни амалга

ошириш усули. Нутқ техникаси ҳақида тушунча ва унинг педагогик ишдаги аҳамияти. Ўқитувчи товушига касбий талаблар: овоз кучи, ■а мослашиши, эшувчанлик, ҳаракатчанлик, диапозон овоз ҳажми, ифодалилик ва ҳоказолар. Динция (Динция — аниқ талаффуз этиш) ривожлантириш машқлари.

**Нутқ ритмикаси.** Паузанинг психологик ва мантиқий аҳамияти, Ўқитувчининг сўзлаш тезлиги.

**Ўқитувчи нутқига талаб:** усул тўғрилик, тозалик, атамаларни аниқ талаффуз этиш. Нутқ маданияти ва тинглаш маданияти, миллий ҳаракат техникаси. Пантамитика техникасидан фойдаланиш. Ўқитувчининг ташки кўриниши «Психологик ўзини бошқариш» йўллари. Педагогик касбий фаолиятида психологик ўз — ўзини бошқаришнинг аҳамияти.

Педагогик технологиянинг асосий элементлари.

**1. Педагогик муроқот технологиясида ўқитувчининг болалар билан муроқоти.**

Муроқот вазифалари: Шахсни таниш, ахборот алмашиш, келгуси педагогик муроқотни моделлаштириш ва таҳлил этиш. Муроқотдан олган тасаввурлари, шеригига баҳо бериш, бўлиб ўтган муроқот юзасидан фикрлаш. Педагогик муроқотни ташкил этиш техникаси. Ижодий ёндошиш.

**2. Педагогик талаб қўйган технологияси.**

«Педагогик талаб» тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари хулқ автор ва ижтимоий маданий қоидаларнинг намоён бўлиши. Талабага, бола шахсига бўлган хурмат ва талаб. Педагогик талабнинг психологик тамоиллари ва мезонлари.

**3. Баҳолаш технологияси. Педагогик баҳо ва белгилаш.**

а) Ҳатти — ҳаракатлардан қолган таассурот: воқеликни, объект ва субъектни қабул қилиш.

б) Баҳо бериш усулларини танлаш (ўқитувчи ўз имкониятларини таҳлил этиши, таъсир самарадорлигини ошириш)

в) Педагогик баҳолаш технологияси.

**4. Ахборотни таъсир кўргазмали технологияси.**

а) Нутқий—ахборот бериш «Демокрационал ахборот бериш» тушунчалари. Демонстрацион ва кўргазмали ахборот олиш воситалардан бири сифатида.

б) Плостиин образ таъсир этиш технологияси воситаси сифатида. Плостиин образ технологияси «Очик» тоза, баланс «Диоганалли « ва «Вертикаль « оптимал оралиқ.

в) Нутқий таъсир этиш: «Сухбат», «Ҳамкорлик», «Тезис» аргумент кўргазма образи.

г) Нутқий таъсир этиш технологияси: Импровизация.

д) Демонстрацион ва кўргазмали восита: этик, иқтисодий, эстетик, гигиеник материаллар. Қабул қилишнинг физиологик ва психологик хусусиятлари демонстрация қилиш технологияси.

**5. Педагогик материлларни яратиш ва уни ечиш технологияси.**

а) Педагогик конфликт тушунчаси-конфликт педагогик технология элементи сифатида, конфликт субъектлари орасида қарама-қаршиликтар тавсифи сифатида, бўш ва мазмунли конфликт.

б) Ҳолат таҳлили (воқеани аниқлаш, шеъриятни қараб чиқиш)

в) Конфликт очиш (психик кўтаришининг пасайтириш, икки томонлама қониқишининг вужудга келиши)

г) Конфликтни хилма хиллиги (норозилик, қарши чиқиш)

д) Конфлектичи очиш шакллари (юмор, ҳазил, тоифа)

### **Педагогик технологиянинг қўшимча элементлари.**

#### **1. Психологик муҳит яратиш технологияси.**

а) «Вазият», «Психик» тушунчалари. Ижтимоий психологик муҳит гурухига ижтимоий психологик алоқалар йиғиндиси сифатида қарав.

б) «ҳолат» тушунчаси. Гурухда муҳит билан атмосферанинг мослиги.

в) Гурухда муҳитни аниқловчи муносабатлар (Шахсга, ишга, гурухга, воқеликка)

г) Ҳайриҳоҳлик — муҳитга педагогик баҳо бериш мезони. Психологик муҳитнинг таъсир этиши воситалари: мусика, дизайн, дикқат, белгилари, интеръер, табиат.

д) Баҳолашнинг техник ва технологик қонунлари.

е) Муҳит ва анъаналар.

ё) Гурух меъёрий психологик муҳитнинг асосий шахси.

#### **2. Гурух фаолиятини ташкил этиши технологияси.**

а) Фаолият муносабатини намоён бўлиши. Предметли тарбиявий натижа.

б) Гурухли фаолиятни ташкил этишда ўқитувчининг вазифалари (фанни чуқур билиши, боланинг фикрини ривожлантириш)

в) Биргалиқда ва алоҳида олиб боришга фаолият ва уни амалга ошириш механизми.

#### **3.Муваффақият ва муваффақиятсиз ҳолатларни ташкил этиши технологияси.**

а) Фаолият ва шахс ривожи «Муваффақиятли ҳолат» тушунчаси. Боланинг иш хусусияти ва унинг муваффақиятли натижа олиш таъсири. Муваффақиятли ҳолатларни вужудга келтиришда педагогик муҳитнинг аҳамияти.

б) Муваффақиятли ҳолатлар яратиш технологияси: кўркишни йўқотиш яшириш инструкция, мотивларни олиб кириш, фаолликни сарбадор қилиш.

в) «Муваффақиятсиз ҳолат» тушунчаси, унинг шахси, унинг тутган ўрни, ўқитиши, фаолиятнинг чекланганлиги ёрдам сўраганга қаршилик, педагогик ишонтириш, ўқувчиларнинг паст баҳоси ва ҳокозолар.

#### **4. Ўқувчининг ҳатти-ҳаракатига педагогик реакция қилиши технологияси.**

а) Ҳатти-ҳарактларга педагогик реакция қилишда педагогик технологиянинг қўшимча ва асосий элементларни ҳаракат уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари.

б) Педагогик функциялар: ҳатти-ҳаракатларини педагогик интерпритациялаш, ҳатти-ҳаракатларини ижтимоий меъёрлари, асосида қиёслаш, таққослаш, негизи ҳатти-ҳаракатларни таҳлил этиш.

#### **5. Хулқ-одоби ёмон болалар билан ишлаш технологияси.**

«Хулқ, одоби мураккаб», «ёмон болалар», «Девиант хулқ одоб» тушунчаларининг терминологик аҳамияти. Мураккаб ҳатти-ҳаракат белгилари, унга реакция қилиш технологияси вариантили хилма-хиллик ва педагогик маҳорат. Технологик алгоритмни ишлаб чиқишга касбий педагогик фаолият муносабати.

#### **6. Этик ҳимоя технологияси.**

а) Шахсни ҳурматини ҳимоя этиш услуллари хилма-хиллиги, ҳимоя этиш, этик ҳимоя этишни спецификаси ва вазифалари. Болалар билан ишлашда этик ҳимоя қилишининг аҳамияти.

б) Этик ҳимоя қилиш функциялари: шахсий ҳурматни жойига қўйиш, шеригининг хуқуқини йўлга солиш, ушбу функцияни операцион таъминлаш. Этик ҳимояни таъминловчи қўшимча операциялар.

в) Этик ҳимоялашнинг функциялари ва операцияларни амалга ошириш.

#### **7. Муаммоли вазиятлар яратиш технологияси.**

а) «Муаммоли вазият» тарбиявий дидактик категория сифатида. МВ турлари ва уларни қўллаш.

б) МВни яратишда педагогик вазифалар ва уларни операцион таъминлаш, МВни яратишда технологик операцияларни амалга ошириш.

в) МВ ўқитувчининг бола билан ишлашда тарбиявий восита сифатида, бунда ўқувчининг реал даражасини ҳисобга олиш ва келажакни қўзлаш.

#### **8. Педагогик восита технологияси.**

А) Тарбия жараёнида педагогика восита технологияси. Педагогика восита технологиясининг хилма—хиллиги унинг ўқувчи шахси шаклланишидаги ва унинг маданияти ривожидаги аҳамияти.

б) Предметни тарбия воситасига айлантириш механизми. Моддий ва маънавий восита.

в) Восита, ғоя шаклларни, интеграциялаш асосида болалар билан ишлашда тарбиявий ўйинларни яратиш технологияси.

#### **9. Педагогик импровизация технологияси.**

а) Педагогик фаолиятда импровизациянинг моҳияти «импровизация» тушунчаси, «Педагогик импровизация» тушунчаси. Педагогик импровизация ва педагогик таъсир этишнинг ижодий мазмуни. Актёрлик ва педагогик импровизация уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

б) Педагогик импровизация жараёнида экспресс —таҳлил. Педагогик импровизацияда инструкциянинг роли.

в) Педагогик импровизациянинг технологик алгоритми. Педагогик импровизациянинг натижалари. Педагогик импровизациянинг операционал таъминланганлиги технологик алгоритимига эришишга доир тренинг.

Умуман олганда, педагогик технология курсини ўтишда маълум қийинчиликлар вужудга келади. Курс тингловчиларнинг англанилмовчилик

келиб чиқмаслиги учун «Педагогик техника» ва «Педагогик технология» тушунчалари мазмунини тушунтириш алоҳида эътиборга лойикдир.

Ушбу мавзууни ўқитишда талабаларни таълим тизимидағи янгиликлар ҳақида, Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза, таълим да технологик ёндашиш варианatlари, педагогик технологияларнинг турқумланиши, таълим технологияларнинг босқичлари ва унинг методикасини ишлаб чиқиш ҳақидаги масалаларга асосий эътиборлари қаратилган.

**Таянч иборалар:** Нутқ ритмикаси. Паузанинг психологик ва мантиқий аҳамияти, Ўқитувчининг сўзлаш тезлиги. Ўқитувчи нутқига талаб: усул, туғрилик, тозалик, атамаларни аниқ талаффуз этиш. Нутқ маданияти ва тинглаш маданияти, миллий ҳаракат техникаси. Пантамимика техникасидан фойдаланиш. Ўқитувчининг ташқи кўриниши. «Муаммоли вазият», Педагогик импровизация технологияси. Педагогик восита технологияси. Этик ҳимоя технологияси.

### **Такрорлашучун саволлар.**

1. Таълим тизимидағи янгиликлар ҳақида гапиринг.
2. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза.
3. Таълимда технологик ёндашиш варианtlари деганда нимани тушундингиз?
4. Педагогик технологияларнинг турқумланишини изоҳланг.
5. Таълим технологияларнинг босқичлари ва унинг методикасини ишлаб чиқинг.

## **15 боб. “БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” МАВЗУСИНИ ҮҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАШ МЕТОДИКАСИ**

### **РЕЖА:**

- “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини үқитища янги педагогик технологияларни құллаш**
- “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини үқитища мақсадлы дифференциал технологияларни құллаш**

### **1. “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини үқитища янги педагогик технологияларни құллаш**

Хозирги кунда таълим жараёнида педагогик долзарб масалаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, үқитиши ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шаклларини илмий таъминлаш киради.

Шу маңнода ташкил этилаётган маъруза ва семинар дарсларини үтказиш ва улар учун замонавий дарс ишланмаларини яратишига эътибор бериле бошланди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси ўлароқ, иқтисодий таълим жараёнида иккى соатлик “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзуидан маъруза дарсини ўтиш услубиётини “Аниқлаштирилган мақсадлы дифференциал технология”, “Кластер” технологияси, “Интервью” каби янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишни амалга ошириш мумкин, шунинг учун асосий эътибор дарс ўтиш услубиётига қаратылди.

#### **Мавзу: Бизнес ва тадбиркорлик.**

*Дарснинг мақсади:* Талабаларга бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик ва мулқ, тадбиркорлик тамойиллари, гурухлари, фирмалар каби иқтисодий тушунчалар ҳақида маълумот беріш ва уларда иқтисодий билим, күнімка ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

#### *Дарснинг бориши:*

*Ташкилий қисм:* талабалар билан саломлашиб, аудиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

*Асосий қисм:* Аввалги дарсларда үтилган мавзуларни тақрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги мавзуни баён этишига асос тайёрлаш мақсадида тегишли саволлар билан талабаларга мурожаат қилинади. Сўнгра янги мавзу баёни қуйидаги режа асосида ташкил этилади: (бу режа аниқлаштирилган мақсадлы дифференциал технологиянинг “С” стандарт дастурини ташкил этади).

1. Бизнес ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг моҳияти, ривожланиш шарт-шароитлари.
2. Тадбиркорлик белгилари ва гурухлари.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланувчи хўжалик юритувчи субъектлар.
4. Тадбиркорликни давлат томонидан рафбатлантиришнинг шакллари.

*Дарс жиҳозлари:* Президент асалари, буклетлар, фото альбомлар, жадвал ва графиклар.

*Дарсда қўлланиладиган воситалар:* компьютер, видео кўзгу, проектор, мултимедия.

*Дарс ўтишида қўлланиладиган услублар:* оғзаки, кўргазмали, амалий, , сухбат, интервью.

*Дарс ўтиши технологияси:* интервью, Кластер, Бумеранг, аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология.

Режа саволларига жавоб беришга ўтишдан аввал ўқитувчи талабаларни тадбиркорлик ва бизнес тушунчаларини қай даражада тушунишларини ўрганиш мақсадида, бир вақтнинг ўзида **ИНТЕРВЬЮ, БУМЕРАНГ, КЛАСТЕР технологияларидан** фойдаланиб уларга қуидаги саволлар билан мурожат қилиши мумкин: (саволлар берилишидан аввал ўқитувчи гурухни учга бўлиб олади. Ҳар бир гурухга тегишли технология топшириқлари берилади):

**ИНТЕРВЬЮ технологияси** бўйича: Айтингларчи, бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари бир-биридан нимаси билан фарқ қиласди? (албатта, талабалар ўз жавобларини кетма-кетликда баён этадилар)

**БУМЕРАНГ технологияси** бўйича қуидаги саволлар иккинчи гурухга берилади, лекин улар жавобларини ёзма равишда баён этишлари уқтирилади).

1. Тадбиркорлик фаолияти билан кимлар шуғулланадилар?

2. Кичик ва хусусий бизнес деганда нима тушунилади?

3. Тадбиркорлар амал қилиши зарур бўлган қонун-қоидалар қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

**КЛАСТЕР технологияси** бўйича: учунчи гурух талабаларига ўқитувчи бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари билан боғлиқ таянч ибораларни тармоқларга бўлиб ёзишларини талаб қиласди.

**ШАРТ.** Ҳар бир гурух тайёр бўлгандан сўнг, бир бирларига халақит бермасдан жавоб беришлари керак, ҳар бир жавоб диққат билан тингланиши зарур ва талабалар бир-бирларини фикр-мулоҳазаларни хурмат қилишлари керак.

(Юкорида қўлланилаётган технологиялар биринчидан, талабани уйда қанчалик мустакил тайёrlанганлигини кўрсатса, иккинчидан, ўқитувчи учун мавзу баёнида бу фикрлар таянч иборалар вазифасини ўтайди, яъни талабани бор билимини ўқитувчи бошқа материаллар асосида бойитади).

Айтилган фикрлар ўқитувчи тамонидан умумлаштирилади ва режада берилган ҳар бир саволга ўқитувчи талабаларнинг жавобларига асосланиб, тушунтиришлар беради, яъни маъруза қиласди. Маъруза матни олдиндан талабаларга тарқатилганлигини инобатга олиб, уни биз қуида келтирмаймиз. Маъруза дарси сўнгида ўқитувчи мавзу юзасидан талабаларнинг саволларига жавоб беради, умумлаштиради ва уйга вазифа бериб, дарс якунланади.

## **2. “Бизнес ва тадбиркорлик” мавзусини ўқитишда мақсадли дифференциал технологияларни қўллаш**

Энди мазкур мавзуни семинар машғулоти мисолида дарс ўтиш услубиётини келтирамиз. Семинар машғулоти аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология асосида ўтилади..

**Мавзу. Бизнес ва тадбиркорлик.**

*(2 соатлик семинар машғулоти мисолида)*

**Дарснинг мақсади:** Талабаларни маъruzada олган билимларини: бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик ва мулк, тадбиркорлик тамойиллари, гурухлари, фирмалар каби иқтисодий тушунчаларни қай даражада ўзлаштирганликларини назорат қилишдан иборат.

**Дарснинг бориши:**

**Ташкилий қисм:** талабалар билан саломлашиб, аудиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

**Асосий қисм:** Аввалги дарсларда ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги мавзу бўйича семинар саволлари муҳокамаси.

**Дарс жиҳозлари:** Президент асарлари, буклетлар, фото альбомлар, жадвал ва графиклар.

**Дарсда қўлланиладиган воситалар:** компьютер, видео кўзгу, проектор, мультимедия.

**Дарс ўтишида қўлланиладиган услублар:** оғзаки, кўргазмали, амалий, , сухбат, интервью.

**Дарс ўтиши технологияси:** аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология.

**ИЗОҲ.** Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологияда учта табақалаштиришнинг турли даражадаги: “A”, “B”, “C” дастурлари ажралиб туради.

**Дастур қўйидаги вазифаларни ҳал қиласди:**

-муайян даражадаги билим, малака ва қўникмаларни таъминлайди;  
-таълим олувчилярнинг маълум даражадаги мустақиллигини таъминлайди.

Демак, юқоридагилар асосида дарс ўтиш услубиётини келтирамиз.

### **“C” ДАСТУР**

“C” дастури таянч стандарт сифатида қайд қилинади. Уни бажариш орқали таълим олувчиilar фан бўйича ўқув материалини, уни қайта тиклай олиш даражасида ўзлаштирадилар. “C” дастури вазифаларини нисбатан қийин дастурга ўтмасдан олдин ҳар бир талаба бажара олиши лозим. Яъни бизнинг намунадаги мавзуумизда маъруза дарсидаги режа саволлари «C» дастур учун асос бўлади. Чунки, бу материаллар билан маъруза дарсида ҳар бир талаба танишган ва семинарга тайёрланиш жараёнида мустақил билимга эга бўлганлар. Демак,

1. Бизнес ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг моҳияти, ривожланиш шарт-шароитлари.

2. Тадбиркорлик белгилари ва гурухлари.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланувчи хўжалик юритувчи субъектлар.

4. Тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантиришнинг шакллари.

(Юқоридаги саволлар талабалар тамонидан атрофлича ёритилга, ўқитувчи «С» дастур материалларини тўлдирадиган, кенгайтирадиган ва талабаларни мустақил ишлашларини таъминлайдиган «В» дастурига ўтилади. Бу дастур саволлари асосан талабаларни амалий ишлашларини таъминлаши лозим. Бу жараёнда улар мушоҳадалайди, фикрлайди, хулоса қилади, мустақил қарор қабул қилади, мантиққа асосланади. Бу дастур саволлари асосан «яхши» ўзлаштирадиган талабаларнинг билимини инобатга олиб тузилади).

### **«В» ДАСТУР**

ИЗОХ “В” дастури мавзуни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур бўлган ўқув ва ақлий фаолиятининг умумий ва ўзига хос усуллари билан эгаллашни таъминлайди. Ушбу дастурга киритиладиган қўшимча маълумотлар биринчи босқич материалларини кенгайтиради, асосий билимларни исботлайди, намойиш этади ва ойдинлаштиради, тушунчаларнинг амал қилиш ва қўлланишини кўрсатиб туради.

1. Сиз бизнесга қизиқиб қолдингиз, уни ўрганиш учун кичик корхонаси бор танишингиздан корхонасининг йиллик ҳисоботини кирим-чиқим, фойда-зарар қандай бўлишини билиш учун бериб туришини сўрасангиз, у рад жавобини берди. Нега у шундай қилди?

2. Сиз бўш вақтингизда уйингиз олдида магазинда ишлаб пул топасиз. Сизнинг акангиз эса доимо улгуржа бозордан товар олиб, шу магазинда чаканага сотиб юради. Бу ерда ким тадбиркорлик қилади, ким ёлланиб ишлайди?

3. Фирма товарларининг нархи кўтарилиб, ўртacha даромад 10% га ошди, аммо фирма фойдаси 5% камайиб кетди. Нега шундай бўлади?

(Бу берилган саволларга талабалар мустақил мантиқан ёндошган ҳолда жавоб топадилар ва ўзаро муҳокамага киришадилар. Ўқитувчи бу ерда кузатувчи ва йўл кўрсатувчи вазифасини ўтайди. Яъни, баҳс жараёнини назорат қилади. Сўнг мунозарани ниҳоялаб, умумлаштиради ва якуний хулоса қилиб, «В» дастурдан ҳам мураккаброқ бўлган, уни материалларини янада тўлдирадиган, кенгайтирадиган «А» дастурга ўтилади. Бу дастур саволлари асосан «аъло» ўзлаштирадиган талабаларнинг билимини ҳисобга олиб тузилади).

### **«А» ДАСТУРИ**

ИЗОХ: “А” дастури талабаларнинг иқтисодий билимларини тўла англаш, ижодий қўллаш даражасига кўтаради. Бу дастурда ижодий қўллаш истиқболи тобора такомиллашиб борувчи маълумотлар, чукурлаштирилган материаллар, уларнинг мантиқий асосланганлиги жойлаштирилган.

1. «Шухрат» фермер хўжалиги йил давомида тракторларни ишлатиш учун 2,5 млн, ўғит учун 1,5 млн. уруғли учун 0,5 млн. ер ижараси учун 0,5 млн, транспорт учун 1,5 млн. ёқилғи, электр энергия учун 1,5 млн. иш ҳақи ва у юзасидан бўлган бошқа тўловлар учун 3,0 млн. сўм сарфлади. Жами-13,75

тонна пахта ҳосили олди. Бир центнер пахта таннархини аниқланг? Шу фермер хўжалиги пахта сотишдан олган тушуми 13,2 млн сўмни ташкил этди. Хўжалик учун пахта етиштиришнинг рентабеллигини ҳисоблаб топинг.

2. “Кўшчинор” фирмасининг капитали 250 млн. сўм. Унинг йиллик обороти 6 марта кўп бўлади. Ҳар айланиш мобайнида 30 млн. сўм фойда кўрилади. Фирманинг йиллик фойда нормасини ҳисоблаб чиқинг.

Ушбу келтирилган масалалар талабалар тамонидан бажарилади ва ечими топилади. Ўқитувчи масалаларни ечишда талаба қандай ёндашаётганлигини назорат қиласи, мантиқан фикрлаётганини кузатади ва ечилган масалаларни жавобларини текширади. Талабага тегишли изоҳлар, тузатиш ва тушунтиришлар беради.

**Якуний қисм:** кейинги семинар дарси саволлари берилади ва талабалар билан кейинги дарсгача хайрлашиб, дарс ниҳояланади.

Юқоридагилардан қисқача хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологиясидан фойдаланиб иқтисодий билимларни ўқитишида қўйидаги самарадорликка эришилади:

-талабада мукаммал иқтисодий билим, малака ва кўникма ҳосил бўлади;

-талаба таълим жараёнининг нафакат обьекти, балки субъектига айланади;

-талабада иқтисодий тафаккур камол топади;

-талаба ўйланади, изланади, мушоҳадалайди ва натижада мустақил қарор қабул қиласи;

-фикрни очиқ баён қилишни ўрганади;

-талабаларнинг иқтисодий билимга бўлган қизиқиши кучаяди, иқтисодиётга қизиқиши кузатилади;

-иқтисодий таълимда кетма-кетлик юзага келади.

Демак, бу каби технологияларни иқтисодий таълим жараёнига жалб қилиш йўлларини белгилаш таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Мавзуга доир таянч иборалар:** Аньанавий маъруза дарси, Аньанавий семинар дарси, педагогик технологиялар, мақсадли дифференциал технологиялар, дастурлар, тадбиркорлик, бизнес, капитал, хўжалик юритувчи субъект, фирма, давлат корхоналари, корхона, аралаш фирмалар, концерн, концорциум, коорпорация, агрофирма, хиссадорлик жамиятлари.

### **Тақрорлаш учун саволлар.**

1. Тадбиркорлик фаолиятига таъриф беринг.

2. «Бизнесмен», «Тадбиркор», «Ишбилармон», «Мулқдор» тушунчаларини изоҳланг.

3. Тадбиркорликнинг шаклларини ва уларнинг хусусиятларини кўрсатинг.

4. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятининг шаклларини айтинг?

5. Тадбиркорлик капитали нима? Унинг таркибий тузилиши қандай?

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И. А. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
2. Ғуломов С. С., Шарифхўжаев М. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Т., “Ўқитувчи”, 2000.
3. Шодмонов Ш., Алимов Р. Иқтисодиёт назарияси. Т., “Молия”, 2003.
4. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. Т., “Молия”, 2000.
5. Д.Тожибоева. Касбий фанларни ўқитиш методикаси. Т., 2003.
6. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши “Насаф”, 2000.
7. Хўжаев Н ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. Т., 2002.
8. Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. Т., 2004.
9. Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. Т., 2003.
- 10.Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Т. 2002.
- 11.В.Чжен. Бозор қонунияти асослари. Т.«Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси», 1996.
- 12.А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев «Иқтисодиёт назарияси» Т., «Мехнат», 1995.
- 13.Мавлянова С. «Педагогика» - Учебник, Т. Уқитувчи. 2002
- 14.Бордовская Н.В. и др. «Педагогика» - Учебник, М., 2000
- 15.Сластенин В.А. и др. «Педагогика» Учебное пособие - М. 2002
- 16.Мавлянова Р.А. Дидактика. Курс лекции. Т., 2000